63.3
Ю 64



# Юракдаги Бухоро

63.3(5У)
Ю-64

*БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ*

# ЮРАКДАГИ БУХОРО

## *Юрт тарихидан сабоқлар*

### *Ижтимоий ҳаётдан лавҳалар, хотиралар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1998 ЙИЛ

Бух. ТИП и ЛП
БИБЛИОТЕКА
№ У 2160

Бухоро эзгулик шаҳри — қадимги аждодларимиз уни шундай аташган, жаҳон маданиятининг ёрқин ва қадимий учоғи бўлган бу шаҳарни биз, авлодлар ҳам шундай атаймиз. Бу ерда асрлар давомида ноёб маданият вужудга келди, улуғ заковат соҳиблари таваллуд топиб ижод қилдилар, тарихда ўчмас из қолдирдилар.

*ИСЛОМ КАРИМОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти.*

Тузувчи ва масъул муҳаррир:
РАЖАББОЙ РАУПОВ

*Тўплам Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Бухорои Шариф» жамғармасининг ҳомийлигида чоп этилди.*

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти.
1998 йил

## МУҚАДДИМА

*Мозий — ҳақиқатнинг тарозисидир.*

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ.

«Бухоро халқ инқилоби». Ушбу мавзу узоқ йиллар шўро мафкурасининг туб-тубига кўмилди. Тўнтариш (1920 йил 2 сентябрь) халқ номи билан боғландию, аслида эса халқдан бекитилди. Мақсад: босқинчиликнинг умрини узайтириш, мустамлакачиликнинг маданий ниқобини турли шаклларда намоён этиб, ёш авлодни чалғитиш, уларни Ватан, Миллат каби муқаддас тушунчалардан узоқда тутиш эди.

Юртимизда қон билан, зўрлик билан тикланган салтанат ўз олдига қўйган мақсадига эришди. Онгимизда, шууримизда, ҳаракатимизда ўтмишга нисбатан душманлик руҳи кўкарди. Бу «дарахт»нинг аччиқ меваларини бадиий адабиёт, фильмлар, тарихий китоблар, картиналар, шиорлар орқали узоқ йиллар армонсиз тотдик.

Биз — ўттиз-қирқ ёшли авлод йиллар давомида Бухорони музей сифатида томоша қилибмизу, лекин эски Бухоро (шўро тузумидан кейинги атама)ни мустақил бир давлатнинг томири эканини унутибмиз. Мустақиллик, давлат каби миллий ифтихор туйғуларидан йилма-йил узоқлашибмиз. Бухоро мустақил давлатдан то кичик бир вилоят мақомини олгунча ўтган фурсат — тарих йиллар қатида кўмилган эрса-да, чарсиллаб ёниб турди, лекин биз бу алангадан четда қолавердик.

Эсланг, 1920 йил 6 октябрда Бухоро амирлиги Бухоро Халқ Жумҳурияти деб эълон этилди. РСФСР билан Бухоро Халқ Жумҳурияти ўртасида Москвада 1921 йил 4 март иттифоқдошлик шартномаси имзоланди. Шартноманинг 1-моддасида Совет Русияси давлати Бухоро Халқ Жумҳуриятини мустақил давлат сифатида таниганди...

1921 йил 15 июнда Бухоро ҳукумати Туркиянинг Улуғ миллат мажлисига ва Эрон ташқи ишлар вазирлигига нота юбориб, ўзаро вакил айирбошлаш ҳақида битим таклиф қилган, натижада шу йилнинг 3 ноябрида Туркия дипломатик миссияси, 9 декабрда эса Эрон консуллиги Бухорода иш бошлаган эди...

«Бухоро халқ Шўролар жумҳуриятининг Конституцияси» (Фитрат таҳририда) 23 сентябрда Умум Бухоро халқ вакилларининг II қурултойида қабул қилинган эди.

Юқорида саналган далилларнинг бари мустақил давлат пойдеворига қўйилган илк ғиштлар эди. Не бахтки, ўзбек халқи шу воқеаларга 70 йил тўлгач, яна қайта ўз мустақиллик пойдеворини тиклади...

Матбуотда Бухоронинг «2500 йиллигини» ўтказиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Бизнинг ниятимиз ушбу тўпламда Бухоро санасини аниқлаш ёки у ҳақида баҳс этиш эмас. Тарих шундай қайсарки, у уч-тўртта олимнинг илмий хулосасини бир ҳамла — бир далил, топилма билан четга суриб қўяди. Шундай экан, биз Бухоро санасини одил ҳакам — вақт ихтиёрига топшириб, Амирликнинг қулатилиши, 1920 йилги тўнтариш, дастлаб демократия асосида ташкил топган халқ жумҳурияти, Туркомиссиянинг ҳарбий сиёсати, «Ёш бухороликлар» ва уларнинг ислоҳот лойиҳаси, инқилобга ишонган ватанпарвар ўғлонлар фожеаси каби турли мавзуларга эътиборни қаратдик. Албатта, бу тўплам чуқур илмий тартиб ва қомусий тўлалик даъвосидан йироқ, лекин шунга қарамай мамлакатимизнинг суронли кечмиши, мустамлакачиликнинг илк даври ҳақида маълумот беради. Умуман, улуғ санага бағишланган китобни мазмунан бойитиш, сифатли нашр, муносиб тарихий тўплам тайёрлаш мушкул иш. Шундай бўлса-да, ишни тўхтатмадик. Бухоронинг шон-шавкати учун куранадиган, чин фарзандларининг мададига суяндик. Шу ўринда хаёлимни бир мулоҳаза банд этади: бир йил эмас, минг йил Бухорода яша, нон-тузини тот, амалу имконидан фойдалан, барибир, юрагингда Бухоро бўлмаса, қийин экан. Бухоро ҳақида тўплам тайёрлаш жараёнида шундай хулосага келдик. Албатта, ҳар ишнинг ўз мушкулоти бор, аммо, хурсандмизки, эзгулик эзгуликни бошлаб келди.

Самойддин Ҳусеновнинг Бухоро вилояти ҳокими этиб тайинланганини кўпчилик қатори вилоят ижод аҳлининг қалбига умид, ойдинлик олиб кирди. Ниятларимиз холис экан, кўп ўтмай Бухорода улкан ўзгаришлар, ақл бовар қилмас фурсатда янги қурилишлар қад ростлади. Бухорога тозалик, хайру барака кирди. Бухорони Бухородек кўриш, тасаввур этишга имкон туғилди. Хайрли тадбирлар ташкилотчиси — вилоят ҳокими ҳамон эзгу ишларни давом эттириб, Бухоро улуғларининг руҳини шод этмоқда. Мухтасар айтганда, Бухоро мавзуси бир эмас, бир неча жилдларга-да сиғмайдиган тарих, уни ўрганиш, ёзиш ва чоп этиш пайсалга солиб бўлмайдиган энг муҳим вазифамиздир. Иншооллоҳ, юртимиз тарихига бағишланган иккинчи тўпламда Бухоронинг икки минг беш юз йиллик арафасидаги ва сўнгги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

*Ражаббой РАУПОВ.*

*Ражаббой РАУПОВ*

# БУХОРО: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

* Рад этиб бўлмас далиллар
* Бухорода ўтказилган эксперимент
* Биринчи Турк дипломатик миссияси Бухорода иш бошлаган эди.
* Тўрт ой умр кўрган Конституция

* * *

— Қоч-қоч, қизил аскар босди, уйга кир, бекин! Болалигимда амир Олимхоннинг Бухорони «таплаб қочиши»ни (аслида қувилган) боболар шундай эслашарди. — Биз қочиб уйга кирдик, кўчаларни тўлдириб тасур-тусир — тўполон билан қизил аскар ўтди. Кейин билсак, Амир қочибди!..

Ушанда боликка бориб «Амир ким?», «Қизил аскар ким?» «Нечун улар Бухорога бостириб кирди, амирни қочишга мажбур этди?» — деб ҳеч кимдан сўрамаганман. «Бухоро халқ инқилоби»дан уттиз беш йил ўтгач туғилган бола — мен учун бу саволнинг тубига етиш оғир кечар, аввало дарсликларда аниқ-равшан ёзилган тарихни ўқигач, балки юқоридаги саволга ўрин ҳам қолмас. Лекин барибир, бора-бора кўнгилда шубҳа туғилди, юрагимни саволлар тирнади. Биз, ёшларни маърифат, маданият нурига йўғириш ниятида битилган китоблар, айниқса, тарих дарсликларида ўтмиш қоп-қора — бобокалонлар номаълум, боболар босмачи, жоҳил, оталаримизни эса саводсиз деб уқтирдилар, шоҳу амирларимизни жаллод, халқнинг қонини зулукдек сўрувчи — илм-маърифатдан йироқ шахслар мисолида тушунтиришар, биз, аълога ўқишни орзулаганлар эса бу ўгитларни миямизга жойлашга тиришардик.

Шу тахлит биз тенг авлод ва биздан олдинроқ туғилганлар орасидан шундай бир «саводхон» қавм-гуруҳ етишиб чиқдики, улар «қизил империя»нинг махсус дастури билан тарбияланган, улғайган кимсалар, яъни ўзининг кимлигини, ўтмишини унутганлар ҳар қандай шароитда ҳам ўзи униб чиққан замин, ақидалар, шиорлар — шуларни ниқоб қилиб

социализм, коммунизм, коммунист, комсомол, пионер, ленинчи каби мустамлакачиликнинг дастакларини маҳкам тутганларнинг қўлида қурол эдилар. Ҳа, улар ўқ эди, улар тўппонча эди. Отиларди, беаёв отиларди. Душманга эмас, дўстга, фарзандга, Ватанга қарата отиларди.

Бугун ўша болалик пайтимдаги бобоexternalларнинг ваҳимали сўзларини бот-бот эслайман: «Қоч-қоч, қизил аскар босди, уйга кир, бекин!..» Биз қочиб уйга кирдик. Қочмаганни, бекинмаганни аямай отарди, куча-куйда ким кўринса, бари қизилнинг ўқига учдиёв. Кейин билсак, кўзи қўрқсин деркан-да, шу-шу қизил деса, болаю катта ҳамманинг танига титроқ кирадиган бўлди, унга қарши камдан-кам киши қўл кўтарди, битта-яримта юртпарвар мард чиқди-ю, барибир, большавойларнинг қўли баланд келаверди. «Босмачи» номини олган бизнинг мардларимиз тоғу тошда, чўлларда отилди, қўлга тушди, баъзилари ёлгон ваъдага ишониб, қурол-яроғи билан ўзини қизилларга топширди...»

Ҳа, хотиранинг давоми узун, узундан-узоқ хотираю кечмишнинг бари Ватан, Миллат тақдирига боғланиб, биз — авлодларнинг ҳукмига кўз тикиб турибди...

«Қоч-қоч, қизил аскар босди, уйга кир, бекин! Биз қочиб уйга кирдик...» (Ўшанда улар ўн-ўн тўрт ёшли бола бўлишган).

Ҳа, уйга кирдик, Бухорога биринчи бор ўқ узилган. (1918 йил) ондан бошлаб уйга кирдик. Бекиниб ётдик, узоқ вақт уйдан чиқмадик...

«Кўчаларни тўлдириб қизил аскар ўтди...»

Ватан — Бухоро тарихи, «инқилоб»и ҳақида бор-йўқ билганим, эшитганим шу!

Сўнг ота-онам кўрмаган (Свердлов номидаги ўрта мактабда шундай таълим берилган) мактабга бордим, муаллим биз — ўттиз чоғли болани нотаниш киши сурати осиглиқ хонага бошлаб борди... Бу киши оғамиз, билимдон-донишкиши, инқилобчи, фирқа, — деб таништирди. — Сизлар бугундан бошлаб свердловчи аъло баҳода ўқийман, деб сўз беринглар!» — деди. Сўз бердик.

Дарслар бошланди. Инқилобга довур «икки фоиз» саводли бўлган халқ довруғини оламга ёйиш, мақтаниш учун «илм»га берилдик. Подшоҳ борки, қора суркиб, мисол тополмасак, ўртоғимизнинг бобоси босмачи ўтган десак, муаллим «аъло» баҳо қўяверди. Бутун синф — ўттиз чоғли ўғил-қиз ёппасига тарихчи бўлдик.

Шундай қилиб, «билим» олишда давом этдик. Ўлмаган жон деганларидек, «Бухоро инқилоби»га ҳам етдик. Бу ҳақда китобларда ёзилган матнни равон ўқиш даражасига етдик:

«1920 йилнинг ёзида революцион бюро тузилди. Унинг таркибига Турк комиссияси аъзоларидан М. В. Фрунзе, В.В. Куйбишев, Бухоро Компартиясининг раиси Н. Ҳусаинов, революцион ёш бухороликлар кирди. БКПнинг IV съезди амир ҳокимиятини РЕВОЛЮЦИОН ЙЎЛ билан агдариб ташлаш ҳақидаги ТАРИХИЙ ҚАРОР қабул қилди. Съезд РЕВОЛЮЦИОН ХАЛҚНИНГ ИСТАГИ билан (РКП) (б) МК ва РСФСР ҳукумати вакилига мурожаат этиб, ундан амир ҳокимиятини ағдариб ташлашда меҳнаткаш оммага ёрдам беришни сўради...»

Эътибор беринг: «Революцион йўл», «тарихий қарор», «революцион халқнинг истаги», «меҳнаткаш оммага ёрдам» — ишонмай кўрингчи бу сўзларга! Вақт ўтиб, ниқоб йиртилгач, «Э, бечора, революцион халқ, сенинг номинг билан нималарни ёзишмади-я, дейишдан нарига ўтолмайсиз. Бугун ўшандаги «революцион халқ»нинг ҳолини тасаввур этиш мумкин.

Қонли воқеалар иштирокчилари — алдовга учганлар, тезда хиёнатга шогирд тушган фарзандлар Бухоро Россияга тўла қарам бўлгач, узоқ вақт хотиралар ёздилар. Турли инқилобий саналар (масалан, Бухоро инқилобининг... 50, 60, 70 йиллиги) муносабати билан уларнинг эсдаликлари яна бир бор алданган халқнинг маънавий дастурхонига ташланар, кимлардир бу «иссиқ нон»ларни тўйиб-тўйиб, суйиб-суйиб тановвул этарди.

Беш-ўн йилда бир бор келадиган санани «тарихчи»лар илҳақ кутишар, чунки ота Бухоронинг сохта тарихини тўқишда кенг майдон яратилган, кучинг етгунча, отинг чопгунча улоқ сур — марра сеники! Билишмасдики, майдонда от, улоқ, чавандозлар билан бирга ҳақиқат шамоли ҳам бор эди.

«Бухорода советлар учун кураш ҳал қилувчи даврга кирди. Революцияга раҳбарлик қилиш учун партия маркази тузилди. Бу марказга В. Куйбишев, Н. Ҳусаинов, Ф. Хўжаев ўтди. Ниҳоят, революция 1920 йил 28 августда бошланди. Эртаси куни тонг отарда отрядлар Чоржўйни ишғол қилди. Бу ердаги бек ағдариб ташланиб, коммунист Бешим сардор бошчилигида вақтли ревком тузилди. Ревком халққа мурожаат қилиб, уни амирга қарши (?) кураш бошлашга даъват этди. Айни вақтда ревком халқ номидан (?) Қизил Армияни (?) ёрдамга чақирди...

Бундай «тарих»ни ўқиб, «Э, яша, ревком Бешим сардор!» дегинг келади. У халққа мурожаат этиб, амирга қарши кураш бошлашга даъват этганда, халқ уйида жимгина ўтириб эртанги тирикчилигини ўйлар, сардор бўлса, халқ номидан

Қизил Армияни ёрдамга чақирарди. Пичоқнинг сопини ўзидан чиқариш, деб шунга айтадилар!

Ва, ниҳоят, «Ўлкамизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва ёш авлодни революцион руҳда тарбиялаш» ниятида ёзилган китобдан («Жанговар йиллардан лавҳалар», А. Набиев. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти. Тошкент 1968) сўнгги мисол:

«Совет Россияси азоб-уқубат чекаётган Бухоро халқига (аслида уйида жимгина нима бўлишини кутаётган халққа) дарҳол ёрдам қўлини узатди. Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзе Бухоро халқига ёрдам (?) учун Қизил Армиянинг сараланган (?) қисмларини юбориш ҳақида буйруқ берди. Қизил Армия қисмлари Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Кармана ва бошқа шаҳарларни қўлга киритди. 2 сентябрда тўрт кунлик жанглардан сўнг эски Бухоро ҳам эгалланди.

Яна ўша «мурувват» — «Бухоро халқига ёрдам», «Қизил Армиянинг сараланган қисмларини юбориш». Бунинг устига «дарҳол ёрдам қўлини узатиш».

Шунчалик меҳрлимиди бу қўл?

Нечун Фрунзе бунча тез ёрдам қўлини чўзди экан?

Бухоро амирлигини, саройларда бекиниб олган «душман»ни янчиш учун 70 минг жангчи («Родина», 1989 йил, 11-сон) 40 замбарак, 5 бронепоезд, 11 самолёт сафарбар қилинди. Туркистон ҳарбий округи музейининг кўргазмаларида таъкидланишича, Николай Алексеевич Ласкин деган учувчи ҳужум пайтида Бухорога 26 пуд бомба ташлаган. Амирнинг ҳарбий таълим кўрмаган 13 минг сарбозига қарши шунча замонавий қурол ва жанговар аслаҳа! «Ҳужум қўққисдан бошланди. Олдинда амир пойтахтининг деворлари... Бу деворлар олти аср бурун қурилган, баландлиги эса беш саржинга яқин... Дала тўпининг ўқи деворнинг бир қисмини кўчириб юборганига қарамай, деворларни олиш қийин бўлди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам уларни олиш керак эди. Энг ботир ўртоқларнинг ҳаётини қурбон қилиб бўлса ҳам шаҳар деворининг бир жойидан кичикроқ туйнук очишга эришдик. Яқин келтириб қўйилган тўплар Қарши дарвозасининг арчадан ясалган табақаларини тўпга тутди. Арк олди ва атрофи ловуллаб ёнмоқда эди» — Г. Омелюстий. «Под стенами Бухары». «Сборник статьей десятилетию Бухарской и Харезмской революции». Т., 1930). Бухорони яксон қилиш операциясида қатнашган рус ҳарбийларининг ҳисоботномаларини ўқиган ўзбек олими Ҳамидулла Болтабоев аламдан «Инқилобми бу ё рус ҳарбийлари уюштирган қуролли тўнтаришми?» деб бонг урганди — («Шарқ юлдузи», 1991 йил, 1-сон).

Бири биридан қайсар далилу ҳужжатларни ўрганар эканман, жисму жоним «амирнинг беадад бойликлари тўпланган қордек оппоқ саройига», масжиду мезаналар, мадрасаларга қўшилиб ёна бошлайди.

Бир юртга босқин бўлса, шунчалар бўлар!

Бир юртни талаш, камситиш, қул қилиш бўлса, бундан ортиқ бўлмас?!

Россия молия министри Виннегородский: «Бухоро, Самарқанд, Хива рус тожидаги энг қимматбаҳо дур» («Шарқ юлдузи», 1990 йил, 189-бет) деб атаган бўлса, Ленин «Туркистон мустамлакачиликнинг энг ёрқин намунасидир» деганида ҳақиқатни тан олган эди. Шунга қарамай у сўзда тан олиб, амалда эса Бош қўмондон Фрунзенинг: «Бронепоездлар ҳимоясида Эски Бухорога шиддатли ҳужум қилинсин!» деган буйруғини қўллаб-қувватлади. Регистон устида «ЖАҲОН ИНҚИЛОБИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ»ни ўрнатиш учун Бухорога ўндан зиёд «форман», фарсал», «совпвич», «ньюпор», «ваузен», «альбатрос» каби ҳарбий самолётлар — махсус авиаотряд юборилди. Шубҳасиз, ҳарбий зўравонликсиз Бухорони босиб олиш, амирлик ҳудудида тўнтариш қилиш мумкин эмас эди. Ленин буни яхши англагани сабабли зўравонликнинг барча туридан фойдаланишга кўрсатма берди. Бунинг шу кунгача сир тутилган сабаби бор...

Ўзбекистон мустақиллигигача босқинчиликнинг қўлиаб саҳифаси бирин-кетин очиляпти, яна очилажак. Юрагимизга Фрунзе тўпи билан ўрнашган, қон-қонимизга сингиб кетган қўрқув аста-секин чекиняпти.

Тарих далолат берадики, Бухорони жуда олисдан нишонга олинган эди. Россиядан узоқда, чет бир ўлка ҳисобланмиш Бухоро амирлигини ағдариб, халқига социалистик давлат қуриб бериш — бу ишда минглаб аскар, ўқ-дори, пулемётлар, самолётлар ишлатиб, қурбонлар бериш тасаввурга сиғадиган гапми? Нима, бу шунчаки меҳр-мурувватмиди? Ёш бухороликларни қўллаб-қувватлаш ёки халқнинг ғамини ейишмиди? Йўқ...

Бухоро тўнтаришининг бу қадар тез ва осон амалга ошишига миллий шарт-шароит эмас, миллий кадрлар асосий рол ўйнайди. (Маълумки, мураккаб тақдирли Ёш бухороликларнинг кейинги ҳаёти фожиаларга тўла). Дастлаб олдиларига қатор маданий-маърифий дастурлар ўтказишни, кейинчалик ер-сув, ҳарбий, молия ва ички ҳамда ташқи ишлар, қозихона муассасалари, давлат муҳофазаси, йўллар ва қазилма бойликлари, маориф соҳасида ислоҳот ўтказиш лойиҳасини ишлаб чиққан инқилобчи Ёш бухороликлар партияси (Фитрат, Файзулла Хўжаев, Абдувоҳид Бурҳонов, Усмонхў-

жаев...) раҳбарлари ва аъзолари кўп ўтмай (1920—1922 йиллар) Бухорода халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги қиргинлар, йўқотишлар, Турккомиссиянинг ғайриқонуний ҳарбий сиёсатини тўла тушуниб етдилар. Афсуски, кеч эди. Бухоро қўлдан кетган, мамлакатни мустақил демократик давлатга айлантириш ва бошқариш йўлидаги барча ҳаракатлари сароб бўлиб чиқди. «Бухоро халқ Шўролар жумҳуриятининг Конституцияси» эълон этилганидан (1921 йил 23 сентябрь) тўрт ой ўтмай амал қилиш тўхтатилди. Ҳолбуки, 1921 йил 15 июнда Бухоро ҳукумати Туркиянинг Улуғ Миллат мажлисига нота юбориб, ўзаро вакил айирбошлаш ҳақида битим таклиф қилганди. Таклифга кўра, ўша йилнинг 3 ноябрида Туркия дипломатик миссияси Бухорода иш бошлаган эди.

Шундай қилиб, «Марказ» — Россия Бухоронинг мустақил демократик халқ жумҳурияти мақомини тан олмади. Бухорода бундай давлат ўрнатиш «Марказ»нинг режасида йўқ эди. Шунинг учун зўрлик билан 1922 йили 22 январда («Шарқ юлдузи», 1991 йил 1-сон, 137-бет) Фавқулодда диктаторлик комиссияси тузилиб, унга «Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларни чеклаш, унинг бажарилишини тўхтатиш, Бухоро МК томонидан чиқарилган буйруқларни бекор қилиш», «Шарқий Бухоро ҳудудида исталган шахсни мансабидан қатъи назар қамоққа олиш ва ҳудуддан чиқариб юбориш» каби чекланмаган ҳуқуқлар берилди (ЎзР МДА, 48-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 35-варақ).

Кўп ўтмай РКП (б) МК Сиёсий бюроси 1922 йил 1 февралда «Бухоро масаласи»ни муҳокама қилди. Ф. Хўжаев муҳокамадан бир неча ҳафта бурун Турккомиссияга хат ёзади: «Бу масала — «Бухоро масаласи» ҳозирги вақтда яна Бухорода Туркия дипломатик миссияси иш бошлагандан сўнг (Ражаббой Ота Турк) қўзғалиб қолди ва биз учун жиддий аҳамият касб этмоқда... Сизга журъат қилиб шуни айтаманки, Бухорода ҳокимиятни алмаштиришдан иборат бирор эксперимент ўтказишни зарур деб билсангиз, буни бизга олдиндан хабар қилиб қўйишингизни илтимос қиламиз, бу ишда Сизга хизматимизни аямаймиз ва Сизга ким маъқул бўлса (унга) ҳокимиятни топшириб қўя қоламиз... Биз зўрлик билан қилинадиган тўнтаришларни истамаймиз, чунки шундай экспериментлардан сўнг Бухоро муқаррар хароба чўлга айланишини яхши биламиз...» (Асарлар, 1-том, 451—453-бетлар).

Ҳа, Файзулла Хўжаев ушбу хатида «Бухоро халқ инқилоби»нинг ТЎНТАРИШ, ЭКСПЕРИМЕНТ эканлигини ёзма равишда тан олган эди. Ўзи иштирокидаги Фрунзе босқини-

дан сўнг Бухоронинг хароба ҳолга келганини яхши англар, шаҳар галдаги зўрликни кўтаролмаслиги — чўлга айланишини мумкинлигидан хавотирга тушган Файзулла Хўжаев учун ҳокимиятни топшириб қўя қолиш афзалмасмиди? Лекин куч-қудрат тўплаётган ёш «Қизил империя» ўз мақсадига тўла эришгунча, Туркистонда ҳукмронликни қўлга киритиб, мустаҳкамлагунча — маълум муддат Файзулла Хўжаевдан фойдаланиб туришни лозим топди. Ленин дастурининг амалга ошиши учун Файзулла Хўжаев ижтимоий-сиёсий ва миллий қурол эди. Ҳар лаҳза, ҳар куни янги-янги зарбаларга тайёр туриш ва чидашдан бошқа имкони йўқ эди, унинг.

1922 йилнинг 18 майида Бухорога топшириқ билан келган Серго Оржоникидзе бошчилигидаги РКП (б) МК тафтиш комиссияси дарҳол иш бошлади. У Бухоро КП масъул ходимларини йиғиб, кенгаш ўтказди: «Биз Бухоро ҳукуматини нафақат аксилинқилобий кучлардан, балки қариндошлик алоқаларидан тозалашимиз керак... Эътироз қилмаймиз: халқ нозирларининг раиси — бухоролик, МК раиси — Бухородан бўлсин, лекин Компартия МК котиби маҳаллий миллатга алоқадор бўлмаслиги керак. Худди шу каби нозирлар кенгаши ҳам миллатни рад этмоғи лозим. Нозирлар эса миллатдан ташқарида бўлишлари лозим. Нозир бухоролик бўлса, яхши, албатта, лекин унинг рус ёки грузин бўлгани яна ҳам яхши» (А. Эшонов. Созданиев БНОР, 1920—1924 гг. Т., 1955, с. 147).

Бухорода яна ҳарбийлар сиёсати ўрнатилгач, инқилобга ишонган, суянган ташаббускор, зиёли раҳбар, арбоблар бирин-кетин Ватанни тарк эта бошладилар. Бутун Бухоро ҳарбий қўмитасининг аъзоси, ҳарбий ишлар халқ нозири Абдулҳамид Оринов, Жумҳурият Шўролар МКнинг раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев каби шахслар мамлакатдаги сиёсий танглик — рус босқинчилигининг шиддатига дош беролмай, Анвар пошшо томонига ўтиб кетдилар.

Инқилоб номи ила ижро этилган Бухоро тўнтаришининг алданган фарзанди Файзулла Хўжаевнинг овозини эса ҳеч кимса эшитмади. Шунга қарамай, тақдирдан мадад кутаётган Фазулла Хўжаев ўзи ўстирган инқилобий дарахтининг мева беришини сабр-бардош билан кутди. Унинг сўнгги йиллари умидворлик ва кураш, алданганини ҳис этишдек азобда кечди, энг сўнгги кунлари эса савдогар отасидан мерос қолган мол-мулкни, Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхон хазинасини Совет ҳокимияти ихтиёрига қўш қўллаб топшириб, эришгани — Ленин партиясининг турмасида ўтди.

— Мен нақадар оғир жиноят қилиб қўйганимни тушундим... — Бу унинг сўнгги, Совет ҳукуматига қилган холис,

беминнат хизматлари учун мукофот — отув олдидан айтган сўзи эди.

Кўнгилда армонли тақсир: у кеч бўлса-да, оғир хато қилганини англади...

Амир Сайид Олимхончи? Тақдир уни-да аямади. Тўнтаришгача ўз ҳудудидаги давлат ва фуқаролари ҳаёти, мол-мулкига қонуний ҳуқуққа эга олий ҳукмрон Сайид Олимхон сўнгги кунларини Афғон тупроғида муҳожирликда ўтказди. У муҳожирликда яшаса-да, қонуний тахтидан, Бухородан умидини узолмади.

Совет ҳукумати амир хонадонига нисбатан мисли кўрилмаган шафқатсизлик қилди. Унинг уч ўғлини қонунсиз бир умр тутқунликда сақлади... Бу билан «Қизил империя» яна бир карра асл қиёфасини, мақсадини ошкор этди.

Энди навбат — топталган, таланган юртимиз, ўша даврда бой берилган мустақиллигимиз тарихини ёдга олиш, тасаввур ва далилларга таяниб ҳақ гапни айтишдан иборат[1].

*Ражаббой РАУПОВ*

## ЮРАКДАГИ БУХОРО

*Ев макрига қондинг, эй, Бухоройи Шариф,*
*Гулхан каби ёндинг, эй, Бухоройи Шариф.*
*Ўн олти вагон тилло бериб Московга,*
*Итларга таландинг, эй, Бухоройи Шариф.*

Жамол КАМОЛ.

Бухоро — сомонийлар, салжуқийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар ҳукмронлик қилган юрт ҳақида ўйлаганимда ақли ҳушим оддий ҳақиқатлар қаршисида тош қотади.

Ҳар қайси хон, амирнинг ўз ўтмиши бор... Ҳақиқат тарих қатламларида сир экан, бугун у асл қиёфасини ошкор кўрсатсин, токи юракларда шубҳа қолмасин.

Бухоронинг сўнгги амири — Сайид Олимхон оқловчи ҳимоясига муҳтож эмас, бугун биз учун муҳими — зўрлик билан қулатилган тож-тахт тарихини ўрганиш. Бу дегани мустақил Ўзбекистон тарихини билиш, ўрганишдир.

Юқорида айтганим, ақл-шууримни лол қолдирган оддий ҳақиқатлар нималардан иборат?

---

[1] «Ўзбекистон овози», 1993 йил 4 сентябрь.

«Амирнинг ҳиди келган ҳамма жой ва ҳамма нарсани вайрон этдик...»

*(Н. А. Ласкин — учувчи. Бухоро бомбардимони иштирокчиси).*

* * *

«1 сентябрь куни соат 3 ларга яқин Қарши дарвозасининг (Бухоронинг ўн битта дарвозасидан бири — *муал.*) чапроғида девор ости чуқур ковланиб, 52 пуд портловчи модда кўмилгани ва портлаш учун тайёрлаб қўйилганлиги ҳақида инженер маълумот берди»*.

* * *

«... Бухоро Арки бомбардимон пайтида вайрон бўлди... амир хонадонига мерос дур — жавоҳирлар, олтинлар қўлга киритилди ва Москвага жўнатилди...»

* * *

«Бухоро 30 та минорадан иборат қадимий қалъа девори билан ўралган эди. Ана шу миноралар ва девор қарийб бутунлай яксон қилинди...»

*(Т. Топров: «Бухоро бомбардимон қилинганда» — «Ёшлик», 1989 йил, 7-сон).*

Ушбу кўчирмалардан мантиқ изламанг, тополмайсиз. Мен дуч келган даҳшат ва ҳақиқат фақат шулардангина иборат эмас...

Хўш, Бухоронинг айби, гуноҳи нима? Наҳотки, Сайид Олимхоннинг амир бўлганлиги (1910 йили отаси амир Абдулаҳадхон вафотидан сўнг тахтга ўтирган) Бухоронинг яксон қилинишига сабаб бўлса? Қай юрт, қай тупроқдан ҳукмрон ўтмаган?..

Тошкентдан Бухорога борганимизда кўпинча фарзандларим мендан Бухорони ким қурган, деб сўрашади.

— Халқ қурган, — дейман мен.

— Халқ ким? — деб сўрашади улар.

— Халқ — бу менинг отам, сенинг бобонг, бобонгнинг бобоси... бутун бошли авлод-аждодларимиз...

— Амирни қонхўр, ёвуз дейишади, шу ростми?

Не дейин? Ўғилларим — Шоҳруҳ ва Шоҳжаҳон мактаб-

* В. Клеменьев. Тошкент, «Совет Туркистони учун», 1963 йил, 462-бет.

да ўқийди. Иккисининг луғатида ҳам бирдек: «яхши», «ёмон», «босмачи», «ўзимизники», «қизиллар», «оқлар» деган олти-еттита сўз яшайди. Улар доим ҳис қилган, кўрган ва эшитган жамики воқеликни иккига — «яхши ва «ёмон»га ажратиб баҳолайди.

Ҳали улар «қулоқ», «халқ душмани» каби ибораларни билишмайди. Ишонаманки, собиқ совет мактабининг «аъло-чи ўқувчилари» бўлмиш ўғилларим бу ибораларни ҳам тез фурсатда ўзлаштириб, бошимга маломат тошларини дўлдек улоқтирсалар ажаб эмас.

«...Амирларни қонхўр, ёвуз дейишади, шу ростми?» — Бу саволга сукут билан жавоб бераман. Иккисини қўлидан етаклаб, Бухоро кўчаларини кезаман. Катта минора, Арк қаршисида сукутга чўмиб соатлаб ўтирамиз. Қайтишда арк-даги «Тахт жойи» деб номланган ҳовлини зиёрат қилиб, Бухоро билан вақтинча хайрлашамиз.

Улар мени қайта саволга тутмайди. Уйчанлигим, маъюслигим ўғилларимга ўтгандай бўлади. Туйғуларим алдамаган бўлсин, уларнинг уйчанлиги илоҳим рост бўлсин, дейман...

...Мактаб, дарслар, улкан шаҳарнинг шовқин-сурони уларни яна ўз бағрига олади. Икки-уч кун ўтар-ўтмас болаларнинг кўзидаги уйчанлик йўқолади, ўғилларим бахтли боликка қўл бериб, мендан олислаб, жуда олислаб кетадилар.

Юракдаги Бухоро билан яна ёлғиз қоламан...

Кунлар ўтиб, нохос «аълочи» ўғлим, китобхон ўғлим қувониб китоб кўтариб келади, биргалашиб ўқиймиз: «Бухоро амирлари беаёв ёвуз, қонхўр ва очкўз бўлишган. Бир ярим асрлик ҳукмронлик даврида улар Бухородаги Арк ертўлаларида беҳисоб хазина тўплашган. Бутун халқ кечаю кундуз ўзининг яккаю ягона ҳокими — Бухоро амири учун тер тўкиб ишлаган. Дунёнинг ҳеч бир давлатида Бухородагидек солиқ мавжуд эмас эди...»

Ўғлим ғолибона жилмаяди. Мен кўзимни олиб қочиб китобга қарайман: «Амирнинг тилласи» — Евгений Березиков*. Ичимда «Бир юртнинг подшоҳи, амирларига бундан ортиқ туҳмат, маломат бўлмас» дейман.

Мустақиллик! Хайриятки, у бизнинг бошимизга қанот қоқиб учиб келди. Агар у халқимизга насиб этмаганида нималар бўлишини тасаввур этасизми? Ёлғонни — рост, миллатпарвар улуғларимизни — босмачи, қўрқоғу сотқинларни — қаҳрамон деб улуғлашда давом этардик. Табиат томонидан яратилган буюк қонуният — тенглик, адолат, ҳур яшаш каби ҳуқуқдан олислаб мутега айланганимизни унутардик.

---

* Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти, 1990 йил.

Сабрга, чидамга кўниккан ҳалқмиз. Сабрдан, чидамдан алданган элмиз. Барчасига чидадик, ҳатто «доноиш»лар тарихимизни гумонга ўраб, ўз мақсадлари тарозусига тортиб сўнг бизга тутдилар: «Мангитлардан бўлган Шоҳмурод жуда жулдур ва жўн кийим кийиб юрган, жуда кам овқат еган, юришларида аскарлари билан чодирда бирга ётиб қолаверган, хонлик чодирини тиклашга изи бермаган, аъёнлардан бировникига зиёфатга ҳам бормаган, фуқародан ҳеч қандай инъом қабул қилмаган. Бироқ у шундайин очкўз, шундайин тиллага ўч бўлганки, ўзга эллар бойлигига ҳам кўз олайтирган... неки бойлиги бўлса, барини Бухорога келтириб, мангит амирлари хазинасига жойлаган» (75-бет).

Камида 300 йил олдин тахтга ўтирган Шоҳмурод тирилиб собиқ огамиз Евгений Березиковнинг ўзи ҳақида ёзган «баҳо»сини ўқиса, қай ҳолга тушар экан? Дарвоқе, у «биз»нинг ёзувимизга тушунмайди. Уни истаганча ҳақоратлаб ёзиш мумкин?!

Мабодо, Шоҳмурод таржимон ёлласа Е. Березиковга шундай савол билан мурожаат этарди:

— Нима, рус подшоҳлари бойлик тўпламаганми? Сизнинг ўткир қаламингиз уларни догда қолдириб, менга етдими? Дарвоқе, 45000 нусхада босилган ушбу асарингизга қанча тўлашди, кам десангиз, мендан сўнг ўтган Бухоро амирлари хазинасини ковлашда давом этинг, амир Сайид Олимхоннинг тилласини топасиз!

Е. Березиковнинг жавоб беришга вақти йўқ, у катта ишлар билан банд. Мабодо, Бухоро амирлари бирлашиб, унга ҳужум қилишса, жавоби тайин, марҳамат, ўқинг: «...Мангитлар, яъни Бухоро амирлари беаёв эзувчи. Оғир ўлпонлар орасида иккинчи ўринда закот, яъни мол-мулк солиғи туради... Бухоро амири таабалари мол-мулкнинг қирқдан бир улушини ҳокимига инъом қиладилар. Қирқ туядан биттасини, қирқ қўйнинг бирини ва ҳоказо...» (75-бет).

Инсоф билан айтганда, шу кеча-кундузда қирқта туя, қирқта отим бўлганида, жон деб бирини закот — солиқ сифатида давлатга топширган бўлардим. Жамоалаштиришдан сўнг қишлоқларда на от, на туя қолди. Қўйимиз бор эди. Йилма-йил унга ҳам қирон келди. Гўшт солиги, тухум солиги... санаса адо бўлмайдиган солиқлар.

1920 йилдан сўнг биз ўтмишни қоралаб, амалда жорий этилган солиқларимиз билан мақтанолмаймиз.

Ният бировни ёмонлаш, айб тақаш, билиб-билмай тарихни чалкаштириш экан, бу жуда осон. Халқимизда тузини еб, тузлигига туфурма, деган мақол бор. Лекин мақол ўз йўлига, сиёсатда мақолдан ҳам муҳим воқеалар, сирлар борки, бу йўлда хизмат қилиш фахр саналади. Ёзувчи Е. Бере-

зиковга амир Сайид Олимхон тилласини яширди, ундан ҳеч ким манфаатдор эмас, деган «янги тарих»ни ёзиш ва бу қўлбола тарихни халқимизга тақдим этиш зарурмиди?

Вагонларга ташилган амир хазинасини ўз кўзи билан кўрганлар, шукрки, тирик. Улар ўз тарихини сотмайди.

Ёзувчининг ушбу эссесини ўқир эканман, тўғриси, ўз-ўзини инкор этиб ёзгани — ёлғоннинг қурбсизлигидан хижолатга тушаман. Олимхоннинг хазинаси яширишга, четга олиб ўтишга бўлган уринишини инкор этолмайман. Тахтдан ажралиш эҳтимоли бир лаҳза бўлсин, уни тарк этмаган бўлиши мумкин. Лекин «қирқ туяга юк» бўладиган хазинани олиб кетиш ёки яшириш осон эмас эди.

«Сайид Олимхон аллақачон инглизлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган эди. 1920 йилнинг май ойидаёқ инглизлар Бухорога Машҳад орқали икки юз туядан иборат қурол-яроғ ортилган карвон жўнатган эди. Амир айнан мана шу йўлга умид боғлаб, ўз бойликларини инглизлар эҳтиёт қилиб сақлаши учун Машҳадга чопарини жўнатди...» (78-бет).

Умуман, дунёда шундай қонун бормидики, «амир Олимхон фақат руслар билан мустаҳкам алоқа ўрнатсин» деган. Тарихга, шахста ҳакамлик қилиш ҳуқуқи ўз манфаати йўлида бериладиган имконмидики, ёзувчи бу қадар аниқ, кескин хулоса чиқарса?

Ушбу тарихий далилни кўп марталаб адолат тарозусида тортиб кўрганман. Петто Эссертон. Ёзувчи бу кимсани инглиз дипломати ва айғоқчиси деб атайди. Амир олтинларини ана шу айғоқчига ишонган эди. У «Рус — Осиё банкининг ходими К. К. Юдахиннинг ҳисобига кўра, амирнинг бойлиги 22 миллион тилла ўн сўмликка тўғри келади»ган хазинани қўлга киритиши (амир илтимосига биноан), зўр келса, топиши ва турли баҳоналар кўрсатиш имконига эга эди. Қолаверса, ортида Британия салтанати турарди. Лекин у бировнинг дунёсига кўз тикмади, амирга рад жавобини бериб, биринчидан, инглиз ҳукуматини, иккинчидан, ўзини фирибгар, талончи деган маломатдан асраб қолди...

Е. Березиковнинг ёзишича, амир хазинани четга чиқаролмагач, шахсий соқчиси полковник тўқсоба Каланўшга топширади. Сайид Олимхоннинг бутун бойлигини ортган карвон Қарши сари йўлга тушади ва адашиб қолади. Шаҳрисабз ёки Яккабоғни тополмай (?) йўлда овораю-сарсон бўлади... Хуллас, маълум жойга етиб келгач, Каланўш бу ерни кузатгани тепаликка чиқади. Тоғдаги дарада у бир ёриқ жойни кўриб, амирнинг бойлигини шу ерда қолдиришга қарор қилади (81-бет).

Унинг қарорини Е. Березиков қандай билди экан?

Хазина бекитилади. Сўнг сирдан воқиф барча кишилар бирма-бир ўлдирилади. Амир шахсий соқчисини қабул қилганида, у «ўзидан бошқа ҳеч ким, ҳеч бир жонзот бекитилган юкнинг қаерда жойлашганини билмаслигини айтади». «Сир — Калапўшда, у бўлса амирнинг соясидир. Амир ўша кечасиёқ Калапўшни ўлдиришга буюради» (85-бет). Фармон бажарилади. Амир қочади...

Е. Березиковнинг ёзгани фантастик асарми десангиз, йўқ, у амирга хазинангни яширдинг, деб аниқ даъво қиляпти.

Хазинани бекитганларнинг ортидан яширинча дашт, тоғ кезиб юрган кишигина шундай аниқ ёза олади. Ёки бундай даъвога эга одам амир Олимхон билан учрашиб, унинг иқрорини тилидан эшитсагина шундай хулосага келиши мумкин.

Бухоро тарихда мисли кўрилмаган талон-торожликни бошидан кечирди. Амирнинг хазинаси — бу, баҳс қилишга арзийдиган мавзу. Билишимиз керак бўлган мавзу. Гарчи ҳақиқат қоғозларда қолса ҳам, у биз учун ўтмиш саналса-да — бизники. «Талон-торожнинг боиси нечун? — деган саволга амир Сайид Олимхоннинг хазинаси — Бухоро олтинлари муносиб жавоб бўла олади. Тасаввур қилинг, Россиядан жуда олисдаги юрт — Бухорода қурол кучи билан тўнтариш ясаш, буни «инқилоб» атаб, ўзга бир халқнинг ижтимоий тузумини ўзгартириб, социалистик давлат қуриб бериш... Нима, бу, сизнингча меҳр-мурувватмиди, ёш бухороликларни қўллаб-қувватлаш ёки халқнинг ғамини ейишмиди? Йўқ, гап бошқа томонда.

Инқилобдан сўнг чалажон Россиянинг қон томирларига олтин қуюлмаса оёққа туриб кетиши гумон, мамлакат туткдек тўкилган, жулдур бола қиёфасида эди. Оқ гвардиячилар темир йўлларни портлатиб, қолган-қутган вагон, поездларни бузиб, ёндириб вайрон қилишганди.

Бундан икки йил аввал Москва телевидениеси «РСФСР ташқи ишлар вазири» Чичерин ҳақида фильм намойиш этди. Фильмда айнан юқоридаги мураккаб вазият муҳокама этилади, йўл изланади. В. И. Ленин танг бир вазиятда ҳукумат олдига вазифа қўяди: темир йўл мамлакатнинг қон томири. Россияга вагонлар керак... Ташқи ишлар вазири Чичерин бутун Европа мамлакатларига бош уради, улар Россияга вагон беришмайди, ниҳоят океан ошиб Америкага боради. Америка олтин, фақат олтин эвазига Россияга 200 та вагон беришга рози бўлади.

Яна муаммо, шунда Ленин:

— Олтинни қаердан оламиз? — дейди. Экранда Фрунзе пайдо бўлади... Бу ёғини тасаввур этиш қийинмас. Бухоро суверен давлат, ички ишларига аралашмаслик тўғрисида аҳд-



Бух. ТИП и ЛП
БИБЛИОТЕКА
№ у2160

нома имзоланган булса-да, имкони топилди. Ф. Хўжаев биринча Ленин ҳузурига чақирилади... Шундай қилиб, улар Бухорони жуда олисдан нишонга олдилар. Ёш бухороликлар эса шаҳар ёниб, тўпга тутилиб (1920 йил) қимматбаҳо буюмлар, амир хазинаси вагонларга ташилгач (Ф. Хўжаев «Асарлар»инииг 1-томида бир вагон эмас «целий состав» сўзи ишлатилади — *муалл.*) ва кўп ўтмай ўйлаган режалари — Бухорони мустақил, демократ давлатга айлантириш сароб эканини тушундилар. Мисол: Бухоро Конституцияси эълон этилганидан тўрт ой ўтмай амал қилиши тўхтатилди (Ҳ. Болтабоев. «Талабни қондирмаган инқилоб». «Шарқ юлдузи», 1991 йил 1-сон). 1922 йил 22 январда фавқулодда диктаторлик комиссияси тузилиб унга «Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларни чеклаш, унинг бажарилишини тўхтатиш, Бухоро МК томонидан чиқарилган буйруқларни бекор қилиш», «умумий судланувдан кўрилаётган исталган ишлар (дело)ни олиб, қайта кўриб чиқиш учун ҳарбий трибуналнинг Муваққат бўлимига бериш», «Шарқий Бухоро ҳудудида исталган шахсни мансабидан қатъий назар қамоққа олиш ва ҳудуддан чиқариб юбориш» каби чекланмаган ҳуқуқлар берилди (ЎзР МДА, 48-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 35-варақ).

Олтинлар — амир хазинаси билан боғлиқ яна бир далил: 1960—1965-йилларда «Золотой поезд» номли фильм намойиш этиларди (ҳозир бу фильм экранлардан олиб қўйилган). Фильмнинг асосий воқеаси шундан иборатки, лиқ тўла олтин, қимматбаҳо буюмлар ортган поезд Оренбург орқали Москвага ўтиши керак.

Хўш, бу олтин юклаган поезд қаердан келаяпти? — деган савол туғилади.

Қай бир сахий давлат Москвага олтин тўла поезд жўнатаяпти? Бу ҳадяларнинг манзили, эгаси ким? (Бу саволларга Ф. Хўжаевнинг биринчи томидан жавоб топасиз.)

Хуллас, ўлжадан хабар топган Оқ гвардиячи генерал Дутовнинг аскарлари олтин юклаган поездга ҳужум қилишади. Лекин, В. И. Ленин ҳар қандай шароитда, ҳар қанча талафот, йўқотишлар билан бўлса-да, олтин ортилган поездни Москвага етказишни қатъий буюрган эди. Фильмда қизил аскарлар «доҳий»нинг топшириғини аъло даражада бажарадилар. «Олтин поезд» каби фильмлар инқилоб, инқилобни мустаҳкамлаш тарихи акс этган бирдан-бир холис картиналар эди. Кези келар, мустақил Ўзбекистон худди шундай фильмларни собиқ Иттифоқ кино архивларидан яна олтин баҳосида бўлсада, сотиб олишига ишонаман...

Ҳар қандай ёлғон, тўқиб чиқарилган тарих вақт етиб ошкор бўлади. Шунинг учун ҳам тарих билан ҳазиллашиш

қийин, тарих ҳар қандай одамдан ўч олишга қодир. Е. Березиков «Қизил Бухоро» романини ёзган даврида фирқа раҳбарлик лавозимларида маҳкам туриб, садоқат билан хизмат қиларди. Шунинг учун ҳам Бухорони тўнга тутган Фрунзени кўкларга кўтариб «асар» битди. Қизиқ, Бухоро ёнганда Баҳовуддин Нақшбандиинг, Абдухолиқ Ғиждувонийнинг руҳлари чирқираб безовта кезганини у роман ёзаётганида нечун ўйламади экан? Чунки ўша даврда адибни партиявий «тахт»га миндирган фирқа мустаҳкам эди. Партия қулаб, раҳбарлик қўлдан кетгач, ёзувчи қизил тўнини бехос алмаштирди, шарқ донишмандлари азиз авлиёлар, пиру муршидлар ҳақида қалам тебрата бошлади. Ким қайси мавзуда ёзади, бу, албатта, муаллифнинг ихтиёридаги ҳуқуқ. Мен уни тафтиш этишдан йироқман. Айтмоқчиманки, ҳақиқий руҳоний кишини тавбагина ҳаққа қайтаради. Е. Березиков давр талаби биланми ёки виждон амри биланми халқимизнинг тарихига нисбатан тўқиган ёлғонларини тан олсагина Баҳовуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, Хўжа Аҳрор каби донишавлиёлар ҳақида ёзишга маънан ҳақли бўлади.

Амирнинг хазинаси боис айтган мулоҳазаларим балки кимларнидир баҳсга чорлар. Муддао баҳс эмас, муддао ҳақиқатни билиш, унга яқинлашиш. Шу ниятда кимки қўлига қалам олса, мен ул зотга олдиндан ташаккур айтаман*.

---

*Ражаббой РАУПОВ*

## ЭЪТИРОФ

### I.

Илгарилари Бухорони эрмакка — томоша учун томоша қилардим. Кун ўтди, йил ўтди, шу буюк тупроқнинг фарзанди, номим шу улуғ заминнинг номига туташлигини ҳис этган онимдан бошлаб вужудимни даҳшатли бир қўрқув эгаллади: Бухорони томоша қилиш мумкин эмас! Фарзанд томошабин, юрт эса ҳеч қачон сайлгоҳ бўлолмаскан...

Ҳар гал Бухоро кўчаларига йўлим тушса, шаҳодат калимасини такрорлаб, тангри ато этган юртимда гуноҳларимдан кечишни, ғофил фарзандига ғойибдан куч-қувват, меҳр, содиқлик, мурувват бахш этишини сўрайман. Илинж билан кутганим — интизор бўлганим Бухоро тупроғида, нураган пахсалар қатида пинҳон. Биламан. У сир-асрорини, шон-

* «Халқ сўзи», 1993 йил 14 октябрь.

шавкатини, бор ҳақиқату юзини қачондир, кимгадир очади, ишонаман...

Шаҳарларнинг рақиби йўқ, аммо уларнинг бағрида қурқоқ ва сотқин, манфаат гадолари бўлмиш хушомадга мойил, қуллуққа ташна эгри қадлар ҳамиша давру даврон суриб яшаган. Имон эътиқод шаҳри, нур шаҳри бўлмиш Бухоро ҳам бундайлардан холи эмас эди. Сир эмас, тафаккур, ақлу-ҳуш, кўз, қўл ва оёқ насиб этган биз фарзандлар ФАХРдан тониб, қўлимизга тош тушса, биринчи бўлиб мозийга, мозийнинг ёқут кўзи Бухорога отдик. Тош отиш узоқ давом этди.

Бухоро тунтариши, зўравонлик, қизил қўшиннинг босқини, амир Сайид Олимхоннинг шахси, хазинаси, унинг Московда бир умр тутқунликда униланган уч ўғли тақдири — булар бари таъқиқланган мавзу эди. Дунёда ўз тарихингни билмасликдан оғирроқ жазо борми? Бунинг устига авлоду аждодларинг, яқин кечмиш Сенга душман қиёфасида тасвирланса, ўргатилса...

Ҳар гал халқимиз тарихининг оғиркарвон, қудратли, илм-маърифатли мусулмон дунёсининг тожи Бухоро пойига сиғиниб бораман. У эса жим — гапирмайди. Унинг яраланган юрагига тош осилган, ботмон-ботмон тош! Нураган, шўр бостан намозгоҳлар, мадрасаю ҳовузлар, дарвозаю деворлар, саройлар оғир жудолик, йўқотишлардан худди гунг бўлиб қолгандек. Тушунаман: одам чидолмаган аччиқ қисматга Бухоро чидади. Не-не асл фарзандларини хорижга кузатиб, озодлик, эрк умиди ила қадамларига кўз тутиб чидади. Бардош тошмикан, тош бардошмикан — чидади...

Номига, тупроғига илоҳий қудрат жо бўлган шаҳарлар борлигига ишонаман. Бухоро! Сен имонсан, тарих қатларини очмадим, улуғлар таърифидан кўчирмалар олмадим — сенга юз бурдим, сени кўрдим, сен озодлик, эрк остонаси, қутлуғ туғсан!

Эркдан қайтмаган ўғлонларинг ҳақи Сен ғолибсан, сен музаффарсан!

...1924 йилнинг 1 августида Бухоро халқ Шуро жумҳуриятининг Москвадаги ваколатхонасида мухтор вакил Абдураҳим Юсуфзода билан профессор М. Я. Гинзбург ўртасида Сенинг тарихий ва маданий ёдгорликларингни кўрикдан ўтказиш, илмий рўйхатга олиш; қулаётган ёдгорликларингга нисбатан кечиктириб бўлмас таъмирлаш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва қатор лойиҳалар тузиш ҳақида шартнома тузилиб имзолангаи эди. Ҳа, ЭДИ! ЭДИ, бу, бир найтлар — ўтган замон ва ўтган ваъдаларнинг сурати, шакли. Биз ваъдалар беравердик, ЭДИлар тўқийвердик, чарчама-

дик. Чунки, ваъдага, алдовга, сабрга ўрганган, кўниккан эл эдик. Бизни хиёнат — сотди, зўравонлик — қул қилди, айрилиқ, умид, озодликка ташналик — кўкартирди, бор қилди.

Ниҳоят, ниҳоят биз кутган, Сен кутган Озодлик юртимизга қанот қоқиб учиб келди. Бугун миноралар узра, гумбазлар узра ваъда эмас — Озодлик қуёши нурламоқда. Бугун Сенга кимдир қул, кимдир кўз бўлгиси келади. Ҳаммасига имкон отлиг мезон борки, ватандин ўзга ёр ўлмас!

Оллоҳга минг шукрларким, энди биз Бухоро тўнтаришини Бухоро инқилоби деб ёзмаймиз, ёлғон шакл, ёлғон мазмун билан фарзандларимизни алдамаймиз. Ҳар ўн йилда бир марта Сен ёнган, таланган кунни байрам сифатида нишонламаймиз. Қисматнинг оғир юкини елкалаб хорижга кетган фарзандларингни Ватан хоини деб номламаймиз. Сени мен эмас истиқлол топди. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд дуода. Узилган қадамлар, юракда қотган армонлар ўз гунасини тарк этиб, Сен томон оқмоқда. Эй, бобо юртим, ота юртим, ота юртим Бухоро! Эшит! Бугун Мустақилликни, Сени қутлаш ниятида фарзандларинг Ўзбекистон Президентига мактуб йўллабди:

*Озод Ўзбекистон давлатининг бошлиғи,*
*Ўзбекистон аҳлининг қиблагоҳи,*
*муҳтарам Ислом Каримовга**

Қадимий ва навқирон она Туркистонимиз 130 йиллик истибдод исканжасидан халос бўлиб эрк байроғини кўтарган сананинг икки йиллиги байрами арафасидадир. Бу кунни жаҳоннинг барча эркпарвар халқлари хушнуд кутмоқда, аждоду авлодларимиз руҳи шодланмоқда. Бу сана асл томири Туркистонда унган халқ учун тарихий, асрий орзулар ушалган кундир.

Маълумингиз бўлсинким, бундан 73 йил муқаддам, худди шу сана — 1920 йилнинг 1 сентябрида тақдир бизнинг отамиз — Бухоро амири Саййид Олимхонни Ватанни тарк этишга, дин ва илм диёрини босқинчилар қўлига қолдириб кетишга мажбур қилган эди. Шундан кейин падари бузрукворимиз ҳам, хонадонимиз аъзолари ҳам, бизга ҳамроҳ бўлган ватандошларимиз ҳам бир орзу билан яшадик: Ватан озодлигини кўриш. Бу орзу йўлида жисмимиз, тилимиз, дилимиз курашни бир он ҳам тўхтаган эмас. Кўплаб қурбонлар берилди. Бу кунларга етмаганлар интиқу илҳақликда фоний дунёдан равона бўлдилар. Бугунги Ўзбекистон аҳли қатори

---

* «Халқ сўзи», 1993 йил 31 август.

ана шу оламшумул даврни кўриш бизга насиб этдиким, яратганга ҳамду санолар айтамиз.

Муҳтарам Президент жаноблари!

Ана шу улуғ айёмда, биз — собиқ Бухоро амирининг хорижда таваллуд топиб, Ватан соғинчида яшаётган авлодлари шахсан сизни — илоҳим, умрингиз узоқ бўлғай — сиз орқали эрк туғини кўтарган Ватанимиз аҳлини муборакбод этишга журъат қилдик. Илоҳим, Ватан узра эрк қуёши муқим порлагай. Билингким, буғун биз — хориждагиларнинг ҳар бирининг уйида, қалбида тўй, сиз билан бирга байрам қилянмиз. Иншоолло, норлоқ келажакли буюк давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз вожиб, фуқаронгиз иқболли бўлғай.

Табригимизни қабул этиб, халққа етказишингизга умид боғлаб ушбу муборакномани йўлладик.

Хорижий ватандошлар ва собиқ Бухоро амири Саййид Олимхон авлодлари номидан у кишининг фарзандлари:

*Саййид Иброҳим Олимхон ўғли*
*Саййидраҳим Раҳимхон Олимхон ўғли*
*Саййид Ходихон Олимхон ўғли*
*Саййид Ибод Олимхон ўғли*
*Саййид Кабир Олимхон ўғли*
*Саййид Мансур Олимхон ўғли*
*Саййид Ҳожи Олимхон ўғли*
*Саййид Рауф Олимхон ўғли*

Ғозиантеп шаҳри, Туркия.

Отани боладан, болани отадан айирган тузум — даврнинг кулфатини чекиш нечоғли оғир. Хорижда таваллуд топиб, Ватан соғинчида яшаган, яшаётган ватандошлар, Ватан озодлигидек буюк бахтни интиқлик билан кутган авлодлар овозига Ватандан жавоб янграмоқда. Бугун барчамизни самимий чорлов саси хушнуд этди, Сиз азиз Ватандошларга қучоқ очдик, эшитаянсизми?

## СОБИҚ БУХОРО АМИРИ САЙЙИД ОЛИМХОННИНГ ФАРЗАНДЛАРИГА*

Муҳтарам ватандошлар!

Ўзбекистон Жумҳуриятининг икки йиллик тўйи муносабати билан йўллаган табрикномангиз учун чин дилдан ташаккур изҳор этаман.

Ватанга фарзандлик соғинчи ва эҳтироми ила йўғрилган

* «Халқ сўзи», 1993 йил 16 сентябрь.

мактубингизда зикр этилмиш бир сана — 1920 йилнинг 1 сентябрида Бухоро давлатининг маҳв этилгани ҳақидаги эскартиш бизни айниқса ўйга толдирди.

Яратганнинг каромати ва адолатини қарангки, орадан 71 йил ўтиб, кўҳна ва жафокаш Ватанимизда янги, Мустақил давлат — Ўзбекистон Жумҳурияти қад кўтарди. Бу шонли воқеа, сизлар ғоят ўринли таъкидлаганингиздек, асл томири Туркистонда унган халқ учун тарихий, асрий орзулар ушалган кундир.

Хориждаги барча ватандошларимизни яна бир карра Озодлик байрами билан қутлашга ижозат бергайсизлар. Юртимиз дарвозалари сизлар учун ҳамиша очиқ.

Барчангизнинг ишларингизга ривож, умрингизга барака, хонадонларингизга тинчлик-омонлик тилайман.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти*
*Ислом КАРИМОВ.*

---

## З И Ё Р А Т

### 2.

*Мамлакат истиқлолга эришгач, Бухоро амири Олимхоннинг уч ўғли — Саййд Умархон, Саййд Кабирхон ва Саййдмуҳаммад Иброҳим ота юртга ташриф буюрдилар. Улар Карманада боболари амир Абдулаҳадхон қабрини зиёрат қилишди. Бухорони тавоф этиб, Тошкентга қайтишди. (Ёзилажак Бухоро ҳақидаги асаримга материал йиғиб юрганимда улар ўз оёқлари билан кириб келишди)...*

«Ой-кунлар сувдай ўтади» дейдилар. Тўғри, кимнингдир наздида шундайдир. Лекин... Амир Олимхоннинг хорижда туғилган фарзандлари учун ота қисматидек мураккаб, чалкаш, охири умидсизлик билан тугайдиган имконсиз йўллар тахланиб ётади. Ушбу оила фожиасини дунёдаги ҳеч бир оила билан қиёслаш мумкин эмас. Фарзандлар юртдан зўрлик билан қувилишдек қисматни кўтариб ўтган ота армонларини жуда эрта англадилар. Улар амирзода бўлсалар-да, болаликданоқ алдов ва қизил империянинг ноҳақ зулмини тортдилар. Қатор маҳрумликлар исканжасида улғайдилар. Уларнинг ҳам юрти — Ватани бор эди. Хешу ақрабо, яқинлар, муҳими, озодликдек энг буюк имконнинг бағрида яшаши мумкин эди, улар. Лекин ўтган ва ўтаётган йиллар — вақт гувоҳлик берадики, бундай бўлмади, йўқ...

Қизил қўшининг зулми, унинг асоратини англаш учун ҳатто Ватанда яшаётган биздек фарзандларга ҳам узоқ вақт керак бўлди. Аслида қисмату қисматдошлик — Ватанни бой бериш каби оғир жудолик ҳаммамизга тегишли эди. Фақат бу жудоликни ким қандай тушунди — ҳамма гап шунда. Бировлар хорижда, бировлар ватанда...

Болалигимданоқ Бухоронинг ғаройиб бозорлари, турли-туман сайлгоҳлари эмас, вайрона шаҳарнинг хаёлий маҳобати ўзига чорлар. Арк, Катта минора, Тахт жойи, Намозгоҳ каби қадим бобомерос ўзлик, қиёфа, давлатчилигимиз тарихи акс этган муқаддас жойлар қаршисида соатлаб хаёл суриб, улардан ажралолмасдим. Сўнгги — манғитлар сулоласига мансуб амирлар тарихини ҳам деярли билмай, ўқиёлмай шу ёшга етдик. Алдов ва хиёнатга ўралган «Бухоро халқ инқилоби» боис шаклланиб келаётган авлодлар қирилди, йўқотилди, қолганлари хорижга тариқдек сочилиб кетишди. Биз тенги авлодга ёлғон гувоҳликлар, сохталаштирилган, тўқилган тарих, «босмачи»ю «зулмкор», «мустабид», «ўзидан бошқани ўйламайдиган» амирлар хотирасигина қолди. Шулардан бири — Амир Сайид Олимхон.

Бухоро, айниқса, нисбатан бизга яқинроқ 1918—1920 йиллардаги воқеалар мустақиллигимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ муҳим саналардир. Мен шу ниятда кўпдан муҳожир ҳамюртлар билан суҳбатлашиш, уларнинг хотираларини ёзиб, ўрганишни ният қилар эдим. Умуман, ўтган воқеаларни турли кишиларнинг ўз тилидан эшитиш — бу, бўлак бир мазмун, вақт таҳлилини ойдинлаштиради. Амир Олимхон хонадони, фарзандлари ҳақида маълумотлар тўплаб, улар ҳақида илк хаёлий таассуротларимни қоғозга туширдим, буларнинг бари хайрли ишнинг Бисмиллоси эди...

Амир Сайид Олимхоннинг шахси, қизил қўшиннинг босқини, бойликлари, ният ва режалари, фарзандларининг кимлиги, уларнинг сурат ва сийрати ҳар бир қалам аҳлини, ҳатто, оддий фуқароларни ҳам қизиқтириши табиий. Мен хорижда яшаётган кўплаб ватандошлар сингари Амир Олимхон фарзандлари билан ҳам суҳбатлашишни ният қилган эдим. Тарихий асар ёзиш учун узуқ-юлуқ ҳужжатлару тасаввурнинг ўзиёқ етарли бўлиши ҳам мумкин. Лекин мен қизиққан, билишни истаган мавзу — тарих шундоқ ёнгинамизда, ҳали тирик тарих бўлиб яшаётган ҳамюртлар эди...

Ниҳоят мен орзулаган ўша имкон, аввало, Оллоҳ сўнг Мустақиллик боис ўз оёқлари билан эшик қоқди. 1993 йилнинг охирида Амир Олимхоннинг уч ўғли билан кўришиб, суҳбатлашдим. Ушбу суҳбатда ўшал учрашувнинг айрим лавҳаларини хотирлашга уриндим. Суҳбатда Олимхоннинг

уч ўғли — Сайид Умархон, Сайид Кабирхон, Сайид Иброҳимлар ҳозир эдилар:

— Сизларга бир рўё еки тушдай туюлмаянтими, мен билан суҳбатлашиш? Мана, Сизлар ота юртда, ватанниг оддий бир фарзанди — қаламкаш саволларига хотиржам, ҳадиксиз, тинчгина, хуллас, ўз истагингизга зид бормай — ихтиёрий бир тарзда жавоб бериб турибсизлар. Ахир орадан оз эмас, кўп эмас, 70 йилдан зиёд вақт ўтди. Сизлар Афғон тупроғида туғилдингизлар. Ватан сурати Сизларнинг юрагингизга, кўзингизга асосан ота хотираси туфайлигина ўрнашган, шундай эмасми?

Сайид УМАРХОН: — Бале, тўғри сўзладингиз. Саҳройининг ақли кўзида, деган маъни бор. (Бу ҳикматни отам ҳазратларидан эшитганман) Чунки, у кўрмаса ишонмайди. Бизнинг айни фурсатдаги ҳолимизни ўша саҳройига қиёслаш мумкин. Эшитиш бошқа гап... Ватан озодлигини ўз кўзимиз билан кўрдик, бизнинг тасаввуримизда озодлик ушалмайдиган, вақт етиб ушалган тақдирда ҳам бизлар кўролмайдиган армон эди. Ахир бу ҳазил гапми, ҳазил ҳайратми, хаёлдаги, орзудаги, дуоларимиздаги ният вожиб бўлдия!

Сайид ИБРОҲИМ: — Ҳазрат отамизнинг қадамлари теккан пойи остонани кўзларимизга сурдик. Ҳа, бизни ватанга Ҳақ, яна яхши кишиларнинг саъй-ҳаракатлари, ниятимиз етаклаб келди. Бу кунни кўрмай кетиш ҳам мумкин эди-ку, ахир, қанча-қанча ватанпарвар шаҳидларимиз, юртдошларимизнинг кўзлари очиқ кетди, армон билан кетди улар.

*Сайид КАБИРХОН:*

*Чош ғурбат ай худо*
*дар Ўзбекистон расон*
*Булбули бе ошиён*
*дар Гулистон расон.*
*Дар ғарибй зодам, дар ғурбатам*
*ё раб. макуш*
*Пеш азон шояд ажал*
*дар хоки Туронам расон.*

Мазмуни:

Ғурбатим кунлигини, эй худо, Ўзбекистонга етказ
Ошёнсиз булбулни гулистонга етказ.
Эй парвардигор мени ғарибликда, ғурбатда ўлдирма.
Ажал келмасидан аввал мени Туроним тупроғига етказ.

Армону соғинчларимни кўпинча шеърларимда айтганман. Бу дунёда энг содиқ, ишонганим, фарзандимдек суйганим — шеър. У мени алдамайди, сотмайди, у менга паноҳ, овозимни узоқларга, баъзан ўзимга эшиттиради. Бу овоз армон

бўлиб таралади, армон бўлиб қайтади. Ҳазрат отамиз бизга ишонардилар, у кишининг қадами узилган Бухоро — Ватан тупроғини зиёрат қилдик. Шукрки, бизнинг-да қувонадиган кунлар бор экан, хуш насимлар эсди — Ватан — Туркистон озод бўлди.

— Қуллик-қарамлик даврининг Сизларга, айниқса, надарингиз Сайид Олимхонга бўлган муносабати ҳамиша кескин, душманларча очиқ-ошкора эди. Ҳатто Ватанимизда ҳам зўравонликни, босқинни «Бухоро халқ инқилоби» деб ёзиб, ўқитиб, ўргатганлар давр сурди, унвонли бўлди, мансаб курсиларига ўтирди. Яқингача отангизни Тилло камарли қочоқ деб ёзишди. Сиз, Амир ўғилларининг бу воқеаларга муносабатингиз...

Сайид УМАРХОН: — Ҳа, биз фарзандлар худди шундай муҳитда улғайдик. Улар, яъни Отамизни тахтдан қулатган зўравон тузум, алдов, хиёнат йўлига кирганлар — Туркистон қолиб, ўзга мамлакат манфаати учун курашганлар бизни ўзларига душман деб билдилар. Ва ўзгаларга ҳам бизни худди шундай тарзда етказишга ҳаракат қилдилар. Чунки қалам душманнинг қўлида эди. Биз буни тўғри англаймиз. Ёздилар, ёздилар, э, улар нималарни ёзишмади?! Мен Сизга етмиш йиллик умримни, етмиш ёшли Сайид Умархоннинг кимлигини икки-уч соатли суҳбат асносида гапириб беролмайман. Дунёда — ҳар бир жойда, гўшада, мамлакатда турли касб-корли одамлар, дўсту ёронлар, хешлар, ака-укалар, бир-бирига бегоналар яшайди. Бу одамларнинг тақдири бўлак, биз — Амир Олимхон фарзандларининг тақдиримиз эса бутунлай айри. Айтинг-чи, биз ҳам Сиз сингари Ватанда туғилишимиз мумкин эдими?! Ёки Амирнинг ўғли бўлганимиз учун биз айбдорми, ахир туғилиш инсоннинг эркидан ташқарида эмасми? Шоҳданми, гадоданми фарзанд туғилган экан, нечун у ўз надари бузрукворига меҳр кўрсатмасин, нечун унинг армонлари фарзандига ўтмасин?

— Боболаримиз отангиз Амир Олимхоннинг атрофида (1920 йилдан сўнг) миллатпарвар, дину имон йўлида жонини фидо қилишга тайёр йигитлар, қўрбошилар, умуман, оддий халқдан чиққан ватанпарварлар тўпланганини айтишарди. Бу хотираларни тарих ҳам инкор этмайди. Гарчи уларни қорага бўяб, ёлгонга ботириб, манфаат кўзгусида бизга кўрсатсалар-да, барибир, уларнинг бўйи тарих қатларидан «Бизлар босмачи эмас, ватанпарварлармиз», — дея кўриниб туради.

Сайид УМАРХОН: — Сиз эслаган воқеаларнинг бари бизнинг ихтиёримиздан четда, ўзгаларнинг хоҳиш-иродаси остида кечди. Отам 23 йил Афғон тупроғида умргузаронлик

қилдилар. Гарчи биз ул муҳтарам падаримизни тафтиш қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлсак-да, биз тутқунликда, муҳожирликда билишимиз мумкин саналган оилавий муносабатларда эркин эдик. Ўша давр нуқтаи назари билан қарасангиз, Амир отамизнинг ҳам йўл қўйган камчиликлари, сусткашликлари бўлиши табиий. Беайб парвардигор. Атрофларида жаҳолатпараст — «мулла», «эшон» деган муҳофазакор номга эга, сўзи-овози билан ҳукмдорлар ҳисоблашадиган кишилар тўплангани, янгиликларни тез илғаб жорий этолмаганлари, шу туфайли «Ёш бухороликлар» билан ўрталарида низо чиққани — булар бари рост гаплар. Лекин биз фарзандлар ўз отамизни сизлар ёзганингиздек, ҳеч қачон сотқинликда, қўрқоқликда, халқнинг қонини зулукдек сўришда айбламаймиз. Отамиз то кўзлари юмулгунга қадар Ватан озодлиги учун курашдилар, десам лоф эмас. Мана, биз, ўғиллар бунга гувоҳмиз, кафилмиз. Тақдир отамни кўп синовларга солди. Уч акам Масковда, зулмкор большавойлар қўлида қолиб кетди. Уларни ёнларига чорлаш учун қилинган ҳаракатлар... Барибир, ул муҳтарам зот қизилларнинг найрангига учмадилар, қайта алданишни истамадилар.

Отам тутқунликдаги акаларим ҳақида: «Агар улар менинг фарзандим бўлса, душманга эгилмайди, душман ўз оловига ҳар қанча тобламасин, улар қизил бўлолмайди, чунки улар менинг фарзандим — амирзодалар, бузғунчи эмас улар. Уларнинг боболари амир ўтган, юрт сўраган...» — дея пичирлаб, баъзан ғазабга тўлиб айтганларини кўп бора эшитганмиз. Умуман, оғир тақдир отамни, бизни-да аямади. Юртдан, тожу тахтдан, уч ўғил ва яна имкондаги жамики афзалликлардан бира-тўла айрилиш азобини ҳис этасизми? Бунинг устига муҳожирлик, ўзга ҳукмдор, ўзга юрт марҳаматига, камситишига чидаш... Умр бўйи таъқибда яшадик, бизнинг қадамимизни пойлаб кун ўтказганлар, оила боққанлар бўлди. Умуман, биз ҳамиша нишонга яқин одамлар эдик, чунки Амирнинг, Бухоро амирининг ўғли эдик.

— Бугун биз етмиш тўрт йилдан сўнг қайтган имкон остонасида турибмиз. Тўғриси, кўнглимда тугиб қўйган саволларнинг қай бирига олдинроқ жавоб олишни ҳам билмай қолдим. Назаримда, бугунги суҳбат тушда кечаётгандек. Мана, мен гўё тирик Амир Олимхон ҳузурида ўтиргандек, чунки, Сиз муҳтарам Сайид Умархон жаноблари отангизга жуда ўхшайсиз. Мен кундан бери 1918—1920 йиллар воқеалари ҳақида ўзимча нималарнидир қоралаб, ёзилажак тарихий асарга ҳужжатлар йиғиб юрибман. Сезган бўлсангиз, Бухоро босқинини Амир Олимхонсиз, Файзулла Хўжаев, Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва яна кўплаб кишилар-

нинг фаолияти, таржимаи ҳоли, характерини билмасдан туриб тасвирлаш хатодир. Шу боисдан мени Сизнинг отангиз Амир Олимхон ҳақидаги хотираларингиз, кузатишларингиз қизиқтиради.

Сайид УМАРХОН: — Отам ҳақларида ёзишни, фильм яратиш истагини билдираётганлар анча-мунча. Сиз азиз юртдошимдан бу матлабни эшитиш биз учунниҳоятда қувончли. 1920 йиллар билан боглиқ Бухоро тарихини ўрганиш ва шу асиода асарлар ёзиш авлодлар руҳи, қолаверса, халқимиз олдидаги буюк бурчни ҳис этиш, қадрлаш ва бу муҳаббатни амалиётга кўчириш деганн. Худо қувват берсин сизга... Лекин бу саволингизга тўла жавоб бериш учун ҳар иккимизга ҳам фурсат лозим. Иншонаманки, шундай фурсат топилар, худо хоҳласа биз яна учрашармиз. Шундай бўлса-да, сўрадингиз, бир-икки сифатлари ҳақида айтай. Отам аъло даражада мерган эдилар. Отган ўқлари нишонга бехато тегарди. Афгон шоҳи Омонуллахон билан овда бирга тушган суратлари бор. Ҳар ким ўзи отган ўлжасини ёнига тўплаб, намойишкорона турибди. Отамнинг оёқлари остида қуён, қирғовул, ғоз ва яна талай қушлар чоп, яна ул зотнинг эгниларида миллий либос, Афгон шоҳи эса инглизларнинг кителида. Айтишларича, Омонуллахон ов бошланиши олдидан отамизга: «Бу рудаио сарполарингиз билан ов қилолмайсиз, чопонингизнинг бари шох-шаббага илиниб, ўзингизни отиб қўйманг» — деб кесатган экан...

Ҳазрат отамиз қаттиқ изтиробга тушган чоғларида ёнларига ҳофизларни чорлаб, қўшиқ, нолали куйлар тинглардилар. Охирида ҳофизларни чиқариб юбориб, ўзлари танбур чалардилар. Тунлари Бедилни ўқиб, узлуксиз аламни бир дам унутишга ҳаракат қилардилар. Отамга тегишли ҳар бир буюмга биз қўл урмасдик. Вафотларидан сўнг қарасак, уч сандиқ китоб... Умуман, йиллар ўз таъсирини ўтказди, ҳамиша қадди тик Амир отамиз бора-бора ўта зиёли, ғамгин, эзилган қиёфага кирдилар.

Яна Сизга айтсам, ул зотни деб эргашган жамийки юртдошларнинг барча тўй-ҳашамларини (фарзанд тўйлари, турли маърака, тадбирлар) отамиз ўз ёнларидан харжлаб ўтказардилар. Дастлаб Афғон шоҳи отамга анча юқори миқдорда нафақа тайин этди, муҳожир шоҳ иззат-икроми расман жойига қўйилган эди. Фақат шарт шуки: тортилган чизиқдан четга чиқмаслик, ҳар лаҳза ўзининг тахтидан айрилган, ўзгага қарам эканини унутмаслик...

Сайид ИБРОҲИМ: — Биз икки марта хорликка учрадик. Биринчиси, отамни зўрлик билан Ватандан чиқиб кетишга мажбур этишди. Иккинчиси, биз фарзандлар Афғондан чиқиб

кетдик. Афғондан пиёда, кечалари масжидларда тунаб Покистонга келдик. Йўл азоблари...

— Айтишларича, Амир Олимхоннинг қиёфадошлари ҳам бўлган дейишади, шу гап ростми?

Сайид УМАРХОН: — Рост, Отамизга кўп бора суиқасдлар уюштиришди. Аллоҳнинг марҳамати билан ҳар гал омон қолдилар. Ўзим шоҳиди бўлган бир воқеа: баъзан кўчага фойтунда чиқардилар. Бир эрталаб ул зот фойтунни тайёрлашни буюрдилар. Амаким Сайид Сиддиқхон Тура: «Шу бугун Сиз чиқманг, туш кўрдим, фалокат содир бўлади», деб айтдилар. Отам кўнмадилар, фойтунга ўтиришлари билан фойтун портлади, қўллари синди, ўзлари омон қолдилар...

— Боя Сиз ҳофизларни тилга олдингиз, улар ким, тақдирлари қандай кечди?

Сайид УМАРХОН: — Учала ҳофиз ҳам Ватандан борган кишилар эди. Ҳазратқул, Ҳожи Исмоил, Элмурод исмли бу санъаткорлар то сўнгги дамгача отамнинг ёнларидан жилмади. Уларнинг тақдири бир китоб бўлгулик. Ҳазратқул ҳофизнинг вафотига уч йил бўлди. Ҳа, ҳофизлар отақадрдон эди. Уларнинг хизмати бизга кўп ва хўп ўтган, баридан миннатдормиз.

— Аллоҳ берган умрни хоҳ қийин бўлсин, хоҳ енгил бўлсин, барибир, инсон яшаб ўтказар экан. Лекин ёш ўтган сайин киши ўзига ҳисоб бергандек, маълум хулосалари бўлади?

Сайид УМАРХОН: — Хулоса шуки, биз ҳеч қачон қўлимизни бировга таъна билан узатмадик. Ёшликдан ўз кунимизни ўзимиз кўришга, касб-ҳунар ўрганишга бел боғладик. Ҳар қандай синовлар олдида Амир Олимхоннинг ўғли, деган рутбамизга содиқ қолдик. Тақдир бизни дунёнинг турли бурчакларига — Америка, Олмония, Туркияга сочиб юборди. Биз Ватан озодлигини ўзга элларда яшаб эшитдик, қувондик, кўз ёш тўкдик. Сизлардан бир ўтинчим, ёлғиз тилагим бор: аҳил бўлинглар, Ватан битта. Уни ичида яшаб туриб ҳам йўқотиш мумкин...

Мен ўтган учрашувнинг баъзи бир лавҳаларинигина эсладим. Шу ўринда бир изоҳ: Сайидмуҳаммад Иброҳим жанобларининг қўлида бир баёз (китоб)ни кўрдим. Унда Коғон матбааси, Фохирайи Шариф дорилсалтанати» деб ёзилган эди. Баёзда кўп шоирларимизнинг шеърлари тўпланган, жумладан, Бедил, Камол Хўжандий, Шамсиддин Шоҳин, Нозим, Ҳазрат, Исо Маҳдум, Шоҳ Абдулаҳадхон, Махдум Идрис, Қурбонжон, Фитрат, Шавкат Бухорий ва бошқалар. Чамаси, китоб Абдулаҳадхон даврида нашр этилган. Шеърлар форсийда битилган. Нашр учун масъуллар: Эшони Лутфуллахужа Дастёрий ва Мулло Низомиддин.

Хуллас, Шўро даврида ёмон отлиққа чиқариб, биздан йироқлаштирилган тарихнинг катта бир бўлаги ҳали муҳожир ватандошларимизнинг дилида, қўлида, хотирида сақланмоқда. Авайлаб асралмоқда. Иншоолloҳ, биз бу ўрганилмаган меросимизни ўз эгалари — ўзимизга тутишимизга имкон етди.*

---

*Ражаббой РАУПОВ*

## *САЙИД ОЛИМХОННИНГ ҚЎРҚИНЧЛИ ТУНИ*

### *Ҳикоя*

Навниҳол париچеҳра канизак тунги либосларини зангори парда тутилган чеҳрахонада алмаштириб, амирнинг уйғонишини кутди. У юлдузли осмон акс этган парда ортида ойдек тўлин кўринар, ҳукмдор жунжиган лаҳзаларда қўл чўзиб шундоқ боши узра балқиб турган «ой»ни бағрига босарди. У нечоғли ҳолдан тоймасин, ҳеч маҳал амирнинг тўшагида чўзилиб ётмас, балки шунинг учунми ойу юлдузли осмон машқи ҳукмдорга хушёқар, ўзгача куч-қувват бағишларди. Амир узун кеча тутқич бермас оҳуни ушлашдан, осмондаги «ой»ни узиб олишдан чарчамас, фақат иккисига тегишли сирли кеча бирин-кетин навбат билан ўчишга мослашган шамлар ёғдусида таърифсиз фароғат бағишларди. Шамлар буткул ўчиб хона узра қоронғулик ёйилиб, кириш эшик ёнида тун бўйи ёниб турадиган «соқчи» шамгина милтиллаб кўрингач, амир уйқуга кетар, агар истаса, галдаги хизматга шай шамларни ёқар, бундан суюкли султони ранжимас, аксинча — уйқуни тарк этиб, бир муддат шифтга улуғвор тикилиб ётарди-да, сўнг шиддат билан ёнига ағдарилиб, «ой»га қўл узатарди...

Сўнгги дамда амирнинг суйгани, севгани, ҳидлаб-ҳидлаб туймаган гули эди у. Йилдек чўзилган ҳафталарнинг келиши нақадар армонли. Орзиқиб кутишлар, интизорли дам келганда ўзидек санамлар орасидан нозик имо-ишоралар билан чорлов — амирнинг чорловига ўзини бахшида этса-да, юраги дош беролмас, то сирли тун бошланиб, хосхона бекалигига эришгунча кўзлари тиниб, боши гир айланар, ҳушини йўқотмаслик учун ҳарам бекаси — Оғачабегимдан муз тилаб оғзига соларди. Амирнинг ҳушини ўғирлаган бу оташ қизнинг ҳолини Оғачабегим яхши англар, англаган сари унинг оловга йўғрилган ёш вужудидан ўзига-да ёқимли хотир, хуш кайфи-

---

* «Бухоро ҳақиқати», 1994 йил, 11 июнь, № 47.

ят юқар, иккисини шод этиш илинжида чаққон-чаққон ҳаракат бошлаб, тайёргарликни ўрнига қўяди. Оғачабегим эгнига эркакча тўн кийиб, белини маҳкам боғлаган кун — байрам, шиддатли, ўктам, айни чоғда нозик бу ишора ҳукмдорнинг унга йўллаган илтифоти эди. Бу борадаги барча ҳаракатлар сиртдан — пинҳон, ажиб бир хоҳиш ила кечса-да, ёш канизак бари-бари ўзига аталганидан жўшиб, ичдан фахр туяр, тақдирига ёзилган умрини бўлакча онлари узоққа чўзилишини истарди. «Амирнинг даргоҳида, амирнинг паноҳида, амирнинг оғушида, — кўзларини чирт юмиб, — шукр, — деб такрорлар, — шукр!..» Бутун вужуди билан унга талпинганидек, бутун вужуди ила ишонардики, у бу даргоҳда узоқ қолади ва яна ёш кўнгилни амир ишонтирган ваъдаси ҳам бор...

Агар кўз тегмаса, на рақибу рақибалари, на ўзга бир ғаним — ҳеч ким ниятига тўсиқ бўлолмас, кун-тун сўрагани, тилагани ҳам шу! Оллоҳга минг шукрларким, мана, ёв чекинди: кофирлар мағлуб, амири аъзам ғолиб! Бухоро ғолиб! Амир ғалаба боис барча аҳли ҳарб, аёнлар, беклар билан нишонлаган ғалаба зарофатларидан бўшабоқ, ўша озурли, аммо қадрдон илтифоти ила чорлади. Ҳукмдорнинг ғолиб чеҳрасини кўриш, қудратли оғушидан умидвор санамлар озми эди. Вақтичоғлик кайф аснода оғзидан чиққан бир ишора, ном — шугина етарли эди ўзгани чорлашга. Йўқ, у биладики, ҳукмдор фақат уни, унигина эслади. Балки соғингандир, илло шундай бўлсин, соғинган, ҳа-ҳа, соғинган...

У юлдузчалар зар ип билан санчилган ҳарир парда ортидан амирга тикилиб турар экан, ҳозир уйғонадию «ой»га, суюкли ойига қўл чўзади, деб ўйларди...

Ушбу дамда тун ярмидан оғган эди. Ситораи Моҳи хоссада* амир Сайид Олимхон одатдагидек ухлар, у бир ойдирки, барча ҳузур ҳаловатидан кечган. Колесов бошчилигидаги ёш бухороликлар хиёнати — кутилмаган ҳужумидан ҳамон ўзига келолмасди. Гарчи уруш Ислом лашкарларининг ғалабаси билан тугаса-да, таҳликаю ваҳимаси юракдан чиқмас, шошилинч чоралардан кўнгли тўлмас, хуллас, илгариги осойиши йўқ, ороми бузилган эди. Айтишгагина осон бу, ота-бобоси кўрмаган уруш — қизил большовой отлиғ балоюофатга дучор бўлди. Оллоҳ инояти ила лашкарларининг аҳду жаҳди, шаҳарлик фуқароларининг мадади боис ғалабага эришди.

Кун ўтди, ҳафта ўтди, мана ғалабага ой тўляпти ҳамки, ҳеч нима татимайди. Гадой бир эшикдан ўтгунча, дейдилар. Қўйнига ўзидан чиққан илонни асраган душман эртага яна Бухорога бостириб келмайди деб, ким ишонтира олади, — У

---

* Амирнинг шаҳар чеккасидаги қароргоҳи. Унда Сайид Олимхон ҳарамидаги аёллар ва хизматкорлар яшаган.

Хуллас, Шўро даврида ёмон отлиққа чиқариб, биздан йироқлаштирилган тарихнинг катта бир булағи ҳали муҳожир ватандошларимизнинг дилида, қўлида, хотирида сақланмоқда. Авайлаб асралмоқда. Иншооллоҳ, биз бу ўрганилмаган меросимизни ўз эгалари — ўзимизга тутишимизга имкон етди.*

---

*Ражаббой РАУПОВ*

## *САЙИД ОЛИМХОННИНГ ҚЎРҚИНЧЛИ ТУНИ*

### *Ҳикоя*

Навниҳол паричеҳра канизак тунги либосларини зангори парда тутилган чеҳрахонада алмаштириб, амирнинг уйғонишини кутди. У юлдузли осмон акс этган парда ортида ойдек тўлин кўринар, ҳукмдор жўшган лаҳзаларда қўл чўзиб шундоқ боши узра балқиб турган «ой»ни бағрига босарди. У нечоғли ҳолдан тоймасин, ҳеч маҳал амирнинг тўшагида чўзилиб ётмас, балки шунинг учунми ойу юлдузли осмон машқи ҳукмдорга хушёқар, ўзгача куч-қувват бағишларди. Амир узун кеча тутқич бермас оҳуни ушлашдан, осмондаги «ой»ни узиб олишдан чарчамас, фақат иккисига тегишли сирли кеча бирин-кетин навбат билан ўчишга мосланган шамлар ёғдусида таърифсиз фароғат бағишларди. Шамлар буткул ўчиб хона узра қоронғулик ёйилиб, кириш эшик ёнида тун бўйи ёниб турадиган «соқчи» шамгина милтиллаб қолгач, амир уйқуга кетар, агар истаса, галдаги хизматга шай шамларни ёқар, бундан суюкли султони ранжимас, аксинча — уйқуни тарк этиб, бир муддат шифтга улуғвор тикилиб ётарди-да, сўнг шиддат билан ёнига ағдарилиб, «ой»га қўл узатарди...

Сўнгги дамда амирнинг суйгани, севгани, ҳидлаб-ҳидлаб тўймаган гули эди у. Йилдек чўзилган ҳафталарнинг келиши нақадар армонли. Орзиқиб кутишлар, интизорли дам келганда ўзидек санамлар орасидан нозик имо-ишоралар билан чорлов — амирнинг чорловига ўзини бахшида этса-да, юраги дош беролмас, то сирли тун бошланиб, хосхона бекалигига эришгунча кўзлари тиниб, боши гир айланар, ҳушини йўқотмаслик учун ҳарам бекаси — Оғачабегимдан муз тилаб оғзига соларди. Амирнинг ҳушини ўғирлаган бу оташ қизнинг ҳолини Оғачабегим яхши англар, англаган сари унинг оловга йўғрилган ёш вужудидан ўзига-да ёқимли хотир, хуш кайфи-

* «Бухоро ҳақиқати», 1994 йил, 11 июнь, № 47.

ят юқар, иккисини шод этиш илинжида чаққон-чаққон ҳаракат бошлаб, тайёргарликни ўрнига қўяди. Оғачабегим эгнига эркакча тўн кийиб, белини маҳкам боғлаган кун — байрам, шиддатли, ўктам, айни чогда нозик бу ишора ҳукмдорнинг унга йўллаган илтифоти эди. Бу борадаги барча ҳаракатлар сиртдан — пинҳон, ажиб бир хоҳиш ила кечса-да, ёш канизак бари-бари ўзига аталганидан жўшиб, ичдан фахр туяр, тақдирига ёзилган умрнинг бўлакча онлари узоққа чўзилишини истарди. «Амирнинг даргоҳида, амирнинг паноҳида, амирнинг оғушида, — кўзларини чирт юмиб, — шукр, — деб такрорлар, — шукр!..» Бутун вужуди билан унга талпинганидек, бутун вужуди ила ишонардики, у бу даргоҳда узоқ қолади ва яна ёш кўнгилни амир ишонтирган ваъдаси ҳам бор...

Агар кўз тегмаса, на рақибу рақибалари, на ўзга бир ғаним — ҳеч ким ниятига тўсиқ бўлолмас, кун-тун сўрагани, тилагани ҳам шу! Оллоҳга минг шукрларким, мана, ёв чекинди: кофирлар мағлуб, амири аъзам ғолиб! Бухоро ғолиб! Амир ғалаба боис барча аҳли ҳарб, аёнлар, беклар билан нишонлаган ғалаба зарофатларидан бўшабоқ, ўша озурли, аммо қадрдон илтифоти ила чорлади. Ҳукмдорнинг ғолиб чеҳрасини кўриш, қудратли оғушидан умидвор санамлар озми эди. Вақтичоғлик кайф асносида оғзидан чиққан бир ишора, ном — шугина етарли эди ўзгани чорлашга. Йўқ, у биладики, ҳукмдор фақат уни, унигина эслади. Балки соғингандир, илло шундай бўлсин, соғинган, ҳа-ҳа, соғинган...

У юлдузчалар зар ип билан санчилган ҳарир парда ортидан амирга тикилиб турарkан, ҳозир уйғонадию «ой»га, суюкли ойига қўл чўзади, деб ўйларди...

Ушбу дамда тун ярмидан оғган эди. Ситораи Моҳи хосса-да* амир Сайид Олимхон одатдагидек ухлар, у бир ойдирки, барча ҳузур ҳаловатидан кечган, Колесов бошчилигидаги ёш бухороликлар хиёнати — кутилмаган ҳужумидан ҳамон ўзига келолмасди. Гарчи уруш Ислом лашкарларининг ғалабаси билан тугаса-да, таҳликаю ваҳимаси юракдан чиқмас, шошилинч чоралардан кўнгли тўлмас, хуллас, илгариги осойиши йўқ, ороми бузилган эди. Айтишгагина осон бу, ота-бобоси кўрмаган уруш — қизил большовой отлиғ балою офатга дучор бўлди. Оллоҳ инояти ила лашкарларининг аҳду жаҳди, шаҳарлик фуқароларининг мадади боис ғалабага эришди.

Кун ўтди, ҳафта ўтди, мана ғалабага ой тўлаяпти ҳамки, ҳеч нима татимайди. Гадой бир эшикдан ўтгунча, дейдилар. Қўйнига ўзидан чиққан илонни асраган душман эртага яна Бухорога бостириб келмайди деб, ким ишонтира олади, — У

* Амирнинг шаҳар чеккасидаги қароргоҳи. Унда Сайид Олимхон ҳарамидаги аёллар ва хизматкорлар яшаган.

«Бир Файзулла ўрнига икки Файзулла, бир бош ўрнига икки бош!» дея пичирлади. Бир қўли қиличи дастасида, иккинчи қўли билан кўшк панжарасини ушлаб Бухоро томонга тикилди. Жимжит. Шаҳар дарвозалари ҳали берк, — хаёлидан кечди. — Аммо ул мустаҳкам дарвозаларни, аркдаги тахтимни қўриқлаётган навкарлар уйғоқмикан, ғанимни яшириб, фитна ҳозирлаб сўпининг азонини кутаяптими? Ишонганим амал аҳли — аркону давлат суянчиқлари бўлмиш икки бошли илонлар тонгданоқ пойимга саломга ошиққанлар. Хушомад ҳадисини олган қўшмачи ювуқсизлар — сизларми ишонганим?!

Олимхон қиблага ўгирилиб уч бора: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим», — дея қайтарди. — Ё, парвардигор, ё Қиблаи Муҳаммад, ё падари бузрук, бу не сир-синоатки, Минораи Калон бошимга йиқилмиш?!

Худога шак келтирдимми?

Дини исломга хиёнат этдимми?

Отамнинг ҳарамига кўз тикдимми?

Не қилдим?! Ғафлатда қолдимми ё?! Эй, худо, ҳар қандай балойи қазони ўзинг тўс, фирқасини менга қўй, қизил Файзуллони менга қўй. Танамда жоним, бошимда тожим бор экан, Бухорога кофир қадамини йўлатмайман!

Амир шашт билан пастга тушаркан:

— Ким бор?! — дея овоз берди. У атрофидаги содиқ соқчиларни пайқамаган эди. Оромини йўқотиб тунда белига шамшир илган, севимли кўшкига бевақт чиқиб тушган ҳукмдор уларни танг қолдириб соқчибошини йўқлади.

Амир кенг йўлкада қоядек тик қотиб турар, бир қўли ҳамон қиличи дастасида бетоқат юраги вақтни измига бўйсундиролмай азобда ўртанарди.

Зум ўтмай бешотар милтиқ билан қуролланган соқчибоши ҳузурида бош эгиб турди.

— Тўпчибошини, девонбегини ҳузуримга келтир, ғафлат босгани етар, нечун улар оромда, ёвни кўрмайди! — деди ҳукмдор. — Улар мени қўриқлаш ўрнига нечун уларни мен қўриқлайман?!

— Амирим, маъзур тутинг, — дейишга журъат этди соқчибоши, — шаҳар дарвозалари берк, фармони олий билан бормасам...

— Шундайми? — амир сал ўзига келди. «Амирликнинг тартиб-қоидаси шоҳи гадо — ҳаммага бир. Аммо соқчилар не деб ўйлашди, амир телба бўлдими деб фол очишмасми, йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмас» — у бир қадам олдинга босиб:

— Менинг сўзим фармони олий эмасми, басир! — деди. — Ҳаммани уйғот, ғафлат босмай таҳорат олсинлар. Сўнг

Аркка хабар етказ, девонбеги соқчибоши билан ҳузуримга келсин, бутун нениида падари бузрукворимиз руҳи покларига худойи ният қилдим. Девонбеги яқин туман бекларига чопар йўлласин, шаҳар аҳли хабарсиз қолмасин...

...Кўп ўтмай Ситораи Моҳи Хосса хоналарида одатдагидан эртароқ ҳаёт бошланди. Ўчган чироқлар ёнди. Хотин-халаж, хизматкорлар гимирлаб қолди. Амир барчасини унутиб, йўлка бўйлаб юра бошлади. Хаёлида ҳамон даҳшатли туш, икки бошли Файзулла...

«...Бир бош ўрнига икки бош... Етишимга икки қадам қолганда Минораи Калоннинг бошимга қулаши... Недан дарак бу?! Аламзада кофирлар ноғорасига ўйнаган Файзулла яна қандай ўйин кўрсатмоқчи?..

Икки бош, икки қадам...» — амир бошини чангаллаганича туриб қолди. Ҳар қанча ўйламасин, у сир-синоатга кўмилган тушининг таъбирини билишга ожизлик қилар, шу тонда бировга айтиш-айтмаслигини ҳам билмас, лекин ушбу тушининг ортида вужудни ларзага солувчи юракқорачилик, хосиятсиз воқеалардан огоҳ этувчи даъват яширинлигини сезди.

—Аллоҳу Акбар! Аллоҳу Акбар!.. — олис-олисдан — Бухоро томондан қулоғига азон овози эшитилди. У ҳушини йиғиб, ортига қайтди...*

---

*Ражаббой РАУПОВ*

## ИЙМОН МИНОРАСИ

### *Ҳикоя*

Заргар Тўрахўжа ҳайҳотдек ҳовлида ёлгиз қолди, икки кундан буён ўғли Қодирхўжадан дарак йўқ. Ётиб-туриб ўйласа-да, ўтган талотўпга ақли лол, бу хил жангу жадал, осмондан ажал ёққанини ҳеч тасаввурига сиғдиролмасди. Худонинг юборган балоси, офат десангиз — қирғинни ҳукмдор Олимхоннинг душманлари бошлаб келди. Ҳа, шу тупроқда униб-ўсган Бухоронинг тагли-тугли аслзода йигитларидан бўлмиш бир гуруҳ илмпарвар ақлирасоларнинг билиб-билмай босган қадамлари шаҳарни қонга ботирди, хароб қилди. Чол таланган мол-дунёсига ачинмади, очиқдан-очиқ зўравонликка чидади, тушунди — келган бало бир унингмас, бутун Бухорони ёндирди. Шу тонда ягона илинжи ўғли оиласини ишончли, тайинли жойга омонат қолдириб, ёнига эсон-омон қайтсин.

* «Замон — Ўзбекистон» газетаси, 1993 йил 1—15 апрель, № 17.

Қўшнилардан ҳол сўрашнинг имкони йўқ, икки кундирки, босқинчи тўдани айтмаганда, на бировдан хабар олди, на биров «ҳолинг нечук» деб келмади. Бу қандай жазоки, ҳафта ичида бутун бошли маҳаллалар, аҳил жамоа, қавм бир-бирига ёт —бегона. Асл ким, ноасл ким билмайсан, худо берган жон омонат, ҳалол мулкинг большавой деган қароқчилар оёғи остида хор.

Чол букилиб ҳовлига чиқди, ҳаво етишмагандек ҳансираб нафас олди. Супа ўртасидаги синган ҳассасига кўзи тушиб хўрлиги келди. Талончи гуруҳга қаршилик кўрсатмаса-да, борига қаноат қилмаган шайтонлар «кўмган тиллоингни топиб бер» деб саваланди. У мажҳул бир тарзда тураркан, Оллоҳдан юпанч истагандек осмонга қаради, кўзлари тиниб ҳеч нарсани кўрмади. Шу ҳолда бироз тургач дарвозага кўзи тушди: «У, баччағарлар, — деди у, — оларини олиб яна дарвозани ёпиб кетишибди, қизил аскар дегани шпш пухта қиларкан...»

Чол дарвозани ланг очиб қуяркан, «таланган уйнинг нимасини бекитай, барибир, ҳаммасига Оллоҳ шоҳидку», — дея ўйлади. Хаёл билан секин кўчага чиқдию бехос тўхтади, ортига қайтди. Бухоро Бухорога ўхшамасди...

Шаҳар устида аччиқ тутун, чанг қотиб қолганди. Кеча-кундуз давом этган отишма, ёғин, бомба ёғдиришдан сўнг Бухоро асл қиёфасини йўқотди. Ердайми, кўкданми гўё жаҳаннам даҳшатини намоён этган бир бало Бухорога жазо ёғдирди: юз йиллар аввал қад кўтарган Катта минора ярадор, мадрасаларнинг тоқи тешик, азиз авлиёлар қабри ернарчин, Амир Сайид Олимхон хазинаси ўлжа, шаҳар аҳли саросима ва даҳшат ичра чорасиз...

Шунга қарамай Амир лашкарлари тўрт кеча-кундуз душманга қарши курашди. Талофот ва харобаликлар ҳаддан ортиб, шаҳар фуқаролари жон сақлаш умидида мол-дунёсини ташлаганича турли томонга қочишди.

Сайид Олимхоннинг ички ва ташқи ҳарб қувватидан хабардор Фрунзе кетма-кет ҳамлалар уюштириб Бухорони ололмагач, Чоржўйга Польша фронтидан чақириб, ҳозирлаб қўйилган махсус самолётлар дастасини жангга киритишга буйруқ берди. Бутун кун бўйи — эрта тонгдан то кеч кўз кўргунча шаҳар бомба остида қолди. Амир Олимхоннинг Бухорони ташлаб чиқишдан бошқа иложи қолмади. Минг тўққиз юз йигирманчи йил чоршанба — жангнинг тўртинчи куни Олимхон шоҳлик боғи саналмиш Ситораи Моҳи Хосадан чиқиб Ғиждувон туманига йўл олди. Шу кундан бошлаб манғитлар сулоласининг еттинчи ва охирги амири Олимхоннинг қадами Бухорои Шарифдан буткул узилди...

Ҳукмдорсиз Бухоро ёт қўллар остида қўрқинчли ва ҳувиллаб қолди. Эгасиз уйлар, соҳибсиз дўконларнинг эшиги очиқ ётар, мол-мулк таланган, сочилган... Кундуз кўчаларда одам сийрак, барча фуқаро — ҳунар аҳлидан гадоларгача бекиниб олиб, тақдирдан паноҳ излар, ўтган довул таъсирида гўё қўлоёғидан, ҳушидан ажрагандек карахт эди.

Аввалига Бухоронинг ҳар бир ғишти қизил аскарларнинг кўзига антиқа ўлжа бўлиб кўринди. Амир хазинаси — сиймузар, мисдан ясалган идишлар, ипак матоҳлар, кумушу марварид, олтинларни вагонларга ташийвериб, ниҳоят, уларнинг бир муддат кўзи тўйгандек, унча-бунча нарсани назар-писанд қилмай қўйишди.

Фрунзе буйруғига кўра зудлик билан махсус гуруҳ тузилди. Казаклардан иборат сараланган аскарлар «инқилоб»нинг тўртинчи куни Бухоро хонадонларидан тилло йиғиш мавсумини бошлаб бердилар. Эшикларини тамбалаб Оллоҳдан иноят кутиб ётган қариялар, иложсиз бандалар, Бухорога қаттиқ боғланган фуқаролар ҳар бир дамни таҳликада ўтказишар, молу жон қароқчилари кечалар хонадонларга бостириб киришар, уй эгаларини қийнаб қақшатиб тилло талаб қилишарди. Шаҳарда бу зулмкор тўданинг олдини тўсадиган мард топилмади. Маҳаллалар аҳли ҳар эрта юзи тимдаланган, сочи юлинган, боши боғлиқ қўни-қўшнисига кўзи тушиб сирдан огоҳ бўлар, ҳеч ким бир-бирига сўз айтолмай навбат кутар, эртага исталган вақтда ўлноп йиғувчи Фрунзе жаллодлари уйига бостириб киришидан хавотирда, юрак ҳовучлаб чора излашарди. Чора эса топилмас, зулмнинг эшиги очилган, еб тўймас, талаб тўймас тиллохўрларнинг тўйдими йўқ эди.

Амир кетганининг эртаси тунда Заргар маҳаллалик ўн беш хонадонни тонг отгунча қийнашди. Оиласини Бухоро атрофидаги қишлоқлардан бирига яшириб қайтган Қодирхўжа қайсар отасидан хабар олгани уйига кирди. Чол ўлсам, ўлигим ҳовлимдан чиқсин, мол-дунё деб Бухородан кечмайман, менинг қочадиган гуноҳим йўқ, деб ҳовлида ёлғиз қолган эди. Эрталаб ўғли кириб келганида у оппоқ сурп кўйлак-иштонда супа ўртасида бош яланг, чўлтоқ ҳассасини бағрига сиққанича ҳайкалдек қотиб, савдойи янглиғ турарди. Ғишт ётқизилган кенг супа агдар-тўнтар, ковлаб ташланганди.

Ота-ўғил иккиси бир-бирига тикилиб қолишди, кўзлар дардлашди — ҳол айтди, ҳол сўради:

«Отажон, олиб кетай, қишлоққа яширай, дедим, кўнмадингиз, ахир бу не кўргулик?»

«Ўғлим, сенга айтдимку, менинг яширинадиган, қочадиган гуноҳим йўқ. Топган мол-мулким ҳалол, ўзимники... Барига чидайман, Оллоҳдан деб кўникаман, ажалим етмаса

ўлмайман. Лекин сендан бир сўрогим бор. Сенлар ишонган, юртни бузиб, юрт тузаман деганлар қани бугун? Нега улар жим? Юртим, диним, амирим деб жанга кирган лашкарларнинг хуни каммиди, нечун улар жонсиз минорани тўнга тутдилар. Бухоро дарвозаларини ёндирдилар. Дарвозалар ёнмади, менинг жоним ёнди, масжидлар қуламади, мен қуладим. Отанг молига эмас, жонига куяди, жон углим, Қодирхўжа?!» — чолнинг кўзларидан ёш думаладн.

«Отажон, не қил дейсиз?! Шу тонда қулимдан келадигани қочиш, йўқса, розилик беринг, амир лашкарларига етиб олай, ул зоти олий хизматини қисмат деб билай... Юрт бузиб, юрт сўрайдиганларга ўғлингиз — мен ишонмаган, уларнинг хизматидан ҳазар қилганман, аммо бошимда бир улкан гуноҳ бордирки, ювса-да кетмайди...»

«Биламан, углим, Сиз четда турдингиз, қон-қардош биродарингиз Файзуллага қарши чиқмадингиз, Амирни ҳам ёқламадингиз — шундай эмасми? Билиб қўйинг, ўзини билганга ўртада туриш қийин. Энди қисматингиз оғир кечади.

Сизлар доим «Жабр-зулм кўкка етди» деб сўзлашни хуш кўрардинглар, қўш-қўши, хешу таборнинг ҳолидан хабар олинг, ўз кўзингиз билан кўринг уларни, шоядки ҳақиқий зулмни англасангиз, шуни унутмангки, бизларнинг худодан бўлак сиғинадиган, Бухородан бўлак тонинадиган жойимиз йўқ!»

Қодирхўжа аста бориб отасини озорсиз бағрига босди. Кетма-кет зарбаларга худди Катта минорадек қаддини тутиб берган бу чол Заргар маҳалланинг давлатли, диёнатли, обрўли оқсоқоли ҳисобланар, у яккаю ягона ўғли Қодирхўжа билан фахрланар эди. Турахўжанинг асли касби заргарлик, сўнгроқ савдо билан шуғулланди. Ўғли Қодирхўжа саводли, мадраса кўрган йигит. У яқин беш-олти йилдирки, отасининг ёрдамчиси, қариядан буткул ҳисоб-китобу иш юритишни қабул қилиб олган тадбиркор савдогар. Бухоронинг ҳур фикрли жадидлари, савдо аҳли, айниқса, атроф тумандардаги узига тўқ хонадонлардан қуйлаб яқинлар орттирган мулоҳазакор Қодирхўжа ҳар қанча ўйламасин, қизил қўшиннинг истилосини англаёлмади. Нечун бу тартиб вайрон этиш, ёндириш, шафқатсиз қириш, талаш... Йўқ, инқилоб деган бу тахлит бўлмас, зўравонлик бу, босқинчилик! Юртпарвар миллат кишилари нечун бу қирғин-баротга йўл қўйдилар, нега халқнинг бор-йўғидан хабарсиз ўлиш йиғадилар?

Қодирхўжа отасининг ёнбошидан суяб айвон зинасига етаклади. Чол бир зина босиб-босмай тўхтади:

— Миллат қайғусида Бухорога қўшин чорлаган биродарларингиз қайда, нечун индамайсиз, ўғлим?

Қодирхўжа тушунди, отаси «Ёш бухороликлар»га шаъма

қиляпти Дарвоқе, нечун дўсти Файзулла бунинг каби талонға бепарво ёки билмайдими, шаҳарни кофирга тўлдириб, ўзи қаёққа ғойиб бўлди?

— Отажон, узингизга маълум, уч кундирки оиламизнинг ташвиши билан бандман. Бухоро эгасиз қолди. Эгасиз юртни талашар экан. Боши берк — чорасиз кўчага кириб қолдик, кимга ишонишни билмайсан киши.

— Ўзингизга ишонинг, Қодирхўжа, юртнинг эгаси бор, бугундир, эртадир бузғунчилар, юрт талашганлар жазосини топади, ўзи бошлаб келган ярог бошини ейди. Юрт босиб барака топиш мумкиндир, аммо шуни билингки, юрт сотиб барака топмайсиз. Молданку кечдингиз, энди жондан кечиб булса-да, биродарингиз Файзуллога учранг, сизга айтган омонат сўзимни унга етказинг. Қулидан келса итларини богласин, халққа жабр булди, хуб жабр булди, талагани етар, ҳаққи қолмади! Ўз қавмига озор етказган барака топмайди, — чол зинага ҳоргин чўкар экан, Қодирхўжа англадики, отасининг унга айтадиган сўзи тугади. Умр буйи зар йиққан, тилло йиққан одам нечун бугун йўқотган мол-дунёсига ачинмайди, юрт дейди, қавм дейди, қадди тик, юрагида галаён... Қодирхўжа остона ҳатлаб кўчага отиларкан, ушбу мулоҳаза юрагини ўтдек куйдирди.

Файзуллога ҳавасманд ўсган Қодирхўжа дастлаб ислоҳотталаб «Ёш бухороликлар»га хайрихоҳ, сўнгроқ фирқанинг Бухорода ислоҳот ўтказиш лойиҳаси билан танишиб, лойиҳанинг ер-сув, ҳарб ва молия ишлари, маориф ва нозирлар кенгаши каби булимларини маъқуллаган, бу ҳақида дўсти Файзуллага ҳам билдирган эди.

У шаҳарнинг харобага айланган кўчаларидан ўтиб бораркан, шундай ўйларди: «Яқингача Файзуллони менингдек дўстлари кўп эди, тарқаб кетдик, ажрашдик, у эса аҳдидан қайтмади. Нечун мен инқилобчи булмадим, худо асрадими, журъат етмадими ё унингдек замондан ўзиб яшолмадимми?» У шундай ўйларкан, нияту маслакларининг чилнарчин синиши — тескари аксидан ўзига келолмасди.

Катта минора ва масжид атрофидан узоқ айланиб юрди. Қорайган гишт, тупроқ уюмлари қабристонни ёдга солади. Ҳафта олдин шаҳарнинг энг обод, файзли манзили ҳисобланмиш бу азиз жойларда беш-олтитадан булиб қизил аскарлар турар, улар харобаларни қўриқлашаётгандек теваракни зийрак кузатишар, ярадор минорага ҳеч кимни яқинлантирмас эдилар.

«Қай бир гуноҳинг учун бағрингни тупга тутдилар эй, бобо минор?! — Қодирхўжанинг багри хун булди, кўзлари ёшга тулди, ютинди, аммо киприк қоқмади. — Кучга тўлган, дўст-

душманнинг фарқига борган эркак йиғламайди, йўқ, зинҳор йиғламайди. Ўзингизни тутинг Қодирхўжа, чақирилмаган меҳмонлар ёнида паст кетманг, уларга айтадиган сўзингиз бўлса, йиғламай, қўрқмай айтинг, токи улар сизни шу тупроқнинг фарзанди, эгаси эканлигингизни билишсин. Бир ўқ билан, ўн ўқ билан қуламаган минорадан уялинг, у сиздан мадад эмас, номус кутади... Қани эди Файзуллони тезроқ тополсам, ахир у мендан, Амирдан-да Бухорони ортиқ севарди. Амирга тахт мерос бўлса, бизга Ватан, Бухоро меросмасмиди?..»

Муштларини тугиб, аскарларга яқинлашаркан, қулоғига бегона — русча сўзлар чалинди:

— Стой!

— Куда ты, сарт?

— По моему он бай!

— Амирнинг қариндошимикан, отамиз! — аскарлар бирин-кетин гирдини ўраб олишди. Қодирхўжа ўртада тўхтади.

«Отамиз» дедими?» — у бир хил кийинган аскарларга разм соларкан, ўзбекча сўзлаган ёшгина йигитга тикилиб қолди. Бехос отасининг: «Ўғлим, менинг қочадиган гуноҳим йўқ», — деган сўзларини эслади. У отинга ишқибоз аскарга яқинроқ бориб:

— Қочмаганни отасизми, йигит?! — деди. — Қуйингчи, биродар, ўзлари ким бўладилар, сариолар қуллуқ бўлсин, хўп ярашибди! Сизга ярог тутганлар адашмабди, баракалла, отинг мени, нега қараб турибсиз, камлик қилса, ана, Минорайи калонни отинг, қулатинг, нега қараб турибсизлар?!

— Мен қизил аскарман, инқилоб қўриқчиси, ўзингиз кимсиз, ҳужжат?!

— Ҳужжат сизда бўлади, қизил йигит, мен бухороликман, бухоролик Қодирхўжа! Мени каттангизга бошланг, айтадиган ганим бор.

— Каттамиз штабда, ўртоқ Фрунзе ниҳоятда банд, у сизни қабул қилмайди, ганингиз бўлса, марҳамат, ўртоқ комиссарга айтинг, — деди у чеккароқда нописанд турган малласоч кишини кўрсатиб.

«Ё раб, отам башоратчи экан, «Энди қисматингиз оғир кечади, ўғлим» деб ҳозиргина айтмаганмидилар? Наҳотки энди гапирадиган сўзимга, босадиган қадамимга шулардан ижозат сўрасам? Бухоронинг қўлдан кетгани ростга ўхшайди. Ё, Амири аъзам, қадрингизга етмабмизку, биз ғофил бандаларни шайтон йўлдан оздирмиш, мана оқибат, мана инқилоб!..»

Бу орада аскар йигит комиссарнинг сўзларини Қодирхўжага етказишга шошилди:

— Ўзингизни таништиринг, тақиқланган зонага не мақсадда кирдингиз?

— Боя айтдимку, нега англамайсиз, бухоролик Қодирхўжаман, дўстим Файзуллога ишим бор. Учрашмоқчиман.

Аскар унинг сўзини комиссарга етказди. Комиссар чирт этиб ерга туфураркан, нималардир деди, асабийлашди. Сўнг у бошлиғининг сўзини шундай ағдарди:

— Ўртоқ комиссар сизга ишонмайди. у дейдики, дуч келган бухоролик ўзини Файзулла Хўжаевга дўст деб таништиради, бўлмаган гап бу. Сизлар уни ёмон кўрасиз, сиз феодаллардан уни ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиз. Хўжаев Бухоро инқилобининг калити, у бизга керак. Тушундингизми? Энди биз билан юрасиз, шахсингизни аниқлаш лозим.

— Чиғириқдан ўтасан денг, менга ишонмайсизми, тўғри қиласиз, бегона юртнинг шоҳи гадоси-да бир, ишонманглар, ишонманглар менга!

— Гражданин Қодирхўжа, нега ундай дейсиз, Бухоро бизники, биз уни озод қилдик, ёт қўллардан, манфур амирдан озод этдик, яшасин Инқилоб! Ёки сиз қаршимисиз бизга, хато қиласиз, сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда мана бу, эски тузум сарқити — амирнинг сояси ажал минораси ҳисобланмиш баландликка чиқиб «Яшасин инқилоб!» деб бақирардим.

— Э, шундай денг, ажал минораси деб номладингларми, йўқ, иймон минораси бу, сизлар келгунча минорада сўфи азон айтган, барча мўмин-мусулмонни эътиқодга бошлаган, — унинг сўзига ҳеч ким эътибор бермади.

Ўзига ярашиқли кийим кийган Қодирхўжани ўртага олиб кетишаркан, ёнидаги малласоч аскар чўнтагига қўл суқди:

— Тилла бор? Золото, золото?..

* * *

...Фрунзе аскарларининг муваққат штаби Олимхон Аркига жойлашгач, инқилоб учун хавфли саналган ҳар бир кишининг тақдири шу жойда ҳал этила бошланди. Гумондорлар гуруҳларга бўлиниб, ҳукмдорга яқинлар амир хонадони билан юзлаштириш учун тутқунликда сақланарди. Асосий штаб эса Когон темир йўли станциясида. Қизил аскарлар Қодирхўжани Аркка судраншан пайтда Файзулла шаҳардан четда — Когонда ўзи учун ажратилган вагонда ёлгиз эди. Фрунзе унинг Бухорода туришини маъқул топмади, суиқасд уюштиришларини рўкач қилиб, вақтинчалик махсус вагонда яшашини маслаҳат (аслида буйруқ) берди. Фрунзе ушбу тадбири билан икки вазифани адо этди: биринчиси, Хўжаевнинг четда туриши шаҳарда ўз истагича тинтув ўтказиш, хоҳлаган одамни қаршиликсиз қамаш, отиш — ҳар бурчида хазина яширилган Бухоро тиллаларини ижозатсиз йиғиш имконини берди:

иккинчиси, инқилоб курашчисининг ҳаётини кафилликка олиб, қизил армиянинг садоқатини намойиш этди.

Ҳар икки тадбирни манфаат асослар, манфаат оқлар, шу боис қаршиликка урин йуқ эди.

Кеча-кундуз қуриқланаётган вагонларда тинимсиз тилла юкланар, арава, фойтунлар узлуксиз қимматбаҳо буюмлар ташир, инқилобнинг дастлабки ҳосилини Бухородан Когонга завқ-шавқ билан йиғишарди.

Файзулла илк кунларданоқ савдогар отасидан мерос жамики бойлигини инқилоб ғалабаси учун ихтиёрий топширди. Айтиш мумкинки, бу борада у шахсий намуна курсатди. Унингча, эътиқод синовининг бундан булак ишончли усули йуқ эди. Узоқ муддат Бухоронинг мустақил ривожланган тенглик ва адолатли қонунлар устиворлигига қурилган давлат булиши учун курашган экан, бундай улуғ мақсад учун наинки шахсий мулк —бойлик, жондан кечишга ҳам тайёр эди у.

Инқилоб қурбонсиз бўлмас! — бу шиор даврнинг нафаси, жамики йуқотилган, бой берилган бойлик, ҳатто тукилган қон урнини босишга арзирли таскинбахш мезон эди. У ҳар бир қадамини шу мезон билан улчар, иккиланмасди.

Қарши дарвозаси портлатилди. Катта минора тупга тутилди. Арк ярим вайронага айланди, масжидлар устига бомба ёғди, учқич нелигин курмаган, билмаган Бухоро аҳли қурбон булди, қирилди. Ҳаммасига гувоҳ: шафқатсиз жангнинг иштирокчиси у. «Ғафлат босган Олимхон Бухоро тақдирини уйлаганида, аввало, ҳарб қувватини оширмасмиди, узганинг ҳимоясига ишонган подшоҳ қандай қилиб уз юртида эркин булсин, бугун булмаса эртага, у албатта, Бухорони топширмасмиди?

Ёлғизликда утаётган ҳар лаҳза унга тинчлик бермас, узича сабаблар топарди. — Агар у бизнинг ислоҳотларни қабул қилиб, амалга оширганида, бугун... қуркди, узидан қуркди, тахтдан қуркди. Олимхон узоқни куролмади, узига ишонди, пилта милтиқ билан қуролланган қари лашкарларига ишонди. Тақдир мен тараф булиб, рус қуроли билан уни енгган эканман, қисматдан тонмайман! Отадан давлат қолади, мол қолади. Лекин унга мамлакат қолди, Бухоро қолди, у шунга лойиқмиди?..»

Бухоро таланар, Бухоро ёнар, у эса ўз-ўзи билан хаёл талашар, утган воқеалар булак имкон бермасди. Минг тўққиз юз ун саккизинчи йилги Колесов жангидан сунг унинг энг катта имкони жим туриш эди. Бир марта ишончни йуқотган маҳаллий инқилобчи иккинчи бор қизил армиянинг мададидан умидини узиши керак. Лекин унга ишонишди. Файзулла булгани учун ишонишди...

У шундай ўйласа-да, сўнгги икки-уч кунлик воқеалар силсиласи, бир-ярим ёнига келиб кетаётган яқинлари, маслакдошлар, қариндошларининг очиқ-ойдин норозиликлари бир дақиқа бўлсин тинчлик бермасди. Рост, қизилларнинг мадади қимматга тушди, лекин на чора, энди ортга йўл йўқ, кўприклар синди.

Ниҳоят, вагон пардасини суриб атрофни кузатди: аскарлар терлаб-пишиб аҳду жаҳд билан елкасига қоп ташир, бирин-кетин тўлган вагонлар эшиги танбаланиб, соқчилар сони ортиб борарди. «Агар шу билан қутулсам, шу билан уларнинг қадами Бухородан узилса, — дея ўйларди у, — билингки, Бухоро ўзининг иккинчи умрини бошлайди, биз янги, мустақил давлатнинг пойдеворига гишт қуйган бўламиз...» Аммо бунга ҳали эрта, ўй-хаёллари тор вагонда, аскар қўриқчилигида, Бухородан четда кечаётган орзу эканлигини билмасди. Бухоро воқеалари шу қадар шиддат билан кечдики, энди у темир гўшасида тинч туролмас, шошилинч режалар тузар, ён дафтарига қайдлар ёзар, кимлар биландир хаёлан баҳслашар, вазифалар юкини тақсимлар, хуллас, вақт унга, у вақтга тинчлик бермасди.

Нохос эшик тақиллаб, соқчи кўринди:

—Сизни сўраб келишди.

— Ким!

— Дўсти Қодирхўжаман, дейди, рухсатномаси бор.

— Кирсин.

Қодирхўжа вагонга кирганида у ярим сурилган парда ёнида туриб, бир маҳаллада улғайган болаликдаги ўртоғи ҳақида ўйларди: «Келгани яхши бўлди, у мени тушунади, ўтган гиналарни унутамиз, энди бизни иш бирлаштирсин, Бухоро бирлаштирсин».

Дўсти Файзулла кутганчалик қучоқ очмади, ҳаяжонланмади, бегона, бутунлай ёт бир кишига кўзи тушгандек ажабланиб қараб турди. Бир дақиқалик оғир сукунат Файзулланинг юрагига тошдек қадалди. »Нега мени тушунишмайди, нечун менга бундай қарайдилар, ҳамманинг қўли менинг ёқамда, ахир менга ҳам суянчиқ керак, қани ўша мард, ким бор?!»

Жимликни Файзулла бузди:

— Дўстим, тоқатинг етса, яна бир дам жим тур, гапирма. Мен бир ойдинлик тилайман, кўнглим эса кун сайин қора, қоп-қора: кучинг етса, менга қўлингни узат, мадад бер, қадамим ёруғликка етсин, у ёғини ўзимга қўй, қаддимни тиклайман!

Қодирхўжа ҳамон жим, ўша совуққонлик ила қараб тураверди.

«Бир дунё кек билан келган, яхши ҳамки қуроли йўқ...»

— Сен бошқа юртнинг одамисан, — сокин тилга кирди Қодирхўжа, — танимайман сени, ёлғонми? Атрофингда соқчилар, ортингда юк тўла вагонлар! Сен мен учун гўё Бухорога келгансану савдонгни пиштиб, яна тўлиб-тошиб юртингга кетаётгандексан! Қаёққа жўнатаянсан бу олтинларни?! Бухорога қасдинг бормиди?! Яна қул чўз дейсан, мадад бер дейсан, сен шайтонга қўл узатдинг, сенга шайтон мадад берсин! Отангдан, уйингдан, ҳаммамиздан кечиб, топган тахтингга тупурдим! Нима қилиб турибсан бу ерда бекиниб, олиб чиқ темир тахтингни, Аркка ўрнат. Олимхон кетди, энди у йўқ!

— Бухорога қасдинг бормиди! — Файзулло Қодирхўжанинг сўзини такрорлади. — Кеча амаким ҳам худди шу гапни айтди. Азобку бу даъвони эшитиш, тушунтириш азоб. Мен сенларнинг қай биринг билан айтиб-эшитай! Шу кунгача ёлгиз эдим, наҳотки, яна ёлгизлик қисматим бўлса? Бунақада мен ким билан давлат қураман?! Йўқ, сенлар гипани биласан, хатони кўрасан, лекин суянчиқ бўлолмайсанлар!

— Гапирма, сенга суянчиқ бўлишдан худо асрасин! Юртини кофирга топширган одамни мен тушунмайман!

— Менинг ўз режам, мақсадим бор. Сенлар юртни эмас, ўз молинг, жонингни ўйлайсан! Бугун бўлмаса эртага мени халқ тушунади. Олимхондан қутулганига шукур қилади, кўзи очилади...

— Олимхон менга эмас, сенга яқинроқ эди. Мен тахт ҳавасидан узоқда эдим. Тинчгина оилам, касб-корим, юрагимда шукронам бор эди — ҳаммасини тузитдинг! Кошки тўзиган бир мен бўлсам? Айт! Даъвога арзимайдими булар?! Жавоб берасан, ҳаммасига жавоб берасан, юртнинг даъвоси елкангда турибди, кўзларинг кўр сенинг — кўрмайсан, қулоқларинг кар сенинг — эшитмайсан!

...Мутелик, бўшанглик Файзулланинг табиатига ёт эди. Мақсадга эришишнинг қонли йўли, вайронагарчилик, кўплаб яқинларидан ажралиш уни янада теранроқ ўйлашга, Бухоро билан боғлиқ ҳар бир катта-кичик воқеани қайта-қайта тафаккур мезонидан ўтказишга мажбур қиларди. Шафқатсиз вақт ҳафта ичида ўз ҳукмини ўқиган, шикоятга ўрин йўқ эди. Энди бу ёғига пухтароқ режалар тузиш, ён бериш, курашишдан ўзга чора йўқ. Алдандим десинми, хато қилдим десинми, узр сўрасинми — бундан не фойда? Мақсади аниқ экан, қайтмайди, қайсар тақдир унга ён босмагунча курашаверади.

— Чўнтагимдаги сўнгги ақчамни тортиб олишди, — Қодирхўжа ҳамон тик турганича гапирарди. — Бу қадар пасткашлик?! Тунда отамни тунашибди. Бутун маҳаллани қон

қақшатиб, кўзи тушган одамдан тилла талаб қилишади! Кечалари уйма-уй изғиб ўлжон йиғишади... Қарғинга қолдинг Файзулло, қўлингдан келса итларингни боғла. Халқни талагани етар, сендан қизиллар миннатдор бўлишса, шу ёғи ҳам етиб ортади. Амирни қулатишга етгулик, балки ортиқроқ хизмат ҳақи тўладинг! Энди айт, бизга тегмасин, бева-бечоранинг оҳи сенга етмаса, Оллоҳга етади!

— Қодирхўжа! — Файзулла унинг кифтидан чангаллади. — Хотинқарғиш сўзларингдан туйдим! Яхшилаб эшитиб ол: Бухоро шу кунгача ватаним эди, энди эса қисматимга айланди! Биласан, қисматдан ҳеч ким кечолмагай. Агар тақдир устимдан кулмаса, Бухорони қайтадан қураман. Сен ҳали Файзуллони билмайсан!..

Сергак соқчи таҳдидли овоздан ҳушёр тортиб, вагонга отилиб кирди. Файзулла малласоч аскарга зурма-зураки жилмайиб «ҳаммаси жойида, чиқиб тур» деди русчалаб.

Кутилмаганда аскарнинг пайдо бўлиши ҳар иккисинида ҳушёр торттирди. Файзулла учун ички ва ташқи тартиб ўрнатилган — у энг яқини билан ҳам вагонда узоқ гаплашолмас, ким билан нима ҳақида суҳбатлашгани учун ҳисоб беришга мажбур эди. Гувоҳларсиз суҳбат ўзига чоҳ қазишга тенг, буни англамасликнинг иложи йўқ, то шу кунгача асрабавайлаб, жону танига қалқон бўлиб келган Когон станциясидан кунма-кун узоқлашаяпти. Рост, ҳаётини асраш важида темир қутида, соқчилар қўриқчилигида ётар экан, кўнглига бостириб кирган бегоналик ҳисси кун сайин катталашиб, улкан тўсиққа айланиб бораяпти.

У вагон бўйлаб аста юра бошлади, буткул тинчини йўқотди. Бири-биридан чалкаш, хавотирли ўйлар таъсирида вагондан отилиб чиққиси келди. Унинг чорасиз пайтлари кўп бўлган, лекин бутунгидек ўтган воқеаларнинг барча маломати йиғилиб бошидан ёғилмаган эди. Нималар бўлаяпти ўзи? Бари унинг ихтиёрисиз кечди, у биладики, унинг хоҳишидан-да шиддатли, қудратли бир куч Бухорога бостириб кирди. Фрунзе лашкарларининг қадами етган Бухорога ҳаммадан кўпроқ у масъул эмасмиди?..

Бир муддат жимликда кечган фурсат соқчиларни янада ҳушёрликка чорлади. Бу гал улар вагон панжарасидан пойлашди, ҳатто бириси пойлаганини атайлаб яширмади, тиржайиб, очиқ-ойдин ичкарига разм солди.

— Кимни пойлашаяпти, — деди Қодирхўжа, — меними, ё...

— Мени пойлашаяпти, уларга мен керакман.

— Йўқ, хато қиласан, Файзулла, уларга сен эмас, Бухоро керак! Ҳолингни кўриб ҳаммасини англадим, энди қўлингдан бир иш келиши мушкул, сен аллақачон болшавойнинг арава-

сига мингансан, тушмайсан, тушолмайсан, туйиб-туйиб қўшиғини айтасан, айтмасанг айттиради!

Файзулла унинг сўзларини эшитмагандек, хотиржам кўзларига тикилди:

— Дўсту биродарларга айт, Бухорони ташлаб кетишмасин. ҳали бир-биримизга керак бўламиз. Янглиш фурсат тез ўтади, менга ишонинглар, Қодирхўжа. Кел, энди хайрлашамиз дўстим.

— Кетаман, — деди Қодирхўжа орқага тисланиб, — лекин сенга ишонмайман, Файзулла, ишонмайман! Оллоҳга қасамки, барингдан ўч оламан, токи тирик эканман ўч оламан... У эшикни тарақлатиб ёпди.

* * *

Бир муддат ўтгач, кетма-кет ўқ овози эшитилди. Қодирхўжа чуқур хандақда қонга беланиб ётар экан, Файзулланинг сўнгги сўзларини эслади: «...Янглиш фурсат тез ўтади, менга ишонинглар, Қодирхўжа...» У кўзларини катта очиб, чидам билан хўрсинди. Похос тепасида белкурак кўтарган аскарлар пайдо бўлди.

У ҳали жони чиқмаган — тирик жасадини тупроққа қориштираётганларини томоша қилиб ётди, кўзларини юммади, юмолмади. Боши узра — осмонда элас-элас ярадор Катта минора аксланди. Бир ўқ билан, ўн ўқ билан қуламаган минорадан мадад истагандек ўнг қўлини чўзмоққа талпиндию шу лаҳза елкасига тош урилди, юзига қум тушди, кўзлари уни зулмат қаърига тортиб кетди.*

---

*Амина ҚОДИРОВА*

## 1920 ЙИЛ ШЕЪРИ

Руҳимда чарх уриб йиғлар лайлаклар,
Ватан ичра, беватан гадо.
Бир ҳадикдан титрар юраклар,
Ўзингникилардан асрагин, Худо.

Бухоро ёнмоқда, ёнмоқда Ватан,
Минг йиллик тожу тахт бўлмоқда адо.
Кимнинг армонида сўнмоқда Ватан,
Ўзингникилардан асрагин, Худо.

---

* «Ёшлик», 1996 йил, 1-сон.

Гумбурлаб учарлар сочмоқда ажал,
Халқ йиглар «ё Оллоҳ, бу қандай жазо».
Амир кетиб борар ишончи ўсал,
Ўзингникилардан асрагин, Худо.

Минорлар бошида хиёнат тиги,
«Ҳокимият бизники», қувонар «даҳо».
Кимга мол, кимга жон аччиғи,
Ўзингникилардан асрагин, Худо.

Сап-сариқ иблислар топтар иймонни,
Бухоро бўғзида санчилар хато.
Ювуқсиз оёқлар топтар «Қуръон»ни
Ўзингникилардан асрагин, Худо.

Руҳимда жим туриб сўйлар Бухоро.
Сукунат бағрини тилар бир садо.
Инқилоб — юракдаги тузланган яро,
Ўзингникилардан асрагин, Худо.*

---

*Ражаб ҚИЛИЧЕВ,*

*Бухоро тиббиёт олий билимгоҳи*
*тарих ўқитувчиси.*

## «БИЗЛАР БОСМАЧИЛАР ЭМАСМИЗ...»

* Масков элчиларни нега қабул қилмади?
* Тўкилган қон... ва таланган бойликлар
* Алданган «ёш бухороликлар»

Русия февраль инқилобидан сўнг Туркистон ўлкасида ҳам миллий мустақиллик ва озодлик учун кураш янгидан авж олди. Бухоро амирлигида ташкил топган «Ёш бухороликлар» ҳаракати ҳам ўзининг сиёсий фаолиятини кенгайтириб, амир ҳукумати олдига янги талаб ва таклифлар билан чиқди. Жадидлар ҳаракатининг асосий мақсади, Файзулла Хўжаев таърифлагандек, «буржуа-демократик тартибларни» ўрнатиш эди. Лекин бу ҳаракатнинг дастури ва ғояси Бухоро амири

* «Халқ сўзи», 1993 йил 23 сентябрь.

томонидан қабул қилинмади ва у тор-мор этилди. «Ёш бухоролик»лар ташкилотининг кўплаб аъзолари жазога тортилдилар, қолган қисми эса Тошкентга большевиклар ҳукумати паноҳига қочиб бориб, амирлик тузумига қарши очиқ курашга ўтдилар. Уларнинг халқ орасида олиб борган турли ташвиқотлари бирор натижага олиб келмади. Шунинг учун ҳам улар Шўро ҳукуматидан ёрдам сўрашга мажбур бўлдилар. 1918 йил март ойида Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф. Колесов бошчилигидаги қизил гвардия отрядлари билан биргаликда Бухоро амирлиги ҳудудига бостириб кирдилар. Бу ҳақда Файзулла Хўжаев шундай ёзган: «Тушдан сўнг Колесов тўплар ва пулемётлар ортилган эшелонлари билан янги Бухоро (Коғон)га келди. Қисқа жангдан сўнг улар амир қўшинларидан енгилиб орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Шундан сўнг Колесов Самарқанд, Кушка, Қизилравот ва Каркидондан ёрдам олиб хонликка катта хавф туғдирди. Олимхон ўз заифлигини ҳисобга олиб, 1918 йил 25 мартда Туркистон Халқ Комиссарлари томонидан қўйилган шартларни қабул қилишга мажбур бўлди.

Битимда: 1) Бухоро амири билан биргаликда маҳаллий аҳолини қуролсизлантириш; 2) Амирнинг доимий армияси сонини қисқартириш ва армия учун турли-туман ўқ-дорилар, қурол-яроғ сотиб олишни чеклаш; 3) Рус контрреволюционерлари ва оқгвардиячиларни Туркистон ҳукумати қўлига топшириш; 4) Уруш вақтида амир қўшинлари томонидан бузилган темирйўлларни амир хазинаси ҳисобига тиклаш ва Халқ комиссарлари ихтиёрига 100 вагон ғалла етказиб бериш; 5) Бухоро амирлиги ҳудуди орқали ўтган темирйўлдан қизил гвардия қўшинлари ҳаракатига тўсқинлик қилмаслик каби мустақил давлат қадр-қимматини поймол қилувчи бандлар бор эди. Интиҳаси карнай бўлган большевиклар мана шу пайтдан бошлаб Бухоро давлатининг ички ишларига қўпол равишда аралаша бошладилар.

Бухоро амири Саид Олимхон Шўро Русияси билан яқин алоқаларни ўрнатиш мақсадида 1920 йил 8 июлда ташқи ишлар комиссари Г. В. Чичеринга нома юборади. Бу номада Москвада Бухоро давлатининг элчихонаси очиш учун элчилар юборилиши айтилган. Унда жумладан: «Бухоро давлати ва Улуғ Шўро Республикаси ўртасидаги бузилмас дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун Мен Москвага Мирза Меҳди Хўжабоев бошлиқ фавқулодда элчиларни юборишни эзгу иш ва бурчим деб билдим...» — дейилади.

Аммо Москвадагилар амир элчиларини қабул қилишмайди, чунки уларнинг нияти бошқа эди ва бу ниятлари тез кунда ошкор бўлиб қолди. Баъзи кишиларда амир қўрқувдан

ёки ўз тахтини сақлаб қолиш учун большевиклар билан битим тузишга ҳаракат қилиб, ўз элчисини юборган деган фикр пайдо бўлиши мумкин. Йўқ, асло бундай эмас. Бухоро амирлиги подшоҳ Русиясига қарам давлат эди. Бухоро аҳолиси рус подшоҳининг жабр-зулмини старли равишда тотиб кўрган эди. Инқилоб юз берганидан сўнг Ленин подшоҳ Русиясининг бошқа давлатлар билан тузган барча битимларини бекор қилди. Русияга қарам давлатлар каби Бухоро амирлиги ҳам ўзининг мустақиллигини тўлиқ тиклаб олди. Шунинг учун ҳам Бухоро амирининг истаган давлат билан тенг асосларда сулҳ тузишига ёки битим имзолашига ҳақи бор эди.

1920 йил бошларида Туркистонда Бухоро амирлигига қарши охирги ҳарбий тайёргарликлар тугалланаётган эди. Асосан эски қурол ва пилта замбараклар билан қуролланган амирнинг 12000 кишилик армиясига қарши қизил гвардиянинг замонавий қуролланган 70000 кишилик армияси тиш қайраб турарди. Бу «Инқилоб»ни бошлаш учун фақат бир баҳона керак эди. Бу баҳона ҳам тез кунда уюштирилди. 1920 йил 29 августда Қул Муҳаммедов бошчилигидаги туркман отлиқ аскарлари Эски Чоржўйни босиб олдилар ва шу заҳотиёқ Туркфронт қўмондонлигидан уюштирилган тўнтарининга ҳарбий ёрдам бериш ҳақида мадад сўрадилар.

25 августда Туркистон раҳбарияти «Бухорода халқ инқилобига раҳбарлик бўйича партия маркази»ни тузди, унга В. Куйбишев, Н. Ҳусаинов, Ф. Хўжаевлар кирди. 1920 йил 25 август соат 13 да Қизил Армияга аниқ ҳаракат дастури берилди. Унда шундай дейилган эди: «Бухоро халқи ўз эзувчиларига қарши бош кўтарди. Бухоро халқига инқилобий биродарлик (интернационал) ёрдамни кўрсатиш учун 29 августдан фаол ҳарбий ҳаракатлар бошлансин». Кўриниб турибдики, Бухорога қарши ҳарбий ҳаракатлар Эски Чоржўйнинг босиб олинишидан илгари бошланган. Бухорода эса аҳоли амирликка қарши бош кўтариб чиқмаган ва ҳарбий ёрдам сўрамаган эди. Мана шундай қилиб Бухорога «халқ инқилоби» олиб келинди. Ёш Совет республикасининг бу ғирром ўйини ўн йил муқаддам Афғонистон мисолида ҳам айнан такрорланганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бироқ юз йил бурун инглизларга бўйин эгмаган афғонлар русларга ҳам бўйин эгмадилар. Чунки улар миси чиққан «инқилоб» экспорт қилишнинг моҳиятини 73 йил давомида Ўрта Осиё бошида олиб борилган сиёсий экспериментлар мисолида англаб етишган эди.

Бухоро Амири Саид Олимхон 1920 йил 1 сентябрь соат 16 да автомобилга ўтириб, афғон ва рус казаклари қўриқчилигида Бухорони тарк этди. Қизил қўшинлар 2 сентябрь тонгда

барча қуролларни ишга солиб ва кўп қурбонлар эвазига шаҳарга бостириб кирдилар. Бухоро шаҳрини тамомила эгаллашга ғоят катта аҳамият берган Фрунзе 1920 йил 1 сентябрь соат 3 да командарм Г. В. Зиновьев билан бевосита телеграф орқали гаплашиб: «Қатъий ва узил-кесил зарба бермоқ учун ҳамма чоралар кўрилсин» деб буйруқ берди. Буйруқ айтилгандан ҳам зиёда қилиб бажарилди. Бухорони босиб олишда фаол қатнашган Г. Омелюстий деган кимса ўзининг «Бухоро деворлари ёнида» номли мақоласида шундай ёзган: «Кўча жанги бошланди. Устларига ҳамма томонлардан ўқ ёғдириб турилган, қўл гранаталари иргитилаётган, ҳатто томлардан, деразалардан қайноқ сув қуйилиб турганда қизил гвардиячилар шаҳар ёнгинлари алангасини ёриб ўтиб, олға бораверидилар. Ҳар бир уй, ҳар бир маҳалла жанг билан қўлга киритилди. Арк олди ва атрофи ловуллаб ёнмоқда эди».

Шаҳар аҳолиси кофирлар қўлида қолиб кетмаслик учун мол-мулкини ташлаб қочиб кета бошлаган. Бухоро кучли бомбардимон ва ёнгин натижасида куйиб кулга айланган (бу вайроналар ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган).

Бухорода миллий озодлик ҳаракати 1920 йил октябрь ойи ўрталарида бошланган. Худди шу пайтда Бухоро амири «кофирларга қарши ғазовот» эълон қилган эди. 1920 йил декабрида амир ўз атрофига 15000 дан ортиқ ватанпарварларни тўплаб улгурган эди. Большевиклар халқ ҳаракатидан қўрқиб Москва, Тошкентга ҳарбий мадад бериш тўғрисида кетма-кет телеграммалар жўната бошлаганлар. Бухорога келган Қизил Армия аскарлари ўртасида талончилик, зўравонлик авж олиб кетган.

Ватанпарварлар қўлга тушган нарсалар билан қуролланиб, босқинчиларга қарши курашга отланди. Ҳар бир беклик, туман ва қишлоқларда Қизил Армия зўравонлигидан болачақасини, мол-мулкини ҳимоя қилиш гуруҳлари тузилди. Масалан, 1921 йил ўрталарида Косонда Шариф Мироҳур 60 йигити билан, Каркида Қилич Мерган 300 йигити билан кураш олиб борган бўлса, Бухоро шаҳри атрофида Жўра Амин — 120, Ҳамро Полвон — 40, Мурод мешкоб — 120, Соғит Мансур — 70, Аъзамхўжа — 150, Тош мурдашўй — 60, Мулла Абдуқаҳҳор — 250, Ўрмон Полвон — 50, Митон Полвон — 40, Наим Полвон — 40, Хушвақт ва Сирожхўжа — 120, Қилич Сардор — 45, Қилич Очил Сардор — 25 йигити билан, Самарқанд атрофида Очибек — 30, Саид Аҳмадхон — 150, Аҳрорхон — 200, Саид Шариф — 80, Тўрабеков — 70, Холбўта — 120, Оллоқул — 40, Зиёвуддин — 20, Ҳамроқул — 20 йигити билан кураш олиб борган.

Биз бу ўринда барча гуруҳларнинг бошлиқлари ва йигит-

лар сонини келтириб ўтирмадик. Фақат шуни айтиш мумкинки, 1921 йил ўрталарида ватанпарварларнинг катта-кичик 50 дан ортиқ гуруҳлари бўлиб, уларда 6000 дан ортиқ йигитлар мустақиллик ва озодлик учун кураш олиб борганлар ҳамда уларнинг сони кун сайин ортиб борган. Худди шу даврда Бухоро ҳудудида жойлашган Қизил Армия сафида 12000 дан ортиқ аскар, 324 пулемёт, 22 замбарак, 1 бронепоезд, 10 аэроплан ва халқ милицияси отряди бўлган.

Ҳарбий қисмлар кетма-кет марказдан чақирила бошланган. БХШЖ Советларининг 3-қурултойи 1922 йил 15—18 августда бўлди. Унда шундай сўзлар янграган эди: «Қизил Армия Бухорога ўз ташаббуси билан келгани йўқ... аксинча, Бухоро Халқ Шўро Республикасининг чақиригига биноан унинг территориясини ва мазлум халқини давом этаётган босмачилик ҳаракатидан озод қилиш учун келди». Лекин аҳолига тили бошқа, дини бошқа халоскорларнинг кераги йўқ эди. 1921 йилда чиққан «Қизил Армиянинг босмачиларни тугатишдаги роли» номли қўлланмада (бу қўлланма Туркфронт жангчилари учун ҳаракат дастури бўлган): «Биз босмачилардан фақат ерли аҳолини қириб ташлаш орқалигина қутуламиз» деб аниқ ва равшан ёзиб қўйилган эди. 1922 йилда Бухоро ҳудудида Қизил Армия аскарлари сони 40000 дан ошиб кетди. Улар орасида бор-йўги 400 бухоролик қизил аскарлар бор эди. Бу кучлар Туркиядан Бухорога келган Анвар пошо (генерал) атрофига тўпланган ватанпарварларга қарши қўйилди. Туркиянинг собиқ ҳарбий нозири генерал Анвар 1921 йил 2 октябрда Бухорога келади, бу ерда Ф. Хўжаев билан учрашиб, у билан суҳбатлашади. У Бухородаги ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўриш учун мамлакатни айланишга чиқади ва ватанпарварлар сафига бориб қўшилади.

1922 йил 15 апрелда миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарлари Шарқий Бухорода тўпланиб, Анвар пошони ўзларига сиёсий раҳбар ва бош қўмондон қилиб сайладилар, шу пайтдан бошлаб миллий озодлик ҳаракати уюшган тус олиб янада кенгайди. Шўро Русияси 1922 йил 19 апрелда Анвар пошога сулҳ таклиф қилди. Сулҳга биноан Дарвоз, Қоратегин, Кўлоб, Душанбе ва Ҳисор бекликлари Анварга берилиши, бунинг эвазига ундан большевикларнинг Туркистондаги сиёсатларига дахл қилмаслик сўралган эди. Лекин Анвар пошо уларнинг бу найрангига учмайди, унинг орзуси бутун Туркистонни большевиклардан батамом тозалаш эди. Шундан сўнг большевиклар марказдан ёрдам сўрашга мажбур бўладилар. Орджоникидзе РКП(б) Марказий Комитетига шошилинч телеграмма жўнатади.

1922 йил баҳорида Шарқий Бухорога Қизил Армиянинг ўқчи ва отлиқ полклари, бронепоезд, бронеотрядлар, артиллерия батареялари ва пулемётчилар роталари юборилди. Ўртада узоқ давом этган қонли жанглар бошланди. Анвар пошо ватанпарварларнинг бирлашган кучлари билан биргаликда Денов, Бойсун, Шеробод, Ҳисор бекликларини эгаллади. Большевиклар Анвар пошони марказнинг кўрсатмасига амал қилиб «бутун дунё меҳнаткашларининг душмани, халқаро империализмнинг агенти» деб эълон қилиб, халқ ўртасида унга қарши ташвиқот олиб бордилар.

Бир-бирига қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш кундан-кунга авж олиб кетган. Бироқ 1922 йил август ойидаги оғир жангларнинг бирида Анвар пошо қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Бу ҳақда Бухоро амири Саид Олимхон ўз эсдаликларида шундай ёзган: «...1345 йил 10 зулҳижжада (1922 йил, 4 август) Анвар пошонинг шаҳид бўлгани ҳақида фожиали хабар тарқади. Анвар пошо Балжувон қалъаси деворлари яқинида бўлган жангда, Қурбон ҳайити куни қаҳрамонларча шаҳид бўлган. Унинг жасади Чакан деган жойдаги Ҳазрат Султон мозорига дафн этилган».

Большевиклар Анвар пошони енгдик, энди босмачилар ўз-ўзидан тарқаб кетади, деб хомхаёлларга берилдилар. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Ватанпарварларнинг омон қолган кучларига Иброҳимбек бош бўлди. Қизил Армия ҳимоясиз аҳолини оммавий қирғин қилиш билан аламини олди, унинг кўзига бешикда ётган гўдаккача ҳам босмачи бўлиб кўринарди. Қизил аскарлар, ЧК ходимлари уйма-уй юриб, «ким босмачи» деб бетуноҳ аҳолига жабр-зулм ўтказа бошладилар. Қишлоқларга ўт қўйилиб, ер билан яксон қилиб ташланди, мусулмонларнинг энг муқаддас жойлари ҳисобланган мадраса-масжидлар отхоналарга, казармаларга, омборхоналарга айлантирилди. Озиқ-овқат развёрсткасининг жорий қилиниши аҳоли бошига амирлик даврида солинган жабр-зулмлардан ҳам ошиб тушди. Деҳқонларнинг омборхоналаридаги ва деворга лой билан сувалиб яширилган охирги дон-дунлари, бир бурда охирги нони ҳам тортиб олинган. Донни яширган бойларгина эмас, балки камбағал деҳқонлар ҳам учлик (тройка) судларига топширилиб қаттиқ жазога тортилган, сургун қилинган, отиб ташланган.

Қишлоқларда очлик даҳшатли тус олган, одамлар уй-жойларини ташлаб бошлари оққан томонга қараб кўчганлар. Бутун аҳолидан тортиб олинган дон-дунлар вагонларга юкланиб Русияга жўнатилган. Ф. Хўжаев Шўро Русиясининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси раисига йўллаган хатида: «Совет Русияси жуда қийналаётганлигини билиб, унга



нима билан бўлса-да, мумкин қадар тезроқ ёрдамлашмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрмоқдамиз, янги усулларни излаб топмоқдамиз. Ваъда қилинган 500.000 пуд донни тайинланган муддатда етказиб бериш учун қатъий чоралар кўрмоқдамиз», деб ёзади.

Буларнинг ҳаммаси аҳолининг чексиз нафратини уйғотган, норозилик кундан-кунга ортиб борган. Янги ҳукумат ўзининг шошиб қабул қилган қарорлари, олиб борган зўравонлик сиёсати туфайли оғир зарбаларга учраган. Бухоро ҳукумати раҳбарияти ўртасида келишмовчиликлар юз бериб, улар орасида бўлиниш юз берган. Масалан, ҳукумат арбобларидан БХШЖ Марказий Ижроия Комитети раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1921 йилда Шарқий Бухорога бориб Анвар пошо томонига ўтган. БХШЖ Халқ Нозирлари Шўросининг раис ўринбосари Ота Хўжаев «миллатчилик» ва Қизил Армия жангчиларига, унинг ҳатти-ҳаракатига яхши муносабатда бўлмаганлиги учун ўз лавозимидан олиб ташланган. Абдуқодир Муҳиддинов БХШЖ Ғарб (Германия, Англия) ва Шарқ (Эрон, Афғонистон, Туркия) давлатлари билан мустақил алоқа қила берсин, деб талаб қилган. У Русия қизил аскар қисмларининг БХШЖ доирасидан олиб чиқиб кетилиши ва халқ милицияси типида миллий армия ташкил қилиш тарафдори бўлган. Шу сабабли у умумбухоро инқилобий қўмитасининг раиси лавозимидан олиб ташланган. БХШЖнинг ҳарбий нозири Абдуҳамид Орипов 1922 йил март ойида Анвар пошо томонига ўтиб кетган. БХШЖ биринчи миллий армиясининг қўмондони Қул Муҳамедов ўз халқига қарши курашишни истамай Афғонистонга ўтиб кетган. Бухоро ҳукуматининг алоҳида топшириқларини бажарувчи отряд командири Муҳиддин Махсумхўжаев исён кўтаришда айбланган ва Анвар пошо томонига ўтган.

1922 йил март ойида Эски Бухоро атрофида аҳвол жуда кескинлашиб кетган. Бу ерда Мулла Абдуқаҳҳор, Жаббор, Жўра Амин, Аъзамхўжа бошчилигидаги ватанпарварларнинг катта кучлари большевиклар билан курашни кенгайтирганлар. Мулла Абдуқаҳҳор Ғиждувон ва Вобкентни, Жўра Амин Жондор қишлоғини эгаллаб, Бухорога ҳужум қилганлар. Бир неча кунлик жанглардан сўнг Бухоро шаҳри эгалланган. Большевиклар Янги Бухоро (Когон) томонига чекинишган. Қисқа муддат ичида большевиклар ўз кучларини кучайтириб, Бухорони қайтадан эгаллайдилар. Тенгсиз жанглар натижасида ватанпарварлар шаҳарни ташлаб чиқиб Жондор қишлоғи томон чекинганлар ва бу ерда Қизил Армия қисмлари томонидан ўраб олинганлар. Шиддатли жанг натижасида улар қуршовни ёриб чиқиб Нурота шаҳри томонига чекинганлар.

1922 йил баҳорида Шарқий Бухорога Қизил Армиянинг ўқчи ва отлиқ полклари, бронепоезд, бронеотрядлар, артиллерия батареялари ва пулемётчилар роталари юборилди. Ўртада узоқ давом этган қонли жанглар бошланди. Анвар пошо ватанпарварларнинг бирлашган кучлари билан биргаликда Денов, Бойсун, Шеробод, Ҳисор бекликларини эгаллади. Большевиклар Анвар пошони марказнинг курсатмасига амал қилиб «бутун дунё меҳнаткашларининг душмани, халқаро империализмнинг агенти» деб эълон қилиб, халқ ўртасида унга қарши ташвиқот олиб бордилар.

Бир-бирига қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш кундан-кунга авж олиб кетган. Бироқ 1922 йил август ойидаги оғир жангларнинг бирида Анвар пошо қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Бу ҳақда Бухоро амири Саид Олимхон ўз эсдаликларида шундай ёзган: «...1345 йил 10 зулҳижжада (1922 йил, 4 август) Анвар пошонинг шаҳид бўлгани ҳақида фожиали хабар тарқади. Анвар пошо Балжувон қалъаси деворлари яқинида бўлган жангда, Қурбон ҳайити куни қаҳрамонларча шаҳид бўлган. Унинг жасади Чакан деган жойдаги Ҳазрат Султон мозорига дафн этилган».

Большевиклар Анвар пошони енгдик, энди босмачилар ўз-ўзидан тарқаб кетади, деб хомхаёлларга бериладилар. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Ватанпарварларнинг омон қолган кучларига Иброҳимбек бош бўлди. Қизил Армия ҳимоясиз аҳолини оммавий қирғин қилиш билан аламини олди, унинг кўзига бешикда ётган гўдаккача ҳам босмачи бўлиб кўринарди. Қизил аскарлар, ЧК ходимлари уйма-уй юриб, «ким босмачи» деб бегуноҳ аҳолига жабр-зулм ўтказа бошладилар. Қишлоқларга ўт қўйилиб, ер билан яксон қилиб ташланди, мусулмонларнинг энг муқаддас жойлари ҳисобланган мадраса-масжидлар отхоналарга, казармаларга, омборхоналарга айлантирилди. Озиқ-овқат развёрсткасининг жорий қилиниши аҳоли бошига амирлик даврида солинган жабр-зулмлардан ҳам ошиб тушди. Деҳқонларнинг омборхоналаридаги ва деворга лой билан суваб яширилган охирги дон-дунлари, бир бурда охирги нони ҳам тортиб олинган. Донни яширган бойларгина эмас, балки камбағал деҳқонлар ҳам учлик (тройка) судларига топширилиб қаттиқ жазога тортилган, сургун қилинган, отиб ташланган.

Қишлоқларда очлик даҳшатли тус олган, одамлар уй-жойларини ташлаб бошлари оққан томонга қараб қочганлар. Бутун аҳолидан тортиб олинган дон-дунлар вагонларга юкланиб Русияга жўнатилган. Ф. Хўжаев Шўро Русиясининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси раисига йўллаган хатида: «Совет Русияси жуда қийналаётганлигини билиб, унга



нима билан бўлса-да, мумкин қадар тезроқ ёрдамлашмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрмоқдамиз, янги усулларни излаб топмоқдамиз. Ваъда қилинган 500.000 пуд донни тайинланган муддатда етказиб бериш учун қатъий чоралар кўрмоқдамиз», деб ёзади.

Буларнинг ҳаммаси аҳолининг чексиз нафратини уйғотган, норозилик кундан-кунга ортиб борган. Янги ҳукумат ўзининг шошиб қабул қилган қарорлари, олиб борган зўравонлик сиёсати туфайли оғир зарбаларга учраган. Бухоро ҳукумати раҳбарияти ўртасида келишмовчиликлар юз бериб, улар орасида бўлиниш юз берган. Масалан, ҳукумат арбобларидан БХШЖ Марказий Ижроия Комитети раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1921 йилда Шарқий Бухорога бориб Анвар пошо томонга ўтган. БХШЖ Халқ Нозирлари Шўросининг раис ўринбосари Ота Хўжаев «миллатчилик» ва Қизил Армия жангчиларига, унинг хатти-ҳаракатига яхши муносабатда бўлмаганлиги учун ўз лавозимидан олиб ташланган. Абдуқодир Муҳиддинов БХШЖ Ғарб (Германия, Англия) ва Шарқ (Эрон, Афғонистон, Туркия) давлатлари билан мустақил алоқа қила берсин, деб талаб қилган. У Русия қизил аскар қисмларининг БХШЖ доирасидан олиб чиқиб кетилиши ва халқ милицияси тизида миллий армия ташкил қилиш тарафдори бўлган. Шу сабабли у умумбухоро инқилобий қўмитасининг раиси лавозимидан олиб ташланган. БХШЖнинг ҳарбий нозири Абдуҳамид Орипов 1922 йил март ойида Анвар пошо томонга ўтиб кетган. БХШЖ биринчи миллий армиясининг қўмондони Қул Муҳамедов ўз халқига қарши курашишни истамай Афғонистонга ўтиб кетган. Бухоро ҳукуматининг алоҳида топшириқларини бажарувчи отряд командири Муҳиддин Махсумхўжаев исён кўтаришда айбланган ва Анвар пошо томонга ўтган.

1922 йил март ойида Эски Бухоро атрофида аҳвол жуда кескинлашиб кетган. Бу ерда Мулла Абдуқаҳҳор, Жаббор, Жўра Амин, Аъзамхўжа бошчилигидаги ватанпарварларнинг катта кучлари большевиклар билан курашни кенгайтирганлар. Мулла Абдуқаҳҳор Ғиждувон ва Вобкентни, Жўра Амин Жондор қишлоғини эгаллаб, Бухорога ҳужум қилганлар. Бир неча кунлик жанглардан сўнг Бухоро шаҳри эгалланган. Большевиклар Янги Бухоро (Когон) томонга чекинишган. Қисқа муддат ичида большевиклар ўз кучларини кучайтириб, Бухорони қайтадан эгаллайдилар. Тенгсиз жанглар натижасида ватанпарварлар шаҳарни ташлаб чиқиб Жондор қишлоғи томон чекинганлар ва бу ерда Қизил Армия қисмлари томонидан ўраб олинганлар. Шиддатли жанг натижасида улар қуршовни ёриб чиқиб Нурота шаҳри томонга чекинганлар.

1922 йил 25 майда Бутун Бухоро Шўролари Марказий Ижроия Комитети ўз ихтиёри билан ҳукуматга таслим бўлган ватанпарварларни кечириш ҳақида декрет чиқаради. Декретга биноан ватанпарварлар ўз қуролларини ҳукумат вакилларига топшириб, ўз яшаш жойларига қайтиб тинч меҳнат билан шуғулланишлари мумкинлиги айтилган эди. Шу билан бирга аҳолига ён берилиб, тортиб олинган вақф ерлари мадраса, мактабларга қайтарилади, қозилик судлари тикланади, шариат асосида иш олиб боришга ваъдалар берилади. Кўплаб ватанпарварлар,оддий меҳнаткаш аҳоли бу ваъдаларга ишониб, ҳукумат томонга ўта бошлайдилар. Масалан, Жаббор бошчилигидаги ватанпарварлар ҳам бу ваъдаларга ишониб, ўз қуролларини ҳукуматга топшириб курашни тўхтатадилар. Бироқ улар таслим бўлганларидан сўнг кўплаб ватанпарварлар қамоққа олинади. Уларнинг бошлиги Жаббор эса судсиз-сўроқсиз отиб ташланади. Бу воқеа кўплаб кишиларнинг ҳукуматга бўлган ишончини буткул совуради.

1923 йилда Русия Туркистондаги ватанпарварлик ҳаракатини тамоман йўқ қилиш учун катта ҳарбий куч ташлайди. Бу кучлар асосан Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган Иброҳимбек қисмларига қарши ташланганди. Бу икки куч ўртасидаги кураш 1925 йил охиригача давом этади. 1925 йил сентябрда Житим-Тау деган жойда Иброҳимбек ўзининг жангларда омон қолган 5.000 кишилик лашкари билан охирги жангга киради ва енгилади. Иброҳимбек оти билан ўзини Амударёга ташлаб Афғонистонга ўтиб кетади. Шундай қилиб ота-боболаримизнинг миллий мустақиллик ва озодлик учун олиб борган беш йиллик курашлари мағлубиятга учрайди. Лекин бу тенгсиз курашда ватанпарварларнинг йирик кучлари тор-мор этилган бўлса-да, кичик-кичик гуруҳлар курашни 30-йилларгача давом эттирадилар.

Большевиклар ғалабаси Бухоро аҳолисига жуда қимматга тушди. Ўнг минглаб аҳоли ҳалок бўлди. Кўплаб қишлоқлар «босмачилар уяси» деб ер билан яксон қилиниб, аҳолиси қирғин қилинди. Масалан, қўрбоши Аъзамхўжа туғилган Шеробод қишлоғи ер билан теп-текис қилиниб, аҳолиси қиличдан ўтказилган. Ҳукумат «ўз бошини ўзи есин» деган сиёсатни илгари суриб, оддий халқни бир-бирига қарши қўйиб, кўплаб бегуноҳ қонларнинг тўкилишига сабаб бўлди. Қишлоқларда ўз-ўзини ҳимоя қилувчи гуруҳлар ташкил қилиб, уларга «Қизил таёқчилар» деб ном берди.

Ҳақиқатан ҳам бу бечораларнинг қўлида таёқ, кетмон ва ўроқдан бошқа ҳеч бир қурол йўқ эди. Бу хато сиёсат туфайли аҳолининг кўплаб қисми қирилиб кетди.Чунки қўлига қурол олмаса Қизил Армия «босмачи» деб қирғин қилган,

қўлига таёқ олганни ватанпарварлар ватан хоинлари деб қирғин қиларди. Икки ўт орасида қолган деҳқонлар кун жабр-зулмни бошларидан кечирдилар. Кунлаб оилалар ўз уй-жойларини ташлаб шаҳарларга, бошқа ўлкаларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар. Унлаб қишлоқлар бўшаб, қузғунлар уясига айланган, далаларни ўт-ўланлар босиб экин экилмай қолган.

Бутун Туркистон ўлкасида 1918 йилдан 1930 йилларгача давом этган миллий озодлик кураши жараёнида ҳалок бўлганларнинг сонини ҳеч ким билмайди. Тахминий ҳисоб-китоб қилишларича, фақат Туркистон ўлкасида ҳалок бўлганлар сони 800.000 дан ортиқ. Хўш, собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида қанча киши озодлик йўлида ўз бошини қурбон қилган экан? Буни ҳам ҳеч ким билмайди. Мақолани ёзишда кўплаб қариялар билан учрашишга тўғри келди. Суҳбатларда шу нарса маълум бўлдики, ҳозир ҳам Бухоро шаҳри атрофидаги чўл-биёбонларда қизил аскарлар ва озодлик курашчилари дафн қилинган қабристонлар мавжуд экан. Буни тарихимизнинг жонли гувоҳлари бўлган қариялардан бошқа ҳеч ким билмайди. Шундай табаррук отахонлардан бири, ўша давр даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган 85 ёшли Мўмин бобо билан қилган суҳбатимизда у киши қуйидаги воқеани сўзлаб бердилар. «Ҳозир аниқ эсимда йўқ, нечанчи йилда эканлиги, — дейди Мўмин бобо, - Арк олдидаги Регистон майдонида «босмачилар» устидан катта очиқ суд бўлди. Кўп халқ тўпланган эди. Суд қилинаётган кишилар сони ўттиздан ортиқ эди. Уларнинг ким эканлигини меҳнатдан қадоқ бўлиб кетган қўллари кўрсатиб турарди, чунки одамзоднинг қўли милтиқдан эмас, қора меҳнатдан қадоқ бўлади. Суд қилаётганлар тўрт киши эди, шундан биттаси бухоролик эди ва жуда кўп қизил аскарлар атрофни ўраб турарди. Руслардан биттаси туриб гапира бошлади, ҳалиги бухоролик киши таржима қилиб турди. У сўзини тугатгандан сўнг, даврада ўтирган мулланамо бир киши ўрнидан туриб, судга қарата: «Булар қанақасига босмачи бўлсин, оддий меҳнаткаш деҳқонлар, камбағаллар-ку, ҳатто булар ичида бирорта бой киши ҳам йўқ. Мана бу киши ўтинкашлик қилиб кун кечирарди, мен бир неча марта ундан ўтин харид қилганман», деб бир кишини кўрсатди. Шундан сўнг, ўртада ўтирган судьялардан бири туриб, «Агар сен буни танисанг сен ҳам босмачисан. У сенга ўтин эмас милтиқ олиб келган», деб ҳалиги кишини қизил аскарларга ушлаттириб, суд бўлаётган кишиларга қўшиб қўйди. Суд тугагандан сўнг ҳалиги кишини ҳам қўшиб у бечораларни Арк девори ёнига олиб бориб отиб ташладилар. Бу даҳшатни кўрган одамлар нега бечора кишиларни отасан-

лар деб шовқин қилдилар. Шунда қизил аскарлар уларга қараб ўқ отдилар. Одамлар қўрққанларидан тўрт томонга қараб қоча бошладилар. Шу воқеадан сўнг отам мени Регистон майдонига юбормайдиган бўлди. Ҳукумат кейинчалик яширинча кечқурунлари қўлга тушган босмачиларни шаҳар ташқарисига чиқариб отиб ташларди».

Бухоро шаҳри девори ташқарисида Мозори Ғарибон ва Хўжа Исмат қабристонларида миллий озодлик ҳаракати бостирилгунига қадар ҳар кечқурун тонггача қўлга тушган ватанпарварлар отиб ташланган. Уларнинг жасадлари очилиб қолган қабрларга ташланган. Кейинчалик Сталин ҳукмронлигининг қувғинларида бу қабристонларга партия ва шўро ходимлари, ҳунармандлар, деҳқонлар, собиқ мулла ва мударрислар, қисқаси хат ўқий билган кишилар келтирилиб, ҳеч бир судсиз-сўроқсиз отиб ташланганлар.

Ота-боболаримизнинг 20 йиллардаги миллий мустақиллик ва озодлик учун олиб борган курашини бизга шу вақтгача «аниқ мақсади ва ғояси бўлмаган бир тўда қонхўрларнинг ваҳший ҳаракати», деб тушунтириб келганлар. Шу мақсадда ўнлаб кинофильмлар, юзлаб бадиий ва илмий асарлар нашр қилинган. Бор ҳақиқат халқдан яшириб келинган. Аслида ҳам шундай бўлганми? Йўқ. «Босмачилик» деб ном берилган ҳаракатнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади ва ғояси бўлган ва улар шу мақсад ва ғоя йўлида қон тўкканлар. Масалан, 1922 йилда Бойсун шаҳридаги большевик ҳукумати вакили О. Ақчуринга ёзилган мактубда улар ўз талабларини қуйидагича баён этишган: «Ҳақиқий мустақил Бухоро тупроғидаги аҳолининг вакиллари бўлган бизлар Сизларга шуни маълум қиламизки, сизлар ватанимиздан чиқиб кетмагунингизча жангни давом эттираверамиз деб ҳаммамиз бир қарорга келдик. Ҳозирги вақтда беҳуда қон тўкилмасин деб одамгарчилик қилиб сизларга мамлакатимиздан чиқиб кетишни таклиф қилаётирмиз. Шундай қилсангиз Сизнинг дўстларингиз бўлиб қоламиз ва ўзимиз ёрдам бериб сизларни очликдан сақлаб қоламиз, акс ҳолда, Сизлар ватанингизда очликдан ўлаётган оилаларингиз каби маҳв этиласиз. Ҳозир биз гуноҳкор бўлмайлик деб одам қонини тўкишни истамаётирмиз. Лекин халқимизнинг истагига хилоф равишда ватанимизга бостириб кирган сизлар билан жанг қилишни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Бизлар хурсандлик билан бу йўлда қонимизни тўкиб, шаҳид бўлишдан қайтмаймиз. Муҳрлар: Мулла Муҳаммад Иброҳим, Додхоҳ Абдулла Ҳожи, Ҳожи Султон Садр, Фазлиддин Ғози».

1922 йилнинг охирида БХШЖнинг раҳбарларига ёзилган мактубда ҳам қуйидаги сўзлар ёзилган: «... сиз ўз биродарла-

рингиз бўлган рус большевиклари билан Бухоро тупроғига кириб миллат қонини тўкдингиз, унинг мулки бўлган олтин ва ғаллани йўқ қилиб ташладингиз, хуллас, халқнинг барча зарур мулкини йўқотдингиз, мачит ва мадрасалар каби табаррук жойларни оёқ ости қилдингиз. Фавқулодда комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулкини ва ҳаётини тортиб олдингиз, уларга оқсоқоллар, аксил-инқилобчилар, бойлар ва буржуйлар деб ном қўйиб шундай қилдингиз. Большевизм ва коммунизм ғояларини амалга оширишга киришдингиз.

Ўз динингизни, имонингизни ва виждонингизни бир парча нон эвазига русларга сотдингиз. Рус большевиклари жабр ва зулмни авж олдириб юбордилар. Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб қолди, ҳақиқатда ундан дарак йўқ...

Бир ярим миллион кишидан иборат бўлган Бухоро аҳолиси чўл ва тоғларда ўзининг иссиқ қонини тўкиб, қўлга қилич олиб миллат хоинлари билан жанг қилаётганлигини ҳозирги кунда кўриб турибмиз. Биз ҳам Ватанимизнинг ҳақиқий фарзандлари билан бирга мамлакатимиз мустақиллиги ва равнақи учун сиз коммунистларга қарши кураша верамиз. Бизлар босмачилар эмасмиз, балки миллатимизнинг ҳақиқий ва итоатли ходимларимиз, душманларимиз бўлган русларни Ватанимиздан ҳайдаб чиқарамиз ва уларни абадий йўқотамиз. Худога минг қатла шукурки, бизнинг йўлимиз ва ғоямиз ҳақ йўлдир ва ҳақ ғоядир, биз ишимизни соат сайин ҳеч бир тўхтовсиз авж олдирмоқдамиз. Мусулмонлар қўлларига қурол олиб ғазоватда қатнашмоқ учун биз билан бирга курашмоқдалар. Исломнинг фатҳи учун ҳамма отланган...

Эҳтиром билан: бош қўмондон Ғози, Қори Абдулла, Норқул ботир, Довиёрбек элликбоши».

Кўриниб турибдики, миллатчи тамғасини олган «босмачи»лар рус миллатига, рус халқига қарши курашмаганлар. Улар табаррук тупроғига, она Ватанига бостириб келган ёвуз босқинчиларга қарши курашганлар, холос.

Хўш, ота-боболаримиз олиб борган миллий мустақиллик ва озодлик ҳаракатига қарши кураш охир-оқибатда нима билан тугайди?

1. Бухоро амирлиги ҳукмронлиги ўрнини эгаллаган БХШЖ ўзининг мустақил давлат сифатида шаклланишини тугатди. Чунки Москвага жуда катта табиий бойликларга эга бўлган ўлкани қўлдан чиқариш фойдали эмас эди. Шунинг учун ҳам улар бу ўлкага марказдан кўплаб ҳарбий кучларни ташладилар, қуролларнинг барча турларидан ваҳшийларча фойдаланилди.

2. Ватаннинг асл фарзандлари қирғин қилинди, қишлоқлар, шаҳарлар вайрон қилинди. Аҳолининг тўқсон фоизи

деҳқонлар бўлган ўлкада деҳқончилик ва сув хўжалигига катта зарар келтирилди.

3. Бухоронинг ўн минглаб аҳолиси ўз она юртини ташлаб бошқа мамлакатлар (Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия, ҳозирги Покистон, Саудия Арабистони)га бош олиб кетишга мажбур бўлди.

4. Бухоронинг миллий бойликлари таланиб марказга олиб кетилди, амир хазинасида бўлган ўттиз беш миллион сўмлик олтин ва кумуш қуймалар халқдан яширинча марказга ўтирлаб олиб кетилди. Ер ости ва усти бойликларини талаш сиёсати ишлаб чиқилиб, бу сиёсат Шўро империясининг емирилишига қадар бетўхтов ва хатосиз ишлаб турди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда бўлган миллий озодлик ҳаракати шу ўлкада яшовчи халқларнинг ўз мустақиллигини сақлаб қолиш учун олиб борган кураши эди. Туркфронт қўмондони М. Фрунзенинг тан олиб ёзишича: «Босмачилик безорилик эмас. Агар шундай бўлсайди, уларни аллақачон йўқ қилиш мумкин бўларди». Унинг дўсти В. Куйбишев эса бундай деган: «Босмачилик деган ҳаракатни шунчаки бандитлик дея қабул қилмоқ хато бўлади. Чунки у сиёсий бир инқилобдир».

Бизнингча, большевик раҳбарларнинг ўзлари тан бериб айтган сўзлари бу ҳаракатнинг нима эканлигини кўрсатиб турибди. Мана, орадан 70 йил ўтиб, узини кўплаб бегуноҳ кишиларнинг қонига бўяган, большевизм тузган Шўро давлати парчаланиб кетди ва коммунизм ғоясининг миси чиқди. Ўрта Осиё халқлари ўзларининг мустқилликларини қайтадан тиклаб олдилар. 20—30-йилларда миллий озодлик ва мустақиллик йўлида ҳалок бўлган ота-боболаримизнинг руҳларини шод қилиш учун уларнинг барчасини сиёсий жиҳатдан оқлаб, номларини халққа қайтаришимиз керак. Буни биздан давр ва шаҳид бўлганларининг руҳи, порлоқ хотираси талаб қилади.*

---

*Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ*

## ТАЛАБНИ ҚОНДИРМАГАН ИНҚИЛОБ

Тарихга инқилоб номи остида киритилган, 1920 йил эрта кузида Бухорода юз берган воқеалар ҳақида қарийб етмиш йил давомида деярли бир хил фикр юритилди: «Бухорода 1920 йилда бўлиб ўтган халқ инқилоби оқибатида 2 сентябрь куни Бухоро амирлиги ағдарилди. Бухоро халқ Шўролар

* «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил 21 февраль.

ҳукумати тузилди. Бухоро инқилоби моҳияти билан демократик характерга эга бўлиб, феодал тузумга қарши қаратилганлиги сабабли халқ оммасининг кенг қатламлари қатнашган инқилоб эди» (ЎзСЭ, II т., 521-бет). Бу сўзлар қай даражада ҳақиқат? Қомуснинг ўша саҳифасида: «амир ҳокимиятини ағдариб ташлашга Бухоро меҳнаткашларининг қудрати етмас эди. Бухоро инқилобини амалга оширишда Совет Россияси ўз ихтиёрида бўлган қуролли кучлар билан ёрдамга келди», — дейилиб, Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзе-Михайлов, комиссари В. В. Куйбишев ва турли даврларда ўлкага келган Ш. З. Элиава, А. А. Иоффе, А. Х. Петерс, Л. М. Каганович, Я. К. Рудзутак, Г. К. Орджоникидзе кабилар (тарихчиларнинг мақсадларига қараб айримлари керакли ўринларда тушириб қолдирилади ёки бошқа номлар қўйилади). Бухоро инқилобининг фидойилари сифатида талқин қилинди. Бош Қўмондоннинг ғалаба ҳақидаги телеграммасини ўқиётиб бунга амин бўлиш мумкин: «Жумҳурият ҳарбий инқилобий кенгашининг бош қўмондонига, В. И. Ленинга. Бугун Эски Бухоро қалъаси ҳужум билан қўлга олинди... Регистон устида ЖАҲОН ИНҚИЛОБИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ғолиб ҳилпирамоқда. Бутун Марказий ва Шимолий Бухорода инқилобий тузум ўрнатилди» (М. В. Фрунзе. Избранные сочинения, т. I, с. 344). Бухоро инқилоби деганда беҳуда тўкилган ҳисобсиз қонларни эмас, «ғолиб ҳилпираётган қизил байроқни» тасаввур қилиш шу ондан расм бўлди. Н. Бердяев «инқилоб бу мангъум қисматдир», деб ёзганида унинг «мангъум», яъни истаб-истамай қон тўкилиши мумкинлигини, «қисмат» деб атаганида, уни уюштириб ёки ясаб бўлмаслигини уқтирмоқчи бўлган. Биз эса бир неча ўн йиллар давомида унга «буюк сифат ўзгариши» деб қарадик. Ҳар ҳолда «сифат ўзгариши»ни уюштириш тақдир тақозосига нисбатан мумкин ва осон-ку: «Бошдан оёқ вайрона, жаҳолат ўчоғи, зулм ва истибдод маскани, қуллар ва тулларнинг қоронғу ўлкаси» (А. Шукуров. «Бухоро республикасининг РСФСР билан ҳамкорлиги». Т., «Фан», 1972, 35-бет)да инқилоб «сгарлича ғайрат қилинса, бугундан бошлаб икки ҳафталик муддатда ҳал бўлиши мумкин» (М. В. Фрунзенинг С. С. Каменевга телеграф орқали хабаридан. «Родина» 1989, 11-сон) эканлигига ўзимизни ишонтирдик. Ишонмай ҳам бўлармиди?! «Амирнинг ҳарбий таълим кўрмаган 13 минг сарбозига қарши замонавий қурол ва жанговар аслаҳали 70 мингдан иборат жангчилар» («Родина», 1989, 11-сон), яъни «40 замбарак, 5 бронепоезд, 11 самолёт сафарбар қилинди» (ЎзСЭ, II т., 528-бет). Бундай ҳарбий қудрат билан икки ҳафта эмас, балки ундан озроқ муддатда нафақат амирликни, балки минг

йиллар давомида халқининг миллий ғурури саналиб келган Бухоро осори-атиқаларининг кулини кўкка совуриш мумкин. Манбалар ҳам шуни тасдиқлайди: «1 сентябрда Бухорога ҳужум бошланди ва 17 соат ичида шаҳар қўлга киритилди» (ЎзСЭ, II т., 528-бет). Бу яксон қилиш операциясида қатнашишини ўзича юксак фахр деб билган рус ҳарбийларидан Г. Омелюстий ёзади: «Уруш ҳаракатлари 31 августда соат 4 да бошланди. Унгача бутун кучлар ҳужум уюштириладиган жойга махфий равишда тўпланди. Ҳужум қўққисдан бошланди. Олдинда амир пойтахтининг деворлари... Бу деворлар олти аср бурун қурилган, баландлиги эса беш саржинга яқин... Дала тўпининг ўқи деворнинг бир қисмини кўчириб юборганига қарамай, деворларни олиш қийин бўлди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам, уларни олиш керак эди. Энг ботир ўртоқларнинг ҳаётини қурбон қилиб бўлса ҳам, шаҳар деворининг бир жойидан кичикроқ туйнук очишга эришдик. Яқин келтириб қўйилган тўплар Қарши дарвозасининг арчадан ясалган табақаларини тўпга тутди... Арк олди ва атрофи ловуллаб ёнмоқда эди» Г. Омелюстий. Под стенами Бухары. В кн. «Сборник статей десятилетию Бухарской и Хорезмской революции». Т., 1930). Бу воқеаларга шоҳид бўлган кишиларнинг, масалан, О. Оқчурининг ёзма хотираларини, ҳарбий ҳисоботномаларини ўқир экансиз, «Инқилобми бу ё рус ҳарбийлари уюштирган қуролли тўнтаришми?» — деган ҳақли савол туғилади. Бироқ бундай савол қўйиш «буржуача мафкура» саналган. Рус тарихчиси О. Гловацкий бу воқеани «буржуа-демократик инқилоб» дегани учун тавқи лаънатга учраган. Л. Соловейчик «социал инқилоб эмас, жуда ном бериш зарур бўлса, аграр инқилоб» деб ёзгани учун етмиш йилдирки совет тарихчилари томонидан танқид қилинади. Табиийки, бу даврда маҳаллий вакилнинг фикри эътиборга олинмас, агар инобатга олинса, Тошкент шаҳар думасида мусулмон депутати Ибн Ямин Ёнбоев томонидан айтилган сўзларни ўз вақтида тушунардик: «Ҳозирги ҳокимият тан олинган демократиялиги даргумон. Ушбу ҳокимият мусулмонлар номидан гапириш эмас — қип-қизил ёлғон... Мазкур ҳокимиятнинг асл кучи тўп ва пулемётлардир» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 27 июль). Бунга шоҳид келтиришнинг ҳожати йўқ, чунки Турк МКнинг М. В. Фрунзега ёзган табрик телеграммасида айтилганидек, «қурол ва милтиқ садолари остида янги инқилобий ҳукумат — Бухоро инқилобий қўмитаси тузилди» (История БНСР, 1920—1924 гг. Сборник документов. Т., «Фан», 1976, с. 46). Унинг қўмондони эса маҳаллий инқилобчиларни илҳомлантирарди: «Ғалаба учун барча маҳаллий имкониятларни ишга солингиз!», «Бухоро ва Россия меҳнаткашларининг манфаати учун, олға!» (М. В. Фрунзе. Изб. сочинения, т. I. с. 342—343).



1917 йилнинг октябрида Қишки Саройга ҳужум бошланишидан аввал тарихий ёдгорликка зиён етказмаслик ҳақида В. И. Ленинннинг махсус кўрсатмаси бўлган. Бухородаги бу тўнтаришда эса, негадир ўша кўрсатмага амал қилинмайди. Бош қўмондон нуқул буйруқ бериш билан чекланган. «Бронепоездлар ҳимоясида Эски Бухорога шиддатли ҳужум қилинсин!», «Сўнгги резервимни ёрдамга ташлаяпман... Ҳал қилувчи ҳужум билан Эски Бухоро, Ситораи моҳи Хосса ва душманнинг бошқа таянчлари сари, олға!» (Ўша асар, 343—344 бетлар). Бухородаги бу ҳарбий тўнтаришни инқилоб деб тавсиф этилганига қанчалик осон кўнмайлик, «амирлар, беклар ва бойларнинг зулмларидан озод қилмоқ ва бизларнинг роҳатимиз ва тинчлигимиз учун харажат ва тараддуд» (А. Бадрий. Ёш бухороликлар кимлар? М., 1919 йил, 3-бет) қилган Абдурауф Фитратни инқилобчи деб атасак, албатта, шубҳа билан қаралади. Сабаби, ҳар нашрида «таҳрир» этилавериб, кўплаб рост сўзлар қатори унинг номи ҳам 30-йиллардаёқ тарих китобларидан ўчирилган. Ҳатто бутун ишончли манба сифатида суянаётганимиз Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро инқилоби ва Ўрта Осиёда миллий чегараланишга доир» китоби ҳам «тузатилган», «тўлдирилган». Садриддин Айнийнинг 1926 йили Москвада чоп этилган «Бухоро инқилоби тарихидан материаллар» шаҳодатномаси ҳам муаллиф томонидан бир неча бор «таҳрир» этилгани ҳеч кимга сир эмас. «Ўн етти соат ичида» содир этилган «буюк сифат ўзгариши»нинг тарихий илдизларини излаш баробарида эътиборимизни Бухородаги миллий-озодлик ҳаракатлари, хусусан, амир Бухоросидаги мавжуд тартиботдан қониқмай, уни ўзгартиришга бел боғлаган жадидчилик ҳаракати тортади. Чунки «ҳар қандай инқилоб халқнинг асрий орзу-истакларини рўёбга чиқариш баҳонасида содир этилади» (Н. Бухарин). Қатағон ва турғунлик йилларида ёзилган тарих китоблари жадидларни қанчалик «реакцион» қилиб кўрсатмасин, улар XIX асрнинг ўрталаридан ўлкада халқ орзу-ниятининг ифодачилари сифатида майдонга чиққан эди. Унинг нафақат маданий-маърифий оқим, балки йирик сиёсий ҳаракат эканини профессор Б. Қосимов яхши асослаган эса-да («Ёшлик», 1990 йил, 7-сон), биз учун бу ўринда жадидчиликнинг Бухородаги кўринишлари ва Фитрат фаолияти билан боғлиқ нуқталари муҳимдир. Адабиётшунос Л. Климовичнинг ёзишича, Бухоро жадидлари Россия ва Туркистон жадидларидан фарқли равишда Бухоро мустақиллиги учун эртароқ ҳаракат бошлаган эдилар. Фитрат талабалик йилларидаёқ бу ҳаракатга фаол қатнашган,

кейинчалик эса унинг раҳбарларидан бирига айланганини эслаш баробарида, Ф. Хўжаевнинг юқорида номи келтирилган китобидан ўқиймиз: «Мавжуд тузумни қаттиқ танқид қилган, унинг барча камчиликларини айнан очиб ташлаган, амирликнинг чирик системасини фош қилиб берган «Сайёҳи ҳиндий», «Сайха», «Оила» ва бир қанча асарларини («Бегижон» пьесасини) кўрсатиб ўтмоқ керак... бу шеърларда («Сайха» тўплами назарда тутилаяпти — Ҳ. Б.) Бухоро мустақиллиги ғояси биринчи марта жуда ёрқин шаклда ифодалаб берилди» (Ф. Хўжаев. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том, Т., 1976, 98—99-бетлар). Илк ғазалларида кўринган истиқлол ғояси шоирни «истиқлол ва тараққий» учун курашаётган ўлкаларга бошлади. Маълумки, Фитрат аср бошларида Туркияга ўқишга бориш учун тайёргарлик кўради. С. Айний таъкидича, «Абдурауф Эрон орқали Истанбулга келди». 1905—1911 йиллар Эрон инқилобчиларининг кураш йиллари бўлганини барча марксистлар тан олишади. 1907 йили Эрон шоҳи Музаффариддин инқилобчилар билан муроса қилишга мажбур бўлиб, Конституциянинг Асосий Қонунига ўзгартишлар киритганидан Фитрат Бухородалиги пайтидаёқ «Вақт» рўзномаси орқали хабар топганди. Унинг Эрондан кейин Истанбулда бўлиши Туркиядаги 1908 йилги ёш турклар инқилобидан кейинги даврга тўғри келади. Шубҳасиз, Фитрат Истанбулдаги инқилобчи ташкилот «Иттиҳод ва тараққий»нинг фаолиятига аралашган. Шундай экан, Бухородаги сиёсий ҳаракатда Фитрат Эрон ва турк инқилобларининг самараларига таянган. Бундан ташқари, Россия туркпарастларининг отаси Исмоил Гаспринский таълимоти билан яхши таниш бўлган Фитрат томонидан унинг «Дорул-роҳат мусулмонлари» асарини туркчадан форсийга ўгириши ҳамда бу асарнинг Теҳрон ва Бокуда чоп этилиши ҳам 10-йилларнинг бошига тўғри келади. Англашиладики, Фитрат истиқлол, мусовот (тенглик) ва ҳуррият ғояларини марксистик дарсликлардан эмас, балки мусулмон Шарқидаги миллий озодлик ҳаракатларидан ва унинг бош хабарчиси бўлган «Таржумон» рўзномасидан ўқиб билганди. «Таржумон»нинг 1909 йил 27-сонида «Бухорони қаён етакламоқдамиз» номи остида бош мақола берилиб, у асосан Бухоро ёшларига қаратилган, тараққийпарвар «усули жадида»нинг ўрнак бўларли томонларидан фикр юритилган эди. Айниқса, И. Гаспринский томонидан илгари сурилган «тил ва истиқлол учун бирлашингиз!» шиори чор Россиясини қўрқитиб юборган, ундан таълим олган Бухоро жадидлари ҳам эндиликда истиқлол ғоялари билан қуролланиб, «ўз ватанини чоризм оёғи остидан тортиб олиб» озод қилмоқликни ўйлай бошлаган эдилар (Л. Климович. Ислам в



Царской России, с. 1994). Дастлаб исломпарастлик бўлиб кўринган бу ҳаракат, секин-аста амир олдига талаблар қўйиш даражасига етади. «Мунозара»нинг Бухорода чоп этилиши учун шахсан амирнинг рухсати керак бўлганда Фитрат амирга шундай мурожаат қилади: «Сенинг қодир қўлинг идора қилаётган мусулмон юртида имомни попга, азонни қўнғироққа, мачитни черковга алмашмоқдан ўзга юмуш қолмади... Ким бизнинг халоскоримиз? Бизнинг ожиз қўлимизни бу бахтсизлик бўронида ким тутиши мумкин? Кофирлар бой ва хотиржамликда яшамоқдалар, ки биз нечун қашшоқ ва бебахтмиз?!» (Фитрат — бухарец. Спор бухарского мударриса с европейцем в Индии о новометодных школах. «Истинный результат обмена мыслей». С персидского перевел полковник Ягелло. Не подлежит оглашению. Ташкент, 1911, с. 53—54). Бу фикрлар учун чор Россияси томонидан таъқибга олинган Фитратни маданият тарқатиш йўлидан сиёсий йўлга бурган биргина ташқи инқилоблар таъсири эмас эди. Тоқат қилиб бўлмайдиган даражадаги оғир ҳаёт, икки томонлама зулмни хушёр сиёсий арбоб сифатида тушуниб улгуради. «Буни Бухоро жадидларининг ўша вақтларда анча кенгайиб кетган адабиётчилик фаолиятидан ҳам кўриш мумкин... 1912 йилдан чиқариб турилган «Турон» ва «Бухорои шариф» газеталари ҳам озодлик адабиётида катта роль ўйнади» (Ф.Хўжаев. Ўша асар, 98-бет).

Фитрат Бухорога қайтиши билан жадидларнинг сиёсий фаоллиги ортади, айни замонда эса рус айғоқчилари таъқиби ҳам кучаяди. С. Айний хотираларини ўқиймиз: «Бу орада Фитрат ва Атохўжа Бухорога қайтдилар. Табиийки, улар жадид мактаблари билан боғланиб, ўқитувчилар билан бордикелди қилиб, мактабларнинг ишини яхшилаш бўйича турли тадбирларни амалга оширдилар, муаллим ва ёшларга маслаҳат берардилар. Бу ҳолга рус элчихонасининг маъмурлари тоқат қила олмадилар. Бухоронинг ярим ислоҳ бўлган мактаблари талабаларини Истанбулга юбориш ишига аввалига эътибор бермаган бу маъмурлар эндиликда Истанбулда тарбияланганлар, хусусан, Фитрат каби ўз қалами билан ўзини таниттан кишиларнинг мактаб ишларига аралашувидан қандайдир шубҳаларга бордилар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 йил, 4 ноябрь). Бу фикр Ф. Хўжаев томонидан янада асослироқ баён қилинади: «Бундай мактабларни... Абдувоҳид Бурҳонов ҳам, Усмонхўжаев, Муҳомил Бурҳонов ҳам очди. Амир Бухоросидаги тирик жоннинг ҳаммаси шу мактаблар теварагида бирлашдилар. Улар 1918—1920 йиллардаги Бухоро революцияси ходимларининг катта қисмини тайёрлаб берган манба бўлди» (Ўша асар, 100-бет). Демак,

ган навбатдаги найранги эди. Шундан сўнг Миллер эски жадидлардан айримларини танлаб олиб, улар билан суҳбат ўтказади ва натижада Бухоро амири Сайид Олимхон 1335 ҳижрий йили жумодис-сонийнинг 28-куни (милодий 1917 йил 7 апрелда) Фармони олий эълон қилиб, ёш инқилобчиларнинг айрим талабларига ён босишга мажбур бўлади. Эски жадидлар Фармони олий шарафига байрам қилишни, Фитрат бошлиқ «сўллар» эса намойиш ўтказишни талаб қиладилар. Не қийинчилик билан уюштирилган намойишни Регистонда амир аскарлари ўққа тутадилар, қолганларига эса Бурҳонов уй-уйига тарқалиш лозимлигини эълон қилади. Амир ўзига қарши илк бош кўтарган намойишчилардан ўч ола бошлайди, ўттиздан ортиқ киши қамоққа олинади. Фитрат ва Усмонхўжаев Тошкентда иш олиб боришга мажбур бўладилар, кейинроқ эса Фитрат Самарқандда 1917 йил апрелидан чиқа бошлаган «Хуррият» рўзномаси таҳририятига таклиф қилинади.

Ёш бухороликлар мамлакатда ўтказилиши зарур бўлган ислоҳотлар дастурини тузмоқчи бўладилар, унинг лойиҳасини ишлаб чиқиш Фитратга топширилади. У қарийб икки ой мобайнида амалий иш лойиҳасини тузиб, МКга топширади. Нафақат жадидларнинг, балки Бухородаги барча афкор омманинг фикрини акс эттириши лозим бўлган бу лойиҳа инқилобчи ёш бухороликлар сиёсий партиясининг «программа-минимуми» сифатида қабул қилинади. Бухорода ҳуқуқий давлатчиликни жорий этиш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мустақиллигига эришишга қаратилган, ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаган бу лойиҳада деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги масалаларига кенг ўрин берилганди. Унга биноан, ерга бўлган мулкчилик уч хил шаклда — вақф ерлари, хусусий ва давлат ерларидан иборат бўлиши лозим эди. Амир мулки эса давлат мулкидан ажратилиши керак, ерга нисбатан белгиланган ўндан ортиқ номдаги солиқлар бекор қилиниб, янги солиқ тартиби таклиф қилинади. Шунингдек, лойиҳада суғориш тадбирлари — Зарафшон суғориш тузилмасини тартибга солиш, қишлоқ хўжалигида қаралар орқали механизациялашга эришиш, махсус агрономия мадрасалари очиш кўзда тутилади. Бундан ташқари, вақф ерларидан келадиган барча сармоя фақат маданий-маърифий ишларга сарф этилиши, Армияни тартибга келтириш мақсадида Бухоро фуқароси учун 22 ёшдан бошлаб икки йиллик ҳарбий хизмат жорий қилиш ва ҳарбийда асосан мусулмон офицерлари бўлишига эришиш режалаштирилади. Бухоро музофотидаги барча ишларни бошқариш учун Фитрат ўнта халқ нозирлигидан иборат Нозирлар шўроси тузишни таклиф



этади. Булар: ер ишлари нозирлиги, вақф нозирлиги, ҳарбий, молия, ички ишлар, адлия, милиция нозирликлари, йўллар, қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи саноат нозирлиги, маориф ва ташқи ишлар нозирликларидир. Ф. Хўжаевнинг ёзишича, «лойиҳанинг катта камчилиги шундан иборат эдики, Фитрат ўнг қанотнинг аччиғини келтирмайин деб лойиҳанинг бирор жойида жумҳурият сўзини ишлатмади». Лекин 1920 йилдан вужудга келган Бухоро шўролар жумҳурияти ҳам, асосан, Фитрат ишлаб чиққан дастурни ўзининг давлат идора усули деб билади...

1918 йилнинг бошларида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. Колесов Ашхободга бораётиб, Когонга қўниб ўтади, чунки бу ерда ёш бухороликлар қурултойга тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Рус инқилобчилари Полторацкий, Уткин ва Преображенскийнинг таклифига кўра бўлғуси қуролли қўзғолонга тайёргарлик хусусида Бухоро номидан Ф.Хўжаев Колесов билан музокара олиб боради. Колесов Бухородан кўра яқинда Қўқонда ташкил топган Туркистон мухториятидан кўпроқ хавфсираётган эди. «Қўқонда эришган ўзининг ғалабасидан маст бўлган Колесов амир Бухоросини шундай енгиллик билан тугатаман деб ўйлаган эди», шунинг учун ҳам қўзғолонга тайёрланиш ва бирга курашиш ҳақидаги битимга рози бўлди, «пулемёт ва аскарлардан ёрдам беришга» ваъда қилди (Ф. Хўжаев). Амир номига Ф. Хўжаев ва Ф.Колесов имзоси билан ультиматум юборилади. Гарчи амир уларнинг шартларига розилик билдириб, «шаҳарга қўшин билан кирмасликни сўраган» бўлса-да, қўзғолончилар куч ишлатишни маъқул кўришади. Шунда Фитрат: «Агар биз қайсарлик қилсак, ҳаммаси ўлади. Амир аччиғланиб, бутун кучларини бизга ташлайди. Бу уруш нима билан тугашини ҳеч ким билмайди... Амир кучли...» деб огоҳлантиради. «Ревком аъзоси Фитратнинг бу гапини қолган ёш бухороликлар маъқуллашди» (Ҳ. Содиқовнинг «Қон билан муҳрланган» мақоласидан. Қаранг: «Звезда Востока», 1989, 5-сон, 100-бет). Кейинчалик амир чиқаришга мажбур бўлган Фармони олий: «Худо таоло номи билан халқимизга маълум қиламизки, миллат учун тенглик ва эркинликдан кўра улуғроқ бахт йўқ», деб бошланади. Сўнг амир Олимхон сўз ва жамият эркинлиги, ҳурфикрлилар Нозирия қўмитаси тузиб, «у билан биргаликда давлатимизни бошқаришга» ваъда берганига қарамай, қўзғолончилар бир гуруҳ маслакдошларининг ҳибсга олинганини баҳона қилиб курашни бошлаб юборишади. «Бизда европача артиллерия бўлганлиги амир армиясига нисбатан бирдан-бир афзаллигимиз эди. Биз бундан фойдаланиб, Эски Бухорони тўпга тутишга, шаҳарга ваҳима солиб, оломонга

таъсир ўтказишга қарор қилдик. Тўпга тутишни бошлаб юбордик» (Ф. Хўжаев. Ўша асар, 155-бет).

«Колесов воқеаси» деб ном олган бу қуролли қўзғолон муваффақиятсиз тугади. Бунга, биринчидан, Колесов ваъда қилган қурол-яроғнинг келишилган миқдорда ўз вақтида етказиб берилмаганлиги, иккинчидан, ичкаридан (халқ томонидан) кўтарилиш лозим топилган қўзғолон сиртдан арика ҳужум ва тўпга тутиш билан бошланганлиги сабаб бўлади. Пировардида бу воқеа эл назарида амирга қарши халқ қўзғолони эмас, балки ғайридинларнинг Бухорои шарифга бостириб кириши таассуротини уйғотади ва ёш бухороликларнинг ишига мислсиз зарар кўрсатади. Март ойидаги мана шу беш кунлик қирғин, яъни колесовчиларнинг чекиниши чоғида амир сарбозлари томонидан «қўзғолончилардан 5 мингдан кўпроғи ўлдирилди, уларнинг 3 мингдан ортиғи ёш бухороликлар инқилобий партиясининг аъзолари бўлган» (ЎзСЭ, II т., 540-б.). Саросимада қолган Колесов ёш бухороликлар билан маслаҳатлашмай амир олдига чор маъмурларидан Введенский ва Ҳайдархожа Мирбадаловни элчи қилиб юборади. Амир уларга жавобан Ф. Хўжаев Фитрат ва Бурҳоновни тутиб берсалар, битимга розилигини билдиради. Колесов бунга розилик бермайди. Хуллас, Март воқеалари натижасида «раҳбарлик ҳарбий ўртоқлар ва шахсан Колесов қўлига ўтди... Улар амир билан битимни тезроқ имзолашга интиладилар» (Ф. Хўжаев). Ниҳоят, 25 мартда Қизилтепа битими имзоланади. «Колесов воқеаси» Туркистон ўлка советларининг V қурултойида (1918 йил 20—30 апрель) муҳокама этилган бўлса-да, унга одил баҳони Фитрат муҳаррирлигида чиққан «Ҳуррият» рўзномаси берди: «Бу воқеалар Бухоронинг сўнгги юз йиллик тарихини бўяган энг қонли доғ бўлди». Ўша қонли доғ Фитратнинг нисбатан кейинроқ «Шарқ» достонида яққол акс этган:

*Ўтлар аро ёниб турган қишлоқлар,*
*Хирмон бўлиб ётган гавдалар жонсиз,*
*Оқмоқдадир қизил қондан ариқлар,*
*Тинч турганлар таланар омонсиз...*
*— Ким тўккан бу муқаддас ишга шунча қонни?!*

*(«Ўзбек ёш шоирлари» тўплами. Т., 1922)*

Пишиб етилмаган ҳаракатларни сунъий — ҳарбийча тезлаштириш натижасида Март воқеалари туфайли ёш бухороликлар катта талафот кўрдилар. Қарийб ярим асрдан буён нажот кўзларини жадидлар ва ёш бухороликларга тиккан афкор омма уларнинг «ажнабий кофирлар» билан бир сафда



туриб Бухорои шарифни тўпга тутганларини ўз кўзлари билан кўргач, уларнинг чинакам халқпарварлигига ишонмай қўйдилар. Бу маънавий зарба (халқ ишончининг сусайиши) «ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайдиган» (Фитрат) йўқотиш бўлди. Ноилож қолган партиянинг юқори ортиқ фаол вакиллари Самарқанд ва Тошкентда сиёсий марказ тузадилар, улар ўз фаолиятларини муҳожирликда давом эттирадилар.

Тошкентда яшаган чоғида Фитрат асосан, илмий, ижодий ва маърифий ишлар билан шуғулланади. Апрель ойидан бошлаб, Тошкент дорилмуаллиминида дарс бериш баробарида дастлабки она тили дарслигини, ислом дини тарихидан «Мухтасари тарихи Исломия» (форс тилида), «Шеър ва шоирлик» адабий мубоҳасаси, юқори синфлар учун дарсликлар («Ўқув») ва кўплаб илмий-бадиий асарларини эълон қилади. Туркистон АССР сиповини (санкцияси) билан тузилган адабий ташкилот «Чиғатой гурунги» ишларида қатнашади, ўлка мусулмон бюросининг топшириғига кўра Туркистон халқлари маданий меросини тўплаб, ўрганиш ишларига жалб этилади. Шу билан бирга «Иштирокиюн», «Туркистон» рўзномаларида жўшқин мақолалари билан қатнашади. Қисқасини айтганда, Фитрат бу даврда қуролли қўзғолондан маданий инқилоб сари юз бурган эди. Бу ҳақда Ф. Хўжаев шундай ёзади: «Фитрат партия ва сиёсий иш билан алоқани гарчи расмий равишда узмаган бўлса ҳам, аммо маданий-оқартув ишларига бутун вужуди билан берилиб кетиб ва айни вақтда Афғонистон элчихонаси хизматига кириб, партияда актив ишламай қўйди» (Ўша асар, 170-бет).

Ўрта Осиёда босмачилик дея тарихга киритилган миллий озодлик ҳаракатлари авж олгани сайин Россия бутун эътиборини Туркистон ва Бухорога қаратади. Айниқса, атаман Дутов тор-мор этилгач, Туркистон Россияга қайта қўшиб олингандан кейин «оғаларча» ҳомийлик қилиш янгидан йўлга қўйилади. 1919 йил 8 октябрда РКП (б) МК ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг махсус Туркомиссияси ташкил этилиб, унинг таркибида Ш. З. Элиава (раис), В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Я. Е. Рудзутак, Г. М. Бокий ва бошқалар Туркистондаги «ишларга раҳбарлик қилиш учун» юборилади. В. И. Ленин шу йилнинг ноябрида «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» ёзган хатида: «Менга Халқ Комиссарлари Совети ва Мудофаа Совети раиси сифатида эмас, балки партия аъзоси сифатида сизларга мурожаат қилишга рухсат этингиз... бизнинг Туркистон комиссиямизга катта ишонч билан қарангиз ва унинг директиваларига қаттиқ риоя қилишингизни илтимос қиламан» деган эди (В. И. Ленин. ТАТ,

39-т., 349—350-бетлар). Туркомиссиянинг вазифаларидан бири «Туркистонда миллий сиёсатни амалга оширишда йўл қўйган хатоларини тузатишдан» (ўша асар, 581-бет) иборат эди. Бироқ Туркомиссия асосий эътиборини ҳарбий сиёсатга қаратади. Дастлаб (1920 йил 2 февралда) нисбатан заиф Хева хони Сайид Абдуллохон ҳукуматини ағдариб ташлашга (албатта, меҳнаткаш халқ инқилоби шиори остида) эришади. В. В. Куйбишев Хевада сўзлаган нутқида: «Рус революциясининг бутун бориши натижасида кўрсатиб берилган мана шу йўлга (қуролли тўнтариш йўлига — Ҳ. Б.) Хева халқи биринчи бўлиб тушиб олди, шунинг учун ҳам биз ҳозир Хева халқининг озод ва мустақил бўлганлигини кўриб турибмиз» («Известия ТуркЦИКа, 1920 йил, 22 июнь). Англашилиб турибдики, эркинлик ва истиқлол фақат Россия туфайли келиши мумкин деган сиёсат аллақачон авомга сингдирилган, гарчи 30-йиллардан кейин таҳрир этилган китобларда бу ҳақда назокат билан «халқимиз мадад қўлларини Москвага қаратган эди, бизга оғаларча буюк ёрдамини аямай...» деб ёзилган бўлса-да, рус ҳарбийлари «миллий сиёсатни амалга оширишда йўл қўйган хатоларини тузатмоқда» эдилар. Эндиги асосий мақсад Бухорога қаратилган эди. Муҳожирликда ин қўрайтган ёш бухороликлар «Учқун» (ленинча «Искра»га тақлидан), коммунистик группа эса «Қутулиш» рўзномалари атрофига уюшган эди. Чалкашлик ва янги ихтилофларга йўл қўймаслик учун раҳбар ҳайъат МК эмас, ёш бухороликларнинг Туркистон бюроси саналарди. Бюро «Учқун» саҳифаларида «Зулмга қарши бирлашингиз!» шиори остида партиянинг янги шароитга мослаштирилган кескин дастурларини эълон қилади. «Яшасин озод ва мустақил Бухоро!» — дастурнинг асосий мақсади бўлиб, унда амирликни тугатиб, Бухоро жумҳурияти тузилиши, миллий ва ҳуқуқий масалаларда қўшимча тадбирлар белгиланиши (Фитрат ишлаб чиққан аввалги дастурга қўшимча равишда) лозим топилади. Дастурга илова тарзида ўзбек тилида «Бухоро қўшниларига», форс тилида эса «Бухоронинг маълум халқларига» хитобномаси эълон қилинади. Туркомиссия ҳар икки группани тезроқ бирлаштириб, амир Бухороси сари йўналтириш пайида бўлади. М. В. Фрунзе ташаббуси билан «ўзаро ихтилофларни бартараф этмоқ ва Бухорода олиб бориладиган революцион иш услубларини белгилаб олмоқ учун» кенгаш чақирилади. Бирлашиш ҳақидаги сўзлар яна янги ихтилофларни келтириб чиқаради. В. В. Куйбишев раислигида ўтган бу кенгаш «ҳар иккала группанинг коммунистик қисмлари битта ташкилотга бирлашсинлар, ҳар иккала группага ҳозирнинг ўзидаёқ биргаликда конкрет революцион иш олиб бориш таклиф қилинсин» деган



қарор қабул қилади. РКП (б) МК Туркбюросининг талаби амалда бажарилади, ҳар иккала ўнг ва сўл қанотнинг коммунистик қисмлари Россия Компартиясининг таркибий қисми бўлган Бухоро Компартиясига бирлашадилар.

1920 йилнинг 16—18 августида Чоржўйда ёш бухороликлар партияси ва иккала коммунистик группанинг «муштарак душман — амирга қарши блок» тузиш масаласига бағишланган қурултойи бўлиб ўтади ва бу йиғин Бухоро Компартиясининг IV съезди сифатида расмийлаштирилади. Қурултой қатнашчиларининг, хусусан, бош маърузачи О. Оқчуриннинг хотираларидан маълум бўлишича, бу сунъий равишда зўрлаб қўшилтириш катта талафотларга олиб келган. (*Қаранг:* «Бухоро ва Хоразм революцияларининг ўн йиллигига аталган мақолалар тўплами». Т., Ўздавнашр, 1930 йил.) Қурултой қарорига кўра амир тахтидан ағдарилганидан бир ҳафта ўтгач, инқилобчи ёш бухороликлар партияси Коммунистик партияга қўшиб олиниб, тугатилади («Бухоро ахбори», 1920 йил, 14 ноябрь, 7-сон). Инқилобчи ёш бухороликлар сиёсий партия сифатида ўз ибтидосига (жадидчилик негизида туғилган), кураш тарихига (ҳеч бўлмаганда сўнгги ўн йиллик курашни эслаш керак бўлади) ва тактикасига (ислоҳотлардан қуролли қўзғолонгача) эга бўлгани учун Коммунистлар фирқасига қўшилиб, унинг таркибига сингиб кетишни истамаган эдилар. Чунки Бухорода халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ҳам шундай қиргинлар содир қилиндики, пировард натижада жадидлар ва ёш бухороликлар курашининг мақсади — Бухорони озод ва мустақил кўриш истаги амалга ошмайди. Фитрат бу йиллар давомида партия сафига кирган, Туркбюро аъзолигига сайланган бўлса-да, ўзи яхши билган юртда ҳали пишиб етилмаган инқилобий ҳаракатларнинг русча формула — қуролли тўнтариш қабилида якунланганини ва унинг бадалида она ер «эмган» ҳисобсиз қонлар — соҳиби қаламни изтиробга солмасдан қўймасди. Инқилоб бешигини тебратган ёш бухороликларни амир эл кўзига «ғайри» қилиб кўрсатгани етмагандай, улар фаолиятининг Москвадан келган ўртоқлар томонидан «коммунизм программасига зид деб топилиши» ва зўр бериб сунъий равишда «коммунистиклаштирилувининг» келгуси оқибатларини Фитрат чуқур идрок билан пайқай билган эди. Шу боисдан ҳам жадидларнинг бу бемаврид ҳарбий сиёсатдан илму урфонни, маърифатни афзал билиб «бутун вужуди билан маданий-оқартув ишларига берилиб кетгани»га ишонгимиз келади...

Ҳар бир инқилобнинг қай тахлит тарихга киритилиши унинг солномачиларига боғлиқ. Бухоро жумҳуриятидагилар солномачи танлашда адашмаган (Маориф халқ нозирлигини-

нг 1920 йил 30 октябрь қарорига биноан Бухородаги инқилоб тарихини ёзиш Фитрат билан Айнийга топширилади) бўлса-лар-да, қонуний солномачилар томонидан битилган тарих шу пайтгача тўлалигича эълон этилмади, эълон этилган қисми ҳам (Айний томонидан яратилган «Бухоро инқилоби тарихидан материаллар» назарда тутилмоқда — Ҳ. Б.) бир неча бор қайта таҳрир этилиб, тузатилади. «Асрликда қолган ҳақиқат ҳамон ўз яратувчисини излайди», деб ёзганди немис файласуфи Ф. Ницше бундан юз йил чамаси муқаддам.

Фалсафани қўйиб ҳужжат варақлашда давом этамиз: Тошкентда маориф ишлари билан банд Фитрат янги халқ маорифи тарғиботини ташкил қилиш учун Бухорога сўралади, негадир яна тезда махсус телеграмма билан Туркистонга қайта чақириб олинади. Бухоро Халқ Нозирлари Кенгаши Туркистон Маориф комиссарлигига мурожаат этиб, бир неча масалалар, хусусан, «Фитрат бошлаган Бухоро инқилоби тарихини ёзиш тугалланмай қолмаслиги учун» уни Бухорода қолдиришни илтимос қилинади. 1921 йилнинг 9 мартидан Фитрат ўз юртида халқ хўжалигини тиклаш, маориф ва маданият ишларини йўлга қўйиш тадбирларини амалга оширишга жалб этилади; жумладан, халқ маорифини ташкил қилувчилар учун тавсияномалар тайёрлаш ҳайъатини бошқариб боради. Бухорода Шарқ дорилфунунини очиш зарурияти асосларини тайёрлаб, кейинроқ (1922 йил 14 сентябрь) каттароқ лавозимда ишлаётганида БМИКнинг Бухоро дорилфунунини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинишига эришади. Бухоро жумҳурияти ҳамда Туркистон АССР ўртасида «ўқув юртлари ва мактаблар учун дарсликлар тузиш ва таъминлаш» борасидаги ишларни тартибга келтиради. Халқ хўжалиги равнақи учун турли хил иқтисодий система ва ислоҳот ўтказиш, мамлакат жўғрофий чегараланиши асосларини белгилаш, Амударё флотилиясининг вазифаларини жумҳурият мақсадларига йўналтириш, вақф ерларини ҳисобга олиш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш, нарх-навони арзонлаштириш, вайрон бўлган шаҳарларни тиклаш, меъморчилик обидаларини асраш каби ишларда қатнашади. Унинг серқирра фаолиятини кўз ўнгимизда гавдалантирсак.«Бухоро — бизнинг улуғ отамиз, азиз ва меҳрли онамиз, Бухоро — бизнинг суйдигимиз, Бухоро — биздан, биз Бухородан... бундай қоронғиликда танбаллик ва ҳаракатсизликдан гимирсиб ётганимиз етар» («Мунозара»га муқаддима. Истанбул, 1909, 21-бет) дейиши муҳожир талабанинг шоирона эҳтирослари эмас, балки «муқаддас турк ўчоғи»нинг келажаги учун фидойи курашчининг аждодлар руҳи олдидаги бурчи экани англашилади. Ва бу она ватанини озод, ҳур кўрмоқ истагида шаҳид бўлган дўстлари олдидаги масъулият



ҳам эди. Қарши беги томонидан ўлдирилган Беҳбудийнинг васиятини эслайлик: «Ўртоқларим — Сиддиқий, Айний, Фитрат... Сизларга васият қиламан: Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар!» (Ҳожи Мўйиннинг «Муфти Маҳмудхўжа ҳазратларининг қандай шаҳид бўлганлиги ва анинг томонидан ёзилган васиятнома» мақоласидан. «Инқилоб», 1922 йил, 1-сон).*

---

*Истилочилик тарихидан*

## ШАРҚШУНОС, ДИПЛОМАТ ВА «ЖАҲОЛАТ НАВКАРИ»

Ватан ва миллат кечмишининг асл тарихини ўрганмоқ — ўзликни англаш, миллий онгни шакллантириш учун илк эҳтиёж, заруриятдир. Неча асрким, тараққиёт ва илм-маърифат бешиги бўлиб келган Шарқ ва унинг гавҳар шодаси ҳисобланмиш Бухоройи Шариф ўзининг ажиб табиати, улуғ маънавияти, бой маъданлари билан жаҳон аҳлининг эътиборини тортиб келган. Ана шу маҳобатли шуҳратнинг асосчилари ота-боболаримиз қони ҳамон томирларимизда оқиб, руҳимизда бедор яшаркан, биз ворислар, муқаддас она-Ватан тарихини теран билмоғимиз фарз ҳамда қарздир. Чунки қалбида аждодларининг руҳи олдидаги масъулият ҳисси бўлмаган инсон чин ватанпарвар бўлмас.

Бугун мустақилликнинг улуғ, табаррук неъматини янада чуқурроқ ҳис этмоқ, қадрига етмоқ учун, уни қанчалик йўқотишлар ила қўлга киритилганлигини англамоқ учун яқин мозийга назар солдик.

Мўғуллардан сўнг чор Россиясининг истилоси она Туркистонимизда ўчмас доғлар қолдирди. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, иқтисодиёт таназзулга юз тутди. Айниқса, XIX асрнинг охирида Европа мамлакатларида капитализмнинг муносабатлар ривожланди. Бизда эса уч мустақил бир-бирига ёв хонликлар ўртасида зиддиятлар кучайди, мавжуд бошқарув сиёсати пароканданиб, хонликлар бирлашмоқ ўрнига тўза бошладилар. Оқибат Пётр I тахтга чиққан кунлардаёқ, у орзу қилган Туркистоннинг Россия исканжасига тушиши учун ички шароит тўла тайёр эди. Ахир бу ёвуз истило учун Россиянинг Пётр I, Николай I, Александр II, Александр III каби императорлари 200 йил давомида зимдан тайёргарлик кўрган эди-

* Мақола «Шарқ юлдузи» журналининг 1991 йил 1-сонидан қисқартириб олинди.

лар. Пётр I нинг «энг улуғ орзуларидан» бири Туркистондек бой ўлкани ўзига қарам қилдириш бўлиб, дастлаб металлургия саноатини ривожлантириш зарурияти баҳонаси ҳамда ҳарбий разведка мақсадида «маъдан қатламларини топиш учун» ўз тадқиқотчиларини юборди.

Пётр I тажовузкор сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўрта Осиёга 1714 йилда Преображенский полкининг поручиги князь Александр Бекович-Черкасский, 1715 йилда эса капитан Иван Бухгельте раҳбарлигида Хивага икки марта қўшин юборади. Юришларининг муваффақиятсиз тугаганига қарамай, Пётр ҳукумати ўз таҳдидидан воз кечмайди. Пётр Бухорога элчи қилиб италиялик Флорио Беневенини жўнатаркан, унга «олтин сомалари»нинг маконини, у ерга бориш йўлларини аниқлашни топширади. Бойликни қўлга киритиш ниятидаги жосуслик узоқ йиллар давом этаверади.

Туркистонга «меҳри баланд» олимларидан яна бири Россия фуқароси Николай Владимирович Хаников (1819—1878) эди. У махсус топшириқ билан Англиянинг «сайёҳи» Вамберидан роппа-роса 22 йил аввал, яъни 1841 йил август ойининг бошларида Бухорога келади. Биз бу мақолада Туркистонни истило қилиш учун чор Россиясига «зарурий илмий дастур»ни қойилмақом қилиб яратиб берган дипломат, шарқшунос олим ҳамда жосус Хаников ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталамиз. Зеро, у А. Вамбери ушламоқчи бўлган товуқ патини 22 йил олдин келиб юлиб кетган эди.

1840 йил 3 августда амир Насруллохон (1826—1850)-нинг вакили Муқимбек Муҳаммад Сайид Оренбургга амирнинг илтимосини олиб боради. Илтимосномада қуйидагилар сўралган: 1) Бухорони инглизларнинг босиб олиш хавфидан ҳимоя қилишга ёрдамлашиш; 2) Инглизлар билан биргаликда Бухорога қарши ҳаракат қилаётган хиваликларни бўйсундиришга ёрдамлашиш; 3) Россия хиваликларни қурол кучи билан жазолай олмаса, амирга асирларни алмаштириш ва дўстлик алоқаларини ўрнатишда воситачи бўлишга розилик бериш.

1841 йил августда Насруллохоннинг илтимосига биноан ўлкадаги қазилма бойликларни аниқлаш мақсадида тоғ инженери майор К. Ф. Бутенев бошчилигидаги делегация Бухорога келади. Улар орасида Н. В. Хаников ҳам бор эди. Бу делегациянинг асл мақсади аслида шундан иборат эдики, ўлканинг бутун сиёсий-ижтимоий аҳволи, ер ости бойликлари, уларга элтадиган йўллар, ҳарбий имкониятлари ҳамда бошқа хонликлар билан алоқаларини ҳар томонлама пухта ўрганмоқ, зарурий хариталарни тайёрламоқ эди. Мазкур делегация таркибида шарқшунос Ханиковдан ташқари мутахассислиги топограф бўлмиш Яковлев, Чалпанов, Петров номли шахслар ҳам иштирок этади.

Махсус делегация Бухорога етиб келганда, Насруллохон Қўқон хонлигига қарши уруш эълон қилган, шунинг учун дипломатик музокаралар 8 ой давом этади. Бу қулай вазиятдан фойдаланган делегация аъзолари 240 кун давомида Бухоро амирлиги, унинг ҳудуди, давлат бошқарув тизими, ҳарбий кучи, мавжуд қалъалар, умуман шаҳар топографиясини ўрганиш пиқоби остида жосуслик режаларини амалга оширдилар. Шу тариқа делегация элчилик вазифаларини бажара олмасада, лекин зиммасидаги махсус топшириқни пухта бажариб, 1842 йил 9 апрелда Россияга қайтиб кетади, мукофотларга эга бўлишади. Делегация аъзоси Хаников эса 1842 йил 17 августда иккинчи маротаба «алоҳида хизматлари учун» катта пул мукофоти олди...

Хўш, юқорида қайд этилган делегациянинг «дипломатик вазифалари» нималардан иборат эди? Нега амир Насруллоҳ улар билан шартнома имзоламади? Чунки делегация таклиф этган шартнома фақатгина Россиянинг манфаатларини ифода этарди. Битимнинг рус аскарларини озод қилиш, Россиядан келтириладиган моллардан олинадиган божни камайтириш, рус императорининг доимий вакили амирликда бўлиши ҳақидаги бандлари амирга мутлақо маъқул тушмади. Хаников амир Насруллохон ҳақида шундай ёзади: «Ўзини бутун дунё ҳукмронларидан кучли деб ҳисоблайди. У тахтда ўтирар экан, Бухоро билан шартнома тузиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас...»*

Н. В. Ханиковнинг шарқшунослик, этнография, тарих, жуғрофияга оид 110 га яқин тадқиқотларидан 13 таси бевосита Туркистон билан боғлиқ. Унинг қизиқиш ва махсус топшириқ билан ўрганган мавзу доираси ниҳоятда кенг эди. У Арарат тоғидан Каспий денгизининг суви сатҳигача, қирғиз чўлларидан Сирдарёнинг ирмоқларигача, Туркистоннинг турли шаҳар, қишлоқ йўлларию қудуғидан тортиб, кўпригию сардобаларигача, Бухоро, Самарқанднинг маҳобатидан то уларнинг астрономик жойлашувигача ўта бой маълумот тўплаб чуқур ўрганган шахсдир.

Айниқса, Ханиковнинг «Бухоро хонлигининг тавсифи» китоби 1843 йил Санкт-Петербургда нашр этилгач, унинг обрўйи ошиб кетди ва чор Россиясининг кўзига ҳукмдорлари ва шарқшунослар назарига тушди. 279 саҳифадан иборат бу китоб, биринчидан, муаллифнинг ўз кўзи билан кўрганбилганлари асосида ёзилган, иккинчидан, ҳар бир воқеа-ҳодиса математик аниқлик билан, ихчам ёритилган, учинчи-

* Қаранг: Архив внешней политики России (глав. архив, 1—3 д. 1840, ст. 253.).

дан, китобда Бухоро хонлигининг харитаси, Самарқанд шаҳрининг жуғрофий шарҳи илова қилинган. Мухтасар қилиб айтганда, 1840—1842 йиллар Бухоро хонлиги ва шаҳри билан боғлиқ жуда кўп саволларга ушбу китобдан жавоб олиш мумкин.

Китоб сўзбошисида Н. В. Хаников «Бухоро хонлигининг тавсифи»нинг яратилиш тарихи, мақсади хусусида тўхталиб, ўз сўзини шарқона руҳда Ҳофизнинг байти билан якунлайди. Байтнинг мазмуни шундайки, башарият тарихи хатолардан холи эмас. Мабодо мен хато қилсам кечиргил...

Н. В. Хаников китобида XIX асрнинг 40-йилларида Бухородаги табобатнинг аҳволи, 128 та ўзбек уруғларининг номи, бу уруғларнинг ички бўлинишлари хусусида батафсил сўзларкан, ўша даврда хонликка 19 та шаҳар қарашини айтиб, уларни бирма-бир санайди: Бухоро, Кармана, Зиёвуддин, Каттақўрғон, Самарқанд, Панжикент, Хатирчи, Нурота, Пайшанба, Челак, Янгиқўрғон, Жиззах, Ўратепа, Чоршанба — Ромитан, Пайкент, Қоракўл, Чоржўй, Қарши, Ғузор...

Ҳатто бир неча марта такрор-такрор ўрганиб, Бухорининг $39^{\circ}$ $46'$ шимолий кенгликда, Ферро оролидан шарқий узунликда жойлашганигача аниқ маълумот берган. Г. Борнсда унинг қайдларига шубҳа қилгани учун амир Насруллохоннинг зиндонида ётган инглиз Г. Стоддартни ҳибсдан олиб чиқиб, яна қайта ўлчаттирган ва шундан сўнг унинг ўлчами тўғрилигига қатъий ишонган. Мана, махсус хизматдаги шарқшуносchallenging Бухорога бўлган «муҳаббати»дан бир намуна.

Н. В. Хаников ўз китобида Бухорода 11 та дарвоза борлиги, уларнинг номланиши ва бир-биридан қанча масофада жойлашганлиги, йўл у ердан қасрларга боришигача аниқ, график тарзда ифодалаган.

1840 йилларда Бухоро шаҳрининг ер майдони 1739 таноб бўлиб, 13 та қабристон мавжуд экан. Хаников Бухоро шаҳрининг Шоҳруд ариғидан сув ичиши ва бу ариққа шаҳар ичкарисида 12 та кўприк қурилгани, 63 та ҳовуз бўлиб, ундан 360 та кўча сув ичиши батафсил баён этилган.

Рус шарқшуноси амир саройи — Аркнинг 22 таноб майдонни эгаллагани, Бухоро шаҳрининг ўзида 360 масжид борлигини таъкидларкан, 103 мадраса амирнинг рўйхатида қайд этилганини айтади ва шулардан 60 тасини ажратиб олиб, номма-ном санайди. Бу мадрасаларда 1840 йилда 9000 дан 10000 нафаргача талаба таҳсил олганлиги ҳақида ҳам бой маълумот беради.

Ўша йилларда Бухорода 38 та карвонсарой бўлиб, улардан 24 таси ғиштдан, 14 таси ёғочдан қурилганини кузатади. Шаҳарнинг 16 ҳаммомга эга эканлиги, аҳолиси

60000—70000 киши атрофида бўлиб, ҳар бир таноб ерга 38 киши тўғри келишигача ҳисоблайди.

Н. В. Ханиковнинг ёзувлари компьютерни эслатади. Унинг хотирасида гўё ҳамма нарса жо этилган.

Олим Бухоро амирларининг пул бирликлари ҳақида ҳам мухтасар маълумот беради, ҳатто бу заминда етиштириладиган узумнинг 12 навини бирма-бир санайди. Шу тариқа Хаников Бухоро боғларида етиштириладиган мева ва полиз маҳсулотларини ҳам номма-ном санаб, неча тури мавжудлиги ҳақида аниқ маълумот беради. 1840 йилда Бухорода шафтолининг уч хили, ўрикнинг уч нави, олманинг 8 тури, нокнинг 2 нави, тутнинг 2 хили, қовуннинг 16 нави борлиги ҳақида ёзади.

1841 йилда К. Ф. Бутенов бошчилигида келган делегациянинг асосий мақсади Бухоро амирлигидаги ҳарбий куч-қудратни, унинг заиф жиҳатларини аниқлаш бўлгани учун ҳам мазкур ҳайъат аъзоси Н. В. Хаников бу махсус топшириқни доимо диққат марказида сақлаган. У Бухоро амирининг сарбозлари ҳақида қуйидаги маълумотларни тўплаган: «Бухоро амирлигидаги лашкарларнинг сони менга аниқ маълум эмас, ҳатто амирнинг ўзи ҳам бу тўғрида аниқ маълумотга эга эмас. Чунки сарбозларнинг рўйхати, мен бир неча марта кўрганимга қараганда анча тартибсиз олиб борилади. Фикримча, улар кўпи билан 40000 нафар бўлса керак. Уларнинг фақат учдан бири қуролланган, қолганлари, умуман, қуролсиз, лашкарнинг ортида хизмат қилишади ёки жуда ёмон қуролланишган. Бухоро лашкарининг тўлиқ қуроллари чўқмор, қилич ёки ханжар, тирговичли пилта милтиқ ва қалқондан иборат. Тўппончалар жуда кам учрайди. Мен Бухорода бўлган пайтимда (1841—1842 йиллар) тепкили ўқ отар қуроллари 1000 та пиёда аскари ва баъзи бир амалдорларда бор эди, холос».

Бу далиллар бесиз кетмади. Н. В. Ханиковнинг хизматлари туфайли чор Россияси Туркистонни жуда чуқур ўрганди. Ҳарбий имкониятларини чамалаб кўриб, Марказий Осиёга нисбатан сиёсатини белгилади.

Хаников китобининг кўп жойларида ўзининг машъум ниятини ошкора айтган. Бухоро амирлигидаги сарбозлар ҳақида батафсил маълумот бериб, уларнинг заиф нуқталари, чегараларининг мустаҳкам қўриқланмаслигини таъкидлаб, шундай ёзади: «Европача таълим олган аскарларга чегаранинг бундай қўриқланиши кучли тўсиқ бўла олишига ишониш қийин»

Н. В. Ханиковнинг мазкур китоби қандай ниятда ёзилганлигидан қатъи назар, шарқшунослик, этнография учун фанда ўз мавқеига эга бўлиб қолди. Шу боис бу китобни ўқиркан-

сиз, XIX асрнинг 40-йилларидаги Бухоро билан юзма-юз бўласиз. Шўр пешона манғитлар мамлакатни оғир аҳволга солиб қўйганлари, юрт ривожланаётган мамлакатлар умумтараққиётидан орқада қолганлигини, чор Россиясининг тажовузкорона сиёсати авж нардага кўтарилиб, истибдоднинг қора булутлари Бухоро осмонида кезганлигини кўриб ўкинасан киши. «Бухоро хонлигининг тавсифи»даги бой тарихий маълумотлару талқинлар, барибир, юрагинг тубидаги мангу армон — Ватанининг истило этилгани ҳақидаги аламни заррача камайтирмайди. Зеро, тарих йўли, адолат ва ҳақиқат йўлидир.

Илҳом ҒАНИЕВ,
Карим МУСТАНОВ.

## ФАХР БИТИКЛАРИ

Асрлар давомида Бухоро Туркистоннинг йирик маъмурий маркази сифатида ҳам довруғ таратган. Тарихда бу шаҳар Қуйи Зарафшон ўлкасининг қадимги ҳокимлари бўлмиш Бухорхудодлар (I—VIII асрлар), Сомонийлар давлати (IX—X асрлар), Шайбонийлар хонадони томонидан барпо этилган Ўзбеклар давлати — Бухоро хонлиги (XVI аср), Аштархонийлар (XVII—XVIII аср), Манғитлар (XIX—XX аср боши) сулоласи томонидан идора этилган Бухоро амирлиги ҳамда «Бухоро Халқ Республикаси» (1920—1924 йиллар)нинг пойтахти бўлган.

...Шарқнинг дину эътиқод, илм-фан ва маърифати бобида салмоқли ҳиссаси туфайли илк ўрта асрлардаёқ «Қуббатул ислом», «Бухорои шариф» каби сифатлар билан мусулмон оламида шуҳрат топган бу кўҳна шаҳарнинг ёши яқин-яқинларгача «сир» бўлиб келди.

Илк бор қад кўтарган қадимий жойидан бир неча бор силжиган Самарқанд, Тошкент ва Қарши шаҳарларидан фарқли ўлароқ, Бухоро, гарчи жамики тақдирий фалокатлар ва тарихий фожеаларни бошидан кечирган, ҳатто 1220 йилда Чингизхон қўшинлари томонидан батамом ер билан яксон қилиб ташланган бўлса-да, аммо маълум муддатдан сўнг худди Ҳумо — бахт қушидек қайта-қайта қаддини ростлайверган. Оқибатда, унинг остида қалин маданий қатлам ҳосил бўлган...*

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,
*Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор.*

* «Фан ва турмуш» журнали, 1997 йил, 4-сон, 16-бет.

* * *

Ғиштдан тикланган биноларнинг бари ҳам тарихий бўлавермайди; дунёда эса тарихий ёдгорликларга эга шаҳарлар кўп, аммо улар Бухоро бўлолмайди. Бизгача етиб келган шаҳар обидалари иқтидорнинг, ниятнинг, меҳнатнинг маҳсули. Бухоро мавзуси айтган билан, ёзган билан тугамайди. Тарих қадриятларимиз уммони шу жойда — Бухорода. Яхшилик истасангиз, савобдан, эзгу ниятлардан, руҳий бутунликдан умидвор бўлсангиз — Бухорога келинг, қадим шаҳар улугворлиги, тошлар сеҳри, сукутига гарқ бўлинг...

Муҳиддин ТОШЕВ,
*Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг ректори, профессор.*

* * *

*Ишқ бор юрагимда, зангламас олтин бор,*
*Руҳимда нафас-нафас дуо бор, дин бор.*
*Сен кибри ҳавонг кўп, баланд боқма, рақиб,*
*Ортимда бобом — Хўжа Баҳовадин бор!*

Жамол КАМОЛ,
*Ўзбекистон халқ шоири.*

* * *

Қадим шаҳримизнинг 2500 йиллиги тантаналари бошланган кун ҳеч қачон хотирамдан чиқмайди. Минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил 19 октябр: шу кун Бухоро фахрга, нурга чулганди. Айниқса, юртдошларимизнинг қалбидаги, кўзларидаги қувончни айтмайсизми! Дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар Бухорони ҳайрат огушида қайта кашф қилдилар.

Биз фарзандлар учун авлоду аждодларимиз, ота-боболаримиздан мерос шаҳарнинг қадру қиммати, улуглиги, дунё маданиятига қўшган улушини теран ҳис этиш имкони гўё алифбодек ушбу кун такрор бошланди... Ҳа, биз Шариф шаҳримиз мисолида ўтган кунларимизни унутишга ҳаққимиз йўқ. Тарихимизни, халқимизни оёқ ости қилишга, топташга йўналтирилган Гдлян террорини эслашнинг ўзиёқ, ҳар қандай фуқарони ҳушёрликка чақиради. Озодликнинг, мустақил Ўзбекистон тупрогининг ҳар қаричини эъзозлаб, авайлаб, тинчликнинг қадрига етишга, миллатнинг муносиб фарзанди бўлишдек масъулиятни зиммамизга юклайди. Озодликнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган тўй-тантаналар, оммавий сайллар, халқимизнинг миллий қадриятлари — бари-бари ўз

салоҳиятимизни, номимизни дунёга танитаётган ғанимат кунлардир. Шундай бахтиёр дамларда мен мустақиллигимизнинг умри боқий бўлсин, дея ният қиламан.

Рустам НОСИРОВ,
*Бухоро вилоят ДАН бошлиғи, милиция подполковниги.*

* * *

Маънан бой ўғлонлар ҳамиша юртпарвар, мард, инсофли бўлишган. Туғилган юрт ободлиги, унда яшаётган, меҳнат қилаётган эл кунига яраш, уларнинг орзуларини амалга ошириш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида ишлаш чин фарзанд учун бутун умрга татигулик туганмас бойликдир. Бухорода мисли кўрилмаган даражада хайрли, фахрли ишлар бошланди, кўплари ниҳоясига етди. Тарихан ўйласанг, Бухоро бир неча марта обод бўлган, жангу жадаллар сабаб харобага айланган, яна қад ростлаган. Ўтган совет замонида, кейинчалик ҳам Бухорога эътибор берилмади, кўп раҳбарлар ўтди, улар ҳам Шариф шаҳримизга муносиб хизмат қилишолмади. Шукр, Бухоронинг бутунги қиёфасига, бир тан-бир жон бўлиб, аҳиллик, элпарварлик белбоғини маҳкам боғлаган юртимиз жонкуярларига, Бухоро номини оламга танитаётган раҳбарларимизга кўз тегмасин. Зеро, бу аллома шаҳарга хизмат қилган асло кам бўлмайди.

Меҳриддин ҚЎЛДОШЕВ,
*Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник.*

* * *

Жаҳондаги кўп шаҳарлар ўз меъморий рамзларига эга. Жумладан, Бухорони Минораи Калон — Катта Минорасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Минора 1127 йилда бунёд этилган. Уни қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон қурдирган... Миноранинг пойдевори тошдан терилган бўлиб, у юқорилагани сари ингичкалашиб боради, ва ниҳоят, гумбазли айланма кўшк билан якунланади. Кўшкдаги ўн олти равоқли дарчалар орқали бутун шаҳар ва унинг атрофлари кафтдек кўзга ташланади. Минорага унга туташ Жоме масжиди томидан махсус йўлак орқали ўтилган ва 105 поғонали айланма зина билан тепасига чиқилган... Усто Бақо яратган бу нойб ёдгорлик асрлар давомида қад ростлаб, халқ фахрига айланди.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ.



* * *

Бухоро ҳар соҳада ўзининг салоҳиятини намоён эта олган аллома шаҳар. Қадимдан фаннинг турли йўналишлари бўйича Бухоро мактаби шаклланган. Масалан, Бухоро тиббиёти, Бухоро меъморчилиги, Бухоро зироати, қўйинчи. Бухоро Шарқ маданиятининг қомусий билимларини ўзида уйғунлаштирган маърифий шаҳар!

Бухоролик деган фахрли рутбага эга эканмиз, демак, биз фарзандлар ушбу номни кўтара билишимиз лозим. Аҳилликда, илмда, туғилган юрт қадру қимматини англашда, илғор ва яна илғор бўлиш мақсадимизга айлансин.

Абдулла ҲАКИМОВ,
*«Ситораи Моҳи Хосса» санаториясининг бош директори*

* * *

Ўтган йили Бухорони бомбардимон қилишгани ҳақида ўқиган эдим. «...музей шаҳарнинг бомбардимон қилинишини ҳеч қандай ғоя билан, саройларда беркиниб олган душманни янчиб ташлашга қаратилган бирон-бир ҳарбий стратегик режа ёки ўзга бир важ билан оқлаб бўлмайди... Бухоро — Шарқнинг қадимий шаҳарларидан бири, мусулмон ренессанси шаклланган ва гуллаб-яшнаган гўша, Шарқнинг ўзига хос тарихий-меъморчилик музейи эди», деб ёзади муаллиф. Учувчи, бомбардимон иштирокчиси, ташланган бомбалар ҳеч қандай ҳарбий хавф-хатар туғдирмайдиган бино ва обидаларни бемаъни равишда вайронага айлантирганини очиқ-ошкора тан олади. Бундай хотирага иқрорлар, далилларни ўқиган, билган ҳар бир юртдошнинг чуқур ўйга толиши, яқин кунларгача ўқиган «тарихи» ёлғонга ўраб тақдим этилганидан нафратланиши аниқ.

Ўтган йиллар қатига кўмилган ҳақиқий тарихимизни мустақиллик боис қайта ўрганаяпмиз. Ўзликни таниш учун, миллат равнақи учун бошланган бу дадил қадамни чин дилдан қутлаб, шукрона айтаман. Қадим Бухоронинг 2500 йиллик тантаналари, ушбу сана сабаб бошланган ободлик, шодликнинг мавсумий эмаслиги ҳар бир юртдош қаддини тоғ каби юксалтиради. Қадим шаҳримиз умрига умр қўшаётган заковатли, фидойи ўғлонлари сафида бўлиш ҳар биримиз учун катта бахт.

Шавкат НЕЪМАТОВ,
*Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғи.*

* * *

Мамлакатимизда буюк ўзгаришлар силсиласи давом этаётган тарихий даврда яшаяпмиз. Ўтаётган ҳар бир кун мустақил Ўзбекистон пойдеворига, келажагига, буюк давлат бўлиб шаклланишига замин яратмоқда. Озодлик туфайли Бухоро ўзининг иккинчи умрини бошлади, десак, менимча, хато бўлмас.

Бир пайтлар умумий давлатимиз ҳисобланган собиқ СССРнинг бирорта раҳбари Шарқнинг маърифий шаҳри ҳисобланмиш қадим Бухорога эътибор бермади, аксинча, унинг шон-шуҳратини, тарихини билиб-билмаганга, кўриб-кўрмаганга олишди.

Собиқ Президент М. С. Горбачевнинг Тошкентга келганини яхши эслайман. Ўшанда у хўжаликларни айланиб юрар экан, мухбирларга шундай деди: «Мен шафтоли гулини кўрмаган эдим. Бу дарахт жуда чиройли гуллар экан». Тасаввур қилинг, ўйланг, катта бир давлатнинг раҳбари республикамизга келиб, ҳайратланган нарсаси шафтоли гули бўлди. Бу катта раҳбарнинг пойи қадами шарафига эса биз зиммамизга катта-катта меҳнат мажбуриятларини олдик. Ҳа, келиб-кетиш, яйраш, ваъдалар бериш, ақл ўргатиш, танқид қилиш, буюриш улардан, биздан эса бажариш эди... Ана шу кунларни эсласанг, унутмасанг, бугунги мустақилликнинг қадрини теранроқ англайсан. Ўзбекистон учун, унинг ҳар бир қишлоқ, шаҳарларига эътибор бериб, улуғлаётган юртимиз раҳбарлари меҳнатига ташаккур айтгинг келади. Шу боис ҳам ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаш шарафига эга бўлган Бухоро улуғ бир имконнинг, эътиборнинг қуршовида бўлди.

Ражаббой ОЧИЛОВ,
*Бухоро шаҳар ИИБ 5-сонли милиция бўлинмаси бошлиғи.*

* * *

Бухорони жафокаш шаҳар дегим келади. Чунки, тарихдан қиёски, унинг тупроғига обод қилиш ниятида қадам босган ҳукмдорлардан кўра бойлигига эгалик қилиш ниятида келганлар кўпроқ. Бу азим шаҳар неча бор таланди, ёндирилди, устига бомбалар ташланди, зукко, илмли, элпарвар кишилари бадарға қилинди...

Ҳар бир фуқаронинг эрки, ҳуқуқи бўлгани каби шаҳарларнинг ҳам ҳуқуқи қонун ҳимоясидадир. Инсоният маданиятига улкан ҳисса қўшган Бухоро шаҳри мустақиллик боис ўз

қадру ҳуқуқини топа бошлади. Унинг бағридан кетган, таланган санъат асарлари, халқ тафаккурининг бебаҳо бойликлари қайтиши керак. 2500 йиллик тўй шаҳримиз истиқболи эшикларини кенг очди.

Қодир ЙЎЛДИЕВ,
*ҳуқуқшунос.*

* * *

Ақлимизни таниб, маълум синовлардан ўтиб, улғайган сари юрт, Ватан каби тушунчаларнинг нима эканини фарқлай бошладик. Айниқса ишқ, ўқиш жараёнида бу туйғу умр бўйлиқларини тўлдириб, орқатоғ каби суяб, ҳаётимиз мазмунини бойитиб борди.

Биз ўтган алдовли, хиёнатга тўла тарихни яхши биламиз. Кўп жабру зулм, сохта тарих синовларини тотган ўзбек халқи шукрлар бўлсинким, озодликка эришди. Бутун мамлакатимиз бўйлаб озодлик ниҳоллари бирин-кетин кўкара бошлади. Бугун биз ўқиётган Академия ҳам мустақиллигимиз шарофатидан ташкил топди. Мақсад халқимиз тинчлиги йўлида хизмат қилиш экан, озод Ўзбекистоннинг фахрли гўшаси бўлмиш Бухоро билан ҳамиша бир тан, бир жонмиз.

Турсун ШОДМОНОВ,
Саттор НАИМОВ,
*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртқи бўлим тингловчилари.*

---

## ҒИЖДУВОН ҲИКОЯЛАРИ

### ХЎЖАЙИ ЖАҲОН

1993 ЙИЛ 11 ДЕКАБРЬ: ҒИЖДУВОНДА ШАРҚ ОЛАМИНИНГ ЙИРИК МУТАФАККИРИ ХЎЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 890 ЙИЛЛИК ТЎЙИ НИШОНЛАНДИ. ЮБИЛЕЙГА ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДАН МЕҲМОНЛАР ТАШРИФ БУЮРДИЛАР.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрига борган зиёратчилару тижоратчилар халқ эътиқоди ва тилидан дарҳол тушуналиларки, бу кўҳна шаҳар икки ном билан юритилади. Шаҳарнинг расмий номи Ғиждувон. Ғиждувон жуда қадимий ном, унинг келиб чиқиши ва маъноси ҳақида турли тахмину

ривоятлар бўлса-да, илмда ҳануз аниқ, асосли жавоб йўқ. Шаҳарнинг норасмий, аммо туб аҳоли тилида фаол қўлланадиган номи — Хўжайи жаҳон. Ушбу номнинг тарихий асоси аниқроқ. Кўпчилик буни билмаса-да, табаррук номда ажиб ҳикмат кўради. Хўжайи жаҳон — гавжум шаҳар. Айниқса, дам олиш кунлари чор-атрофдаги қишлоқлару туманлардан одамлар Хўжайи жаҳон сари йўл оладилар. Ғиждувон бозорининг довруғи тарқалган. Якшанба кунлари бозорда оёқ қўйишга жой топилмайди: ҳамма нарса мавжуд ва арзон. Ғиждувон бозоридан муроди ҳосил бўлмай, барака топмай чиқадиган одам топилмаса керак. Бозорга яқин-атрофлардангина эмас, олис Самарқанду Қаршидан мол келтириб, мол олиб кетадилар. Савдо жуда қизғин. Туб аҳоли, қўшни-қариндошлар, олисдан келган меҳмонлар — бари, барака топганлар ушбу шаҳардаги файзу футуҳ, хайру баракани пири бузруквор — Хўжайи жаҳон номи билан боғлаб гапирадилар.

«Хўжайи жаҳон форсий изофали бирикма бўлиб, унинг ўзбекчаси «Жаҳон хўжаси» демакдир. Хўш, Хўжайи жаҳон — Ғиждувон шуҳратини жаҳоний мавқега кўтарган, она-Ватани назаркарда масканга айланишига сабаб бўлган зоти бобаракот ким ўзи? У Хўжайи Хизр сийлови билан жаҳон хўжалари сардори мақомига кўтарилган Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийдир. Пайғамбар сийлаган бу вали зот ўтмишда ҳамма вақт ҳукмдор ва алломалар эътибори ардоғида эди. Темурийлар салтанати даврида Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний таълимоти Хўжа Аҳрори Вали раҳнамолигида бутун мамлакат мафкурасининг устивор мавқеида турган. Ихлос, муҳаббат, садоқатнинг рамзи сифатида шавкатли темурийзода Мирзо Улуғбек Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг мозори шарифларида масжид ва мадраса қурдирган. Ушбу меъморий обида ҳозиргача дунё мусулмонларининг қутлуғ зиёратгоҳи.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний 1103 йили Ғиждувонда таваллуд топиб, 1179 йилда ўз Ватанларида вафот этган. 1993 йили Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг таваллудларига 890 йил тўлди. Мазкур саналар Ғиждувон шаҳри Хўжайи жаҳон номи билан ҳам юритилаётганига саккиз юз йилдан ортиқ фурсат ўтганидан далолат беради. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний Шарқ фалсафий тафаккури тарихида мумтоз ўрин тутади. Унинг таълимоти тасаввуф силсилаларидан бири — Хожагон (Хожалар) ҳалқасида шаклланган. Бироқ Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний Хўжагон силсиласининггина эмас, балки кейинчалик шу ҳалқа ўзагида пайдо бўлиб, оламшумул равнақ топган Нақшбандийя силсиласининг ҳам асосчиларидандир. Тасаввуф тарихида нақшбандийликни Хў-



жагон шажарасининг шохчаси деган қараш ҳам бор. Ул зоти шариф мўътабар китобларда «шайхушшуюх» (шайхлар шайхи) унвони билан таърифланади. Бу улуғвор унвон Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар томонидан Хўжа Юсуф Ҳамадоний, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний сингари пирларга нисбатангина қўлланган. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийдан «Рисолайи соҳибия», «Рисолайи шайхушшуюх Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомоти Хўжа Юсуф Ҳамадоний» каби асарлар ёдгор. Аммо, ҳали бу меросни халқимиз ўзлаштириб, маънавий мулкига айлантира олганича йўқ.

Жаҳон хўжалари сардори қандай каромат ва фазилатлар соҳиби эди? Ушбу савол жавобида мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унсмин ҳазарот ул-қудс» ҳамда Низомиддин Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» асарларига таянилади. Асл манбаларнинг кафолат беришича, «уларнинг равиши тариқатда хужжатдур». Бу баҳони тушуниш учун тариқат нималигини мухтасар изоҳлаб ўтмоқ жоиз. Маълумки, исломий тасаввуфий таълимот нуқтаи назаридан инсоннинг маънавий-руҳий комилликка эришиши шариат, тариқат, ҳақиқат босқичларидан иборатдир. Ислом ёхуд художўйлик йўлига кирган солик, яъни йўловчи, изловчи мана шу босқичларни босиб ўтиши зарур. Бу учала босқич бир-бирини қатъий тақозо этади.

Шариатсиз тариқатга кириб бўлмайди, тариқатсиз ҳақиқатга эришилмайди. Тариқат шариат қонун-қоидаларини бажариш ва Оллоҳ муҳаббатига муяссар бўлиш жараёнидаги йўлдир. Шариат назария, тариқат амалиётдир. Ҳақиқат — мақсад, тариқат услуб, фаолият шаклидир. Таълимотда: «шариат ёнғоқнинг пўчоғи бўлса, тариқат пўчоқ ичидаги пўстлоқдир, ҳақиқат эса пўстлоқ ичидаги мағиз»; «шариат — ер, тариқат мазкур ерда унган дарахт, ҳақиқат эса шу дарахтнинг меваси»; «тариқат — фано, яъни ўздан кечиш, ҳақиқат — бақо, яъни ботил (бузилган, беҳуда ишлардан кечиб ҳақ ишларга боғланмоқ)»; «шариат — қонун, тариқат — йўл», «Қонун» вужуд ва қалбни тарбиялайди, «йўл» кўнгилни поклаб, руҳни нурлантиради» каби турфа таърифлар ҳам мавжуд.

Инсониятга ибрат бўлган фазилатларидан яна бири шуки, Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний «пок равишларин ағёр кўзидан яширубтурлар». Бундан шу нарса англашиладики, одам фақат ўз айбинигина яшириб юрмасдан, пок хислатини ҳам пинҳон тутгани маъқул. Бу, биринчидан, покиза сийратини ёмон кўздан асраш, иккинчидан, душманнинг ғайир ғашини қўзғамаслик, учинчидан, камтарлик, яъни ўз фазилатини кўз-

кўз қилиб мақтанишдан сақланиш учун зарур. Яъни, ичдан, кўнгилнинг тубида Оллоҳга дўст бўл, аммо буни сиртингга чиқаришнинг, муҳаббатингни ошкора изҳор этавернишнинг шарт эмас. Ташқаридан, бегонаваш кўринганинг маъқул.

Нақшбандийя таълимотидаги «ботинан ҳақ бирла, зоҳиран халқ бирла» бўлмоқ равиши ҳамда хуфя зикр усули Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг «нок равишини ағёр кўзидин яширмоқ» фазилатидан вужудга келган.

Хуфя зикр ҳамда Хўжа насаби Абдухолиқ Ғиждувонийга пайғамбар Хизр алайҳиссаломдан меросдир. Насабшуносликда «Хўжа» нисбаси кишининг насл-насаби пайғамбар авлодига бориб тақалишини билдиради. Ҳазрат Навоий нақл қилишларича: «Аларға кўнгил зикри сабақи йигитликда Хўжайи Хизрдин бўлубтур ва Ул сабаққа мувоҳабат кўргузубтурлар ва Хўжа алардин фарзандлик қабул қилибтурлар ва буюрубтурларки, хослуғ сувға кириб, ғўта ур ва кўнглунгда «Лоилоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ» деғил. Алар Хўжа буюрғондек қилибтурлар ва аннга машғул бўлубтурлар ва кушодлар топибдурлар ва аввалдин охирғача аларнинг рўзғори барча халқ қошида мақбул ва маҳмуд эқандур». Айтбўладики, Абдухолиқ Ғиждувоний йигитликда Хизр алайҳиссаломга йўлиқади. Хизр алайҳиссалом ул зотни фарзандликка қабул қиладилар. Кўнгил зикридан таълим берадилар.

Энди шуни ҳам аниқлаштириб ўтмоқ лозимки, зикрнинг моҳияти нимаю кўнгил зикрининг хосияти қандай? Зикрни тасаввуф аҳли мақомлар сайри жараёнида фикрий-руҳий қувватни, тафаккур малакасини шакллантиришнинг энг яхши йўли деб билганлар. Зикрнинг моҳияти тангри-таолонинг номини тилга келтиришдир. Тасаввуфдаги бу ҳол Қуръоннинг «фаазкаруни азкарукум» («Мени ёд этинглар, токи мен сизларни ёд этай») оятидан озиқланган. Зикр сўфийга шундай имконият берганки, у камоли мушоҳадага берилган. Зикр ҳолатида сўфий бутун руҳий қобилиятини Оллоҳнинг номини зикр этишга сафарбар этган, унга нисбатан шу қадар ичкш шавқ пайдо қилганки, қолган ҳамма нарсани, ҳаттоки, шариат фарзларини ҳам унутиш даражасига етган. Баъзи сўфийлар худонинг номини сидқидилдан зикр этишни ибодат ва беш вақт намоздан афзал деб ҳисоблаганлар.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг кўнгил зикри жуда катта тарбиявий, маърифий, инсонпарварлик моҳиятига эга. Аввало, у сўфийни хўжакўрсинга, намойишкорона тақводорликдан сақлайди. Кўнгил зикри ҳам тақво, аммо риёсиз тақводир. Унда риёга йўл йўқ. Иккинчидан хуфя зикр энг самимий ва олий муҳаббат кўнгилда камол топишидан маърифатлантиради. Учинчидан, зикри хавфий инсон кўнглини



энг мўътабар саждагоҳ даражасида илоҳийлаштиради. Чунки кўнгил зикрига мойил ҳар бир инсон қалбида Оллоҳ яшайди. Адабиётимизда ана шу асосда кўнгил Каъбаси деган тимсол пайдо бўлган. Мумтоз адибларимиз шу тимсол воситасида умуминсоний эзгу ғояларни куйлаганлар:

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,*
*Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.*

Алишер Навоий мазкур байтда ҳар бир кўнгил Оллоҳнинг ошиёнидир, деган ақидадан келиб чиқиб кимда-ким бир шикаста кўнгилни шод этса, у мабодо Каъба бузилган бўлса, Каъбани қайта қургандек савоб иш қилган бўлади, деган инсонпарвар фикрни ифодалайди.

Хизр алайҳиссаломдан кўнгил зикри сабоғини олганидан сўнг, Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний Бухорога йўл олади. Ўша маҳалда Хўжа Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари Бухорода бўладилар. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний уларнинг суҳбатларига етганида, маълум бўладики, уларда ҳам кўнгил зикри бор экан. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний Юсуф Ҳамадонийдан таълим ола бошлайди. Юсуф Ҳамадонийнинг суҳбатдошлари орасида тўрт надоп шогирди бор эди: Хўжа Абдулло Барқий, Хўжа Ҳасан Андоқий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний. Хўжа Юсуфдан сўнгра бу тўрт кишидан ҳар бири пир ва муршидлик мақомида турдилар. Муридлар уларнинг хизматларида одоб билан мулозим бўлдилар. Хўжа Аҳмад Яссавий Туркистон сари кетганидан кейин барча сулук аҳли Хўжа Абдухолиқ раҳнамолигида қолдилар. Ул зотнинг авлиёлик хислатлари кўп эди. Шомда у кишига кўп муридлар пайдо бўлди, хонақоҳ ва остона вужудга келди.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний улуғ фалсафий таълимот нақшбандийянинг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанднинг пири ва устозидир. Бу икки йирик донишманд оралиғида икки асрлик замон масофаси ётса-да, Навоий таъбирича, Баҳовуддин Нақшбанд Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг увайсий шогирдидир.

Баҳовуддин Нақшбанд Абдухолиқ Ғиждувоний кўрсатмаларини тўла-тўкис бажардилар ва нақшбандийя таълимоти равнақ топиб, янги босқичга кўтарилди.

Нақшбандийя таълимотидаги рукн ёхуд рашҳаларнинг ўн биридан саккизтаси Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний тафаккури маҳсулидир. Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнул ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари») асаридан ўрин олган бу қатралар қуйидагилардир: 1. «Хуш дар дам». 2. «Назар бар қадам». 3. «Сафар дар ватан». 4. «Хилват дар анжуман». 5. «Ёдкард». 6. «Бозгашт». 7. «Нигоҳдошт». 8. «Ёддошт».

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний оммани хилватнишинликка чорламаган, умрни мазмунсиз кечиришга тарғиб этмаган. Аксинча, у инсониятни мазмунсиз, маслаксиз ҳаётдан қайтаришга бел боғлаган. Пири комил киши ҳайлан Тангри билан бирга — ботиний хилватда бўлса ҳам, жамиятдан ажралмаслиги, ҳамиша инсонлар ичра — зоҳирий хилватда бўлиши лозимлигини уқтирган. «Хилват дар анжуман» рукнининг моҳияти шундай. Алишер Навоий уни «Хилватда бўл — анжуман ичра бўл» дея талқин этган.

Хақ бирла руҳий бирлик ҳосил қилиш учун жамоатдан четга чиқиб, бир бурчакда руҳан чил-чил синиб яшамоқлик шарт эмас. Анжуман аро хилватда бўлиш оқилонадир.

Ғиждувоний «Сафар дар ватан» рукнини ишлаб чиқиб, Ҳақ йўлидаги сафарбарликни ҳам айрича ҳал этди.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний таълимоти жаҳоний шуҳрат қозонишига сабаб унинг умумбашарий моҳият касб этганидадир. Ғиждувоний тариқати соликни жамиятдан тамоман ажралиб қолмасдан, зуҳду тақвога буткул берилмасдан, таваккул ихтиёр этиб, халқ билан бирга бўлиш ва ўз кучи билан ҳалол меҳнат қилишга даъват этарди. Ушбу таълимот талаби шундай эдики, солик меҳнат жараёнида, суҳбат ва сафарда зоҳиран халқ бирла, ботинан ҳақ бирла бўлиб, ўз тирикчилиги таъминотини бошқалардан тиламай, ўз меҳнати билан қўлга киритсин. У энг ҳалол ва ҳурфикр маслак эди. Унинг шартларига шоҳ ҳам, дарвеш ҳам риоя этиш имконига эга бўлган. Бу таълимот ўз моҳиятида дунёвийлик билан илоҳийликни мувофиқлаштира олган. Мазкур маслакдаги кишилар тирикчилик ташвишлари, санъату ҳунар машғулоти, дунё неъмату меҳнатларидан қўл узмаган ҳолда Оллоҳ билан дўстлашиш бахтига муяссар бўлганлар. Хўжагон ва Нақшбандийя таълимоти шу жиҳатлари билан халққа яқин тарзда шаклланган, элнинг барча тоифаю табақалари орасида кенг ёйилган. Бу маслакни қабул қилган машҳур подшоҳлар: Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сурати шоҳу сийрати дарвеш, Хўжа Аҳрори Вали, Абдураҳмон Жомий, Навоий каби мутафаккирларнинг сийрати шоҳу сурати дарвеш бўлган. Хўжайи жаҳон таълимотининг ана шу фозиллари ва фазилатлари унинг нуфузини асрлар мобайнида жамиятда сақлаб келмоқда.*

Нусратулло Жумахўжа ҒИЖДУВОНИЙ.

---

* «Халқ сўзи», 1993 йил 11 декабрь.

*Муҳаммад САЛОМ*

## АДОЛАТ ГУВОҲЛИГИ

1993 йил ражаб ойининг биринчи ярмида Бухоро воҳасининг Ғиждувон туманида кетма-кет уч йирик тантана, байрам ўтказилди. Туман аҳли аввал мустақил Ўзбекистоннинг биринчи мустақил конституциясининг бир йиллигини алоҳида эътибор билан нишонладилар. Икки кундан сўнг ислом оламининг улуғ алломаси Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 895 йиллиги тантаналари бошланди. Бу тадбирга пойтахт Тошкентдан, вилоятлардан, кўплаб хорижий мамлакатлардан давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар, ёзувчилар, мусиқачилар — санъаткорлар, машҳур дин пешволари меҳмон бўлиб келдилар. Уларнинг бир қисми туманнинг улкан отчопарида ўтадиган пахта байрамида ҳам иштирок этишни хоҳлаб қолдилар...

Ғиждувондан кўплаб машҳур кишилар етишиб чиққан, одамлари меҳнаткаш, меҳмондўст, табиати фусункор, бой, дилтортар диёр. Саксонинчи йилларнинг бошларида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари шаҳарнинг жозибасини янада ошириб юборди. Эҳтимол шу жозибанинг ҳайратомз кучи, кўринмас меҳр торлари меҳмонларни ўзига тортгандир. Шаҳар марказининг озода ва нафислиги, антиқа фавворалар, нозик дид билан таъмирланган Абдухолиқ Ғиждувоний мақбараси, ул зот хотираси учун Мирзо Улуғбек томонидан эҳтиром ила тикланган виқорли мадраса, катта жоме масжиди, шаҳар чеккасида катта майдонни эгаллаган отчопар, йирик бозор ва қатор дўкон расталари ва бошқа иншоотлар кишиларда чуқур таассурот қолдиради.

Кўча ва расталар оралаб юрар эканмиз, беихтиёр бу ишларнинг бунёдкорини, асосий меъморини излаймиз. Лекин биз билган, бутун Ғиждувон аҳли ҳамиша ардоқлаб тилга оладиган ўша меъмордан дарак йўқ. Нега? Ахир бундай кунларда у фахр билан тўрда ўтириши керак эмасмиди? Ярашарди, муносиб эди у. Ҳа, кўплар «Салим ака даврида қилинган бу ишлар», «Буларни Салим Раҳимов қурдирган», дея бараллa айтишди. Катта йиғинларда, тантаналарда ўша «меъмор»нинг номи таъкидланмаган эса-да, юртдошлари, шогирдлари томонидан юракдан айтилган дил сўзлари Салим ака учун ҳақиқий мукофот эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Шундай деймизу ўйга толамиз. Нигоҳи ўткир, босиқ-вазмин Салим Раҳимовнинг турли йиллардаги ҳолатларию ишлари назардан ўтади. Самарқанд давлат дорилфунунида талабалик йиллари... Ушоққина гавдасига қарамай бутун

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний оммаин хилватнишинликка чорламаган, умрни мазмунсиз кечиришга тарғиб этмаган. Аксинча, у инсониятни мазмунсиз, маслаксиз ҳаётдан қайтаришга бел боғлаган. Пири комил кищи хаёлан Тангри билан бирга — ботиний хилватда бўлса ҳам, жамиятдан ажралмаслиги, ҳамиша инсонлар ичра — зоҳирий хилнатда бўлиши лозимлигини уқтирган. «Хилват дар анжуман» рукнининг моҳияти шундай. Алишер Навоий уни «Хилватда бўл — анжуман ичра бўл» дея талқин этган.

Хақ бирла руҳий бирлик ҳосил қилиш учун жамоатдан четга чиқиб, бир бурчакда руҳан чил-чил синиб яшамоқлик шарт эмас. Анжуман аро хилватда бўлиш оқилонадир.

Ғиждувоний «Сафар дар ватан» рукнини ишлаб чиқиб, Ҳақ йўлидаги сафарбарликни ҳам айрича ҳал этди.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний таълимоти жаҳоний шуҳрат қозонишига сабаб унинг умумбашарий моҳият касб этганидадир. Ғиждувоний тариқати соликни жамиятдан тамоман ажралиб қолмасдан, зуҳду тақвога буткул берилмасдан, таваккул ихтиёр этиб, халқ билан бирга бўлиш ва ўз кучи билан ҳалол меҳнат қилишга даъват этарди. Ушбу таълимот талаби шундай эдики, солик меҳнат жараёнида, суҳбат ва сафарда зоҳиран халқ бирла, ботинан ҳақ бирла бўлиб, ўз тирикчилиги таъминотини бошқалардан тиламай, ўз меҳнати билан қўлга киритсин. У энг ҳалол ва ҳурфикр маслак эди. Унинг шартларига шоҳ ҳам, дарвеш ҳам риоя этиш имконига эга бўлган. Бу таълимот ўз моҳиятида дунёвийлик билан илоҳийликни мунофиқлаштира олган. Мазкур маслакдаги кишилар тирикчилик ташвишлари, санъату ҳунар машғулоти, дунё неъмату меҳнатларидан қўл узмаган ҳолда Оллоҳ билан дўстлашиш бахтига муяссар бўлганлар. Хўжагон ва Нақшбандийя таълимоти шу жиҳатлари билан халққа яқин тарзда шаклланган, элнинг барча тоифаю табақалари орасида кенг ёйилган. Бу маслакни қабул қилган машҳур подшоҳлар: Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сурати шоҳу сийрати дарвеш, Хўжа Аҳрори Вали, Абдураҳмон Жомий, Навоий каби мутафаккирларнинг сийрати шоҳу сурати дарвеш бўлган. Хўжайи жаҳон таълимотининг ана шу фозиллари ва фазилатлари унинг нуфузини асрлар мобайнида жамиятда сақлаб келмоқда.*

Нусратулло Жумахўжа ҒИЖДУВОНИЙ.

---

* «Халқ сўзи», 1993 йил 11 декабрь.

*Муҳаммад САЛОМ*

# АДОЛАТ ГУВОҲЛИГИ

1993 йил ражаб ойининг биринчи ярмида Бухоро воҳасининг Ғиждувон туманида кетма-кет уч йирик тантана, байрам ўтказилди. Туман аҳли аввал мустақил Ўзбекистоннинг биринчи мустақил конституциясининг бир йиллигини алоҳида эътибор билан нишонладилар. Икки кундан сўнг ислом оламининг улуғ алломаси Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 895 йиллиги тантаналари бошланди. Бу тадбирга пойтахт Тошкентдан, вилоятлардан, кўплаб хорижий мамлакатлардан давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар, ёзувчилар, мусиқачилар — санъаткорлар, машҳур дин пешволари меҳмон бўлиб келдилар. Уларнинг бир қисми туманнинг улкан отчопарида ўтадиган пахта байрамида ҳам иштирок этишни хоҳлаб қолдилар...

Ғиждувондан кўплаб машҳур кишилар етишиб чиққан, одамлари меҳнаткаш, меҳмондўст, табиати фусункор, бой, дилтортар диёр. Саксонинчи йилларнинг бошларида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари шаҳарнинг жозибасини янада ошириб юборди. Эҳтимол шу жозибанинг ҳайратона кучи, кўринмас меҳр торлари меҳмонларни ўзига тортгандир. Шаҳар марказининг озода ва нафислиги, антиқа фавворалар, нозик дид билан таъмирланган Абдухолиқ Ғиждувоний мақбараси, ул зот хотираси учун Мирзо Улуғбек томонидан эҳтиром ила тикланган виқорли мадраса, катта жоме масжиди, шаҳар чеккасида катта майдонни эгаллаган отчопар, йирик бозор ва қатор дўкон расталари ва бошқа иншоотлар кишиларда чуқур таассурот қолдиради.

Кўча ва расталар оралаб юрар эканмиз, беихтиёр бу ишларнинг бунёдкорини, асосий меъморини излаймиз. Лекин биз билган, бутун Ғиждувон аҳли ҳамиша ардоқлаб тилга оладиган ўша меъмордан дарак йўқ. Нега? Ахир бундай кунларда у фахр билан тўрда ўтириши керак эмасмиди? Ярашарди, муносиб эди у. Ҳа, кўплар «Салим ака даврида қилинган бу ишлар», «Буларни Салим Раҳимов қурдирган», дея баралла айтишди. Катта йиғинларда, тантаналарда ўша «меъмор»нинг номи таъкидланмаган эса-да, юртдошлари, шогирдлари томонидан юракдан айтилган дил сўзлари Салим ака учун ҳақиқий мукофот эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Шундай деймизу ўйга толамиз. Нигоҳи ўткир, босиқ-вазмин Салим Раҳимовнинг турли йиллардаги ҳолатларию ишлари назардан ўтади. Самарқанд давлат дорилфунунида талабалик йиллари... Ушоққина гавдасига қарамай бутун

бошли талабаларни бошқарарди, орқасидан эргаштирарди: юриш-туришда, ўқиш ва яшашда уларга йўл-йўриқлар кўрсатарди. Кўпчилик ҳамшаҳарлари тоҳида ундан маслаҳату ёрдам сўрардилар. Кейин мактабда ўқитувчи, илмий мудир, директор вазифаларида ишлади. Деярли хароба — номигагина тўлиқсиз ўрта мактабни муҳташам, ибратли билим масканига айлантирди.

Салим Раҳимовнинг довруғи жамоа хўжалигига раис бўлиб ўтганидан сўнг кенгроқ тус олди. Ўшанда тамоман ўтириб қолган йирик хўжалик иккига бўлинди. Ҳатто ҳисоб-китоб ишларини юритиш учун бирор тузукроқ хонаси бўлмаган, давлатдан бир миллион саккиз юз минг сўм қарздор — энг камбағал қисми Раҳимов чекига тушди. Бўлинишдан тузукроқ натижа чиқишига деярли ҳеч ким ишонмасди. Лекин раис одамларда ишонч уйғотди, ишонганларини, машаққатдан қўрқмайдиганларини ёнига тортди. Ҳар бир хонадон билан бирма-бир суҳбатлашди, уларни тинглади. Ишончда, интизом ва қатъиятда гап кўп экан. Танлаган одамлари, кейинги бўғин етакчилар фаолиятда ўзларини оқладилар, унга қанот бўлдилар. Оқибатда Садриддин Айний номини олган қолоқ хўжалик бир неча йил ичида бутун Ўзбекистонда донг таратди. Фақат ҳосилдорликка қараб шу баҳони берсак, бир ёқламаликка йўл қўйган бўламиз. Гап шундаки, соғлом маданий турмуш раиснинг бош шиорига айланган эди. Шу боис хўжалик маркази ва қишлоқларида кўркам бинолар, турар жойлар, равон йўллар, анвойи меваларга бой боғ-роғлар, бутун туманни таъминлашга қодир лимонарий — иссиқхона, уруш қурбонлари ёдномаси бўлмиш муҳташам ёдгорлик, унинг ёнида каттагина кўлни эслатувчи балиқхона — йирик ҳовуз ва бошқа қатор иншоотлар одамлар хизматига сафарбар этилди. Ўша пайтларда тадбиркор ва зукко раис олиб борган ҳайратомуз ишлар жумҳурият раҳбари Шароф Рашидовнинг эътиборини тортди. Суҳбатларда раиснинг мантиқан асосли далиллари унда катта ишонч уйғотди. Улкан арбобнинг дил сўзлари хўжаликнинг хотиралар дафтарини ҳозир ҳам безаб турибди.

Шароф Рашидовнинг кейинги суҳбатидан кўп ўтмай Салим Раҳимов аввал Ғиждувон тумани ижроқўмининг раиси, сўнг биринчи котиб лавозимида кенг кўламли фаолият бошлади. Беш йилдан ортиқроқ вақт давом этган бу фаолият Ғиждувон учун, аҳоли учун жуда кўп янгиликлар бахш этди. Хўжаликлар бирин-кетин юксалиш томон юз бурди, туманга ўзгача бир файз кирди.

Бир манзара ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Ўшанда биринчи котибнинг столи устида зарҳал ҳарфлар билан битилган хуж-



жатга кўзим тушди. Унда Ғиждувон тумани ободончилик ва озодаликда эришган ютуқлари учун Бутуниттифоқ ғолиби бўлганлиги қайд этилган ва катта мукофотга лойиқ кўрилган эди. Табригимга жавобан у кулимсираганча:

— Одатдаги ишларимизни шундай тақдирлашди, — деган ва камтарона оҳангда қўшиб қўйганди: — Машойихлар обод, озода хонадонга фаришталар қўнади, олло таолло ризқ-насиба улашади, деганлар. Ободончиликка, озодаликка нима етсин...

Ростини айтиш керакки, Михаил Горбачев ҳокимияти даврида шиорга айланган, аммо охирига етказилмаган, айни пайтда мустамлака ўлкаларга кутилмаган, аслида азалий орзу — мустақиллик берган қайта қуриш ҳаракати беш-олти йил аввал Ғиждувонда, Салим Раҳимов раҳбарлигида шиддат ила амалга оша ётган эди. Шуни ўйларканман, умуман, ҳар қанақа шароитда ҳам доно, пухта раҳбарлар тақиқланган ишларни ҳам усталик билан амалга оширишлари мумкин экан-да, деган хулосага келаман. Эҳтимол, қаловини топган қорни ёндирар, деганда шундай кишилар назарда тутилгандир.

Аслида ҳам юртимизда қаловини топиб, қорни ёндирайтган кишилар анча-мунча эди. Шароф Рашидовнинг (оллоҳ руҳларини шод этсин) зукко раҳбарлиги бундайларга қанот бағишларди, рағбатлантирарди. Йўқса, ислом оламининг буюк алломаси Ҳазрати Хўжайи Жаҳон — Ғиждувоний мақбараси ва унинг атрофларини саксонинчи йиллар бошларида зиёратгоҳга айлантиришни, масжидларда номоз ўқишга кенг йўллар очилганини тасаввурингизга сиғдирасизми! Бoз устига Салим Раҳимовнинг шундай фаолияти бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиларди. Яна у Олий Кенгашга номзодликка сайланган эди...

Кузатувларимга асосан нечундир Салим Раҳимов шошилиб ҳаракат қилаётгандай, нималаргадир улгурайётгандай туюларди. Энди ўйласам, кейинги пайтларда Шароф Рашидовда ҳам шундай ҳол пинҳона авж олганга ўхшарди. Бир ҳаяжонли суҳбат менга шуни эслатади. Бу гап-сўзлар анча оғир вақтларда кечган, суҳбатдошим узоқ йиллар фирқа Марказқўми ташкилий бўлимини бошқарган, «десантчилар» билан қаттиқ курашган, туҳматларни мардонавор рад этган қўшним Ўлжа Отақулов гап орасида ғалати фикрни айтган эди. Унинг сўзига қараганда, Шароф Рашидов Масковдан жиддий, арзирли маблағ ундирган, кайфияти чоғ дамларда баъзан кўнгил ёрарkan.

«Бир куни кеч чоғи, — деб эслайди Ўлжа ака, — у кишини хурсанд кўрдим. Ўша куни Брежневни кузатиб қол-

ган эдик. У ёқ-бу ёқдан бир оз гаплашганимиздан сўнг Шароф ака: «Биласизми, — дедию айтайми, айтмайми, дегандай иккиланди. Мен сергакландим. Ўйлашимча, метро қурилиши ёхуд Халқлар дўстлиги саройига тенг келадиган бирор нима ундирилган бўлиши лозим эди. Одатда, бунақа ишлар бир ёқлик бўлмагунча овозаю дарвоза қилинмасди. Лекин бу сафар у кишида қандайдир сирли ҳолат сезиларди. Ҳар қанча вазмин, эҳтиёткор бўлмасинлар ичларида вулқон бордек эди. Ажабо, қалтироқ нимикан? Фикримни уққандай: «Ҳали бу шунчаки орзу, Ўлжавой, — деб қуйдилар. — Ҳаммамизни синовдан ўтказадиган орзу, сизларни ҳам, мени ҳам. Бу кўча гапи эмас, бу гапни ҳазм қилиш учун кишида ошқозон ўрнида ҳам юрак бўлиши керак. Агар амалга ошса...» — хаёлга чўмдилар. «Нима у, Шароф ака? — дея қайта сўрай олмадим... У киши ҳар бир йирик иншоот қурилишидан, бирор янги туман ё вилоят вужудга келишидан таскин топардилар. «Ахир бу иморатлар, корхоналар ўзимизда қолади-ку, Масков орқалаб кетолмайди-ку?» дердилар ҳамиша».

Балки шунинг учун ҳам Шароф Рашидов кўпроқ бунёдкорликка шошилгандир, бошқаларни ҳам шунга рағбатлантиргандир, эҳтимол яна қандайдир қора шарпалар сезиб юрганини, шу боис тезроқ нималардир қилиш лозимлигини пайқагандир. Балки ўша ҳаракатларни Андроповнинг ҳид олувчилари сезиб қолгандир. Шунинг учун ҳам навбатдаги қирғинларга ҳозирлик кўрилгандир. Балки, Рашидовнинг сирли ўлимида ўшаларнинг қўллари бордир. Шубҳасиз, бу сирли тарих шундоқлигича қолиб кетмас. Аммо гап шундаки, юртимизда навбатдаги чилпиш, навбатдаги қайчилаш — қирғин бошланиб кетди. Уни «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб номлаб, мустақил фикрлайдиган раҳбарларни йўқотиш пайида бўлдилар.

Мақоламиз қаҳрамони Салим Раҳимов ҳам ана шундай қаттиқ тазйиқу таҳқирларга, мислсиз ҳужумлару оғир қийноқларга дучор бўлди. Лекин унинг иродасини буколмадилар, ёлғон кўрсатмалар ололмадилар. Шу боис гдлянчилар уни йўқотиш ҳаракатига тушдилар. Ҳатто судни ўз юртида эмас, мутлақо даҳли йўқ Тожикистонда ўтказишга, ўзлари мўлжаллаган режани рўёбга чиқаришга эришдилар. Хайрият, қизил империя чок-чокидан сўкилдию Гдлян бошлиқ жаллодлар мақсадларига етолмадилар. Бу воқеа-ҳодисаларнинг ўзи фожиали тарих. Ундан айрим лавҳаларни биз 1989 йилда «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг бир неча сонларида эълон қилган эдик. Шу боис бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиришни лозим топмадик. Ўшанда минглаб ўқувчилар ўзим



камерасида бир ярим йил жаллодлар билан олишган Салим Раҳимовнинг сўнгги тақдири билан қизиққан эдилар. Шубҳасиз, унинг кейинги тақдири ҳам йирик жасоратларга бой. Мавруди келиб, бу ҳақда алоҳида сўз юритишга имкон туғилар. Ҳар қалай, ҳозир шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракати туфайли «Пахта иши»нинг деярли барча «қаҳрамонлари» озодликка чиқдилар. Эндиликда уларнинг асосий қисми юртимиз фаровонлиги йўлида астойдил фаолият кўрсатяптилар. Ушбу имкониятдан Салим Раҳимов ҳам бебаҳра қолмади...

* * *

## МУНОСАБАТ

*(Ёзувчи ва унинг қаҳрамони ҳақида сўз)*

Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан тузилажак китобга материаллар тўплаш ниятида воҳанинг кўплаб қадим масканларини зиёрат этдик. Ғиждувон тарихий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан алоҳида ўринга, салмоққа эга туманлардан ҳисобланади. Улуғ бобомиз Улуғбек барпо этган мадраса, Абдухолиқ Ғиждувоний (Хўжайи Жаҳон)нинг хилхоналари, янги шаклда таркиб топган кўчалар, бозор, турли-туман бинолар, ҳунармандчилик дўконлари шаҳарнинг такрорланмас қиёфасини, ўзига хос манзара билан бойитган. Ғиждувон бугунги кўринишини бир кунда, бир йилда олган эмас. Шаҳар мустамлакачиликнинг бошланишидан то озодлигимизни қўлга киритгунимизгача бўлган тарихий воқеаларга гувоҳ. Бир пайтлар бу қадим шаҳарнинг барча тарихий биноларини тишландиқ жойларга айлантириб қўйишганди. Эсланг, энг муқаддас ҳисобланган Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг хоки турбалари жойлашган манзил узоқ йиллар худди юқорида биз эслаган манзарада «кўз-кўз» қилинди. Бу бир қадар бизнинг миллий ғуруримизга тегадиган, тарихимизни унутганлигимиз, хотиржамлигимиз, яна ўтаётган кунимизга шукроналик белгиси эди. Гапирсанг гап кўп, лекин энг асосийси, ҳар бир юрт, ҳар бир қишлоқ, мавзеда тарихимиз билан чуқур боғланган, халқнинг ғурури учун ҳеч нарсадан тоймас, қўрқмас юртпарвар раҳбарларнинг борлиги, уларни буткул йўқотиб юборишга улгурилмаган эди.

Ўтган йилларни эсласам, Ғиждувон тарихида, ижтимоий ҳаётида «ўзбек иши», «пахта иши» деб ном олган даврнинг ҳам қаҳрамони, ҳам қурбони ҳисобланган Салим Каримович Раҳимовнинг катта ўрни, ҳиссаси бор. Бу ҳиссага на бир

ортиқча сўз қўшиш ва на бир сўзни олиб ташлаб, камайтириб кўрсатиш мумкин эмас. Бугун мустақилликка эришгач ҳам ўз биродарларимиз ҳисобланмиш «ўзбек иши»нинг жабрдийдаларига нисбатан адолат гувоҳлигига ярамасак, уят бўлар. Ҳали Баҳовуддин Нақшбандийнинг пиру устози ҳисобланмиш Абдухолиқ Ғиждувонийнинг хилхоналари қамишу чангалзордан тозаланиб, масжид таъмирланиб, атрофига гуллар экиб, супаларига мармар тошлар ётқизилган бир пайтда кўплаб юртдошларимиз бу зотнинг кимлигини билишмас, бунинг устига коммунистик мафкура қиличини яланғочлаб турарди. Бу ишларнинг тепасида район партия комитетининг биринчи котиби Салим Раҳимов турар, у яқинлашиб келаётган қатағонни билгандек, ишчиларни, бутун район аҳлини шошилтирар, ишни тез битказишга интиларди... У ниятига етди ва бу қилган эзгу ишлари учун гдлянчиларга жавоб берди, узоқ муддат ўлим ҳукмининг бажарилишини кутиб ётди...

Мана, шундан бу ёғига ҳам кўп сувлар оқиб ўтди. С. Раҳимов озодликка чиқди. Юртимиз озод бўлди. Узоқ хорижий ўлкалардан юзлаб, минглаб сайёҳлар Абдухолиқ Ғиждувонийнинг руҳи покларини зиёрат қилиш учун Ғиждувонга ташриф буюрдилар. Ҳали қизил империя мустаҳкам даврдаёқ Туркиянинг Кўниё шаҳридан Муҳаммад Явуз, Мустафо Кучли каби фуқаролар ул муборак зотни зиёрат қилиш учун не-не машаққатлар тортиб Ғиждувонга келган эдилар. Бу ташриф ҳақида Кўниё газеталари хабарлар берган эди...

Яқинда мен собиқ СССР Прокуратурасининг тажрибали ходими В. Илюхиннинг «Қабоҳат ёхуд... ўзбеклар иши» номли китобини ўқиб (Тошкент, «Ўзбекистон», 1993) шундай хулосага келдимки, биз қалам аҳли, мухбирлар вақт топиб, муаллиф тилга олган ҳар бир ҳамюртимиз билан (агар у ҳаёт бўлса) албатта суҳбатлашишимиз зарур экан. Гап уларнинг ҳақ ёки ноҳақлигида эмас, гап шундаки, ўтган қабоҳатдан улар қандай хулоса чиқардилар. Ватан, фуқаролик бурчи, миллат каби улуғ тушунчалар уларнинг онгида, оиласида, фаолиятида занолга юз тутмадимикан? Мустақиллик улар учун фақат азоблардан қутулиш, озодлика чиқиш воситаси бўлиб қолдими ёки бугун ватанимиз — Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини излаб, дадил ҳаракатлар бошлаган пайтда уларнинг бизга, халқимизга, Президентимизга айтадиган зарур гаплари, амалий таклиф ва ишлари бормикан? Энди уларни тафтиш, терган эмас, эшитиш керак.

... Хуллас, Салим Раҳимов билан икки-уч бор учрашиб суҳбатлашдик. Бу учрашувлар менга катта хулосалар чиқаришимга, ўйлашимга имкон яратди. Қалам аҳли борки, ўзи тизимқан мураккаб тақдирли кишилар билан учраша, кўнглидан талай саволлар ўтиши табиий. С. Раҳимов учун бугун ивов-шуҳларнинг, тарғиботнинг кераги йўқ, у бир пайтлар мухбирларнинг («Правда», «Известия») ўзи ҳақидаги баландпарвоз, мақтовли, ҳатто ялтоқланиб айтган сўзларини кўп эшитган, бу борада ҳаққи қолмаган десак бўлади. Лекин энди у ҳақида холис фикр айтишнинг маврида келди. Ғиждувонда 6—7 йил ичида бирин-кетин раҳбарлар ўзгарди. Орадан вақт ўтди, замон ўзгарди, лекин у бошчилигида қурилган бинолар, бажарилган ишлар мана менман, деб турибди, халқ хотирасида яшаяпти...

Шу жиҳатдан мен ёзувчи Муҳаммад Саломни қутлагим келади. Камтарин, беозор Муҳаммад ака бундан беш-ўн йил аввал Ғиждувоннинг қайта қурилиши ҳақида роман ёзган эди. Романда Салим Раҳимов тимсоли бахоли қудрат яратилган. Муҳими, у қаҳрамони Салим Раҳимовнинг бошига оғир синовлар тушган чоғда, ундан кечмади... Бу, бир адибга хос ва етуклик марданлик!

Салим аканинг юриш-туриши, ишлари, одамларга муносабати — бари режали, пухта. У ибрат бўларли таржимайи ҳолга эга. Мен унинг ҳар бир сўзини бот-бот эслайман: «Биздар ўзимизнинг қадримизга етмадик. Мустамлакачилик жаҳолати, маънавий қашшоқлик, тарихимиздан узиб қўйилгани — бари қўшилиб, ўз оёғимизга болта урдик. Агар сиз адибларнинг танларингда жонларинг бўлса, бу кунларнинг — мустақилликнинг шукронасини халқимизга, болаларимизга тўғри, холис ва яна меҳр билан тезроқ етказинглар. Сизларнинг бу борадаги ишларинг ҳеч қачон тугамайди, поёни йўқ. Йиллар ўтади, худо хоҳласа, Ўзбекистон буюк давлатлар қаторидан жой олади...

Юртнинг ёмон фарзанди йўқ, аммо тарбия, кўникма, дунёқараш, сўз ва иш бирлиги каби маънавий синовлар борки, шу жиҳатдан бир-биримизни баҳоласак тўғри бўлади. Бугун мен кимларнингдир назарида оқланганимга, тирик қолганимга шукр қилиб, уйимда жим, бекиниб ўтиришим керак. Аслида шундаймикан?.. Инсоф билан айтинг-чи, йўқ, йўқ дейман, биродар. Бугун менинг мустақил Ватаним — Ўзбекистон бор, куч-қувватдан қолмаган таним, тажрибам, менга ишонган халқ бор экан, нечун мен оммавий гуноҳкорлик, қатағонни бўйнимга юклай?! Ўша пайтда Гдлян ҳукми — суд ҳукми эди. Адолат уларни инкор этди...»

**Ражаббой РАУПОВ.**

## МАЪНАВИЯТ ЎЗЛИКДИР

*Шофиркон тумани кўҳна маданияти, маънавияти — турли соҳалари кадрлари билан Бухоронинг азалдан томирига туташ маърифатли масканларидан ҳисобланади. Суҳбатдошимиз Шофиркон маданиятининг билимдон, тажрибали, жонкуяр фидойиларидан бири, туман халқ таълими тизимининг раҳбари Ҳалим Вафиевдир. Ҳ. Вафиев 1941 йилда туғилган. Бухоро Давлат Университетининг физика-математика куллиётини тамомлаган.*

— Ҳалим ака, мен Сизни суҳбатдош сифатида тасодифан танлаганим йўқ. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки сизнинг Шофиркон маънавий муҳитида, қадриятларимизни англаш ва тарғиб этишда, илм аҳлининг соғлом, бутун тафаккур билан шаклланишида ўз ўрнингиз, хизматингиз бор. Суҳбатимизни, бугун гапириш осон бўлган даврдан сал олдинроқдан бошласак. Агар, биз ахлоқ тизимимиз — ички маданиятимиз, диний диёнатимиз — буларнинг ҳаммасини қўшиб, маънавият, қадрият сўзи билан ифодалаб ЎЗЛИК деб атасак, яқин ўтмишда биз ўзлигимиздан жуда олислаб кетган эдик. Бу давр қанча давом этганидан қатъи назар, бугун, мустақилликка эришгач, инсон маънавиятсиз, яъниким, ўзликсиз яшаши, тараққий этиши мумкин эмаслигига амин бўлдик...

— Аввало, Ўзлик деганда мен миллатнинг тўлалигича шаклланиш жараёнини — тил, дин, узоқ йиллик анъанага айланиб қолган урф-одатлар, тарихимизни тушунаман. Булар бари муштарак ҳолда бизнинг ўзлигимизни белгилайди. Бир сўз билан айтганда ўзлик, бу, миллатнинг қиёфаси. Ўтган узоқ йиллик зўравонлик — мустамлакачилик даврида халқимизни нафақат моддий неъматлардан, балки уни Ўзлик — мизни нафақат моддий неъматлардан, балки уни Ўзлигидан — маънавиятдан айириш учун уриндилар. Чунки маънавиятидан ажралган халқ қуллик занжирларини осонлик билан бўйнига олади, қаршилик кўрсатмайди. Улар шу йўл билан бизни маърифий жараёндан узиб ташламоқчи бўлишган эди. Айниқса, ўқиш-ўқитиш ишларида, тарбия соҳасида, кўра-била туриб ростни — ёлғон, қорани — оқ дейишгача етган эдик. Бу, қизил империянинг аниқ дастурига киритилган ва охир-оқибатда эришган мақсади эди. Улар бутунлай янги — «коммунизм кишисини тарбиялаб вояга етказиш» ниқоби остида ўз тарихи, тили, кимлигидан бехабар, «Олға!» деса кўрсатилган томонга ўқдек учадиган авлод яратишмоқчи эдилар. Афсуски, ҳайт, кишилик жамияти инсонга коммунистик лабораториялар синови учун берилмаганлиги маълум бўлди. Шукрки, Оллоҳнинг инояти ила истиқлолга эришгач, илдизи юрагимизнинг туб-тубига ўрнашган Ўзлик — маънавият боғи қайта ниш ура бошлади.

— Ўйлашга ундайдиган мисолларни айтаяпсиз. Тепадан келаётган ҳар қандай буйруққа кўр-кўрона амал қилиш, ўз фикри, шахсиятини намоён этолмаслик, бу, чиндан ҳам мутелик...

— Биласизми, қизил империя — коммунистлар партиясининг асосий дастури, бу, шахс эркинлигига тажовузкорлиги эди. Бу йўлда ҳар қандай усуллардан фойдаланилди. Машъум 37-йил воқеаларини эсланг. Зулм, зўравонлик одамзодни не кўйларга солмас экан. Бугун Ҳамдўстликдаги барча мамлакат газеталари машъум воқеаларга қайта-қайта мурожаат этишаяпти. Нима учун шундай? Масалан, мустақилликка эришдик, ўтган ўтди, олам гулистон, деб ўтираверишимиз мумкинми? Йўқ! Чунки халқларни фикрсизлик, қўрқув, алдов асоратига солиб, маънавиятдан йироқлаштирган тузум ҳақида ҳамиша рост ўйлаб, рост сўзлашимиз зарур. Бу фақат бугуннинг гапи эмас, бундан кейинги авлод вакилларини ҳушёрликка даъват этувчи ҳужжат бўлиб қолишини истардим. Ҳар қандай зўравонлик, урушлар, қирғинлар халқни қадриятларидан узоқлаштиради, бўйбастини кичрайтиради, турли иллатларга ҳамроҳ қилади. Бир парча нон учун дўстини сотган, битта китобни яширгани учун умри қамоқда ўтган ёки ўз миллати манфаати деб отилган жигарларимизни кўз олдингизга келтиринг... Ахир, бу воқеаларнинг ҳаммасининг сабаби бор. Инсон ўз-ўзидан маънавиятли ёки ўз-ўзидан маънавиятсиз бўлиб қолмайди. Бунинг туб сабабларини ўрганиш ҳали узоқ давом этади. Ҳар бир даврнинг ҳам, афсуски, Ялавочлари ва шукрларким, Жалолиддинлари бўлади.

— Менга бир нарса тасалли берадики, ҳар қанча зулм замони кечмасин, ўша даврда ҳам юрагида миллат, Ватан туйғусини майсадек ям-яшил асраб олган зиёлиларимиз анча-мунча эди. Бу муқаддас туйғуларни уларнинг юрагидан буйруқ билан олиб ташлаш қийин эди. Буни Шофиркон мисолида ҳам айтиш мумкин, чунки туманимиз қадим маданият ва тафаккурнинг Бухоро чашмасидан сув ичиб шаклланган кўркам боғи ҳисобланади.

— Чиройли таъриф. Дарҳақиқат, нақшбандия тариқати устозларидан бири бўлмиш ва бу йил 875 йиллиги нишонланадиган буюк сўфий олим Хожа Ориф-Моҳитабон ар-Ревгарий туғилиб ўсган бу юрт маънавиятимиз дарёсига кўплаб ирмоқлар қўшган. Аҳмад Дониш, Айний домла, академик

Иброҳим Мўминов, халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, Султон Жўра, Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳид, Омон Абдулла, Илҳом Ражаб, Дилшод Ражаб, Усмон Қўчқор, А. Кўшша, Дилмурод Жаббор, каби аллома, ёзувчи шоирлар шу тупроқда камол топди. Аңғина билан боғлиқ бир мисол айтай. Ўқитувчиларимиз бизга юқорида эслаганим — Иброҳим Мўминов, Раззоқ Ҳамроевни мисол тариқасида кўп бора эслатиб, ҳавас уйғотишга ҳаракат қилишарди. Йиллар ўтиб оддий ҳаваснинг не чоғли қудратини кўрдик: биргина туманимиз бўйича уч юздан ортиқ фан номзоди, ўндан ортиқ фан доктори етишиб чиқди. Ҳар йил булар сафига янги талантлар қўшиляпти... Дарвоқе, аллома Иброҳим Мўминов жасорати ҳақида икки оғиз сўз.

Кечагина 660 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланган буюк ватандошимиз, туркий халқлар ифтихори, соҳибқирон Амир Темурни қизил мафкура «билимдон»лари босқинчилар босқинчиси, деб қора чаплаганда академик И. Мўминов бу улуғ зот ҳақидаги бор ҳақиқатни биринчи бўлиб очиқ-ойдин ёзиб, халқимизга тақдим этди. 60-йиллар бошида чоп этилган «Амир Темур ва унинг Ўрта Осиёда тутган ўрни» рисоласи халқимиз тарихига садоқат рамзи сифатида қадрлидир.

— Ўтаётган ҳар бир кунимиз эртага тарих бўлиб қолажак. Шундай экан, бугунги авлод дунёқараши, интилишлари, бу йўлдаги ҳаракат сизни шу соҳа одами сифатида қониқтирадими?

— Саволингизга ҳам ҳа, ҳам йўқ, деб жавоб беришим мумкин. Яхшиси, бу сўзларни изоҳлай: бутун мактабда илм олаётган бир тоифа ёшлар ўз билими, дунёқарашини астойдил кенгайтириш, дунёга чиқиш йўлида интилмоқда. Улар лицей ва гимназияларга, турли махсус мактабларга киришга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада уларнинг саъй-ҳаракатлари бекор кетмаяпти. Мисол тариқасида туманимиздаги 128-лицейни олиб кўрайлик. Физика ва математика фанларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган ушбу билим даргоҳининг ўтган ўқув йилида 20 нафар битирувчисидан 20 таси мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириш шарафига муяссар бўлдилар. Бу, биринчидан, ҳаққоний синов-тестнинг шарофати, иккинчидан, лицей педагогика жамоасининг шижоатли меҳнати, учинчидан, ёшларимизнинг саъй-ҳаракати ва интилишлари мевасидир. Бу борадаги Шофиркон тажрибаси ҳозир ҳавас қилса арзигулик даражага кўтарилди.

Энди масаланинг иккинчи томони ҳам борки, шиддатли кечаётган ушбу ўзгариш, янгиланишлар жараёнидан ҳар бир ота-она, болалар фойдаланаяпти, бундай имконнинг қадрига етишаяпти деб айтолмайман. Иқтисодий қийинчиликдан



қўрқмаслик керак, бу, ҳар қандай жамият, мамлакат, оила бошидан кечириши муқаррар бўлган ҳол. Айниқса, илм йўлидаги риёзат, заҳмат, эртага албатта, ўз ҳосилини беради. Кўплаб машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоли бунга кафилдир.

Учинчидан, мен ҳар бир йигит, қизнинг ўз йўлини вақтида топиб олиши тарафдориман. Уларга ота-она, ўқитувчилари ёрдам беришлари керак. Мамлакат мустақиллиги, иқтисодий бутунлиги, умуман келажак иқтидорли ёшларга, уларга нисбатан бугун кўрсатилаётган эътиборга боғлиқ. Президентимизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармони бизни ниҳоятда қувонтирди. Ушбу тадбирни кенг маънода тушунишни истар эдим.

— Ҳалим ака, эндиги саволим бевосита ўқитувчи, ўқитувчи масъулияти ҳақида. Айтингчи, мустақиллик ўқитувчи онги ва турмуш тарзига қандай ўзгаришлар сингдирди, олиб кирди?

— Жуда муҳим, жиддий мавзу бу. Бу ҳақда ҳар қанча гапирсак оз. Истиқлол таълим-тарбия соҳасидаги қарашларимизни, муносабатимизни тубдан ўзгартирди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни халқ маорифи тизимига туб ислоҳотлар олиб кириб, соҳа ходимларига кенг, ижодий имконлар эшигини очди. Мисол: маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, ижодкор, изланувчан ўқитувчиларимиз дастурларга зарур ўзгартиришлар киритмоқдалар. Муқобил дарслик ва дастурлар тузиб, дарс ўтмоқдалар. Муҳими, мактаб ислоҳоти ўқитувчига ижодий эркинлик берди. Истиқлол мафкурасига таянган таълим-тарбия мазмун жиҳатидан бойиди.

— Дейлик, илгариги тарих ўқитувчиси билан ҳозирги тарих ўқитувчиси ўртасида қандай фарқ бор?

— Ер билан осмонча, десам, муболаға бўлмас. Чунки мактабларда «СССР тарихи» ўқитилиб, унда нуқул Русь тарихи бўяб-бежаб ўргатиларди. Ўрта маълумот олган ўқувчи Ермак ёки Иван Болотников кимлигини билардию, лекин, Али эр Тўнга ёки Маҳмуд Торобий кимлигини билмасди. Помпей шаҳри харобалари ҳақида маълумотга эга эдию, аммо Афросиёб ёки Варахша каби кўҳна шаҳарларимиз ҳақида билмасди. Қадим Турон ёки кечаги Туркистон кечмиши қоронғу эди. Гўё ер юзида бундай давлатлар бўлмаган. Пётр улуғ, Амир Темур қонхўр. Фрунзе халоскору Амир Олимхон мустабид. Тарихий ҳақиқат атайлаб варақларда кўмилди... Ўйлаймanки, давлатимизнинг бу борадаги ташаббуси ҳам хайрли кечади. Ўзбекистоннинг янги тарихини яра-

тин борасидаги эзгу ва шарафли ишда бизнинг ўқитувчилар ҳам ўз улушлари билан ҳисса қўшиши ниятидалар…

Шу ўринда бир нарсани эслатмоқчиман: Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтилмаган. Тарих дарсларида ҳар бир мавзу Бухоро, Шофиркон тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўтишга эришилмоқда. Илгари ўқитувчи синфини Бухорога олиб борса, нари-бери шаҳарни кўрсатиб қайтиб келаверар эди. Энди-чи? Йўқ. Энди у болаларга ҳар бир обида ҳақида тўлиқ маълумот беришга, асосийси, тўғри маълумот беришга интилади. Шу кунгача Минорайи Калонни Фрунзе аскарлари тўпга тутишган ёки Бухоро устига бомба ёғдиришган. Арк таланган, ёндирилган деб айта олармидик. Йўқ, албатта. Оддий мисол. Совет ҳукумати «инқилоб»нинг дастлабки йилларидан бери Бухорони таъмирлаш ҳақида қарорлар қабул қилди. Амалда бирортаси ҳам бажарилмади. Нураб бораётган эски шаҳарга мамлакатимиз истиқлолидан сўнггина қайта умр бағишланди. Бир сўз билан айтганда, мен маънавият ва ўзлигини ватанимиз тарихисиз, миллатимиз қиёфасисиз тасаввур этолмайман…*

Суҳбатдош: Ражаббой РАУПОВ

---

Ражаббой РАУПОВ

## САВОБ УМИДВОРЛИГИ

### («Орифнома»ни ўқиб)

*…одамни саодатга яқинлаштирувчи хислат шуки, ўзни малойикага монанд этсин! Яъни нафсини ўзига бўйсундирсин ва афиф (покиза) бўлсин ва… Аллоҳдан ўзга кишидан умидвор бўлмасин!*

*Хўжа Ориф Моҳитобон*

Инсон умрининг мазмун-мундарижасини доноилар «тўрт кунлик дунё»да жамулжам кўрадилар. Буюк таъриф — шу «тўрт кунлик дунё»да инсоннинг бутун борлиги ҳаёти акс этади. Агар бу қисқалик моҳиятини англаганимизда эди — ҳар лаҳза ғаниматлик касб этар, аввало, нафс галаёнидан устун туриб, ҳар қандай ёлғону майдаликларни четлаб, умримизни беминнат яхшиликка бағишлаган бўлар эдик.

* «Инсон», 1997 йил, 21 январь.



Биз ожиз бандаси эса тўрт кунлик дунёда умрни тирикчиликнинг турфа ташвишлари — арзимас ҳаю ҳаваслари исканжасида ўтказганимизни билмай қоламиз. Баъзан худо инсоф берса (бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайди), оний лаҳзаларда умр мазмуни, инсофу адолат томон яқинлашгандек бўламиз. Ушбу ҳидоят аввало Оллоҳдан, сўнг шууримизга, қалбимизга таъсир этган пок бандайи мўминларнинг шарофатидандур. Улуғ бобокалонимиз Хўжа Ориф ар-Ревгарий ҳазратларининг «Орифнома» асарларини ўқиб, бутун борлиғим-қалбим қаноат ҳиссига тўлди. Вужудимга ин қурган жамики майда ҳислар, ўткинчи ҳаваслар қоча бошлади. Оллоҳнинг юксак мартабали бандаси — инсонни теранроқ англагандек имконга эга бўлдим. Бу, мен учун иноят, раббоний қувват эди. Шукр.

Дарҳақиқат, қалбни покламасдан туриб, Унга яқинлашиш мумкин эмас. Худоюқўйлик, ҳалоллик, ҳақиқатпарварлик элга кўз-кўз этиладиган мартаба усули эмас. Аммо шундайлар ҳам борки, қадами иғвога яқин, юрагидан Шайтонга жой берган, ўзига рақиб деб билганни доим қулатишга шай, агар ғараз ниятига эришолмаса, дарҳол қиёфаси устидан ясама қиёфа — ниқоб кийиб, тили учига тил улаб, яна ўша ғолиб Инсон — «рақиб»идан муваққат кечиримлар сўрайди. Албатта, бу тахлит қавмнинг кечиримлари замирида яна ўша тор манфаат ни қуравверади, бу йўлдаги барча ҳаракат — «тоат-ибодат»ини ичиқоралик, нафс бошқараверади. Аввало Яратганнинг (сўнг бандасининг) ғазабига учраганларнинг мактабию устози ким? Улар қай қавм, қай бир наслнинг фарзанди? — дея ўйга толасиз. Бундайларни учратганингда бирдан хушёр тортасан, воажаб, жисмига инсон ниқоби тортилган кимсанинг макри бутун ер юзига сиғулик. Улар ҳар тўкисда сўлайди; дину диёнатдан, инсофу адолатдан, истиқлол, шеъру ғазал, хуллас, билмаган, айтмаган илми йўқ уларнинг. Аммо улар бир нарсада ожиз, бир нарсада ёлғизки, қалб — кўнгил кўзлари басир.

Бемор бандаси борки, тузалишдан умидвор. Лекин беморлигини билмаслик, ўзининг майда қаричлигини катта ҳисобловчи, қўтирроқ мисол нусхаларга ҳамиша қийин. Ў, уларни унча-мунча дард эмас, рисоладаги ҳар бир одамнинг чеҳраси, қалби, бўй-басти, бировдан қизғанмаслиги каби оддий инсоний сифатлар қийнайди. Бу хислатлар уларнинг юрагида мисли сиз оғриқ қўзғайди. Улар билмайдиларки, бу дунё қусурли ниятингга мос юрмайди. Эртами-кечми сенинг ғараз истагинг ошкор бўлади. Қалбинг майдалик домига тушиб қолганини эл-улус англайди. Шакл-шамоилинг тилга кўчади. Ҳар лаҳза, ҳар фурсат (агар ҳис эта олсанг, сезсанг) покланишга имконли, фақат қалбни тозалашга қодир НУРдан бенасиб

қолишни истамасанг бўлгани. Сен бировларни ажратсанг-да, гуруҳларга бўлсанг-да, яратган Оллоҳ сени ажратмагай. Қалбида савоб умидворлиги яшаган ҳар бандаси ёмон эмас. Тариқат пирлари эса ҳамиша фидойи инсонга кўмакка келадилар, тарбиялайдилар, улар муаллимдир.

Биз тарбия ҳақида кунда, кунора эшитамиз, ўқиймиз, лекин эшитган, ўқиганимизга амал қилмоқ душвор. «Орифнома»дек асарлар юқоридаги мушкулотни осонлантиради. Ўқувчини дунёни қизғанмасликдек буюк ва ориф амал билан сийлайди. Қиёфаси қиёфангга, номи номингга ўхшаш ориф пирлар биз оёқ босиб турган заминга ҳақнинг элчилари, ахлоқ тарбиячилари, инсон номини буюк қаноат паноҳида асровчи нажоткорлар тимсоли эканига имон келтирасиз. Ва бир кун ҳар ёмон сўз, қингир уй, ноҳақ қадамингизга ўзингизча важ топиб, оқлаб яшаган умрингиздан уяласиз. Комил, камтар, яхшиликка бош инсоннинг сўзи, ҳаракати, яшаш тарзи воситадир. Ана шундай восита кўпригидан ҳалол ўтиш барчага насиб этсин.

* * *

Умр деб аталмиш ўлчакли қисматнинг турфа ҳоллари бўлади. Инсон боласи куну тун ўзини кўниктирган, ишонтира олган ҳалқа ичида яшайди, тўғрироғи кун кечиради. Ана шу кун кечиришдек сипов тунларининг бирида нохос уйғониб кетасан. (Баъзан шунақаси ҳам бўлади, ахир.) Одатдаги ғафлат уйқусидан бир эмас — бир неча бор уйғонасан-да, ичингни алланима ўртаб куйдира бошлайди. Бу аланга — неча сен еган луқма, неча сен гапирган сўз, неча сен босган қадам! Лекин бу қадам, сўз, луқманинг тили йўқ — гапирмайди. Агар уларнинг тили бўлганида қалб кўзингни боғлаб турган адоват, кўролмаслик, худбинлик каби боғичлар узилиб кетар эди.

Ҳар куни яхшилик ва ёмонлик, бағрикенглик ва худбинлик ҳақида ўгитлар эшитамиз, мақолу маталлар ўқиймиз. Жамиятда инсоннинг эзгу хислатларини, ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қонунлар яшайди. Бутун бошли давлатларнинг дастурлари, сиёсатларида юқоридаги мезонлар акс этади. Дунёда инсондан бошқа бирор-бир жонли мавжудот йўққи, у туғилганидан то қабрга боргунича яхшиликка, эзгуликка даъват этилса. Лекин бу турфа оламнинг ажабланарли, юракларнинг хун бўлишига сабабчи хижолатли томони борки, биз ҳамиша ҳам эшитган, кўрган, билганимизга амал қилолмаймиз. Аслида икки кўз, икки оёқ — соғлом вужуд насиб этган инсон боласи бахтли эмасми? Шукрона тилдан дилга кўчмас экан, бахтни тасаввур этиш мушкул.

Ҳар куни қондага айланган турмуш тарзимизни агдар-тунтар этадиган режалар тузамиз. Атрофингда, касбу корингда, амал поғоналарингда худди сендек — кучли-кучсиз, ҳимояли-ҳимоясиз биродарларинг яшайди. Баъзан истагингга зид, имконингдан ташқари ҳоллар юз беради. Аслида оддий, оддийгина, бор-йўғи хабар тарзида юз берган воқеа (айтайлик, таниш-билишлардан кимдир ўлчагингдан юқорироқ мартабага эга бўлди) ич-этингни куйдиради. Шу лаҳза, шу кундан бошлаб ўзлигингга хиёнат салом беради. Сен ошно тутинган, аслида ён берганинг — бу оғир дард ҳасадга айланиб елкангга миниб олади. Измингни ҳасадга топшириб, пинҳона хабарлар кутасан. Аслида бу, ўша биродаринг, яқининг, касбдошинг учун қазилган чоҳ!

Мансаб билан боғлиқ «мен сендан камми» қабилидаги даъволар, аҳилликка болта уриб, синдириб, рағбат бағишловчи гуруҳбозликка айланиб бораверади. Ким-кимни тезроқ чалиб йиқитишга бағишланган пинҳона «жанг»лар бошланади. Кун сайин майдалик, пасткашликнинг туб-тубига қулайверамиз, афсуски, бу чоҳдан ўзингдан бошқа биров сени қутқаролмайди. Агар сенга инсоф берса, аввало, ўзингга яхшилик тилайсан, яна шу халоскор куч сенга биринчи бўлиб ёрдамга келади.

Бугун озод, ҳур мамлакат, буюк миллат бўлиб бирлашиш имкони туғилган пайтда ўзгани кўролмаслик — мисоли ҳиссиз тошдек, барча фазилатлари қусурга айланган, гуноҳга ботган бандадек. Бугун ҳар эрта бировга яхшилик соғиниб уйғонмаган юртдошнинг ниятлари кўкармайди. Айни пайтда ҳар қандай мансаб ҳам синов, имкондир. Бир кунлик, бир ойлик, бир йиллик... имконли синовдан соф виждон, тоза ният билан ўтганга не етсин!

Баъзан ўзимизни ҳақ билиб, бировнинг эркига, ишига, обрў-эътиборига тўғон қўймоқчи бўламиз. Режалар тузамиз... Бўйининг бир қарич баландлиги, кийган тўнининг ранги ёки овози ёқмаслиги сабаб бўладию, ўша кимса каттакон рақибга айланади. Тўғриси, ундан рақиб ясаймиз. Унинг-да орзулари, оиласи — бола-чақаси борлигини унутамиз. Биздан яхшилик кутаётганларнинг садоси ўлади, уларнинг бизга ҳақи борлиги ёддан чиқади. Кунма-кун вужудимизга ёвузлик ин қура бошлайди, ҳақман, деган узил-кесил хулоса барча ҳаракатларимизга бошчилик қилади.

Донишларнинг айтишича, ёмонлик-ёвузликнинг ўлчови бору, лекин яхшиликнинг ўлчови, қиёси йўқ. Жўрақул Тўраев номидаги ўрта мактабда (Шофиркон): «Кимни яхши одам деса бўлади?» — деган мавзуда сўров ўтказилганда, бир бола: «Қўшниси учун нонга навбатда турган одамни», Иккин-

чи бир бола эса: «Зарур пайтда бировга қара берган кишини» деб жавоб ёзибди. Шаклан бир-биридан фарқли жавобларда ягона мазмун — ўзгага яхшилик, меҳр, катта ардоқ мужассам.

Ёшликдаги самимият, ростгўйлик, улғайган сари кимнидир тарк этса, кимнидир ўзига эш қилиб, бойиб боради. Дунёдаги жамики иллатларни йиғса, буларнинг бош сабабчиси манфаат ва нафс балосидир. Инсонга берилган энг улуғ имкониятлардан бири — қаноат. Тасаввур қилинг, бировлар бир ой, яна кимдир икки, уч ва ундан ортиқ муддат рўза тутиб, нафсларини тийиб яшайдилар. Улар очликдан ўлишмайди, шу муддат ичида олифтагарчилик, бировнинг дилини ранжитиш, ёлғон сўзлаш каби қатор иллатлардан узоқ юришади. Демакки, ул зотлар нафснинг алдовига учишмайди. На бировга, на ўзларига хиёнат қилишади. Агар ушбу далил моҳиятига чуқурроқ кирсак, бунинг дипга унча боғлиқ бўлмаган ёки кўр-кўрона эргашишдан кўра муҳимроқ, аниқ бир ўлчови борки, бу, маънавият отлиг юксак мезондир. Инсон англаши ва эришиши муҳим бўлган йўлнинг алифбоси оддийлик, камтарлик. «Орифнома» мушоҳадаси билан шу йўлга етаклайди.

## ШОФИРКОН ВА ШОФИРКОНЛИКЛАР

Хўжа Ориф Моҳитобон ар-Ревгарий ҳазратларининг 875 йиллик юбилейлари муносабати билан Шофиркон улкан қурилиш майдонига айланди. Ғайбулло Дилов раҳбарлигида бошланган ободончилик ишлари бугун ҳам имкон қадар давом этмоқда. Хўжа Ориф масжиди қурилди, марказий кўчалар кенгайтирилди, янги савдо дўконлари, ошхоналар қад ростлади. Туман телевиденияси (раҳбари Давлат Икромов) ишга тушди. Иқтисодий ислоҳотларнинг кафолатли даври — хусусийлаштириш (раҳбари Ҳайдар Одилов) бошланди, мулк ўз эгасини топмоқда. Қувонарлиси шундаки, туманнинг илгариги шуҳратини тиклаш, уни обод, замонавий масканга айлантириш учун Шофирконнинг мард ориятли ўғлонлари бирлашиб майдонга тушдилар. Биз номларини битаётган ҳамюртлар, шубҳасиз, Шофиркон тарихида савобли ишлар иштирокчиси сифатида қоладилар. Абдулла Ҳанимов, Муқим Шамсиев, Нажмиддин Исомов, Шуҳрат Тўраев, Яхшимурод Ҳожиев, Ахтам Рўзиев, Исроил Ҳамроев, Тилло Камолов, Аҳад Наразиев, Шамсиддин Жамолов, Шодмон Ғафуров, Носир Мўминов, Алишер Хўжаев, Баҳодир Нуруллаев, Ботир Нуруллаев, Бахшулло Жўраев, Тилав Одилов, Шамсиддин Умаров, Ўктам Назаров каби яна юзлаб ҳам-



юртлар ўз азиз гўшасининг ободлиги учун илавайтган бидорларимиздир.

Бугун Шофирконда шундай удум, анъана бошланди: ҳар бир хонадон, ота-она камида биттадан фарзандини хорижда ўқитиш ёки тараққий этган давлатлар даражасида юртимизда тарбиялаш, билим бериш. Бундай улуғ ният ўз ҳосилини бера бошлади. Физика ва математика фанларини чуқур ўқитишга йўналтирилган 128-лицей ўқувчилари Шерали Ўринов, Умид Рустамов, Фарҳод Жўраев, Аҳад Раупов, Фазлиддин Бозоров, Ашраф Олимов, Рустам Қиёмов, Ўлмас Собиров, Икром Бақоев, Улуғбек Ҳақбердиев, Маҳкам Рустамов, Жасур Расулов, Шавкат Тўраев каби ўқувчилар республика ва вилоят олимпиадасининг голиби бўлишди. Ҳозирда лицейнинг тугсондан ошиқ ўқувчилари олий ўқув масканларида таҳсил олишмоқда. 128-лицей ўқитувчилари Маннон Шарипов, Исроил Жўраев, Усмон Жўраев, Амин Бозоров, Равшан Қозоқов, Дилором Аҳадова, Абдураззоқ Қўшшаев, Иброҳим Қўшшаев, Аҳмад Сафаровлар ўзларининг билимли, чин устоз ўқитувчи эканликларини ҳар йили янги галабалар, натижалар билан исботламоқдалар. Шунинг учун ҳам ота-оналар, ўқувчиларнинг 128-лицейга, унинг ҳурматли ўқитувчиларига бўлган ишончи, ихлоси ортиб бормоқда.

Шофирконда ҳавас қилса арзигулик, инсон саломатлиги, орзу-умидларининг посбонлари бўлмиш бутун бошли врачлар жамоаси (бош ҳаким Аҳмад Остонов) шаклланган. Аҳмад Тоиров, Аҳмад Омонов, Абдували Абдуллаев, Истам Ёдгоров, Абдусалом Абдуллаев, Тожиддин Комилов, Рашид Бобоқулов, Иброҳим Ҳожиев, Аъзам Латипов, Ҳомид Солиев каби ўнлаб шифокорлар эл ҳурматини қозондилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ вице-президенти, академик Иброҳим Мўминов, халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол каби алломa, санъаткорлар шофирконликлар юрагига ҳавас уйғотди. Фан, санъат, адабиёт борасида улар бошлаган анъана давом этмоқда. Шофирконда олимлар, шоиру ёзувчилар сафи йилдан-йилга кўпаймоқда. Алоҳида бир туман — Шофиркон мисолида айтадиган бўлсак, фан номзоди, фан доктори каби илмий даражага эга ҳамюртлар сони тўрт юзга яқинлашди. Бугунда Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳид, Усмон Қўчқор, Абдураззоқ Қўшша, Дилмурод Жаббор, Омон Абдулла, Илҳом Ражабов, Дилшод Ражабов, Абдулла Раҳмонов, Энмурод Бобомуродов, Нормурод Рамазонов, Носир Тошев, Воси Носиров каби ижодкорлар баланд руҳ билан ижод қилмоқдалар.

Юқоридаги номларни битаётиб беозор, камтар, ҳамиша

яхшиликка ошно Бахтиёр Раҳматовни эслайдим. Бахтиёр ака Шофирконнинг билимли, ориятли йигитларидан, мафкура бўйича тажрибали раҳбар эди. У билан касбдош эдик. Ака-ука, биродар, дўст эдик. Афсуски, тақдир уни биздан юлиб олди. У ўзининг қисқа, мазмунли умри давомида номини шофирконликлар қалбига муҳрлай олди. Ундан эслашга арзигулик ном, муносиб фарзандлар, ака-ука, дўстлар қолди. Шоир укамиз Омон Абдулла у ҳақида шеър битган:

*Сен ҳеч кимга таянмай ўсдинг,*
*Ва ҳеч кимга суянмай ўсдинг.*
*Қоялар-чи, йўлларинг тўсди,*
*Ўсавердинг нурга чўмилиб...*

Туман ҳақида ўйлаганда ўз касби бўйича мактаб яратган, республикада ном қозонган, машҳур кишилар ёдга тушади. Бугун Шароф бобо Ҳамроев, Жўрақул Оринов, Жўрақул Тўраев, Қодир Тўраев, Саксон Самиев, Наим Расулов, Рамазон Хўжаев, Рамазон Умаров каби қишлоқ ва халқ хўжалиги соҳасида астойдил ишлаган, номлари ҳамон дил тўрида сақланаётган азизларнинг янги авлоди шаклланди. Шофиркон, умуман, унинг тарихи ҳақида ижодкор укамиз Салим Мухторов раҳбарлигида тўплам тайёрланмоқда. Истиқлол туфайли катта ўзгаришларга юз тутаётган Шофирконнинг истиқболи биз фарзандларнинг аҳиллиги, бутунлиги, инсофу адолатимизга боғлиқ.

* * *

Шофиркон! Менинг киндик қоним тўкилган юрт. Дунёни, дунёни безаб турган одамларни таниш, улар ҳақида ўйлаш, маълум хулосаларга келиш йўлидаги илк уринишларим, адабиёт ҳақидаги илк таассуротларим Шофирконда туғилиб, Шофирконда шаклланди.

Тақдир мени ижод йўлидан бошлаган экан, нималарга эришган бўлсам, шу азиз ҳамюртларим донишмандлиги, мардлиги, самимияти, орзу-ўйлари менга мадад бўлди. Бугун қутлуғ кунда, баъзи асарларимни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этар эканман, Шофиркон ва шофирконликлар билан, таърифга сиғмас Бухоро билан ҳамиша учрашиш, ушбу юрт тупроғида илдиз отиш насиб этсин, дея тилак билдираман.

Ражаббой РАУПОВ.

*Ражаббой РАУПОВ*

# ОСТОНА

## *Қисса*

*Ниятим: қулларни, тилларни*
*уйғотиб — ўлиш!*
*— Алвидо, қуллар!*

Йўлдош ЭШБЕК.

Бугун — иккинчи кун у кекса чўпоннинг ўгитларини эшитгиси йўқ, қизиқ-қизиқ эртаклар ҳам жонига тегди.

Бобо уни шу кунгача «Муроду мақсадларига етишди» деб тугайдиган эртаклари билан алдади, овутди.

Энди у эртак эшитмайди. Эртакка ишонмайди.

Энди у таёқ тутиб Хайри (Хайриддин)нинг қўйини боқмайди.

...Кун ботар томонда, қадрдон барханлар ортида бир қишлоқ бор. Ўша қишлоқ Йўлдошнинг қишлоғи — Остона. Туб аҳоли яшайдиган жойнинг қадим номи Чақар, кейинчалик «Чўлқишлоқ» дейилса-да, аждодларимиз бу манзилни Остона деб номлашган. Остонадан юқорига қадам боссангиз — Қизилқум.

Хайри остоналикка ўхшамайди. Ёт. Гап-сўзи ёт, кўриниши ёт, номи ёт — етти ёт бегона у...

* * *

Қуёш қирлар ортига ботиб, чўл узра қоронғулик ёйилганида Йўлдош бархан панасида ёнбошлар, ўйларга ғарқ бўлиб марҳум отаси билан хаёлан суҳбатлаша бошлаганида елкасидан бир меҳрибон қўл беозор тутиб турғазар, чодирга бошлаб борар эди. Шунда, шунда у сўзсиз Мурод чўпоннинг ортидан эргашар, то қора уйга киргунича бошини силаган қўлларини итдек ғажиб, бор алам-аччиғини сочгиси келар, ҳар гал шундай ўйласа-да, нечундир ўйи ўйлигича — журъати сўниб, чолнинг омонат меҳмонига айланиб қолаверар эди.

Мурод чол, Мурод чол... Унинг ажин босган пешонаси, юзлари, бўйни худди тўлқинли барханлару ёшини яшаб қумга ёнбошлаган қари саксовулга монанд. Ўйчан, эгикбош қарияни яқиндан кузатган киши ҳатто унинг ёш, йигит чоғини тасаввур қилолмасди. Гўё у чўл-барханлару сарғайган ўт-ўланларга қўшилиб униб чиққан, қўлидаги таёғи ҳам ўзи билан бир вақтда бино бўлгану унинг абадул-абад маскони кенглик — саҳро. Мурод чўпон ўлмайди, яна юз,

минг йилдан сўнг ҳам у худди бугунгидек, офтобга қоришган юз-кўзларини ердан узмай қўй боқади. Қўй бошлаган йўлдан юради... Шомда у сув қайнатиб, қоп-қора чойхалтасига қоп-қора қўлини суқиб, кафтини тўлатиб қуруқ чой олади-да қумғонга ташлайди. Сўнг чала ювилавериб сарғайган косага туз, данакдек сариёғ, қайноқ чой солиб кечлик тайёрлайди. Қотган нон тўғралган косани дастурхон чети билан бостириб худди палов дамлагандек ноннинг ивишини кутади...

Эрталаб, Йўлдош уйғонганида чол ўтовда бўлмайди. Ҳар эрта одат шу. Сўнг ётган жойида кўзини юмиб, бундан икки йилча аввал Хайри уни айни баҳорда Мурод чўпонга ўнта қўй билан топширганини эслайди. Ўшанда Хайри:

— Жўрангиз Ҳаким чолнинг зурёди, деб таништирган уни. — Эшитгандирсиз, мен бу болага ҳам отаман, ҳам она. Буни билган билади, билмаган... э, нимасини айтай...

— Раҳмат, минг қуллуқ сизга Хайрибой, — деган ўшанда чол иккала қўлини баробар кўксига қўйиб эгилиб. — Етимнинг бошини силабсиз, сизни худо сийласин!

— Э... худо дейсиз-а, яхшиликни бандаси билсин, Мурод ота! — деган у чолнинг миннатдорчилигига қўл силкиб. — Мен остоналикка қилган савобимни ўзим биламан! Улар одамнинг қадрига етармиди? Гапнинг ройиши келди, сизга айтаяпман-да, дардимни. Куйиб-пишиб юрганимни шу, — Хайри қўли билан Йўлдошни кўрсатди, — билармиди? Билса-ку, берган тузимга, меҳнатимга розиман, йўқса, эрта бир кун ёқамдан тутмаса деб қўрқаман!

— Ҳай-ҳай, ундай деманг, Хайрибой, билади. Биладиган бола бу! Асли тоза.

Хайри Йўлдош баҳона остоналикка бўлган қаҳрини чолга тўкиб солди:

— Тўртта тирриқ қўй бўлса бас, эртаю-кеч шунинг ғамида, боласидан тортиб то каттасининг оғзигача молнинг ган-сўзи. Гўё дунёни қўй сақлаб* тургандай! Эй, ота, ачинаман бу элга — Хайри уф тортиб бош чайқади. — Баъзида қоним қайнаб, Остонадан кечгим келадию яна шайтонга ҳай бераман. Юртчилик дейман. Хайриятки, Остонада якка-ярим бўлса-да, сизга ўхшаш мурувватли, мўмин-мусулмон киши топилади. Йўқса...

— Ундай деманг, Хайрибой, — чолнинг овози титраб чиқди, гўё эрта-индин Хайри Остонани тарк этадию, сўнг бутун қишлоқни фалокат босади. — Остонада оқ-қорани танийдиган, паст-баландни фаҳмига етадиган бутун одам — сиз. Сизга шак келтирган кўр бўлади.

---

* Сақлаб (шева) — тутиб, суяб маъносида.

Суҳбат шу ерга етганда Хайри томоқ қириб йўталди, қаддини гоз тутиб, чолнинг сўзларига диққат қилди.

— Қуш уясида кўрганини қилади. Минг қилса ҳам бизнинг Остоналик подон, сиз шаҳар кўрган, ўқиган мулласиз. Гуноҳидан ўтинг уларни Хайрибой, сиз пирсиз!

— Яшанг, Мурод ота! Вақт-соати билан сизга бир яхшилик қилгим бор, омон бўлсак, кўрасиз ҳали.

— Қуллуқ қуллуқ, Хайрибой! Менинг ишмаган ошим қолдими, мени десангиз, яхшиликни мана бу болага, остоналикка қилинг, рози кетай...

— Дуруст, шунинг учун келдим-да, Йўлдошбойни етаклаб. Келинг, биргалашиб, етимнинг бошини силайлик, улгайганда ўксимасин. Ана, ўнта қўйи, ўзи сизга ёрдамчи, кетмайди қолади.

— Яхши-ку-я, лекин ўқиши нима бўлади, мактаб дегандай?..

Хайри чолнинг савол тўла кўзларига маккорона тикилиб турдида, сўнг унга томон бир қадам босиб:

— Тушундим, Мурод ота, тушундим, — деди ўксиб, — садағаси кетай, эгамнинг ҳукмига шак йўқ, тонба, боланинг эса сал... нақароқ. Муаллимлар болалардан олисроқ юрсин, деган.

— Ёлгон! — Йўлдош жондираб қарияга термулди. У кўзини олиб қочди. Шунда ҳимояга маҳтал Йўлдош Мурод чолни Хайридан ҳам баттар ёмон кўриб қолди.

— Тек!!!

Йўлдош Хайрининг овозидан чўчиб бошини эгди, тирқираб чиққан кўз ёшларини билаги билан сидирди.

— Ана, кўрдингизми, — деб Йўлдошга ишора қилди Хайри, гўё шу билан боланинг эсипастлигига кафолат бергандай яна хотиржам давом этди. — Зора чўл ҳавоси шифо бўлиб, соғайиб кетса. Ахир эрта бир кун бунга ҳам ҳовли-жой, хотин керак, уч-тўрт йил қўй боқса, зарари йўқ, ўзига фойда.

Хайрининг сўнгги сўзларини тинглар экан, чолнинг жиддий кўзларида табассум учқунлади.

— Муштдай болага хотин дейсиз, ҳовли-жой дейсиз? — Йўлдошнинг соғ-сўққаллигига ҳамон ишонқирамай турган Мурод чол тилига келганини яширмади. — Ахир бунинг ҳовли-жойи тайинку, отасидан мерос.

— Э, Мурод ота, мен куйсам, сиз куласиз, агар шу муштдай боланинг огирлиги тушади, деб қўрқсангиз, айтинг, чўл кенг, бошқа ошналаримни кўрай. Мен сизни тушунасиз деб...

— Хўп-хўп, Хайрижон, куйинманг, — дея чол қўлини кўксига қўйиб ўтинди. — Оқсоқолнинг ҳурмати ўн қўй эмас,

мен у кишини аржон олиб, қиммат сотмайман, юз қўйлари бўлса ҳам текин боқаман. Унинг боласи менинг ҳам болам, рост айтдингиз, чўл кенг, Йўлдошбой билан гангир-гунгур қўй боқамиз. Зерикса, уйига кетар.

— Уйда пиширибг қўйибдими, зерикмайди!

Шу билан Йўлдошнинг ихтиёрини чолга топшириб, Хайри ортига қайтди.

Ўша кеча — чодирда чол билан ёлғиз қолган биринчи тун Йўлдош тонгтача йиғлаб чиқди. Чол уни овутолмади. Эртасига у чол билан баробар уйғонди. «Хўжайин»нинг «Ҳали эрта, сен ухлайвер» дейишига қарамай, тўнини кийиб, ортидан эргашди.

Қўрага етганда тўхтадилар. Қўра — қишда ҳам, ёзда ҳам бир хил, шимол томони чим, шох билан тўсилган сим тўрли усти очиқ айвон.

Ҳали тонг отмаса-да, атроф ялангликка — очиқ бўлгани учун кўз тушган нарсани илғаш қийин эмасди. Бир-бирининг пинжига тиқилиб ётишган қўйлар чолнинг сасини сезиб, бирин-кетин оёққа туришди. Эшик ёнига биринчи бўлиб қўнғироғини жиринглатиб пода бошловчи серка етиб келди.

— Бу бизнинг каттамиз, — деди чол Йўлдошга серкани кўрсатиб, — хўп ақлли жонивор-да!

Йўлдош индамади. Қўй, серка, қўра ҳақида у чолдан кам билмас, болалигидан қўй боқиб, кўзи қотган Йўлдошга чўпонлик юмушлари янгилик эмас эди.

Чол боланинг гап-сўзсиз ўзига эргашгани, тонг қоронғусида ёнига келиб, мўмин-қобил бўлиб буйруқ кутаётганига хўрлиги келди. У бир кун олдинги Йўлдошга сира ҳам ўхшамас, йиғи, аччиқни унутган, гўё узоқ йиллардан бери чол билан бирга қўй боқиб, чўпонлик ҳадисини олган содиқ ёрдамчидек, юмушга шай турар эди.

Чол қўра эшигини очмай, бир нас ўй суриб қолди. Бехос Хайрининг Йўлдош ҳақида айтган гапи ёдига тушди: «Боланинг эси сал... пақароқ. Муаллимлари болалардан олисроқ юрсин деган». «Ёлғон!»

«Ёлғон» — сокин тонг қоронғусида тагин Хайрини рад этгандек эди у. Макрга қарши ёлғиз ўзи... «Э, худо, ёш жонига раҳм қил». Чолнинг эти жимирлаб, қулоқлари битди. Йўлдош қарай олмади. У боланинг эспастлигига ишонмаса-да, буни Хайрига очиқ-ойдин айтолмади. Қўрқди. Йўлдошнинг ҳимоясига ярамади. Шундай ўйласада, у болани синаб кўргиси, ўзининг ҳақлигини исботлагиси келиб, қўра эшигини очди, эшикка кўндаланг туриб, Йўлдошга:

— Кир, — деди.

Йўлдош иккиланмай қўрага кирди.

— Болам, — деди шунда чол, — ҳув ана калтакпох қўчқорнинг ортидаги туқлини ушла-чи.

Йўлдош қўйларни ҳуркитмай секин юрди.

Чол: «Агар Хайрининг гапи чин бўлса, бола ўзини туқлини устига ташлайди-да, қочиради, тутолмайди, — деган ўйга борди. — Аввало, туқлининг фаҳмига бормайди, танимайди...»

Йўлдош гуж қўйлар орасини ёриб ўтиб, туқлидан икки қадам нарида тўхтади. Бўйнини букиб энгашди-да, узалиб туқлининг орқа оёғидан ушлади, ортга тортди.

— Қўйвор, қўйвор, — деди Мурод чол, — сени жинни деганнинг ўзи жинни!

Ой ўтиб, қўйлар қўзилагач, Хайри Йўлдошдан хабар олиш баҳонасида «Ҳазор нур»га* келди. Йўлдош қўй боқаётган яйлов «Ҳазор нур» деб номланса-да, асл «Ҳазор нур» ўтовдан анча олисда, гўё туман қоплангандек кўзга зўрга чалинадиган тепалик чўлнинг, Мурод чолнинг бирдан-бир мақтаса арзигулик мулки эди.

Чол «Ҳазор нур» ҳақида бот-бот сўйлар, унинг муқаддас қадамжолигини ошириб-тоширар, юмушлар тайсалласа албатта борамиз, ўз кўзинг билан кўрасан, деб ваъда берган.

Хуллас, чол ёшланган кўзларини енги билан артиб, «хўжайин»нинг сўроғига «Шукр шукр» деб турди.

Йўлдош эса олиб кетармикан, деган илинжда Хайрининг оғзини пойлади. Садо чиқмагач, секин ундан узоқлашди-да, бархан ортига ўтиб «Ҳазор нур»га тикилиб, ўй сурди.

Хайрининг сафари қисқа кечди. Ўзи билан олиб келган нон, туз, қанд ва бир жуфт керза этикни Мурод чолга қолдириб, қайтишда:

— Қўйлар нечтадан туғди? — дея сўради. Чолнинг эса энсаси қотди, ичида: «Шукр, Йўлдошбой соғ-омон юрибди» деб жавоб топди.

Чолнинг бақрайиб жим турганини Хайри эшитмаганга йўйди шекилли:

— Нечта қўзи қолдирдингиз? — деб тағин сўради.

Чол унга жавобан, Йўлдошнинг ўша кунги инкорини ичида такрорлади: «Ёлғон!»

Ниҳоят, Хайри Мурод чолнинг тирсагидан тутиб, қулоғига бақириб сўз қотди:

— Нима, тобингиз йўқми дейман! Карахтсиз!

Чол тағин индамади, тескари қараб ичида: «Ўзинг жиннисан! Йўлдошни жинни деганнинг ўзи жинни!» деди. Сўнг унга қарагиси келмай ерга тикилиб:

---

* Қадимий ёдгорлик, тепа.

— Қўлимни сиқманг, Хайрибой, отдекман, — деди. — Йўлдошбой ҳам соғ-омон юрибди.

— Қулоқ ҳам том битибди-ку, ота? — Хайри хо-холаб кулди. — Ёрдамчингизга айтинг, қулоғингизга қўй сути томизсин.

— Менга ҳаққингиз керак эмас, Хайрибой, ана, гувоҳингиз кўзқулоқ, — деди у Йўлдош томонга қўл чўзиб. — Тўхтанг, кетмай туринг, — чол чодирдан бир даста тери кўтариб чиқди.

* * *

Йўлдош отасини эслармикан?

Хайри кўргон қурган жой аслида Йўлдошга тегишли, шунга ақли стармикан уни?

Остона Йўлдошнинг ота юрти, киндик қони тўкилган замин.

Чол сўнгги кунларда мотам тутгандек хуп бўлиб, Йўлдошга айтажак савол-сўроғини ўз-ўзидан сўрайди. Бирида «Ҳа», бирида «Йўқ» деб жавоб топади, ўйлайди, ўйи охирига етмайди.

Саратон. Қуёш осмондан, бархалар ердан олов пуркайди. Қўйлар илгаригидек ўтламайди, ҳалиқиб соя-салқин жой излайди, дуч келган бута, саксовул остига бош суқиб ётиб олади.

Мурод чолнинг қўлида бир таёқ, Йўлдошнинг қўлида бир таёқ.

Чолнинг дили куяди — гапирмайди.

Йўлдошнинг боши қизийди — гапирмайди.

Баланд-баланд сарҳадларда бургут пайдо бўлади. У ўз осмонида ўз қўшиғини айтиб, мулкини синчков кузатади. Остида бир катта, бир кичик одам боласи тапшинларга кўмилиб гимирлайди.

Бургут ўқдек пастга шўнғийди-ю, Йўлдошга етай деганда яна юқорига кўтарилади.

У яқиндан бери яйловда бегона одам зурёди пайдо бўлганидан норозилик эълон қилиб: «Чат, чат!» этиб қанот қоқади. Йўлдош кўрқув ва ҳавас билан бургутга термулиб ўйлайди: «Қанотим бўлганда бургутга қўшилиб учардим».

Чол эса бургутга парвосиз ўз ўйи билан банд: Итга ҳам битта ҳам уй битган қодир, нечун болагинани сарситдинг! Нечун Йўлдошдан кўз юмдинг? Ахир Остона уники, ер-жой унинг мулки. Ватани-ку!»

Кун огиб, соя қиялаганда қўйлар яна оёққа туриб, ёйиладди, бош кўтармай емиш излайди.



* * *

Кун ботиш олдидан остоналик Хайриддиннинг дарвозаси ёнида қаторланиб машина келиб тўхтади.

Хайрининг ўзи пешвоз чиқиб меҳмонларни кутиб олди. Улар ичкари киришга ошиқмай, сув сепиб қотирилган қумга из қолдириб, у ёқ-бу ёққа юришди; оёқларининг чигалини ёзиб, сигарет чекишди. «Чўлқишлоқ»нинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб симиришди. Хуллас, ўзларини тунги зиёфатга ҳозирлашди.

Хайри қўлларини белига тираб, виқор билан меҳмонларга қараб турди. Устида беқасам тўн, оёғида тулки терисидан тикилган махси, калиш — булар жошнинг ҳузуридан ташқари Хайрига алоҳида салобат, кўрк бағишлаган.

Кўҳна гужум дарвозасининг бир табақаси очиқ. Йўлдош ҳовли ўртасида — темир ўчоқ ёнида куймаланаётган ошпазга парвосиз, вағиллаб қайнай бошлаган самоварга тикилиб, хомуш ўтиради. Дарвоза ортидан меҳмонларнинг қийқириғи, ҳазил-ҳузул сўзлари эшитилади. У гоҳида кўзга ташланиб, ҳамон уйга кирмаётган меҳмонларга ҳам, улар миниб келган кўликларга ҳам қарагиси келмай зўр бериб самоварга саосовул қалайверди.

Йўлдошнинг қулоғига шундай гап-сўзлар чалинди:

— Уй эмас — кошона бу!

— «Чўлқишлоқ» деган номингдан айланай-а! Худди курорт, курортнинг ўзгинаси!

— Сизники билмадим, мен Хайриникига келсам — яйрайман...

— Ҳа, энди бу қишлоқнинг эгаси Хайрибой-да! Ўзимизнинг Хайрибой!

— Нохиядаги уйидан минг карра афзал!

— Э, нима дейсиз? Нохиядаги уйи бир ётоқхона-да, вақтичоқликка ярайди.

Мезбон улфатларидан эшитажак ушбу мақтов — таърифни ҳар гал зориқиб кутади.

У қулоғига хуш ёқиб, кўнглига ҳузур бахш этувчи, шаънини осмон қадар кўтарувчи сўзларни топиб айтганлари учун ҳам ошналарини ойда бир эмас, икки марта чақириб, зиёфат беришга тайёр. Ана шундай ёғинасида Остонанинг жамики катта-кичик эркак-аёли «Хайрибойникига марказдан катталар келди, эрталабгача қўноқ бўлишади!» деб ҳайрат билан кузатиб туришибди. Э, унга бундан бўлак яна нима керак? Уруғ-аймоғи кўрмаган иззат-икром, ҳовли-жой кўра тўла қўй. Тағин «гаҳ» деса қўлга қўнадиган содда остоналиклар. Айтишларига қараганда, раҳматли отаси бировга ошзидаги ошнини, қўлидаги попнинг олдирувчи бўш-баёв киши ўтган.

Остоналиклар уни билмайди. Умуман, улар кўп нарсани билишмайди, фарқига бормайди. Бир ҳисобда уларнинг шундай бўлгани тузук. Дунёда макр, ёлғон борлигини, ёғиб тушида ҳам кўрмаган бу халқ. Тўрт калима сўзни жуфтлаб, баракалла, сен яхшисан, десангиз бўлди — ёттан тўшагигача беради. Остоналикни қўрқитиш учун мушт, қурол шарт эмас, оддий пўписа лозим. Ёки бирини бирига қайраб қўйсангиз — олам гулистон, уйига ёв бостириб кирсин — иши йўқ, ёв-ёв эмас, ўзи ўзига душман, олишаверади, олишаверади, то бирбирининг пайини қирқмагунча тинчимайди. Каттасини катта десангиз, болалари ҳам шундай. Хайри буларни хўб синади, ўрганди.

У боши оғиб, Остонага келиб қолдию, мана, нони бутун экан, кун кўрди, қўрғон қурди. Ҳам ўзиникига, ҳам ўзганикига эга чиқди. Буюрган-да буюрган! Буюрган деб шунга айтади! Барига марҳум оқсоқол сабабчи. Шу топда оқсоқол ёдига тушдию кўнгли ғашланди, ўзини камситилгандек сезди. Ҳозир бу гапларнинг маврiди эмас. Хайрининг кўнгли димоғчоғлик истайди, улфатларига қўшилиб, Остонани бир хурсандчиликка кўмсин, яйрасин. Қолгани бир гап бўлар. У шундай ўйласа-да, бутун тушдан сўнг Йўлдош сабаб, кўнглига хижиллик ўрнашди. Бу ноинкўр бола «Ҳазор нур»дан қочиб келди. Сўроқсиз, сабабсиз яна қочди.

Чанг қоплаган машиналар атрофини бир пасда болалар ўраб олишди. Хайрининг эркатойлари қўшни болаларни ҳайдаб, ўзлари хўжайинлик қила бошлашди. Тўнғич ўғли ҳеч кимдан ҳайиқмай рулга ўтириб, сигнални бир-икки босди.

Қизлари машина ойнасига бармоқлари билан шакллар солиб, дугоналарининг ҳавасини қўзғашди.

Хайри болаларининг ўйинини мамнун кузатар экан, уларга шунчаки пўписа қилди:

— Ҳа, шайтонлар, туш машинадан!

Болалар отасининг феълини яхши билишади: у ҳеч қачон бировнинг нарсаси деб, ўғил-қизларини хафа қилмаган. Синса синибдида! Йўқолса йўқолар...

Хайрининг ҳар бир боласи туғилиб, оёқ босиши биланоқ уйидаги тўкин-сочинлик, бутунлик, қўшни болаларга нисбатан ўзни бошқача тутиш — хўжайинлик руҳини англаб, сингдириб улғаяр, отанинг бирдан-бир кўзлаган нияти ҳам шу эди. Тоғи, Хайридан сўнг ҳам улар — зурёдлари шундай яшасин. Хайри ўзиники қилган, меҳнати сингган Остонага бош бўлсин, уни бировга бермасин. Омонлик бўлса, бу бағри кенг одамлар Хайрининг невараларигача, улардан қолажак авлодигача боқади. Бутун Остона Хайрининг насл-насаби



билан тўлажак. Сўнг уни отам, бобом асос солган Остона деб эслашади...

Ўғли меҳмонларни ҳовлига бошлаб кирди. Улар гирди чамбарак билан ўралган кенг дарахтзор боғни, боғ ўртасида ёғочдан тикланган кўшкни томоша қилишди. Ёз кунлари ана шу баланд кўшкда базм қилишади. Хайрининг Хайрилиги шундаки, у «Чулқиниллоқ»да ягона боғ ҳовлининг эгаси. Қуюшлари эслаб, тузукроқ бир туп кўчат кўкартиролмаган ерда у боғ қилди, анордан тортиб, беҳигача ўз қўли билан узади.

Ошпаз меҳмонларни кўриб, капкирни қозонга шарақлатиб урди.

Хайри бугунги ўтиришга атайлаб, ноҳиядан ошпаз чақирган, ошпазлари меҳмоннавозлик қанақа бўлишини бир кўриб қўйишсин. Йўқса, бир уй меҳмони хотинининг ўзи ҳам эплайди, энди бу ҳам бир шинқибозлик, сур-сур-да! Хайри улоқни осонликча бировга бермайди...

Ошпаз оппоқ халатининг енгларини намойишкорона шимариб, кўрага кўмир чўғини терди. Йўлдош меҳмонларга қўшилиб, уйга кириб кетган Хайрининг ўғли ортидан қараб қолди.

Бугунгидек маъракаларга Йўлдошни унча тиқиштиришмайди. Йўлдош бунчалигини сезади, ўзининг ҳам хуши йўқ, бутун давра аҳли, Хайри бошлиқ хонадон юзидаги хуррамлик унга малол келади, қўл-оёғини боғлайди, сўнг у ўзининг ошхона ёнидаги ҳужрасида қамалиб, болалигидан ёдгор китобларини варақлаб ухлаб қолади.

Отаси тушига киради. Оқсоқолга севиб ёд олган «Она тили дарси» шеърини айтади:

*Энг аввал «Ватан» сўзини битамиз*
*юракка ва кейин дафтарга.*
*Юракка ва кейин дафтарга*
*энг аввал «Ватан» сўзини битамиз.*
*Ватаним,*
*Ватан, бу — озодлик демак,*
*Ватан, бу — она тилингда ўйламоқ,*
*Ватан, бу — она тилингда сўйламоқ.*
*Қани, болалар, биргалашиб ҳайқиринг:*
*«Ўзбекистон, ме-ним Ва-та-ним»*.*

...«Отанг қишлоқнинг оқсоқоли эди. Остонада жамоа хўжалиги тузилгач, узоқ йил бригадир бўлиб ишлади. Ер очди, пахта экди...» — Бирида Мурод чўпон отаси ҳақида шундай эслаттан. Отасининг сўнгги кунлари эсидан чиқмайди, айниқса, қазоси ёдида.Оқсоқол тўшакда узоқ ётмади. Учинчи куни у Йўлдошни сабоқдан олиб қолди.

* Хуршид Даврон шеъри.

Хайри одатдагидек далага кетди. Оқсоқол бригадир билан келишиб, уни ҳисобчиликка қўйган, ўн-ўн беш чоғли эркагу аёл — бригада аъзоларининг ҳисоб-китоби Хайрининг бўйнида.

Бир пайтлар Остонани шитоб билан ўзлаштиришга тушишган. Оқсоқол ўша йилларни «Урра-уррачилик замони» деб эслайди. Ҳар қанча чиранишмасин, барибир, Остонадан юқорини ўзлаштиришолмади. Сув муаммоси қийнаб, шудгорланган ерларни қайта қум босди.

Улкан қум денгизи — саҳро этагида жойлашган Остона аҳли — пахта етиштиришдан кўра, кўпроқ чорва-мол боқишга ўч: шароит тақозоси бу. Одамлар қадимдан шу жойни мол боқишга қулайлиги учун макон қилишган, кўнайишган.

Остоналиклар атиги бир бригаданинг пахтасини териш, ишлов бериш учун Қорадарахтдан* ёрдамчи сўрашади. Бошда, Хайри ҳисобчиликка қизиқиб, жон куйдириб ишлади. Кўрдики, пахта экиш, ўстириш осон эмас. Бунинг устига аъзоларининг уқуви йўқми ёки иссиқда боши қайнаб, пахтага ишлов бериш малол келадими, инқилиб, далага чиқ, десанг, остоналикка ёқмайсан. Тирикчилик деганику, пахтасиз ҳам ўтади. Аслида пахтани Қорадарахтликка чиқарган. Йил ўн икки ой тер тўкиб ишлайсан — оладиган маошинг бола-чақани боқишга етмайди...

Хайри барини вақтида англаб етди, тушунди. У оқсоқолнинг кўнгли учун далага бориб-келиб юрса-да, аллақачон ҳисобчиликдан совуган, яқин орада бошқа юмушни мўлжаллаб юрар, агар иложи етса, юртига қатнаб ишлагиси бор. Бу учун Хайрига улов керак, пиёда туман марказига қатнашнинг ўзи бўлмайди.

Оқсоқолдан сўроқсиз, ўз билганича иш тутишга эса вақт эрта. Минг қилса ҳам Ҳаким оқсоқол тирик, ер-жой шунинг қарамоғида, Хайрининг бошини силаган ҳам шу — оқсоқол. Уни шундай, такаббурона андиша тутиб турар, сезардики, ғамдан чўкиб, қартайиб қолган чолнинг сўнгги куни яқин.

Оқсоқолнинг эса бор умиди Хайридан эди...

Йўлдош сабоқдан қолган ўша куни уйда зерикиб, отасининг ёнига кириб-чиқиб юрди. Отаси кўрпа-тўшак қилиб ётса-да, унга беморман, деб айтмади. Вақт ўтган сайин ўша кунни фавқулодда аниқ-тиниқ, зориқиб хотирлайди, у. Оқсоқол тушгача кимнидир кутгандай, гоҳ-гоҳида хўрсиниб ётди. Тушдан сўнг у Йўлдошни чақириб, бир пиёла сув сўради. Ўғлининг қўлидан сув ичгач:

— Шукр, минг қатла шукр, — деб пешонасидан ўпди,

* Остоналиклар суғориладиган, пахта экиладиган ерни Қорадарахт дейишади.

бошини силаб ёнига ўтқазди, юз-кўзларига узоқ термулди. Дийдаси эриди. Йўлдош отасининг кўзида ёш кўрмаган, унинг нега йиғлаётганига тушунмади.

Оқсоқол ўлим ҳақ эканини билар, тан олар, шу дамда ўғлининг юрагига ўлим даҳшатини солиб қийнагиси, ўзидан сўнг қолажак зурёдининг кўнглини ярим қилиб, бўлажагиси келмас, бунинг учун ўзини қўлга олиши, юрагининг туб-тубидан қалқиб юзага чиққан мангу айрилиқ азобига чидаши шарт эди. Ундан бир тирноқ қолиптими — тақдирнинг марҳамати бундан ортиқ бўлмас!

У қисқа хайрлашув чоғида ўғли борлигига, номи Йўлдошга кўчиб, давом этишига қайта-қайта шукрона қилса-да, якка-ёлғиз фарзандини ташлаб кетиш — ёруғ дунёдан кўз юмиш оғир эди. Йўлдошга қараб тўймас, қараган сари қарагиси келар, ўғли эса остонада пойлаб турган ажал қаршисида парвосиз, болаларча бефарқ, таъсирсиз ўтирар, ҳеч нимага тушунмас, хотиржам эди. Бола учун бир маромда ўтиравериш зерикарли, ниҳоят, у сирғалиб отасининг бағридан чиқди.

— Эшикни очиқ қолдир, ёмма, — деди оқсоқол. — Югур, Хайрини чақир, — у сўнгги сўзларни кучаниб айтди.

Айтишларича, оқсоқол ўлими олдидан Хайрига васият қилган: ёлғиз ўғли, мол-давлатини унга топширган.

Кечга томон уйга одам тўпланди. Остонанинг ярми кўчиб келди. Хайри барчага бош-қош бўлиб, дафн учун зарур нарсаларга пул санаб берди.

Йўлдош отасини кўрмоқчи эди, уйга киритишмади. Ўша кеча уни қўшни кампир уйига олиб кетди. Саҳарлаб уйғотди. Ювингач, кампир:

— Бандалик ўғлим, отангдан ажрадик, — деб бағрига босди. Ўзига лойиқ тўн кийдириб, белини белбоғ билан боғлади.

Олдинда бели боғлиқ, хасса тутган Йўлдош, Хайри ва яна тўрт-беш остоналик «отам»лаб боришди, орқада тобут, эркаклар марҳумни навбат билан елкаларида кўтариб, сўнгги йўлга кузатдилар.

Оқсоқолни Чақирота қабристонига дафн этишди...

Марҳумнинг яқин маросимлари ўтиб, уй қуни-қунишидан бўшагач, Хайри сипил торгди. Узоқ-яқиндан оқсоқолни таниган, нон-туз бўлган ошналари кўп эди. Қазосини эшитса, албатта фотиҳага келишларини ўйлаб, Йўлдошни уйда сақлашди. У яна уч-тўрт кун сабоққа қатнамай якка-ярим келган кишиларнинг таъзиясини қабул қилди. Бир пайтлар Хайри билан остоналикларни муросага келтирган Файзи бобо бола билан бирга бўлди. У тўқсондан ошса-да, ҳали тетик, усиз остоналикнинг тўй-маъракаси файзсиз, айниқса унинг таъзия-

ли хонадондан бир ойгача хабар олиб туриш одатини қалдашар эди.

Файзи бобо келган-кетганга Йўлдошни:

— Оқсоқолнинг ўғли, — деб таништирди. Таъзияхонлар марҳумнинг руҳига дуо, Йўлдошга сабр, умр тилаб, оқсоқолдан ўғил қолганига тасанно ўқиб кетдилар.

Йўлдош меҳмонхонадан жилмай чолнинг хизматида бўлди. Бобо ҳориб, нинакка кетган дам у ташқарига чиқиб, хаёл сурар, отаси қазосидан сўнг ўтган ўн-ўн беш кун Йўлдошни эрта улғайтирди. Шу кунга довур кўрмаган, танимаган кишилар олисдан отасини хотирлаб келди, уларнинг бири бўлмаса, бири Йўлдошга «Сен Ҳаким оқсоқолнинг ўғлисан, отанг улуғ одам эди, шукрки, сен ортида қолдинг, номи ўчмайди» деган мерос гапни айтишди. Айтиш удум эди — айтишди. Айтиш қарз эди — айтишди. Катталар у билан ҳеч маҳал шу тахлит гаплашмаган. Кимки, ўғил бўлса, кимнингки, отаси ўлса, билади...

Ниҳоят, Файзи бобонинг хонадондан кетар вақти етди. Ўша куни тушдан сўнг у ташқарида хаёл суриб ўтирган Йўлдошни ёнига чақириб:

— Йўлдошбек, болам, — деди вазмин, — сен энди чин ўғил бўлдинг. Отангни деб келганлар сени таниб қайтди. Шукр, сен бор экансан, оқсоқолнинг чироғи ўчмайди. Кел, энди белбоғингни ечай...

Йўлдош ёлғиз ўғиллиги учун ҳам аҳани маҳкам тутган эди. У Файзи бобога яқин борди, икки қўлини ёнига ёйди: чол белбоғни ечиб, оёғи остига ташлади-да:

— Бос! — деди. У белбоғни ўнг оёғи билан босгач:

— Ирими шундай, ўғлим, — деди чол, — қайтиб бошингга ўлим тушмасин. Энди белбоғни боғлайсанми йўқми — ихтиёринг. Аммо отангни унутма! Омин, оқсоқолни худо бандам десин, ётган жойи жаннат бўлсин....

Чол кетгач, у отасини қўмсади, бир кунмас бир кун уйга қайтишига ишонди. Кутди. Отаси қайтмагач айрилиқ норасида вужудига бир дунё алам солди. Супага чиқиб, чинакамига «Ота, отажон!» деб бўзлади.

Йўлдош отасидан шу бугун айрилган, у оқсоқолга бугун аза очган, у бугун йигит бўлган эди. Овозини эшитиб, оқсоқол қазо қилган куни — оқшом уни олиб кетган қўшни кампир етиб келди. Қўшилишиб йиғлашди, қўшнилар эшик-эшикдан пойлаб, уларнинг овозига қулоқ тутишди, ачинишди.

Уйга туйқус келиб қолган Хайри Йўлдош билан кампирга кўзи тушиб:

— Бас, уйимда аза очманг, қайта тирилмайди! — деб иккисини ҳам жеркиб ташлади.



Кампир уйни сассиз тарк этди. Йўлдошнинг кўзида ёш қотди. У шу лаҳзадан ўзини ёлғиз, ҳимоясиз сезди. Хайрига қараб, унинг сўзи — сўз, буйруқ эканини англаб, кирга қочиб кетди. Бўғзига қадалган алам, соғинчни йиғлаб-йиғлаб бўшатди... Кечгача биров йўқламади, истар-истамай қоронғида уйга қайтиб, Хайрининг болалари даврасига қўшилди. Дастурхон чеккасига сиқиниб, қўрқа-писа томоққа қўл чўзди. Хайри индамаса-да, қўрқди...

* * *

У онасини эслолмайди. Оқсоқол кеч — элликка етиб ўғил кўрди. Бунгача ҳам хотини қиз кўрган — чала туққан... Йўлдош соғ-омон туғилдию оқсоқол ҳақиқий ота бўлди. Хайрининг болаларига эш, Йўлдош бўлсин учун ўғлининг номини Йўлдош қўйди. Раҳматли аёли эса: «Келиннинг қадами қутлуғ келди» деб, Хайрининг хотинига атаб бошдан-оёқ сарпо тиктирди.

Оқсоқол Остонага ош берди. Қайтадан яшарди. Остоналиклар: «Ҳаким оқсоқол уч йил кун кўрди, яшади» деб эслашади. Бахти ярим экан, аёли пешонасига сиғмади — Йўлдош уч яшарлигида онаси қазо қилди. Шундан буёғига у кунма-кун орқага кетди, чўкди. Аёлини, онасиз қолган ёлғиз ўғли Йўлдошни деб куйди. Тенгқурлари «Бир бева-бечорани топиб, уйланинг» деб маслаҳат солди. Оқсоқол кўнмади: «Ҳовлида ёш келин, Йўлдош бор, мен уйлансам, ярашмайди. Ўғлимга Хайрининг аёли оналик қилар...»

...Оқсоқол бозорда қўй сотиб, қайтишда Хайрини чойхонадан уйига етаклаб келган, асраган. Сўнгроқ томорқасига уй қуриб, уйлантирган. У Хайрига ниманики раво кўрди — барини юракдан, миннатсиз адо этди. Ҳамиша ёлғиз ўғлимга Хайри оталик қилади, деб ишонди. Сўнгги нафасигача кўнгли тўқ, Йўлдошни Хайрига топширганидан тинчиб кўз юмди. Оқсоқолнинг йигирмаси ўтиб, Хайрининг ёдида қолгани уруғларининг топилиши бўлди. У ўзини кечиримли, унча-мунча гинакудуратни юрагимда сақламайман, дейди. Дейдию, пинҳона ҳукмини англамаган ҳар бир остоналикнинг турқи унга худди тикандек қадалади. Марҳумнинг йигирмаси ўтгач, болалиги кўча-куйда кечган — чойхонаю бозор кезиб қорин овлаган, қаровсиз Хайрининг йўқловчиси — амакиси топилди. У Хайрининг уй-жойли бўлганини эшитиб (аслида илгарироқ билган) бир оқшом йўқлаб келди. Кўрдики, жиянининг туриш-турмуши тайин: кенг ҳовли, қўра тўла қўй, келин, болалар. Шунда у Хайридан узр сўраган бўлиб:

— Раҳматли акамдан сўнг сенга увол бўлди, — деб

кўринди. Кўз ёш қургур ўзи азалдан каммиди ё Остонага етгач, буткул қуридими, ҳалетанда йиғлаёлмади. Сир бой бермай кўзини рўмолчаси билан тўсиб, синиқ давом этди. — Мен яккақўллик қилдим, жиянларингдан ортмадим. Онанг аёллигига бориб, бошқа…

— Бас, гапирманг амаки! Нон-насибам бутун экан, мана кўриб турибсиз…

Хайри дилидагини айтмади — пинҳон тутди, кекса амакисини аяди. Қариндошлик, қон ғолиб келиб, ният устивор чиқди. Шундай бўлса-да, бир зум феъли айниб, қариндошнинг юзига сочажак заҳрини ютди: «Онанг аёллигига борди, деб камситма уни. Мен яккақўллик қилдим, болаларим кўп эди, деб ўзингни оқлама! Сенга мен эмас, отамдан қолган мерос — уй керак эди. Олдинг! Мен буни энди тушундим. Феълингни кеч очдим. Эҳ, амакижонимей, аслида сенда айб йўқ. Меросга ўчлик, очлик, ўзганинг мулкига эгалик қилиш, кўнмаса — босиб-янчиб бўлса-да, тортиб олиш бизнинг қонимизда яшар экан. Эслайман, раҳматли отам… Мана, сен ва мен… Мен ҳам қараб турмадим, жон эмас, мол кўпайтириш илинжида бош уриб келганинг — Остона меники, меники бўлади».

Хотини серғўшт палов кўтариб кирдию Хайрининг хаёли бўлинди. Ўртадаги тўкин дастурхон, узоқ йўл сабаб бўлиб, Хайри гинани ортга сурди:

— Ўтганга саловот, — энди отам ўрнида отасиз! Ўзингиз бош бўлинг, дуо қилинг мени, худо камситмасин, ниятларимга етай.

— Икки қўлим эртаю кеч дуода. Хайрижон, мол-мулкинг кўпайсин, дунё тургунча тур дейман! Омин!

— Жиянлар улғайдими, каттаси нима юмушда? — Хайри амакисининг жавобини кутмай ҳотамтойлик қилгиси келди. — Қурбиз етса, қўрага уч-тўртта қўй қўшинг. Кўпайсин. Бир кунингизга ярар.

Қариндошнинг муддаоси шу эди. У пулли чўнтагини силаб суюнганини яширмади.

* * *

Остоналиклар яхши эслайди: Хайри бир бозор куни (Ҳаким оқсоқол уни айни бозор куни уйига бошлаб келган эди) қўй сотиб, амакиси ташлаб кетган пулни қўшдию «Чўлқишлоқ»да биринчи мотоцикл минди. У мотоциклли бўлгач, Остонадан оёғи узилди — ҳар эрта туғилган жойни, олис ноҳияга қатнай бошлади. Орада хотини эгиз туғди, кўпайди.

Бир оқшом Хайри ноҳиядан ширакайф қайтди. Қишлоққа кираверишда қўшниси Файзи чолни кўриб, мотоциклни тўхтатди:

— Нега менга салом бермайсан, сассиқ чол! — дея ўшқирди. — Билиб қўй, ҳаммангнинг кунингни кўрсатаман. Ана у, — Хайри қишлоқ томонга қўл чўзди, — якка хўжаликларингга айт, мен молияман!

Чол туйқус тош теккандек букчайиб қолди. Довдираб, қўрқиб Хайрининг сўзларига қулоқ тутиб, мағзини чақар экан, урмасин деган хавотирда ортга тисарилди.

— Тўхта, — деди лавқи ошиб Хайри, — яқинроқ кел, исми нима эди, ҳа, Хидир чол, ҳамсоянг! Шу сени кўролмайди. Файзининг қўйи кўп, солиқ солинг, дейди. Ҳа-ҳа-ҳаа!

Эртасига қишлоқ аҳли йиғилишиб, Файзи чолни Хайрининг уйига вакил қилиб жўнатишди. Хайри қарияни қовоқ уюб қарши олди. Чол супадаги ёғоч сўрига омонат илиниб, ниятини айтишга сўз тополмай қийналди. У тараддудланган сайин Хайри ҳузур қилар, вужудида ҳадемай қўлга киритажак бойлик, содда остоналикларга ҳукм ўтказиш иштиёқи аланга олиб, ҳовурини кучёвлик тўнига ўраниб боcди. Овозию чеҳрасига улуғвор тус бериб:

— Хўш, нима гап? — дея чолнинг мушкулини осон қилди.

— Хайрибой, куёвжон, — деб чол унинг кўзига тик қараёлмай гап бошлади, — рости, биздан нодонлик ўтибди, ўйламабмиз, сизлар наврўзнорсизлар, бунинг устига ноҳияга қатнайсиз, чиқим кўп. Мен ҳамсояларга солиқ солдим. Болангг кўпайгурларнинг бир қўйдан йиғдим.

— Бобой, — деди Хайри чолни эшитгач, — биласиз, мен сизлардан хайр тиламадим, аммо ҳақ гапни айтдим. Бу, молия деган кўп катта идора! Сиз билан бойвачча қўшниларизнинг бахтига ҳайриятки, мен шу идорада хизматдаман. Йўқса...

— Биламан, болам, биламан.

* * *

У йиғилган йигирмата қўйдан ярмини сотди, қолганини (воситачи Файзи бобони чўпон тайинлаб) қишлоқдан нарироқдаги яйловга ёйди. Қўшниларга «Қўйларингни Файзи бобога топширинглар, кўздан йироқда боқсин» деб йўриқ кўрсатди. Ва яна уларни:

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, молингизга ҳеч ким тегмайди. Мен тинч — сизлар тинч, — деб ишонтирди.

Остоналиклар Хайри ноҳия молия бўлимининг қоровулли-

гидан инспекторлик вазифасига кўтарилганини фарқига ҳам боришмади. Хайри молияда ишлайдими — ишлайди, тамом. У чакана одам эмас, катта идоранинг ишонган кишиси, бунинг устига асли марказлик, паст-баландни остоналикдан кўра яхши фарқлайди... Орадан уч-тўрт йил ўтиб, Хайри қўйларини Файзи чўпондан айириб олди, олис отарлардаги чўпон оғайниларига бўлиб топширди. Умуман, Хайрининг ўз нафси йўлидаги ҳар бир қадами қўшниларини гоҳ ҳайратга солар, гоҳида чучитар, хуллас, остоналик билан Хайри ўртасида маълум бир четара — тўсиқ тортиб, унинг айрича одамлигига кафолат берар эди.

Яхшиямки, ўтмиш, хотира бор, сал бўлмаса остоналиклар Хайрининг кимлигини ёддан чиқариб, уни ўзларига вакил, марказдан Остонани назорат қилиб туриш учун жўнатилган мўътабар зот деб қабул қилишгача етдилар. Ният хоҳ яширин, хоҳ ошкор бўлсин, бари-бир, кимлигингни ошкор этар экан. Хайрининг нияти... ким билсин... Шунда, шунда ҳар бир ёши улуғ остоналикнинг ёдига «вакил»нинг болалиги, Ҳаким оқсоқол етаклаб келган оч-юпун, етим боланинг сиймоси бот-бот тушиб турди. Оқсоқол Хайрига шу ниятда уйидан жой, нон-туз берганмидики, у бугун Остонага эга чиқса.

Бундай ўйлашга ҳали вақт эрта эди. Хайри оқсоқолдан қолган эски ҳовлини бузди, янгидан иморат тиклади. Машина олди. Оқсоқоллик Хайрига кўчди. Айтишларича, у бир маъракада кайф бўлиб, уйимнинг бошнурти[1] бор, деб чўнтагидан қоғоз чиқарган. Собиқ Файзи чўпон «Бошнурт» одамда бўларди, уйга ҳам бошнурт керакми?» деб сўраган экан, Хайри гумбурлаб кулибди-да:

— Уйимни хатлаб олдим, энди мени Остонадан яратганнинг ўзи ҳам қувололмайди, — деган эмиш. Яна:

— Билиб қўйинглар, мен энди тугди-битди остоналик. Остона менинг маҳримга тушган! Мен ким — Хайриддин! — деб ғазаб сочган ва намойишкорона даврани тарк этганмиш. У чиқиб кетгач, бир қария (номини остоналиклар яширишади):

— Ў, баччагар, Хайри, Хайриддинман дейдия?! Хайриддинмас Ғайридин бу! — деган. Шу гап рост бўлса, чолнинг гапини куплар эшитмаганга олишган. Рост, эшитиб балога қолгунча, қулоққа пахта жойлаган маъқул-да. Энди Хайриддинми, Ғайридинми — олис саҳро бағрида жойлашган Остонанинг ҳақиқий хўжайини, каттаси. Биров Остона ҳақида сўраса, Хайридан сўрайди. Агар ўтмишдан гап очилса, Остона тарихини Хайри айтади, у билади. Сўнгги пайтда Остона аҳли оёқ билан эмас, оғиз билан юрадиган бўлишди. Эмишки,

Хайри китоб ёзаётган экан. Биров «У бошидан кечирганларини ёзаяпти» деса, биров «Йўқ, Остонамизнинг ўтмишини ёзаяпти» дейди. Ким билсин, бу гаплар чинми, ёлғонми? Қўрс табиатига кўра Хайри китоб ёзмайди. Китобга ишқибозлиги суст. Яна ким билади. Хайридек доғули одам Остона тарихини авлодлар учун айтиб ёздирса, эҳтимол. Остоналиклар бугун Хайрининг кимлигини билишган. Баъзан ўзи йўқ давраларда ғийбатини қилишди. «Ғайридин» номига қўшимча яна «Бахтли куёв» деб айтишади. Киноя, ғийбат... Ғийбат қачонган ўрнида ўтибдики, Хайри парво қилсин. Тўғри, кечагина рост-ёлғоннинг фарқига бормайдиган, ҳалимдек юмшоқ остоналик бугун Хайрини камситса, алам қилади. Лекин гап-сўзлар ошиб-тошиб қулоғига етса-да, индамайди, илгариги тезлиги сўнган, бунинг ўрнини такаббурлик, босиқлик эгаллаган. Ахир бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас-да! Зимдан тотув, сокин яшаётгандек кўринса-да, аслида у Остонага уруш эълон қилган. Остонани жанг майдони, ўзини эса Бош аскар — қўмондон деб билади. Ҳарқалай, қўмондоннинг феъли шунга яқин бўлади. Гапиришса, гапиришаверишсин, Хайри узоқни кўзлаган. Остоналикнинг минг оғиз гапидан Хайрининг бир оғиз пўписаси, макри афзал. Вақти-соати билан Хайри ҳали уларнинг тилларини кесади, оғизларини сўрғучлайди. Ўшанда Хайрининг кимлигига бутун Остона эмас, бошқалар ҳам тан беради. У ўз баҳосини яхши билади — кимлиги ўзига аён. Остоналиклар бари гўл, баъзан Хайри уйида ичиб қутуради, шундай дамларда у хонасидан чиқмай бутун қишлоқ аҳлини сўкади: «Қуллар» деб, «Қўйлар» деб ҳақоратлайди — роҳат қилади.

Эртасига кайфи тарқаб уйғонганида хотини кечаги қилмишини юзига солиб, уялтирмоқчи бўлади. Бунга жавобан у маза қилиб керишади, қатиқ сўрайди, қатиқни симириб такаббурона жилмаяди. Хотини эрининг сўзсиз жилмайишидан «Кечаги айтган гапларимнинг бари рост, рост-да, рост!» деган маъни уқади, сўнг ўзи ҳам жилмаяди.

* * *

— Қўйлар кўпайдими, Йўлдошбек? — ошнаси кабоб хиллиб туриб шунчаки сўради. Йўлдош эшитмаганга олиб тескари ўгирилди. Ҳозир унинг юрагига ғам сиғмас, ўз уйида бегона, камситилган, унутилган, бунинг устига қўл-оёғини чорасизлик боғлаб, аламидан кўзига ёш айланмоқда эди. Нима қилсин, қаёққа борсин. Хайри минг алам ўтказсин, барибир, ўз уйидан кетгиси, узоқлашгиси йўқ. Хайри уни чўлга — Мурод чўпоннинг ўтовига қолдирганидан буён икки

марта кўчиб келди. Биринчи гал Хайри уни алдаб-авраб, иккинчисида дўқ уриб — қўрқитиб чўлга қайтарди. Келмасин, деб Мурод чўпонга тайинлади. Мана, у учинчи марта уйига кўчиб келди, бу гал чўлга қайтгиси йўқ. Билади, эртага меҳмонларни узатгач, Хайри у билан қаттиқ гаплашади. Нега келдинг, деб қийин-қистовга олади, тергайди. Йўлдош барини олдиндан билади. Хайрининг бугунги муомаласи шундан дарак бериб турипти. У Йўлдошни кўрдию кўрмаганга олди, қовоғини уйди, саломи жавобсиз қолди.

Нима бўлганда ҳам Йўлдош энди қўрқмайди. У шу хаёл билан ўрнидан турди, ҳовлини ўйчан кузатди. Болалик хотираси, қон-қондошлик риштаси, кўзига ташланиб турган ҳар бир буюм — кўҳна гужум дарвоза, дарвоза деворидан шотиси кўриниб турган арава — бари-бариси уни бир неча ёшга улғайтиргандек хўрсинди. Қўлларини белига тираб бошини баланд кўтарди, сўнг тўғри меҳмонлар ўтирган уй томон юрди. «Улар орасида отамни танийдиганн бордир, — деб ўйларди у. — Ҳозир уйга кираман-да, мен, Ҳаким оқсоқолнинг ўғлиман, деймап».

Балки шундай деса, Хайрининг феъли ўзгарар, уни қайтиб чўлга юбормас... У ёт кишилардан мурувват кутар, болаларча содда ўйларига ишонар, ўзича Хайридан ҳақ-ҳуқуқ талаб қилар эди. То меҳмонхонага етиб боргунича ўтган фурсат кўксига тош бўлиб қадалди. Оёқ босиши оғирлашиб, нафаси сиқди: тутқичга суяниб эшикни очди. Ўзларини буткул ҳузур-ҳаловатга топширган ширакайф меҳмонлар тасодифан кириб қолган, кўзларида қўрқув аралаш бесаранжомлик акс этган соқов болага ажабсиниб тикилишди. Йўлдош жим туравергач, улар Хайрига «Бу ким бўлди?» дегандай қарашди. Аввалига Хайри ҳам Йўлдошни худди ошналари сингари танимади, сўнг бехос чеҳраси музлади, томоқ қириб:

— Бу бизнинг бола, — деди-да, Йўлдошнинг уст-бошидан орланиб изоҳ берди, — дастёр, дастёримиз.

Йўлдош хонага не мақсадда кирганини унутди. На чиқишга, на қолишга журъат сезмай гангиди. Гўё булар бари тушида кечаётгандай, кўрган-эшитгани ёлғондек кўзини юмди, бехос ўртадаги хонтахта томон юрди, депсинди.

— Эси жойидами бунинг, қайт! — овоз тирноқларига довур зирқиратдию чидади, қоқилган жойида тўхтаб, аввал меҳмонларга, сўнг Хайрига ҳайратланиб тикилди: бегона, ҳаммаси ёт кўринди кўзига. Булар ким? Намозгардан буён Йўлдошнинг уйида базм суриб, еб-ичиб ўтирган бу кимсалар раҳмсиз, қўрқинчли, бильакс узоқ. Ҳаким оқсоқолни танимайди булар. Йўлдошни танимайди...

Йўлдош эшикдан чиқмаёқ, Хайрининг:



— Одам қилолмадим буни! — деган таънасини эшитди. У ота нақдми, мақолми, ишқилиб шунга яқин бир гап айтди: «Етим қўзи асрасанг — оғзи-бурнинг мой бўлар, етим бола асрасанг — оғзи-бурнинг қон бўлар».

У биров қувгандек шошиб хонасига қамалди. Эрталабгача уйдан чиқмади.

Зимистон хонада кўз ёшдан ивиган ёстиқ, ўнгу тушида эртак, Мурод чол.

— Рустамжон, — дея мурожаат қиларди чол, — қара, қорли чўққиларга чиққинг келадими?» — Йўлдош жим, гапирмайди.

— Нега индамайсан, гапир!

«Мен Рустам эмас, Йўлдошман».

— «Йўқ, сен Рустамсан, Рустам*...»

Йўлдош — «Рустам» бурчакка суяниб, кўзларини чирт юмди. Қарзини сўраб чиққан бой Йўлдошнинг отасини тинимсиз савалар, кўз ёшу важларига қулоқ солмас, бугундан бошлаб ўғлинг икковинг менга қулсан, уйинг ҳам менинг наҳримга тушган деб ғазаб сочар эди... У ҳушига келганида ўзини оч, юпун отасининг елкасида кўрди. Ниҳоят тўхтадилар. Тоғ, арчазор, тогдек сукунат, қайғу... Уйқу ғолиб келиб чошгоҳда кўз очса, ёнида айиқ болаларию, сут, асал...

Шом... тонг...

— Рустам, Рустамжон, паҳлавон Рустам?

— Нажоткоримиз! — бошпанасиз, қувғинди ерликлару отасининг нидоси тоғу тошда гумбурлаб садо берди. Тош кўчди...

Йўлдош юраги кўксидан чиққудек уриб бошини ёстиқдан кўтарди. Қўлига тиралиб сукут қамалган хонада аланглади: зимзиё. Кўп ўтмай кўзи қоронғуликка кўникди. Ташқаридан шитирлаган овоз эшитилди. Секин-аста уйнинг дераза томон деворини кўкимтир ёғду чулғади. Жиҳозсиз хона янада ғариб, ночор кўринди. Эти увишиб қўзғалди. Бир зум нима қиларини билмай қотиб турди-да, китоблари тахланган бурчакка разм солди. Китоб-дафтарлари хона бўйлаб сочилиб, йиртилиб ётарди. Фаҳмладики, йўғида Хайрининг арзандалари хонасида садр топишган. Чўк тушиб сочилган жилд-қоғозларини бирма-бир дасталади. Хўрлиги келиб пешонасини муздек деворга босди, ушоқ тергандек авайлаб йиққанлари оёғи остига тўкилди...

Кўзи тўла ёш, типини-типига босиб, нафрат билан деразага яқинлашди. Супа чироғи ёниқ, дарахтлар соя солган боғ ваҳимали шитирлар, ҳовли иккига ажралгандек, кўзига бегона кўринди. У шу турганича анчага довур қимир этмади. Бола

* Ўзбек халқ эртаги — Паҳлавон Рустам.

идрокига сиғмаган хўрлик зил-замбил юк бўлиб елкасидан босди. гўё оёқлари ерга михлангану у эса михланганини билмайди, сезмайди. Унинг кўкси, кўзларигина тирик, кўзлари билан нафас олар, кўзлари билан яшар, кўзлари билангина алам қоришиқ тонгни қаршиламоқда эди.

Дераза ортида — чироқ шуъла сочиб турган кенг ҳовлида Хайри, уни йўқлаб келган меҳмонлар ухлашти. Гўё дарахтлар ҳам шитирлаб, эгилиб, шохлари билан Хайри ётган уйни имлаётгандек Йўлдошни Хайри балосидан огоҳ этаётгандек. таҳликада. Кўзи илғаган ҳар бир хас — дов-дарахт, чироқ, ҳамма-ҳаммаси юрагига қутқу солиб, Хайри билан бот-бот ҳисоблашишга мажбур этар, оғирдан-оғир учрашиш фурсати яқинлигини ёдга солмоқда.

«Отам Хайридан қарздормикан? Шунинг учун у менга қўй боқтираётгандир?»

Мурод чол сўнгги пайтларда Йўлдош билан мулоқотнинг йўлини топган — эртак сўйлаб, овуниб, эртак сўйлаб, овутар эди. Чол қулоғига қуйган эртак тонг чоғи ҳақиқатга кўчдию БОЙ тусини ўзгартириб Хайрига айланди. Бой — Хайри! Номи Хайри бойнинг!

«Мен қачон Рустам бўламан» — эртак мисол олис, эртак мисол яқин оразулар Йўлдошни чирмовиқдай ўради. Бу тонг унинг суянадигани эртак, паҳлавон Рустам эди. Суянди, ишонди эртакка. Эртак алдамайди.

Юпун, унутилган хонанинг шифтию деворларига довур савол.

— Нега қочдинг?! — уйғонгач, Хайрининг биринчи сўроғи шундай бошланади.

— «Нега қочдинг?!» — энди унинг жавоби аниқ:

— Кетмайман, кетмайман! — хонасидан оёқланг қочиб чиқди:

— Кетмайман!

Узун темир зулфинни сугуриб дарвозани очди. Йўл чеккасида меҳмонларнинг улови — машиналар қаторлашиб турар. Йўлдош совуқ темирлардан сесканган мисол қарамай қирга югурди. Олдида чўл уфқ томон чўзилган кенг Қизилқум. У қалдиоқ қирга чиқиб, Остонани — бутун қишлоқни кузатди. Кун чиқар томон қизариб келар, паст-баланд қирлар, қумтепалар орасида Остона чўкиб ётгандек. Кимнингдир сигири чўзилиб маъради. Моллар уйғонди.

Қирда Йўлдош тиззаларини қучганча, ёлғиз мунғайиб ўй сурар экан, Хайри, қўшни чол-кампирлар — қишлоқ аҳли бирма-бир кўз ўнгидан ўтди, ўтаверди. Сўнгида Хайри, улкан Хайри қўлида қамчи билан пайдо бўлдию, жамики остоналикни худди қўй санагандек «Бир, икки, уч...» деб тартиб



билан қўрага қамай бошлади. Бош кўтариб, кўзига қараганни қамчи билан савалади. Ниҳоят, катта-кичик остоналик саноқдан ўтди — қўрага қамалди. Хайри қўра эшигини чилвир билан боғлай туриб, ҳамқишлоқларини бир-бир кўздан кечирди:

— Йўлдош қани, ким яширди уни?! — деб жар солди. Саволини тағин қайтарганида ёшу қари ҳамма Йўлдошни кўрсатиб:

— Ана, ана у! — деб қир томонга қўл чўзишди.

Йўлдош ирғиб ўрнидан турди. Кўз олдини бир зум туман қоплади-да, сўнг секин-аста ҳамма ёқ ёришди — қуёш бош кўтарди. Пастдаги умум қўра бўм-бўш, ёмғирдан қорайган ёғоч ходалари устида қарғалар қўнган. У шошилмай бир-бир босиб, пастга тушди, ариқда қўл-бетини ювиб, уйга қайтди.

Тунда ошпаз очиқ қолдирган қозон, кули тўкилмаган ўчоқ, бўшаган арақ шишалари, сочилган кабоб сихларига кўзи тушдию кўнгли озди. У кечадан буён туз тотмаган — оч. Оқшом ошпаз тутган бир сих кабобга эса қарамаган эди. Усти очиқ лаганда меҳмонлардан қайтган кабоблар аралашиб ётарди. Очлик ғалаба қилиб, беихтиёр лаганга қўл чўзди. Бир сих қотган кабобни тутганича туриб қолди. «Емайман, емайман!..»

Сакраб боққа тушди. Хазонларни босиб-янчиб сарғайиб пишган хандалакдек беҳини узиб, чангаралаб қишқларини кўйлагига артиб, хонасига кирди.

...Чошгоҳда Хайри уйғотди. У эшикни ёпиб, бўш сандиқ устига ўтирар, елкасида беқасам тўн, қўлида Йўлдошга таниш қамчи. Нафасидан арақ анқийди. Кўзлари қип-қизил, қабоқлари шишган. Тунд.

Йўлдош Хайрини бу эрта қуёш чиқмасидан сал фурсат олдин худди шу қиёфада кўрган, ҳозир эса пастдаги қўра ўрнида — хона, ҳамқишлоқлар ўрнида — ўзи. Хайри эса ўзгармаган — аввал кўргандек ўша-ўша!

Йўлдош оётини қучиб, Хайрига қарама-қарши, кўзидан кўзини узмай қараб турибди. У жим, Йўлдош жим. Сабри чидамай жимликни Йўлдош бузди:

— Кетмайман!

— Кетасан!

— Кетмайман.

— Кетасан! — Хайри ирғиб турди-да, туйқус Йўлдошнинг бошига қамчи солди. — Кетасан! Етар, шунча асраганим, ёшсан дедим, боласан дедим, йўқ ақлинг кирмади сени! Қорнинг тўқ, устинг бут, ношукурчилигинг бошингни ейди!

Йўлдош эгилиб, бошини тиззаси орасига суқди, қўллари билан қулоқларини беркитди. Вужуди қизиб, думдумалоқ

тонга айланди. У на ҳақорат, таъназн эшитар, на қамчи зарбини сезар. Хайри тепиб эшикдан думалатиб юбормаса бўлгани эди.

— Кўтар бошингни, кўзимга қара, бола! — Хайри уни сочидан тутиб ўзига қаратди. Гапимни уқдингми? Ота-бобонг чўпон ўтган, сен ҳам қўй боқасан, лаганда кабоб бор, янганг нон тугиб қўйибди, ол. Эшпаст Муродга элтасан. Бўл тез!

Хайри устига шол қопланган «Урал»ни айвондан супага олиб чиқди.

* * *

Остона — «Ҳазор нур» йўлининг ҳар қаричи Йўлдошга ёд: биринчи гал чўлдан қочганида, бахтига йўловчи машина учраб, тун маҳали Остонага ташлаб ўтган эди. Ўшанда Хайри уни терғамаган, хуш сўзлар билан силаб-сийпаб йўриққа солган: қўйларидан хабар олгани, чўпонга ул-бул етказиш учун кетаётган ҳамқишлоққа қўшиб жўнатгани ёдида.

Кўп ўтмай у яна қочди...

Ўша илк дафъа қочдию ойғидан занжирлар узилди.

Бола-да, Хайрининг хуш сўзию хуш сўзга йўғрилган макрига ишонди. Алданмай, йўриққа кирмай иложи йўқ эди унинг. Йўлдош тугул бутун Остонани акраб, қутқута чирмаган маккор етагидаги етим болага бас келмайди ҳали? Унинг номи Хайри, Хайриддин ахир! Ким қўйса ҳам топиб ном қўйган — Хайриддин, юрагида, йўқ, тилида худоси бор Хайрининг. Агар у мулла бўлганида ҳам беназир мулла бўлар, Остоналик чин мусулмон синалса. Хайри тил учидаги худоси билан қўй мижоз сахройиларни ўзига агдариб, ақлу ҳушига қулф солган бўларди.

Замондан, тақдирдан минг ўргилиб айланса арзийди. Хайрига муллалик эмас, фотиҳлик ҳунари ва ҳунарига хос зийнат — оғиина ҳушёрлик, ҳушёрликки, бошқалар тезда англамайдиган, англаб фарқига етмайдиган макр насиб этди. Хуш давронларким, у фурсатни бой бермади.

Аслида фурсат деган йўқ, йўқлиги ростки, у йўқ, кўзга кўринмайди, ҳаводек бўм-бўш. Йўқ фурсатнинг қадрига етган Хайрига ҳам офаринки, у фотиҳ — бор, яшаяпти, кўзлари кўради унинг — кўрмас, қулоқлари эшитади унинг — кармас. Оёқлари бутун — шолмас. Бир тирик инсонга, бир тугал макрга — макрки, ўғанинг ўлигини маҳв этишга қодир, — шу етади.

Йўлдошми? Йўлдош ҳали бола: осмон қадар олис макру мантиқдан йироқ у.

... Гуноҳкорларча чўлга қайтдию, чолнинг таъпасида қарпилагани, — гўё Йўлдош қочмади, тунгача подани унутиб,







Бухоронинг сўнгги амири Саид Музаффар Олимхон. 1944 йил апрель ойида вафот этди. Уни Кобул шаҳри теварагидаги «Шаҳидони ислом» («Ислом шаҳидлари») қабристонида дафн этишган.





Саид Олимхоннинг Москвага олиб кетилган ўғиллари Саид Султонмурод, Саид Раҳимхон, Саид Шоҳмурод (чапдан ўнгга). Ихтиёрсиз, мажбуран олиб кетилган амир зурёдлари Москвада қаттиқ назорат остида бўлишди. Маълум муддат ўтишгач, уларни оталари — Амир Олимхондан воз кечишга даъват этишди. Учала ўғилнинг тақдири ҳам фожеали кечди...

Катта минора (Минораи калон) Бухоро шаҳрининг меъморий рамзи саналади. 1920 йилнинг сентябридаги тўпларида Фрунзе жаллодлари томонидан Бухоро ёндирилди, портлатилди, тарихий обидаларимиз бомбардимон қилинди. Ярадор минорада акс этган ушбу ҳолат рус босқинчилиги тарихидан ҳикоя қилади.

Саид Шоҳмурод Олимхон ўғли. Москвага олиб кетилган уч ўсмирнинг бири Саид Шоҳмурод отасидан воз кечиш, уни лаънатлашга қориштирган, шўро мафкураси мақсадига йўналтирилган хатга имзо чекишга мажбур бўлади. Хат 1927 йил совет матбуотида эълон қилинади... Тақдирга тан бериб ўсган ўсмир ҳарбий соҳада ўқиди. У йирик ҳарбий саркарда — генерал даражасига кўтарилади. Собиқ СССР Мудофаа вазирлиги Бош штаби Ҳарбий академиясида узоқ йиллар ҳарбий илмдан сабоқ берди. Саид Шоҳмурод 1980 йилда вафот этди.





Саид Умархон ҳозир ҳаёт бўлган фарзандлар орасида энг каттаси. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, Амир Олимхоннинг уч ўғли — Саид Умархон, Саидмуҳаммад Иброҳим, Саид Кабирхон (1993 йил охирида) ота юртга келдилар.



Саидмуҳаммад Иброҳим Олимхон ўғли. Туркияда яшайди.



Бухоро тарихининг билимдон ёзувчиси Йўлдош Муқимов.



Муҳиддин Тошев. Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг ректори, профессор.



Гулсум Мўминова. Вобкент йигирув-тўқув фабрикаси директори. У Бухоро аёллари орасида ўзининг фаол ижтимоий меҳнати билан ҳурмат қозонган.



Меҳриддин Қўлдошев, милиция полковниги. Унинг терговчилари ҳақидаги кўплаб мулоҳаза-таклифлари бугунги қонунчилигимизда ўз аксини топмоқда.



Муҳаммад Аҳмедов, «Маданият» жамоа хўжалиги раиси.



Шавкат Иброҳимов, вилоят ўрмон хўжалиги бошлиги.



Шавкат Неъматов.



Қодир Йўллиев.



Ҳожихон-Ҳожи Қаҳҳоров, назм ва насрга ихлосманд, халқ ижодиёти билимдонларидан бири.



Ражаббой Очилов.



Илҳом Ғаниев, Бухоро Давлат Университети проректори.



Салим Раҳимов, собиқ империя даврида Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний — Хўжайи Жаҳон қабрларини обод қилиб, Ғиждувон қиёфасини ободончилик сари ўзгартира олган юртдошимиз.



Ғиждувонлик Султон Муқимов узоқ йиллар «Жилвон-2» давлат хўжалигини бошқарди. У меҳнат фаолияти билан қишлоқ хўжалиги соҳасида бой тажриба тўплади.



Ҳалим Вафиев.



Пурмат Умаров. Шофиркон тумани ўрмон хўжалиги бошлиги.



Ғиждувонлик Ғайниддин Носиров узоқ йиллардан бери Ф. Хўжаев номидаги жамоа хўжалигининг раиси. У ҳалол меҳнати, тажрибаси билан эл орасида қадр топди.



Нажмиддин Исомов. Бу ном Шофиркон қишлоқ хўжалиги тарихида алоҳида мавқега эга. Нажмиддин Исомов ўз касбининг (агроном) етук, билимдон кишиси, заковатли, пишиқ-пухта раҳбар. Ҳа, шундай кишиларгина ўз туғилган гўшасининг ободлиги учун қайғура олади, интилай олади.

Шуҳрат Тўраев. У зиёли оилада улғайди. Тўраевлар хонадонининг навқирон авлодига мансуб бу йигит қадрдон дўст, каттаю кичикка ғамхўр, меҳрибон, ташкилотчи сифатида ўзини намоён эта олди. Иқтисод, иқтисодий билимлар мамлакат тараққиётининг негизи ҳисобланади. Шуҳрат Шофирконда шу соҳа ривожига ҳисса қўшаётган тенгдошларимиз сарҳоридир.





Жума Зоиров. Машҳур «Талисафед»ни эслайсизми? Бу номни эшитганда беихтиёр юзингизга табассум ёйилади. Ҳа. Жума ака кинофильмда жаранглаган «Талисафед» жамоа хўжалигининг раиси.



Абдураҳмон Отамуродов «Ф. Хўжаев» жамоа хўжалиги тадбиркор ўқитувчиларидан бири. Спорт соҳасидаги ташкилотчилиги, билими туфайли эл орасида машҳур.



Янглия Тўраев. «Бухоро» ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари.



Рустам Ражабов, шифокор.



Холмурод Эсонов. У собиқ Свердлов (ҳозирги Н. Расулов) номидаги мактабни аъло баҳоларда якунлади. Унинг билими, аъло хулқини ўқитувчилари ҳозиргача эслашади. Холмурод ўз орзу-ҳаваслари даражасида улғайди. Ўз севган касби ҳуқуқшунослик соҳасида ўқиди.



Эргаш Жумаев, академик Иброҳим Мўминов номидаги жамоа хўжалигининг собиқ раиси.



Бахшанда Болтаева. Бир аёлда жасорат, меҳр-муҳаббат, болажонлик, раҳбарлик иқтидори, нафосатга, ижодга тўла қалб бўлса, шу — севимли онамиз Бахшандахон мисол. Яқинда унинг «Сизга айтар сўзим» номли китоби чоп этилди. «Ёзувчи» нашриёти адибанинг энг сара асарларини ўқувчиларга ҳавола этар экан, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг «Бахшанда» номли шеъри билан тўпламни якунлайди.



Абдулла Ҳакимов, Ситораи Моҳи Хоса санаториясининг директори.



Бухорониnг 2500 йиллик тантанасида АҚШда яшаётган ҳамюртларимиз ота-ўғил Саид Қори ва Муҳаммад Ҳасан ҳам қатнашдилар. 88 ёшли Саид бобо (чапдан биринчи) 69 йилдан сўнг она юрти Бухоро билан дийдорлашди.



Полковник Раҳмат Аҳмедов ўз туғилган гўшаси Шофирконнинг Саврак қишлоғига борганида гала ёшлар, ўсмирлар юрагида чўғ ташлаб қайтади. У спорт, санъат, адабиётга бўлган қизиқиши билан ёшларга намунадир.



Ҳамид Ҳомидов. Тажрибали шифокор, кўплаб ёш ҳакимларнинг устози. Шофиркон врачлари орасида унинг ўз ўрни, эътибори бор.



Рамазон Ражабов, тадбиркорлар палатасининг раҳбари.

чодирдан олисда ўз хаёлларига ғарқ бўлиб йитди. Мутеларча гуноҳидан кечгани алам қилди. Шунда Йўлдош илк бор чорасизлик, меҳр-шафқат домига илинди. Чол сингари бир сўз демади, бош эгди.

Бир кекса, бир ёш эгикбош, бир кекса, бир ёш индамас, олдинда бир қўра қўй. Яна қўлларида таёқ, кимни калтаклашади бу таёқ билан, қўй таёқ зарбини кўтаролмайди. Уларга «Ҳайт! Ҳайт» деган овози кифоя. Ёки «қўра» деб сас чиқарсангиз, тўдаланиб ўзини қўрага уради. Шундай, ажойиб бу қўй халқи. Уни яратган худога шукр, уни қўй атаган донишга қуллуқ!

Қўй — муроса.

Қўй — қўй-да! Тили боғлиқ қўйнинг, кўзи боғлиқ, қулоғи боғлиқ...

Шу куни иккиси ҳам қўйга овуниб, қўйга боғланиб кунни кеч қилишади. Чол бугунни унутса унутар, Йўлдош унутмайди, унутолмайди.

«Қочаман, барибир, қочаман...»

Мурод чол Йўлдошга бегона эмас: яқин қавми, бир тупроқнинг одами. Яна қондош-жондош, ота қадрдон. Йўлдош буни билмайди. Билганда ҳам нима ўзгарарди, бўйнидан тизгинни олармиди ёки хайр-хўшлашиб Йўлдошни Остонага кузатармиди? Яширган нигоҳни эгилган бошидан сездики, чолнинг рағбати мойил, мойилу қўрқоқ. Хайридан қўрқади. Бугуннинг, эртанинг, бирга яшай бошлаган илк куннинг Хайридек тушунуксиз жумбоғи чолнинг қўрқоқлиги, мутелиги.

Бу кунларнинг сири бор, алдови бор. Хайридек тишботмас: билимдон жасур фотиҳи бор эдики, остоналиклар билиб билмасдилар. Юртдан сал четга чиққан қадам — чегара Мурод чол бўлса, бири Йўлдош. Иккиси ҳам ўйлайди, узоқ-узоқ ўйлайди.

Ажабмаски, оҳи кўкка етиб, болагина уйига қайтса, етим бўлсада, есир бўлса-да, қайтса. Туғилган уйи, ота-онасининг мулки, ажабмаски, Хайри инсофга келса, эрта-кеч чолнинг хос нияти шу.

Ҳа, чол Йўлдошга бегонамас, кўҳна чўпон эди у. Остона аҳлининг хизматкори — беминнат, содда, ҳалол хизматкор. Қариганида қишлоқдан олисда, якка-ёлғиз қўй боқиб, юмушдан толмай кун санайди. Соддалик, ҳалоллик чолнинг саноғига кирмайди, фарқламайди, у кун санайди, холос. Сўнг у фарқни бировдан қарзга олмаган, неки бағрикенглик, ҳалоллик — бари ўзиники. Биров панд берганмас, бу ҳақда ўйлаб ўтирмайди, бир-ярим оғирларга дуч келганида, ҳа, энди тирикчиликнинг ғубори бўлади-да деб қўл силкийди. Мана, қариганида Хайрибой, остоналик Хайрибой, зоти-зурёдининг

тайини йўқ Хайрибой, Остонага ёту, Остона менини, сағир Йўлдошга мен ҳокимман деб тирғалган Хайрига қолганда лол, гунг.

«Онам мени қўлли-оёқли туққан, оғзимда бир парча тилим ҳам бор эди? — чол юз бора, минг бора ажабда. — Хайрининг тили узун, тилига тушов тушмаган, узун. Ажабки, кечагача бирон гап сўраса, топиб айтардим, тилим бурро эди... Хайрибойнинг тили узун?! Сўкади, тепади, ёлғон гапиради, меҳри товлаб сувк ташлайди — гапини икки қилиш мушкул, гапи гап Хайрининг! Кароматн зўр Хайрининг, меҳри дарё — тилингдан олади қизиталоқ! Кароматн зўрки, тилимга тушов тушган. Бир ҳисобда гапирмаган маъқул, оғил очсанг — қаҳр қочади, юракда тошдек тугун бўлиб ётмайди. Тош борки, бир кун отилмоғи бор. Мен отарман, отолмасам, Йўлдош отар...»

Хайрининг ёлғиз қусри феъли торлиги бўлсаку уни худога топширса? Унинг ангори қўриқчилик, сиёқи одамга ўхшамайди. Хайри битта эмас. Кўзига қарасанг, мулойим жилмайишю ёқасидан битта Хайри, иккита Хайри, юзта Хайри бўй чўзади, ўсади. Бунақасини Остона пайдо бўлиб кўрмаган. Элни бир-икки йўлтўсар гапга кирмас шумфикрлар, қароқчилар босгану, минг тоиба, Хайридақамас. Улар оларини олиб кетар эди, минбад ўзини остоналик санамас, ўзга уйга эгалик ҳам қилмас эдилар.

Ўт балоси, сув балосини эшитган, кўрганлар бор. Энди Остонани Хайри балоси босмиш. Қони қўшилмайди, ёт — етти ёт бегона у. Остонага эл бўлмаслиги шундан. У оч — тўймайди. Ҳамиша қонга, қурбонликка ташна у. Тўймайди! Хайрига ўзидек рақиб ё бир бошқа тус балойи азим бас келмаса, уни худога солиб бўлмас. Бандаи мусулмон борки ҳали Хайри балосидек дўзахга учрамаган. Яна, яна Ҳаким оқсоқолнинг ўғли, ёлғизгина ўғли, Йўлдошни...

Хайри тасаввурда шундай — улкан, тушда шундай улкан ақлу ҳушда шундай қонхўр фотиҳ эди. Чол хаёлининг озори ўзи, мискин чорасию умидбахш оразуси ўзи билан...

Йўлдошга бегонамас у — ота қадрдон. Йўлдош билмайди. Билгани шуки, Хайри уни қишлоқдан олис — «Ҳазор нур» яйловида қўй боқаётган Мурод чўпоннинг қўлига топширди. Қўй боқасан, деди. Сендан тез-тез хабар оламан, деди.

Хайри кетгач, туйқус юраги ваҳмга тўлиб, ёлғизлик, қадрдон уйидан йироқлик азоби қийнагин, омонат чодиру қартайган чолга ўч билан тикилиб Хайри йўл олган томон қочгиси, шамол бўлиб учгиси келгану, лекин кейинчалик ҳам у, — гарчи чўл бегона бўлмасада, сира-сира тоқат қилолмаган, қумтепалар, ўзга манзил, ёт тупроқдек уйини унутолмади. Иложсизлик аввал қўл-оёғини, сўнгра тилини боғладики, у юрагидагини сездирмаса-да, кўниккандек чолга эш бўлди...

Ҳеч ким — на Хайри, на масофа юрагига, ўй-хаёлларига қулф осолмади. У юрагию, ўй-хаёлларига таяниб қўлига таёқ тутди. Қўй боқди. Ёнида Мурод чолнинг ивирсиб юргани, Хайрининг келаман деб кетганидан билдики, уни чўлга мажбуран ташлаб кетишди.

Уни ўз хаёлидан бўлак сўрайдиган кишиси йўқ. Уйидан, Хайридан ажратган ўша кун Йўлдош якка-ёлғиз, чолнинг таъбири билан айтганда, худди худодек ёлғизу бироқ, паноҳсиз, жазирамада қумга суқилган таёқ эди у.

* * *

Ортга қайтишга маҳтал ушбу имконсиз дамда ҳам Йўлдош эрталабки дилсиёҳлик, қамчи зарбини вақтинча унутиб, қочишни режалаб борарди. Йўлдан кўз узмай, гапирмай қовоқ уюб илгарилаётган Хайри энди узил-кесил душман, ёт. Хайри уни бола эмас, ўзига тенг санаб, ёнидан жилдирмай мотоциклда олиб боряпти. Илонизи энсиз йўлга тикилиб, йўлларда улғайганини сезмас, танида неладир қоришқин куч туюб енгил нафас олар, кўнгли ёришиб бормоқда эди. Иккиланиш, қочиш таҳликаси чекинди. Ҳар гал қочиш олдидан тиззаларига қалтироқ соладиган бўйсунмас қўрқув чекинган. Хайри уни «Ҳазор нур» тугул Қизилқумнинг нариги бурчагига адаштириб қайтганида ҳам қўрқмайди, уйини топади. Бу ният, собитлик — бошига тушган илк қамчи, хўрликдан, зулмдан туғилган Исёи отли бола эди. Исёнинг исми — Йўлдош, Йўлдошнинг исми — Исён, уларни бир-биридан ажратиш, айрича атаи мумкин эмас эди. Илгари ёлғиз бўлса, бугундан қабатига исён қўшилди.

Хайри... Индамас Хайри қайсар болани ёнига олиб кетар экан, унинг Йўлдошдан кутган ниятлари режали, тугал. Қарамоғидаги меҳрга ташна бола ҳақида жиддий ўйлаш шарт эмас. Худо унга тақдир битмаган. Йўлдошнинг тақдири — Хайри. У болалигига бориб, ҳар қанча йиглаб-сиқтамасин, қайсарлик писандмас. Хайрининг чангалидан осонликча қутулмайди.

Тақдир бир гал кулиб боқдими, демак, Хайри шунга муносиб. Уйидан жой берган, бошини силаб меҳр кўрсатган оқсоқолнинг ўзи — Йўлдошнинг отаси. Ҳеч ким Хайрини мажбуран бўйнига ортмаган. Отанг пиширган ош, айланибўргилиб ичасан, чидайсан энди. Совиса, ўзим тагига ўт қалайман.

Остоналикларнинг наздида Хайрини одам қилган гўё Ҳаким оқсоқол. Аслида ундай эмас, деб ўйлайди Хайри. Уни

одам қилган қўй! Эшитган қулоққа кулгули, лекин кўплар менсимай, тирриқ қўй билиб камситган ювош жониворга нисбатан Хайрининг меҳри бўлакча. Аслида, остоналикни ҳам қўйдан фарқи йўғу, устига жун эмас, тўн илганда, сирасини айтса, уларнинг ҳам бозори бўлганида-ку. Хайри керагини қолдириб, бошқасининг (ҳартугул хизматкорлар керакку!) барини пулларди, минг афсус бозори йўқ. Қўй дегани гапирмайди, кўзингга тик қарамайди, зардаси йўқ, бошини эгиб хас-хашак кавшагани кавшаган. Ахир қўй дегани шунчалар бўлар-да?! Дунёни пойи пиёда, қаричма-қарич кез — бу тоифага ухшашини тополмайсан.

Ичиб, кайф бўлган чоғларида Хайри хонаки қўйлари билан сўйлашади. Йил ўн икки ой қўрасидан ўн-ўн бешта қўй аримайди. Аммо-лекин у кенгликнинг шунисига тан берган. Падар лаънати остоналик «Ўлсанг гўринг кенг бўлсин» деб бежиз айтмаган. Баъзида улардан-да ҳақ гап чиқади. Кенг Остона, юртидек кенг феъл афанди остоналиклар уни бошига кўтарди. Тушгиси, кечгиси йўқ улардан. Қишин-ёзин «Чўлқишлоқ»нинг қирларида ёлғиз Хайрининггина эмас, қўшниларининг ҳам қўйлари ёйилиб юради. Хайри баҳор кунлари тез-тез қирларга чиқиб, қўлини белига тираб Остонани қўйларини кузатади. Ич-ичидан қувонади, фахр туяди: «Остона меники».

Унинг фахр туйиб англаган иқрорига жавоб битта — сукут, кўк қизғаниб бир-биридан илгарилаб чўл узра ёйилаётган қўй-қўзилар, тирикчилик, тирикчилик ташвишига ғарқ бўлган остоналиклар. Остона...

Узоқларда унинг яна бир сурув қўйи бор, чўпони борки буниси фахр, юракка нақ оташ солади, қадни кериб, оёқни ерга ишонч ва зарб билан босишга ундайди, юрганида қадамидан ўт чақнайди.

*Қўйлик одамнинг қадами шундай — чарс бўлади.*
*Қўйлик одамнинг этагига балчиқ ёпишмайди.*
*Қўйлик одам доим қўйини кўпайтириш пайида бўлади*
*Қўй дегани хўжайинига на фақат пул, қудрат яна*

ўзини бошқариш учун қўлига қурол — таёқ тутқазадики, уни Хайричалик қадрига етган — таёқни маҳкам тутган камдан-кам топилади. Ўйлаб-ўйлаб билдики, тилсиз-забонсиз хокисорни кўпайтир, қанча кўпайтирсанг, шунча оз, ўз номи билан қўй у, ҳеч маҳал оёғингга тушов солмайди, ўз насибасини ўзи топади, сени боқади, эга бўлсанг, эга!

Ээ, Хайри Остонани забт этибдики, у қўйшунос! Бу кунларга етишни ўзи бўладими? Узоқ қўл етмас бу маконда ғайрилик сезади. Кимлардир, дунёнинг нариги чеккасидан бўлсин, Хайрини адоват билан кузатаётгандек, пинҳон сири-

ган воқифдек. Чораси бор бунинг, ахир у бекорга қўпшунсми. Ғанирипса ғанирипавернисин, элнинг огзига элак тутиш нияти йўқ, ҳар ҳолда ҳунёрлик зиён қилмайди. Узоқдан отилган тош тош эмас, атрофингга, ёнингга, орқа-олдингга ҳунёр бўл. Кесакдан ўт чиқиб, остоналик огиз очмаса бас. Бари ёлғон!

Чала туғилган қўзидек шумшук бу бола ганига кирсаку, Хайри кўп ниятларга бел боғлаган. Ҳозирча хавф йўқ. Ўзини, катта рўзғорини керагича тальйиқу ҳужумдан ҳимоялаб, Остонанинг жамики дарвозаси бор — калити қўлида. Унга бир пойлоқчи, ишончли айғоқчи керак. Умиди Йўлдошдан, бунинг эса бўлиш-туриши мана бундай, совуқ, ҳалитдан ганга кирмади, қочишни, панд беришни касб этди. Қочган оёқларини уриб синдириш қийинмас-у, лекин Йўлдошдан умиди бор, асли умидмас — талаб, мажбурият. Умид деб пардалаш хавфсиз. Ҳар қандай тузоқ — сўзга ҳам либос кийдириб ясантирсанг, одам мисоли башанг кўринади, ялтирайди, кўринади, ялтирайди. Кўримли одамдан гумон, шубҳа узоқроқ юради.

Насиб этса, ҳали Йўлдош Хайрини қўриқлайди, жамики Остоналикдан ўз ҳимоясига олади. Уни Хайри сўзлатади — тили ўрнида Хайри ўрнатган тили, боши ўрнида Хайри ўрнатган бош, қаерда фисқ-фасод чиқса, Йўлдош бостиради: «Жим, — ёки, — ёлғон! Хайри менинг оғам!» — ана шундагина Хайри Йўлдошдан рози бўлади, суяк билан боқади, барибир, занжири қўлида бўлади, уйи атрофидан кетмайди, ҳуради: «Вов, воф, воф-воф, воф!» қочмай кўрсинки, остоналик, қочади, қочмаса, Йўлдошга талатади! Девдек йигит бўлади ҳали Йўлдошбек, девдек.

У ўйлу-хаёллардан ийиб мотоциклни тўхтатди. Қоңқогига гилдирак ўрнатилган қутини очиб, тугун олди. Нон орасига ўралган кабобдан бир сихини ишқибозлик билан Йўлдошга тутди:

— Е! — гўё Йўлдош кучук боласию, Хайри кучукбоз.

— Емайман, — Йўлдош дабдурустдан узатилган қўлни, сихга терилган қора тугунларни қамчи, учи тугулган қамчига қиёс этди, бош чайқади, — емайман...

Хайри ортиқ асабийлашмай, қўлидагини улоқтирди-да, эгарга минди. Йўл олишди. «Ўрганасан, шундай ўргатайки, гўшт эмас, кесак отай, оғзингда увалатмай қўлимга бутун тутқазасан!»

Ит ит-да! Сийлаганни қопади. Тизгинни маҳкамроқ тут, қўлдан чиқарма. Шунда у итлигини бўйнига олиб, эгасини танийди. Бола эмас, ўчакишадиган кучукча бўлибди-ку, нокас! Ишқилиб, оғиз солишга ўрганмасин, ҳозирданоқ бирикки тишига омбур солишга тўғри келади...

Эсласа, дастлаб, Йўлдош ҳақида жуда экўп ўйлаган. Урмайман, сўкмайман — қўй боқтираман. Ўқиб гўр бўлармиди?! Ота-бобоси саводсиз, бунга ким қўйибди ўқишни, ярашмайди. Шундай қилиб, у Йўлдошнинг ота-бобоси илмига тупроқ тортиб айтдики, Йўлдошбой, иним, тақдирга тан бериб, қўй боқасиз. Боқмай иложингиз йўқ, бугундан эгангиз менман. Астойдил хизмат қилса, ташлаб қўймайди. Чўлдами, қўлдами бир кулба тиклаб, бошини силайди. Лекин бунгача ҳали кўп қовун пишиги бор. Хайри анойи эмас, огандаги ошини олдириб ўтирса.

Хом сут эмган банда, одамзод инглишаркан. У илгариги ўйидан воз кечди. Яхшиликни ит билмайди, ит! Буку ҳали одам, одамвачча, шайтон! Итми-битми райнинга кирмаган, йўлнига юрмаганни уриб янчсангки, кўзи очилса! Дунёда тайқ деган кўп улуғ сабоқ бор, мен шундан дарс бераман. Афсус, Йўлдош битта-да, йўқса ўзи биларди...

Мактабдан қолмайман, ўқийман дебки, хуноб қилди мени. Билмайдики, остонада энг катта муаллим менман. Калланг бўлса, сен сабоқни мендан ол! Эшак миниб келиб кетадиган ёрти, чала саводлар сенга нимани ҳам ўргатарди? Уларнинг гами сен эмас, бир қоп ўт! Қайтишда қопни бўш кўрса, хотинчалари тўшакни айри солади. Мактаб дейсан, мактаб-а, сенга илмни ким қўйибди, бахтинг бор экан, ўқи. Хайрибойнинг дала-дашти, ёз-ёбони сеники! Китобинг қўй — эскирмайди, жилди кўчмайди, варақи йиртилмайди. Янги-янги! Ҳамиша янги, қогози асл, ўқи, ўқи, ўқи!

Мактабнинг эгасиман деб юрган жонкуяр-ку, сени менга сотди. Нархинг иккита барра терию юз сўм пул. Сен шуларнинг қўлида ўқимоқчимисан, гапи қулоғингга кирадими шуларнинг! Ўшагина, мен берган барра тери тери эмас, аслида сенинг терииг! Барра ҳам сендек, гўдак, ўзига сўйдирдим: ба, ба... иих, иих!.. Ишонмасанг, бориб кўр, бирини ўғлига, бирини ўзи қулоқчин тиктириб кийди, ҳозиргача оҳори тўкилмаган. Теринг муаллимнинг бошидаю, сен ўқийман, дейсан. Илондек эгдим, синдирдимми муллангни, қўлимда хўл чиниққа айлантириб, сен толибу илмни думбангга ширттиллатиб урганимни ким кўрди?!

Ана шундай, мулла Йўлдош, таъқлан бошқа сабоқларим ҳам бор менинг, ҳунарим кўп.

Бу бола ҳали хом ўйлайди, Хайрининг кимлигини билмайди. Ёки у ёқда эси оган чол — Мурод йўлдан урадиганми, қўйларим кўпаяётгани ботмаяптими, қизганяптими? Нима бўлганда ҳам бетонада у. Хайрига бетона, мана бу итлиқи билан қони бир.

Ахир у кўп ювош эди-ку, яна ким билсин, ёт-ётлигига



борадида, ишониб бўладими? Хайри Ҳаким оқсоқолнинг энигида юрганида Мурод Остонанинг куйди-пишдиси — гўркови ҳам, хабарчиси ҳам ўзи эди. Унга хизматлари ярашарди. Фарзандлари вояга етди ҳамки, касбидан воз кечмади. Мана, ой-кун ўтиб қариганида ҳам Остонанинг хизматида — «Ҳазор пур»да чакана боқади. Юмуши учун кўп бердинг, кам бердинг демайди, миннатсиз...

Аслида шу чолни йўқотиш керак. Тирик тарих, хотира у. Қишлоқдаку қўрқишга арзигулик талабгор йўқ, бир-иккисини тили чиққан бўлса, уларнинг бурро тилига қулф солиш қўлидан келади. Яна, худодан кўмак — банд улар, чувриндиларини боқиш, едириш, ичириш, кийинтиришдан ортмайди. Яна, худо уларнинг кўнглига мўл-кўл орзу-ҳавас — тўй солган. Йўлдош билан кимнинг иши бор, бўйинтуруқдан кечиб, Йўлдошни деб куйинадиган мард йўқ Остонада — топилмайди.

Ҳеч ўйламагани — узоқдаги тентак чол кўнглига хавф солди. Бекорчи вақти кўп унинг. Қўй боқиш учун калла ишлатиш шартмас. Ақлдан йироқ қўйга қўйдай одам керак. Шу одам Мурод чол, деб юрса... Йўлдошнинг қочгани, мени бот-бот узатганим фақат чолнинг ёдида қолади. Ажабмасни, Йўлдошга бош бўлиб, менга қарши тезласа, бирикса... Келмас танда бу, узоқни ўйламаган — яқинни кўрмайди. Илон ҳам сиртдан ювош, оқорсиз, судралади, ҳатто қўл-оёғи йўқ, похос чақсами, ўлдирмай қўймайди.

Шу топда чол нақ илондек кўринди кўзига. Не қилсинки, ҳозирча бир сурув қўйи, Йўлдош шу илоннинг қўлида. Ҳозир вақти эмас, Йўлдош подани мустақил бошқаргунча сабр қилишга тўғри келади. Узоги билан бир йил қолди. Хайри тирик экан, Мурод чол қулоғини қимирлатолмайди, яхшиси, юрагига қутқу солмаган маъқул, сезмасин, ажали етиб ўлсаку худо деганн, йўқса, Хайрининг ўзи жанозасини ўқиб, тобутини елкага олади.

* * *

Хайрининг гумони бежиз эмас, чолнинг сўнгги кунларда юрса-турса хаёлида Йўлдош, ҳеч кимга сездирмайди, ўзидан-да яширади...

Эртак айтди — овунмади, имонини ютиб, ёлгон сўзлади — овунмади. Йўлдош ёнида ойлаб жим, уйн, Хайрини — барибарини унутгандай мудраб юрса-да, назарида бир қунмас-бир кун огашга айланади-ю, чўлни, чўлга кўниб чолни ҳам ёқиб юборади. Қариган чогда Йўлдош билан ҳамроҳ бўлдию тинчини йўқотди у. Аслида-ку Йўлдошмас — ўзи мудраб, бехавотир, тинчгина қўйини боқиб юрувдию тўсатдан... Агар

Йўлдош бошида ҳарҳаша қилганида, йиғлаб-сиқтаганида бунчалик бўлмасмиди? Унинг индамагани юракни эзади, индамай пичоқсиз сўяди.

Кун ўтган сайин Йўлдош билан кутилмаган хавфга яқинлашиб бораётгандай, қачон, қай тарафдан келади ўша офат, келса, ким бошлаб келади?

Ойлаб пинҳон тутганини ўзи — овсин, кўзлари ошкор этди. Йиғлади. Йўлдош кўриб қолмаганида, ўзи айтиб, ўзи йиғлаган, ғойибдан келадиган мадад — тухфага ишониб муддатни чўзган, овунган бўларди.

Ўшанда иснинликни ўқиб, бир пас тек қотди-да, тағин ўтириб-туриб нола қилдики, чодирга туйқус кириб қолган Йўлдош сас бермай ортида туриб қолди.

— Йўлдошни Хайри балосидан озод қил...

— Э, қодиру халлоқ, ҳукмингга шак йўқ, лекин...

— Ота-онасига насиб этмаган кулба ўзига буюрсин... омин...

— Гўдакда не гуноҳки, уни тентиратасан...

— Қул бўлолмадим, кўз бўлолмадим Йўлдошга, ўзинг кечир...

— Отаси гўрида тик турса, мен ғофил сабаб...

Қасаммиди бу, илтижомиди — Йўлдош охиригача эшитмай чодирни тарк этди. Ўзининг, Хайрининг номи қулоғига бот-бот кирганидан билдики, чол тилак сўраяпти, ярим-ёрти эмас, бутун сўраяпти.

Рост, Мурод чол худо билан тиллашди, яратган нима ваъда қилди — ўзига аён.

Умр берса, келаси йил саксонни қоралайди. Озмунча қайғу-алам, етар-етмасчилик тортдими? Муҳораба кўрди, қон кўрди. Ватаннинг узоқ ўлкалардан Остонага соғ-омон қайтди. Қолган умрни ўз билганича яшади. Қадрдон қишлоғи — содда остоналиклар тўнига қўшилди-ю ҳаёт деб аталмиш улкан денгизнинг осойиш қирғоғига лангар ташлади: туриб қолди. Қайтиб ортга қарамади. Тошқин денгизни кўрмади.

Остонани уйим, қуйида ястаниб ётган пахтакор Қорадарахтни жойим деди. Уй-жойнинг эгаси бор, тепасида бош бўлиб турган каттаси бор. Мурод бир фуқаро, остоналиклар фуқаро. У Остонадан Ҳаким оқсоқолни, Қорадарахтдан раис Наим Расулни, улдан нарёғида котиб Саидқул Юзбошевни ҳукумат деб тан олар, танир эди. Қолгани бари ўзига ўхшаш увоқ — майдалар, яъниким — фуқаро.

Яна унинг мол-жонини офатдан асрагувчи Сирож оғаси (Степан Иванов) бор эдики, у гавжум Қорадарахтда ошноқкина аёли билан яшар эди. Мурод билган дунёнинг тўрт

устуни шулар — Ҳаким оқсоқол, Наим Расул, Юзбошев аллақачон раҳматлик бўлиб кетди. Бирда қулоғига чалинганки, Сирож ога ҳамон инқиллаб-синқиллаб юрибди. Табибда у — жонининг қадрига етади, билимдон.

Ўлим азалий ёзуқ экан, гўрковликни касб этмаса-да, лекин у қазиган лаҳадларда не-не азаматларнинг суяги чириди. Оқсоқолни ҳам уз қўли билан лаҳадга қўйган. Васияти бор экан, атай чўлдан олиб келинди. Хабардан ажабланмади. гўё вақт-соати етиб, оқсоқол бандаликни бажо келтиради-ю Мурод ҳа, айнан у лаҳад қазийди, жасадини ўз қўли билан тупроққа топширади. Оқсоқол тириклигида шаъма қилмаган, васиятини билдирмаган эди. Одати — бировга айтиб яхшилик қилмасди у. Ёрдамини юзинга солмасди. Санаса, ҳар бир хонадонга ундан нимадир мерос, шунинг учун ҳам у оқсоқол-да! Кўзи очиқлигида сўзи — сўз, узидек бутун, танҳо эди.

Агар жасадини бошқа биров лаҳадга қўйганида ҳам, гўрини ўзга қазиганида ҳам Мурод учун оқсоқол ҳамишагидек, оқсоқоллигича қолар эдию, лекин... кўнгли ёрти, бир жойи камдек, йиллар давомида яқин, ардоқли одами туйқус Муроддан воз кечгандек, ўксирди. Шукрки, оқсоқол Муродни унутмабди, ўғлидек яқин олибди ўзига. Ахир у бегонамас — яқинда! Ҳамиша бегоналик ўртада тўсиқ, тўсиқдан ошиш учун рухсат керак ёки Хайридек, юзга ниқоб тортиш лозим.

Ўшанда Йўлдошни етим қолади, деб сира ўйламаган. Ахир ота ўладию бола етим қолмайдими? Бел боғлаб, қўлида хасса тутиб меросининг олдида турган бола — оқсоқолнинг ўзи, унга гам-кулфат писандмас, отасининг вафоти шунчаки мерос. Яна, ўшанда у Йўлдошнинг борлигидан таскин туйиб, кўнгли тоғдек кўтарилган, ўлим Остонани тузатолмайди, ана — гуруҳнинг бошида Йўлдош тик турибди. У ўсади, улғаяди, от ўрнини той босади.

Во дариғки, уч-тўрт йил ўтар-ўтмас Йўлдош Хайри етагида дарбадар. Болага ким раво кўрди бу тақдирни? Кўзи кўр остоналикларми, Муродми — ким? Ҳали у кўнглида оқсоқолдан фахр туйиб, эл — Остона олдида бурчимни бажардим — жасадини ўз қўлим билан лаҳадга қўйдим деб юрибдими? Оқсоқолу Йўлдош бой берган ўн чоғли қўйни кўпайтириб, Хайрининг туёгига туёқ қўшиб юрганига шунча фахрми? Яна «Оқсоқолнинг руҳи шод» деб юракда таскин? Э, нодон! Оқсоқолга қўй эмас, одам керак, ўғли Йўлдош керак! Агар у ишонмаганида Йўлдошни Остонага ташлаб кетмасди. Остонадан топган ўғлини Остона қадрига етмади.

Хайридан гина йўқ, қўл-оёғи бутун, ақлу ҳуши жойида унинг, Сенга, Остонага нокерак — кимга керак!

Улуғлаш — расм-русмни жойига қўйиб кўмиш эмас экан-

да! Мурод «соқовнинг охирини» тингламабди. Ахир, шундай гап бор-ку.

Эсида: мозордан ҳамма тарқади ҳамки, у кетмади — оқсоқол билан ёлгиз хайрлашди. Сукут чўмган қабристонни нам тупроқ, дўмпайган қабрга санчилган таёқлар, боягина ўз қўли билан ётқизиб, икки чаккасига пахта тиркаб (оғмасин учун) кўзига тупроқ сочган* оқсоқол тўлдириб турибди. Гўё қабр — қабр эмас, оқсоқол ёнбошига агдарилиб, тирсагига тиралиб ётибди. Дўппайган қум — елкаси, олисдан Мурод-нинг кўзи тўсатдан таниб, жойида қотиб қолди: «Оқсоқоллар ўлмас экан-да!».

Оқсоқол кўзи тўқ, ҳалол одам эди. Бекор қум сепди кўзига. Ёки таомил панд бердими? Остоналикларнинг нафаси теккан муқаддас тупроқни кўзга сочмаслик ҳам гуноҳ-да! Оқсоқол учун бутун Остонанинг гуноҳини ўзига олса ҳам майли эди. Энди кеч.

Остонада кўзи оч одам йўқ эди. Бировнинг молига, жонига кўз тикканини эшитмаган. Ё Мурод билмасмиди? Хайри дегани Остонада меҳмондек эъзозланар, юрт ошиб келгани, элга қўшилгани, озми-кўпми илми қадрланар, ҳеч ким, Мурод ҳам унда Хайрининг асл башарасини, ниятини билмас эди.

Хайри эл бўлмади. Жамики сир-синоат шунда. Унинг кимлигини ўзи билмаса, чўкартак Муродга қоронғи. Ҳатто кўздан йироқ, жисму жони берк марҳум, марҳумлар Мурод учун очиқ, худди тирикдек. Баъзилари билан хаёлан гаплашади. Хайрига келганда...

Ўтган кун оқсоқол тушига кирди. Гапирмади. Кафанга ўранганича сукут сақлади.

Мурод:

— Гапиринг оқсоқол, — деса, — у ўзини очиб, тил йўқ дегандай ишора қилармиш.

Келинг, қўлингизга сув қуяй деса, бош чайқаб, қўл йўқ, дегандай ишора қилармиш.

«Бу не кўргулик?!» — дод солиб уйғонди-ю, чодирда ёлгиз ётганини сезди. Йўлдош кеча қочганича бедарак кетди. Кетганини билганида, ортидан тош отган бўларди — борган жойингда тош бўл, қайтма. «Билдирмай гойиб бўлди. Бир ҳисобда айтмагани маъқул, мендан қўрқмадими — Хайридан ҳам қўрқмайди. Йўлдош қўй эмас, Хайри ойтидан оса. Мутелик менга тан. Илк кетганида у эмас, ўзим қочгандек қалтирадим. Қўл-оёғинг бут, элнинг хизматида таёқ судраб юрибсан, нега қўрқасан, дейдиган мард йўқ».

— Оқсоқол ўглини сўрамади, аламли бор менда...

* Таомил: марҳумнинг кўзини тупроқ тўлдирсин, маъносида.

Чол чодирга сиғмади. Тонг ёрингунча чакмонни елкага ташлаб, у ёқдан — бу ёққа юриб чиқди. Қўйлар сасини сезиб, маъраб-маъраб қўйди.

— Йўлдошни сўраяпти, — деб ўйлади у. — Нега қўрани бошингга кўтармайсан, нега йиғламайсан сен махлуқлар?!

Қўлига таёқ тутганидан бери илк бор қўйни «махлуқ» деб сўкди. Кун ёйилди ҳамки, қўра эшигини очмади. Атрофни очиққан қўй овози тутди.

— Маърайвер! — зарда қилди чол. — Токи тилга кириб, Йўлдош қани, деб сўрамагунларингча эшикни очмайман! Бир кун гапиринглар, шунча йил янтоқ чайнаганларинг етар! Қўранг билан сотса ҳам Йўлдошнинг бир пой ковушига арзимайсан! Эрта-ю кеч ортингдан юриб, мен ҳам мол бўлдим. Энди овозим чиққанида бўғма!

Тилдан шукрона тушмайди. Бир келгиндининг нафаси юракка қутқу! Икки қўл таъзимда. Во, дариғ...

— Оқсоқол ўғлини сўрамади? — чол кўрнимаса-да, қўлини пешонасига соябон қилиб, олис Остона томонга кўз тикди. Жимжит. Сокин. Ахир ҳамки, қўйлар маъраб овоз берди, йўқса, юраги тарс ёрилган буларди.

Қўра эшигини очди.

— Нима бало, Остонага ўт тушганми, ёниб кул бўлганми? Жимжит.

Илгари ҳам чўл бир хил — бурунгидек сокин гўё шу эрта унинг том битган қулоғи очилдию тирик сукутдан юраги сиқила бошлади. Ҳар қалай, кўзи очиқ экан, оқсоқолни тушида бўлса-да кўрди. Уволи тутади унинг, йўқ, оқсоқол уволсавобни ўзи билан олиб кетди. Йўлдошнинг уволи тутади.

— Тушимга киргани бежизмас, гапирмади, тилим йўқ, тишим йўқ, қўлим йўқ деди.

— Молини аямади, жонини аямади, эвазига макрга учиб Йўлдошни бой берди.

Тилдан шукрона тушмайди, бир келгиндининг нафаси юракка қутқу! Икки қўл таъзимда.

— Ўл, бу кунингдан, гўрков! Гўрингни Хайри қазади, Йўлдош омон бўлса, йиғлар... Кўрган-билганинг шу — қўйу қийиси бостан тарингни захга босиб ёт! Ортингдан дод қолсин! Етим, оёқ-қўли боғланган Йўлдош қолсин!

Чол аввалига чўк тушиб, пешонасини қумга босиб ўйлади. Кўзини юмиб, очиб ўйлади.

«Уни тутиб қўл-оёғини боғлаб Хайрига топширган ўзингсан. У ёқда — Остонада бир тўда нолу мажруҳ, соқовлар борки, уларнинг Йўлдош билан иши йўқ, улар кишанни очолмайдилар. Ғафлатда, барини ғафлат бостан. Йиғла, қичқир, овоз бер, болам, акаларингни уйғот, Йўлдош! Менинг-да

нуити камаримдан бино бўлган тўрттаси кеча сен еттан Остонада ётибди. Уйғот уларни, момоларингни сочидан юл, боболарингни эшигини қоқ, буз, уйғот. Сени қишлоққа худо йўллади, элчисан, болам элчисан, уйғот!

Тунга яқин танида ваража туйди. Тиззалари қалтиради, ҳолдан тойди. Чодир олди тақир супада ёнбошлаб, шу ётганича жойидан туролмади. Офтоб тиғида ётса-да, исимади. «Арвоҳ урди мени...» — деб ҳолига важ топди.

* * *

Йўлдош тепасига келганида чолнинг кўзи очиқ, бироқ ҳеч нимани илғамасди. Тинка мадори қуриб, қум остида қолгандек эзилиб, янчилиб ётар, кўзалишга рағбати ҳам йўқ эди.

«Ҳолинг шу экан, қўлингга таёқ тутиб не қилардинг? Тўймаган қорнинг, йиғлаб қолган гўдагинг қолдими? Атрофни куюндек ўраган ким, Хайрими? Унинг кимлигини Йўлдош билмаса, сен билмайсан, энди кеч. Кўзингдан нур қочди, танингдан қувват кетди. Остонага тирик бориш насиб этадими, йўқми... Сен энди Хайрига бас келолмайсан, Остона қўлдан кетди. Во, дариғ. Остонага қўй битгунча, кўз битсанг нетарди?..»

— Бобо, мен келдим! — дея овоз берди Йўлдош.

— А, сен кимсан?

— Йўлдошман, Ҳаким оқсоқолнинг ўғли.

Чол эшитганим рўёмасмикан, дегандай бироз жим ётди. Кўзини юмди, очди, қараса, тепасида чиндан ҳам Йўлдош турибди.

— Сен келибсан, турмаса, уят бўлар, — чол инқиллаб қад ростлади, Йўлдош кўмаклашди.

Хайри ғилдиракларни тепиб-тепиб кўргач, мотоциклдан кўнгли тўлиб шошилмай супачага яқинлашди. Чол Хайрининг келаётганини илғадию секин бошини ерга қўйди, кўзини юмиб жим ётди.

— Бунга тентими, Мурод ота? — Хайри хуш кайфиятда ҳол сўради. — Арзандангиз қочганига шунчами? Мана, опкелдим, туринг-е, бир жонлиқ сўйинг, ароғи биздан!

— Уриб-тепсангиз, ўлдирсангиз ҳам розиман, кетинг! Юртингизга кетинг Хайрибой! — чол кўзини юмганича, Йўлдош эшитсин деб овозини бир парда кўтариб гапирди. — Оқсоқол тушимга кирди, хўрламанг болани.

Хайри эшитмаганга олди — гапирмади, жим тураверди.

— Эшитдизми ишим? — Чол бошини кўтарди, қўлига таяниб қад ростлади.

— Шундайми ҳали, — Хайрининг кўзлари ғазабдан сиқилиб, бир чолга, бир Йўлдошга тикилди. — Ўйлаганим рост чиқди. Йўлдошни йўлдан урган худди шу, имонсиз... Ҳалимдек мулойим Мурод чол менга кетинг, юртингизга кетинг, дедими? Бу ерда бир гап бор?.. Ҳаҳот, Остонадан битта-яримтаси келиб тентак чолни айнитган бўлса? Билишимча, Остонада бундай шеру мард йўқ эди-ку! Товба охирига етиш керак, ҳозирча мен ёлғизман, буларга ишониб бўлмас, хас бўлсин, хашак бўлсин, бари остоналикнинг тили бир...»

— «Ҳазор нур» ҳам бегонамас, ўзимизнинг юрт, — Хайри ичидагини сиртига чиқармай чордона қуриб ўтирди. — Остона қочиб кетмас, нима, мени қувлаяпсизми?

Чол индамай Хайрининг елкаси оша уфққа қадалган улкан Қизилқумга тикилди. Сукут қоплаган соқов чўлнинг бир парчасида Хайри, Йўлдош, Мурод чол. «Ер ер-да гапирмайди, — чол умри поёнида шафқатсиз мантиққа дуч келди-ю куюндек фикрларини кўтаролмай букчайиб қолди. — агар шу тупроқ, чўл меники бўлса, мен гапиришим керак. Тил берди, кўз берди, қўл, оёқ берди, Мурод деб ном берди, мен гапирмай — ким гапирсин?! Хайри уники қилган Остона меники-ку, ахир. Оқсоқол ўлган бўлса, мана, Йўлдош тирик, гунгу лол бўлса-да, Остона тирик! Билиб туриб, ўзини овсарликка солиш бу ярамас, йўқ, сенинг кимлигингни яхши биламан, Йўлдош билан сени ўртангда ер билан осмонча фарқ бор...»

— Яхшиси, кетинг Хайрибой, мен саводсизга чегара ўрнатманг, билганим шуки, Остона сизникимас, бегонасиз...

— Ана холос, — Хайри ёлғондакам хохолади. — Йўлдош, тугунни опке, бобой билан бир отамлашайлик...

Бола ўртада дастурхон ёйди. Хайри чўнтагидан бир шиша арақ чиқазиб қўйди.

— Сен қўйдан хабар ол, ота бир пас дам олсин, — Хайрининг ундови билан Йўлдош иккисини холи қолдирди. Чол дастурхонга уюлган бўлак патир, қоттан кабобга кўз ташлаб, хомуш ўтирди.

— Чўлда ичишни гапти бўлакча-да, қани, олинг, ота! — Хайри лиқ тўла пиёланинг бирини чолга суриб, бирини охиригача симирди.

«Сен келгинди ҳаромига ота бўлишдан ҳазар қиламан» — чолнинг чап қобоги пир-пир учиб, безовта бўла бошлади. Хайри қаддини тик тутиб, нигоҳини чолга қадади:

— Қулоғим сизда, бобой, бон бир парса дедингизми?

«Ганим гап, юртингга кет, дейман, Йўлдошни тинч қўй!» — чол кўзини олиб қочмади, Хайрига тик қараб тураверди.

Хайри жилмайди, бош силкиб: «Хайриятки, сендақалар

кўнмас, — деб иқрор бўлди. — Оз бўлсин, кўп бўлсин, уйғонган хас билан ҳисоблашмай бўлмас. Лекин бунинг ҳам йўли бор, осонликча тан бериш йўқ. Яксон қиламан, Остонага қўшиб барини горат қиламан. Макру совуқ ақлим омон бўлса, сенларни ҳали узоқ ухлатаман! Ҳа, ҳа, йўлда юриб ухлайсан, қўйимни боқиб ухлайсан...»

— Бобой, қиморда шундай гап бор: «Бой берма, бой бердингми — чида, мард бўл!»

— Хайрибой, иним, сиз биз билан танти ўйнамадингиз, яна билиб қўйингки, Остона қимор, сизу биз қиморбоз эмасмиз. Қўйинг ўз ҳолимизга...

«Ҳе, овсар! «Қўйинг, ўз ҳолимизга» эмиш. Шўринг, соддалигинг шунда-да, сени ўз ҳолингга қўядиган аҳмоқни топибсан! Фотиҳлар бир қарич ер учун жанг қилган, қон тўкишган. Сени бир оғиз гапинг билан Остонадан, тайёр хизматкорим Йўлдошдан кечиб бўпман? Қўлингга таёқ тутқаздимми — индамай қўйингни боқавер, сенга ким қўйибди хўжайинликни, ярашмайди. Зўр келса, жангда «Сулҳи кулл» деган ибрат, муроса бор, шуни қўллайман. Сенлар бунга арзимайсан. Остонанинг ягона билимдони сен бўлсанг, яримжонсан, бугун бор, эртага йўқсан...»

— Толиқибсиз! — Хайри пешонасига арақ тўлатди. — Бунги яқин қолди, ота, сабр қилинг, ҳа демай Йўлдош қўлингиздан таёқни олади. Сизга нафақа ёздираман. Оёқни узатиб, ҳаққимга дуо қилсангиз бас...

Чол ҳафсаласизлик қилиб, нафақага ҳужжат тўлғазмаган, Қоралардахтдан икки-уч ойда бир келадиган оқсоқ хабарчи тенгқур чолларга нафақа улашганда ўзини четга тортиб, кўрмаганга оларди. Хайри шунга шаъма қиляпти. Ўғри келганда, муросани ҳам билади бу зангар!

«Йўлдошни деб, имонимни пулга сотсамда-а??! Йўқ... Чиндан ҳам сен туллак Остонанинг пирига айландинг! Қаерда ўнқир-чўнқир бор — биласан...»

Чол ноиложликдан мум тишлаб ўтирар, айтган гаплари қумга сингган томчидек изсиз кетгани алам қилар, қаршисида арақ кайфини сўриб ўтирган Хайри гўё тоғ, уни бир гап билан қулатиш осонмас, нарёғи — жангу жадалга, йўл-йўриқ, қонун талашишга кучи етмасди.

Хайри пўстакка ёнбошлаб, қув кўзларини ярим юмганича чолга тикилиб турибди. У нималар ҳақида ўйлаяпти — барини уққан. Завқ-шавқ шунда-да — қаршингда рақиб, у эса ночор, оёқ-қўли боғлиқ, беҳол...

«Йўлдошбек ўғлим — дея юрак-юракдан илтижо қиларди чол, — нажот ёлғиз худодану ўзингдан. Мен сенга суянаман! Сен Оқсоқолнинг ўғли — Оқсоқолсан. Мен, увада чолнинг

бўлган-турганим шу — ақлим етмайди. Агар худо Хайрини яратмаганида, сени ҳам яратмасди. Бирга бир! Тенглик шу, ўғлим! Душманингга ўзинг бас кел... Аслида, сенинг душманинг — Остонанинг душмани, биз шуни фарқламасак, жигарларинг фарқламаса, ҳимоянгга ярамаса, нетасан?! Қисматинг шу, белингни маҳкам боғла, Остонанинг кўзини оч, худо кўмак берсин, қўлласин сени.

— Ота, — дея бир сих кабоб узатди Хайри, — мулойим, тўқли гўшти, енг, хаёлни қочиради бу!

Чол кабобни хушламайгина олиб Хайрига ажабсиниб тикилди: «Нима бу, Оқсоқолнинг жигарими?!»

— Гўштни хуш кўрасиз-а, Хайрибой?

— Бир кун гўшт емасам имоним қочади!

— Иойимга бир жонлиқ сўй деб эдингиз, жоним билан, — чол куллуқ қилиб бош эгди, — жонлиқ тайёр, сўйинг мени!

— Қари этни ит есин, бобой, мен барра гўшти еяман, кўнглим барра гўшти тусайди! — Хайри гулдираб кулди. — Ҳу, ана, кўряпсизми, — у Йўлдош кетган томонга қўл чўзди, бир сурув қўйим бор, чўпоним бор. Хоҳлаганимни сўяман, еяман, суягини... сен... итларга ташлайман!

Чолнинг томоғига тошдек бир нарса қадалди, ҳадеганда ютунолмади.

— Биламан, биламан...

— Билсанг, гап шу! Ич арақни!

Чол титраб пиёлага узалди, арақни Хайрининг бетига сепмоқчи эди, қалтираб пиёла қўлидан тушиб кетди.

— Қўрқдинг-а!? — Хайри ғазабини яширмади. — Қўрқасан, Хайри тирик экан, қўрқасан! Тантилигимни кўрдингми? Оғзингга эрк бердим, гапирсин дедим, бир пиёла сувни кўтаришга чоғинг етмади! Энди думингни қис, оғзингни юм! Бу ёғига мен нодино!

— Йўқ! — чол даг-даг титраганча Хайрига тирғалиб туравериди. — Ўтган кун — ўтди, мен эртадан қўрқаман Хайрибой! Мени эрта қийнайди.

* * *

Йўлдош ўтган тўқнашувдан хабарсиз яна чолга ин бўлди, қаватига кирди. Шу кетганича Хайри бир ой кўринмади. Қишлоқдан келган элчи у ҳақида: «Ерга қор тушган куни Хайри меҳмонлар билан овга келармиш» деган хабар етказди. Шу кундан бошлаб, Йўлдош кун санади, осмонга тикилиб-тикилиб қор ёғишини кутди.

Куз охирлаб борар, чолнинг илгариги шашти қайтган, унинг соясигина Йўлдош билан бирга, ўй-хаёлга гарқ, кунлаб чурқ этмаслик чолга кўчган, назарида у кун сайин бегона —

кўнмас, — деб иқрор бўлди. — Оз бўлсин, кўп бўлсин, уйғонган хас билан ҳисоблашмай бўлмас. Лекин бунинг ҳам йўли бор, осонликча тан бериш йўқ. Яксон қиламан, Остонага қўшиб барчингизни ғорат қиламан. Макру сонуқ ақлим омон бўлса, сенларни ҳали узоқ ухлатаман! Ҳа, ҳа, йўлда юриб ухлайсан, қўйимни боқиб ухлайсан...»

— Бобой, қиморда шундай гап бор: «Бой берма, бой бердингми — чида, мард бўл!»

— Хайрибой, иним, сиз биз билан тайти ўйнамадингиз, яна билиб қўйингки, Остона қимор, сизу биз қиморбоз эмасмиз. Қўйинг ўз ҳолимизга...

«Ҳе, овсар! «Қўйинг, ўз ҳолимизга» эмиш. Шўринг, соддалигинг шунда-да, сени ўз ҳолингга қўядиган аҳмоқни топибсан! Фотиҳлар бир қарич ер учун жанг қилган, қон тўкишган. Сени бир оғиз гапинг билан Остонадан, тайёр хизматкорим Йўлдошдан кечиб бўпман? Қўлингга таёқ тутқазиммми — индамай қўйингни боқавер, сенга ким қўйибди хўжайинликни, ярашмайди. Зўр келса, жангда «Сулҳи кулл» деган ибрат, муроса бор, шуни қўллайман. Сенлар буни арзимайсан, Остонанинг ягона билимдони сен бўлсанг, яримжонсан, бугун бор, эртага йўқсан...»

— Толиққансиз! — Хайри пиёласига арақ тўлатди. — Буёғи яқин қолди, ота, сабр қилинг, ҳа демай Йўлдош қўлингиздан таёқни олади. Сизга нафақа ёздираман. Оёқни узатиб, ҳаққимга дуо қилсангиз бас...

Чол ҳафсаласизлик қилиб, нафақага ҳужжат тўлғазмаган. Қорадарахтдан икки-уч ойда бир келадиган оқсоқ хабарчи тенгқур чолларга нафақа улашганда ўзини четга тортиб, кўрмаганга оларди. Хайри шунга шаъма қиляпти. Ўрни келганда, муросани ҳам билади бу зангар!

«Йўлдошни деб, имонимни пулга сотсамда-а??! Йўқ... Чиндан ҳам сен туллак Остонанинг пирига айландинг! Қаерда ўнқир-чўнқир бор — биласан...»

Чол ноиложликдан мум тишлаб ўтирар, айтган гаплари қумга сингган томчидек изсиз кетгани алам қилар, қаршисида арақ кайфини суриб ўтирган Хайри гўё тоғ, уни бир гап билан қулатиш осонмас, нарёғи — жангу жадалга, йўл-йўриқ, қонун талашишга кучи етмасди.

Хайри пўстакка ёнбошлаб, қув кўзларини ярим юмганича чолга тикилиб турибди. У нималар ҳақида ўйлаяпти — барини уққан. Завқ-шавқ шунда-да — қаршингда рақиб, у эса ночор, оёқ-қўли боғлиқ, беҳол...

«Йўлдошбек ўғлим — дея юрак-юракдан илтижо қиларди чол, — нажот ёлғиз худодану ўзингдан. Мен сенга суянаман! Сен Оқсоқолнинг ўғли — Оқсоқолсан. Мен, увада чолнинг

бўлган-турганим шу — ақлим етмайди. Агар худо Хайрини яратмаганида, сени ҳам яратмасди. Бирга бир! Тенглик шу, ўғлим! Душманингга ўзинг бас кел... Аслида, сенинг душманинг — Остонанинг душмани, биз шуни фарқламасак, жигарларинг фарқламаса, ҳимоянгга ярамаса, нетасан?! Қисматинг шу, белингни маҳкам боғла, Остонанинг кўзини оч, худо кўмак берсин, қўлласин сени.

— Ота, — дея бир сих кабоб узатди Хайри, — мулойим, туқли гўшти, еиг, хаёлни қочиради бу!

Чол кабобни хушламайгина олиб Хайрига ажабсиниб тикилди: «Нима бу, Оқсоқолнинг жигарими?!»

— Гўштни хуш кўрасиз-а, Хайрибой?

— Бир кун гўшт емасам имоним қочади!

— Нойимга бир жонлиқ сўй деб эдингиз, жоним билан, — чол қуллуқ қилиб бош эгди, — жонлиқ тайёр, сўйинг мени!

— Қари этни ит есин, бобой, мен барра гўшти ейман, кўнглим барра гўшти тусайди! — Хайри гулдираб кулди. — Ҳу, ана, кўряпсизми, — у Йўлдош кетган томонга қўл чўзди, бир сурув қўйим бор, чўпоним бор. Хоҳлаганимни сўяман, ейман, суягини... сен... итларга ташлайман!

Чолнинг томоғига тошдек бир нарса қадалди, ҳадеганда ютинолмади.

— Биламан, биламан...

— Билсанг, гап шу! Ич арақни!

Чол титраб пиёлага узалди, арақни Хайрининг бетига сепмоқчи эди, қалтираб пиёла қўлидан тушиб кетди.

— Қўрқдинг-а!? — Хайри ғазабини яширмади. — Қўрқасан, Хайри тирик экан, қўрқасан! Тантилигимни кўрдингми? Оғзингга эрк бердим, гапирсин дедим, бир пиёла сувни кўтаришга чоғинг етмади! Энди думингни қис, оғзингни юм! Бу ёғига мен подшо!

— Йўқ! — чол дағ-дағ титраганча Хайрига тирғалиб тураверди. — Ўтган кун — ўтди, мен эртадан қўрқаман Хайрибой! Мени эрта қийнайди.

* * *

Йўлдош ўтган тўқнашувдан хабарсиз яна чолга эш бўлди, қабатига кирди. Шу кетганича Хайри бир ой кўринмади. Қишлоқдан келган элчи у ҳақида: «Ерга қор тушган куни Хайри меҳмонлар билан овга келармиш» деган хабар етказди. Шу кундан бошлаб, Йўлдош кун санади, осмонга тикилиб-тикилиб қор ёғишини кутди.

Куз охирлаб борар, чолнинг илгариги шашти қайтган, унинг соясигина Йўлдош билан бирга, ўй-хаёлга ғарқ, кунлаб чурқ этмаслик чолга кўчган, назарида у кун сайин бегона —

илғарига Мурод чол тусини йўқотиб, аламзада, тунд бўлиб борар эди.

Кунларнинг бирида у Йўлдошга берган ваъдасини эслаб:

— Қарзимни узай, Йўлдошбек, эртага «Ҳазор нур»га ўтамиз, — деб суюнтирди. Тугунга эртанинг ғамини еб, иккита пиёла, нон ва гўшт қайнатиб ўради.

«Ҳазор нур» эртаклардаги тоғ мисол кўпдан хаёлини банд этган. Йўлдош унга тикилиб тўймас, қўл чўзса, етгудек бу қўрғон анча олисда эканини чолдан эшитган, тезроқ ўз кўзи билан бориб кўришга шошарди. Баҳодирлар учқур отларини эгарлаб, ҳамиша тоғу тош, горлар, саҳроларга йўл олишади. Узоқлардан бахт топиб, ғолиб қайтишади. Шу кунларга етиш орзуси тун-кун бўлсин, уни тарк этмади, гарчи, сўнгги воқеалар тасаввуридаги эртак оламидан шафқатсиз ҳақиқат саҳнига улоқтирса-да, сиғмади, умидворлик, кенглик — уфққа туташ чўл сузиб турди.

Эртага «Ҳазор нур» томон қадам босиши билан гўё нималар ўзгаради. Шу кунгача чол иккисини қийнаб, мажҳул бир ночорлик домига илинтирган, аламзадалик кишанлари ечилади. Нажот — «Ҳазор нур»дан! Олисдаги кўҳна қўрғон дарвозасидан кирадию сир-асрорга тўла мўъжизалар ичра ғойиб бўлади, йитади. Балки, «Ерилтош» шундадир?*

«Ерилтош» дейман — очилади. Кираман. «Ёпил тош» дейман ёпилади. Қайтиб чиқмайман. Мурод бобом кутади... чиқмайман...» — у тун бўйи ухламай эртак тўқиди. «Ерил тош»дан онаси, отасини сўрайди. Соғинч тўла хаёлларига Хайри аралашганида, у хуш̆ёр тортар, энитган, китоблардан ўқигани пуч ёнғоқдек қўйнидан тўкилиб, ич-ичидан йиги хуруж қилар, кўрпага бурканиб оларди...

Қуёш чиқмай қўйларни ёйишди. Қудуқдан сув тортиб темир охурларни тўлатишди. Чол эшакда, елкасида эски милтиқ (чол милтиқни хўжакўрсинга чодирга илиб қўйган, баъзи-баъзида елкасига осиб, яқин отарларни айланар, хуморини ёзар — чўпонлар чолнинг бу одатини билиб, сездирмай кулиб қўйишарди.) Йўлдош пиёда, қўлида таёғини тутганича «Ҳазор нур» томон йўл олишди.

Чошгоҳда манзилга етишди. Чол эшагини тушовлаб, қўйиб юборди. Йўлдош хуржунини эски тош устига қолдириб, ойлаб, йиллаб кутгани — на тоғ, на қирга ўхшаш улкан тепалик, нураган қўрғонга хайратланиб тикилди. Юзига қалъа томондан ўт-ўланларнинг ўткир ҳидига қоришиқ салқин ҳаво урилди.

Чол сопол кўзачадан пиёлага сув қуйиб юз-қўли, оғзини чайди. Белбоғига артиниб ўтирди. Йўлдошни ёнига имлаб

* Ўзбек халқ эртаги.



тиловат бошлади. Марҳумлар руҳига фотиҳа дуосини айтиб, туришди.

— Муқаддас қадамжо бу, ўғлим, кўп шаҳидларнинг суяги ётипти, — чол ўтмишдан сўз бошлади. — Ҳозирги китобларда борми-йўқми — билмайман. Бухорода Наршохий деган илми ўткир олим ўтган. «Ҳазор нур» тарихини у кишидан ўтказиб ёзган топилмайди дейишади. Саводинг бор, оқ-қорани таниган пайтингда шу китобни топиб ўқи...

Шу тонда Йўлдошни китоб қизиқтирмас, тушларига кириб чиққан «Ҳазор нур» гўё унга сирли эшикни очгандек, тезроқ бағрига киргиси, атрофини айланиб, тик деворлардан ошиб, тепага кўтарилгиси келарди.

— Пастликдаги тошга қара, келинга ўхшайдими? — чол қўлига кичик бир тош олди. — Номи «Келин чўққи» шу тошнинг. Араб лашкарбошисининг хотини биз туркларга сотилган. Душман катта талафот кўриб, чекинган. Қутайба ибн Муслимнинг келини бўлмиш бу аёл қаргиш олган — тошга айланган. Гарчи, у бизга сотилган бўлса-да, сотқин — барибир, сотқин! Ўтган ҳам, қайтган ҳам тош отади унга. Қани сен ҳам қўлингга тош ол-чи!..

Муқаддас қалъага кириш осон кечмади. Чол барча расм-русумларни адо этгач, бир пас жим қолди.

— Ана энди, озод қуишан, юрагингта яхши ният тугиб, қалъага кўтарил, — шундай деб у, ортига чекинди. — Бор, боравер, сени шу жойда кутиб тураман. Юқорига чиққулик ҳолим йўқ менинг.

Нақ чўлнинг ўртасини ёриб, портлаб чиққандек, узоқ аждодлар, етти ёт бегона — ёв лашкарлари қўним топган, жанг қилган манзилгоҳ чиндан ҳам ғаройиб, атрофини буталар, кўкиш туман қоплаган, турли тошлар думалаб ётар, кўрёмгир, шамол қулаттан бағрлар яқинидан оппоқ — оҳак тошдек ялтираб кўзга ташланарди. Йўлдош зиёратчилар из қолдирган тор йўлакчадан тепаликка кўтарилди. Ён томондан лентадек кўринган бир неча сўқмоқ юқорига кўтарилган сари бирлашиб, кенг саҳнга олиб чиқар эди.

Йўлдош энтикиб нафас олар, боши осмонга теккандек суюнар, кўзи илғаган барча масофани бир зумда югургилаб томоша қилгиси келарди.

Осёи остида сочилиб ётган бойчечак, қўл, болдир суякларини босишдан ҳадиксираб, айланиб юрди. Тепаликнинг кун ботиш томони қабристонни эслатди. Қабрлар тўрт бурчак уй пойдеворига монанд тош териб ўралган, кенг. Ҳар бир қабрнинг ўртасида сопол коса, косачалар, ичида тариқ, жўхори кўринади. Баъзилари бўш. Ёмғир тўпланган косаларга ҳам кўзи тушди. Доғли косаларга қушлар келиб қўнади...

Кун чиқар томонда нураган девор, сопол парчалари, ялтироқ тошлар сочилиб ётибди. Йўлдош ўйлаганидан юз чандон ортиқ ғаройибхонага тушиб қолганига қувонди. У шошилар, боболардан мерос қадим манзилгоҳнинг сир-асрорини билгиси келар, дақиқа сайин тепалик синоатга тўлиб, янада улканлашиб борар эди. Қўлини белига тираб пастликни кузатди. Мурод чол ясси тош устида ёнбошлаганича миттигина бўлиб ётар, нарироқда тушовланган қашқа эшаги ўтлар, энг тепада эса ўзи — «Ҳазор нур»нинг мутлоқ ҳокими Йўлдош. Тепадан чўл янада бепоён, осмон тиниқ, кенг кўринди кўзига. Улкан қароргоҳ сукути билан ақлни шоширар, сукути билан салобатли эди.

— Мурод ота-а! — деб қичқирди у. Назарида овози ўн қадам нарига етмади. Қўлидаги тошни тошга урди: зўрға тиқ этган овоз эшитилди. Сукут овозни ютар, йиллар ошна қалъага сукут қамалгандек жимжит эди.

Бирор соатлар тентирагач, у тош ёригидан занглаган бўш патрон топиб олди. Йўлдош умрида милтиқ отмаган, чинакам ўқ нималигини билмас эди. Бўш патронни росмана ўқ деб ўйлаб, чўнтагига яширди. Пастга тушганида у қушдек енгил, чолдан-да миннатдор, хурсанд эди.

— Худога шукр, — деб уни қаршилади Мурод чол, — сенинг ҳам куладиган кунинг бор экан.

Биргалашиб тушлик қилишди. Кун пешиндан оғганида ортга қайтишди. Йўлдош бора-боргунча, чўнтагидаги бўш патронни ушлаб, чолнинг елкасидаги алмисоқдан қолган милтиқдан кўз узмади...

* * *

«Қор ёғса, Хайри келади» — қўлида таёқ, хаёлида шу хабар.

«Қор ёғса, Хайри келади» — чолдан яширинча, милтиқни қўлида тутиб кўрадию хаёлида шу хабар.

«Қор ёғса, Хайри келади» — чўнтагидаги бўш патронни авайлаб ушлайдию хаёлида шу хабар...

Кунлар совуб, гоҳ-гоҳида чўл изғирини эсди. Мурод чол чакмон, Йўлдош чопон кийди.

— Эртага қор ёғади, — дея маълум қилди чол. Тушдан сўнг очиқда ётган анқол-дўнқолларини йиғишга тушди. Ўтин ғамлаб қўйди. Йўлдош қўйларини унутиб, чодир гирдидан гир айланди, кетмади. У-буга уринган бўлиб, хаёли қочди: «Эртага Хайри етиб келади». Яна базм, аройхўрлик, иссиқ чодирнинг тўри Хайриники, топтача чол иккиси меҳмонларга хизмат қилади...

«Кетаман...»



«Кетмайсан!»

«Кетаман!»

«Кетмайсан!» — Хайри маст-аласт тўдадан ажралиб чиқдию Йўлдошнинг бошига қамчи солди. — Кетмайсан! Етар, шунча асраганим, ёшсан дедим, боласан дедим, — йўқ, ақлинг кирмади сени! Қорнинг тўқ, устинг бут...»

— Йўқ, кетаман! — деб қичқирди Йўлдош. Саксовул гўласига ёпилган серка терисини силкиб ичкарига олиб кираётган Мурод чол нохос қичқириқдан қотиб қолди. Йўлдошнинг кўзлари ёнар, урушга чоғлангандек муштлари тугилган эди.

Чол индамай чодирга кириб кетди. Чиққач:

— Совқотдинг-а, чамамда, кир, ўраниб ёт, бугун менинг галим, подани ўзим қамайман, — деди-да хотиржам эшагини тўқимлади. Йўлдош чолнинг ортидан қараб қолар экан, беихтиёр яна хаёлида Хайри пайдо бўлди: «Кўтар бошингни бола, кўзимга қара! —дея сочидан тутиб ўзига қаратди. — Гапимни уқдингми? Ота-бобонг чўпон ўтган, сен ҳам қўй боқасан... қўй, қўй, қўй!» — Йўлдош қочиб чодирга кирди. Осиғлиқ милтиққа кўзи тушиб, Хайрини нишонга олди: «Отаман!..»

Илк бор қўлида милтиқ тутганича, чолнинг ортидан тикилиб қолди. «Кетаман...» У бархандан ошгач, йўлга отланди.

Кеч тушди. Йўлга яқин бархан ортида нафас ростлади. Атроф жимжит. «Чироқ кўринса яширинаман» — Йўлдош шу ният билан атрофни яна бир бор кузатди-да, этигини ечди.

Ойдиннинг чигали ёйилгач, ортига термулиб, чодирдан, Мурод чолдан анча олислаб кетгани, қоронғи тушгани юрагига ғулу солди. Қундоқни маҳкам сиққанича «Қайтсаммикан?» дея иккиланди. Чолнинг беозор, муте қиёфасини аниқ туйдию, кўкси оғирлашиб, қўли бўшашди. Лоақал «Келдингми?» — деб айтмайди у. «Нега қочдинг?» — деб ҳам сўрамайди. Йўлдош бош эгиб, жимгина чодирга киради-да, милтиқни жойига илади. Сўнгги паноҳи, ишонч-имконидан айрилиб, бўм-бўш кўрпа остига киради-да, пиқ-пиқ йиғлайди. Хайрининг узун қўли, қамчиси Остонадан туриб чодирга етади, тун бўйи чодирни савалайди. Йўлдош қўрқиб уйғонганида чол уни юпатади: «Ёт-ёт, ухлайвер, шамол...»

Йўқ, Йўлдош шамолга ишонмайди. Ҳозирча тиқ этган овоз, таҳлика эшитилмайди. Аёз. Ҳадемай жониворлар емиш излаб, инларидан чиқади. Ой тўлишади. Нимадан қўрқсин, қўлида милтиқ, шоғолми, бўрига дуч келса, отади. Қочмай кўрсин-чи!

...Йўл ярмидан ошганда қор учқунлади. Аёзнинг тафти кесилиб, юз-кўзига илиқ қор урилди. У баъзан тўхтаб-тўхтаб қолар, қоқинар, сукутга толиб ўнгу сўлига тикилар, бир

маромида ёғайтган қор остида ҳеч қачон Остонага етолмайдигандек, хўрликдан беихтиёр йиғлаб юборар, алам билан яна олға босарди. Агар шу тонда оти бўлганидами, учқур оти... Отни ўйлаганида ўз-ўзидан тўхтар, осмондан эгарланган тулпор кишнаб тушишини хаёлан орзу қилар, осмондан эса от эмас, қор ёғар эди. Узундан-узоқ йўлнинг бир четида Мурод чол, нариги чеккасида Хайри ётибди, ўртада милтиқ кўтарган Йўлдош пойи-пиёда кетмоқда...

Қоронғи, қозондек тўнкарилган осмон остида нималарни ўйламади у. Паноҳсиз қум бағрида қўрқиб илгарилар экан, ортида Мурод чолнинг борлиги панч, гўё Йўлдош «Бобо!» деб чақирса у «Лаббай, мен шу ердаман!» деб овоз бераётгандек туюлади. Йўл бўйи чолнинг хотири ҳамроҳ бўлди. Мана, у...

Қишлоққа яқинлашганида, чол овноқ белбоғини қор узра ёйди-ю, чўк тушиб, қўлларини чўзди:

«Йўлдошни Хайри балосидан озод қил...»

«Ота-онасига буюрмаган кулба ўзига буюрсин...»

«Гўдакка не гуноҳки, уни тентиратасан...»

«Қўл бўлолмадим, кўз бўлолмадим Йўлдошга, ўзинг кечир...»

Оқсоқол гўрида тик турса, мен ғофил сабаб...»

Йўлдош милтиқ қўндоғини ерга тираб тин олди. Ҳозиргина хаёлида жонланган Мурод чол ҳақида ўйлади. Саҳарлар уйғонганида чол пичирлаб, гоҳида овоз чиқариб, ўтириб-туриб Йўлдошни дуо қилар, қиблага кафт очиб, уни Остонага қайтишини тилар эди. Йўлдош эса кўзини юмиб, эшитмаганга олиб ётаверарди. Чол дуосини тугатиши билан ҳай-ҳайлашига қарамай у ташқарига қочиб чиқарди. Ушбу ҳол бир неча бор такрорлангач, чол саҳарлар тилагини ичида — жимгина, овозсиз қайтарди.

Чўлда, чодирда — мана ҳозир Остонага яқинлашди ҳамки, чол ҳақида ўйлаганида, у ҳамиша тик, ё чўк тушганича қўл чўзиб, худди ҳовучига осмондан ёмғир ёғишини кутаётгандек кўринарди. Ёмғиргами, дуогами очилган кафтлари ҳеч юмилмасди.

У кунлар ортда қолди. Ўтган кун ўтди. Ўтган кунлари ўзиники, унутмайди. Хайри минг уриб-сўксин, қийнасин Йўлдош ўша кунлар билан тирик, ўша кунлардан паноҳ излайди, суянади, ўч олади. Остонада уни суяйдиган, паноҳига оладиган жонзот топилмади. Отаси — оқсоқол ўлди-ю унутишди. Бир бог беда, битта қўй, бир қоп жун, пахта деб, ўзларининг ёрти ҳаловатларини ўйлаб унутишди. Жилов солинган оғизларигача Хайри хўжайин. Уларда кўз йўқ, кўз йўқ уларда — Йўлдошни кўришмайди. Барча остоналик бегона! У тўхтаган кўйи ўй сурар, хаёллари дам олисларга, дам қадрдон макта-



бига етакларди. Деворларига оҳак суйкалган пастак хоналар. Шовқин-сурон. Юқоридаги ўйин майдончасининг бурчакларида ўқитувчиларнинг эшаклари қантарилган. Эшаклар танаффусни кутмайди — дамодам ҳанграб «домла»ларни тирикчилик ғамидан огоҳ этади...

Қиш қаттиқ келса, мактаб ҳафталаб бекилади. Одатдаги кунларда эса давомат ўртада тенг — бир кун болалар келмаса, иккинчи кун ўқитувчилар сийраклашиб қолишади. Сабаби суриштирилмас, икки-уч синф бирлашиб «Биз бахтлимиз, бахтлимиз. Юртимизда тахтлимиз» деб ашула бошлашар, ёхуд ўқитувчилари учун ўт юлиб, меҳнатдан таълим олишарди. Қон тўлгач, аксарият дарслар ҳам тугар эди.

...Минг тўққиз юз эллик иккинчи йилнинг баҳори, қўйлар қўзилаган пайт. Кутилмаганда Хайри тўппа-тўғри синфга кириб қолди. Ўшанда йигирма чоғли болаю ўқитувчи бирваракайига унга қараб қолишган. Худди Хайрини биринчи бор кўришаётгандек! Сурат дарси эди. Осиғлиқ қора тахтада олма дарахтининг сурати. Хайри бир пас жим тургач, совуқ жилмайди ва тўсатдан:

— Олмангиз кам ҳосил-ку, муаллим! — деди. Бўрни олиб олма дарахтининг устига чизиқ тортди. Ёнига каттакон қўйнинг суратини чизди-да:

— Кўчиринглар! — деди болаларга қарата. Сўнг ҳамма қатори тош қотган Йўлдошнинг қўлидан ушлаб, сўроқсиз синфдан олиб чиқди. Кишан, кишан эди Хайрининг қўли.

Йўлакда бошқонга дуч келишди. Тўхтадилар.

— Бор, боравер, — деди у, — ихтиёринг оғангда...

Директор алдамаган экан. Хайри ўша кундан бери Йўлдошга оға! Раҳматли отаси ҳам уни «Оғанг» деб Хайрига ишониб топширди. Оға... бу сўзга ким шак келтиради? Ахир Хайрининг ўзи ҳам аввалида «Отанг ўрнида — ота, онанг ўрнида — онаман» деган, кейинчалик шаккок Йўлдош чўлдан қочган, босиқлик билан «Оғангман, сўзимга кир» деб муросага чорлади. «Оға!» Йўлдош алам билан пичирлар экан, юраги санчди, чап қўлини нўкенга босиб, бошини орқага ташлади. Назарида ўзгу сўлини Хайрининг совуқ башараси тўсди-ўради, гўё кўкдан қор эмас, сўз ёғилди: оға, оғангман, оға, оғангман!..

Тушуниб-тушунмаган ўйлар қуршови, вужудига қон бирлан кирган отамерос боғлиқлик, фарзандлик Йўлдошни барча хавф-хатардан асраб, Остонага олиб кирди.

Унда-бунда итлар ҳурар, қишлоқ жим-жит, ҳамма уйқуда эди. Олисдан уйини кузатди. Ҳамишадагидек дарвозахона чироғи ёниқ, тиқ этган товуш йўқ, бутун қишлоқ осуда. «Хайри ов анжомларини тайёрлаб, донг қотиб ухлаётган бўлса керак. Тонг отса, меҳмонлари келади...»

Ҳолдан тойиб, очиқиб қир томон юрди. Отаси вафотидан бери уни овутиб, кўз ёшу барча аламларини яшириб, пинҳон сирлашадиган қадрдон қир. Пастликда қишлоқнинг ёлик қураси. У совуққотиб қурага кирди. Тахта охурларнинг бирини судраб, панага тортди, қорини сидириб, ичига кириб ётди. Энсиз узун айвон ости қоп-қоронғи, унга ҳеч кимнинг кўзи тушмайди. То баҳоргача ёлик қура деярли ташландиқ, назардан холи жой. Кундузлари «Бекинмачоқ» ўйнагани келишадиган болаларни айтмаганда, қура ҳеч кимнинг ёдига тушмайди. Ўтган гал қочганида Хайри бутун остоналикни тўплаб, қўй янглиғ санаб, қамчи билан савалаб, худди шу қурага қамаган. Ўшанда у тонгни қирда қаршилаган, қурага кўз тикиб, худди шундай манзарани аниқ туйган эди.

Охур рахига бош қўйиб ётар экан, қўйга айланиб қолсам-а, деган ўйга борди. Унда нима бўлади? Бошини кўтариб қор бостан охурларга бир-бир кўз югуртирди. Қор ўрнида охур тўла ем-арпа бўлади, пастда — оёқ остида кўм-кўк янтоқ. Йўлдош тамшаниб қўйди. Бирпасда қура қурт-қурт янтоқ чайнаётган қўйлар билан тўлди. Хайри панжара ортида мамнун жилмайиб турибди. Она қўйлардан сал нарироқда сур тўқли — Йўлдош қийга булғанган янтоқни истар-истамас искайди...

«Мизғиб кўз очганида қўл-оёқлари совуқда тарашадек қотган, қура ёришиб итлар тинимсиз акилларди. Қор тиниб-ди. У зўрға қимирлаб ўрнидан турди. Куф-куфлаб бармоқларини илитган бўлди. Бутун вужудига тинимсиз ниналар санчилар, оғриққа чидаёлмай кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Кўзи охурга тиккайтирилган милтиққа тушди-ю ўзини босди, чидади. Аланглаб ташқарини кузатди. Кўча кимсасиз, ҳаммаёқ қорга бурканган. Авайлаб қурадан чиқди, ҳадемай тонг отади. Уйи билан қўшни ҳовли ўртасидаги очиқ майдон — беданоядан бир жуфт ит ўйноқлаб, бир-бирини қувлашиб ўтди. Томи-томига бирикмаган кенг ҳовлиларда ҳамон хотиржамлик. Ҳар бир қўшни ўртасида чегара — қор бостан беданоя — яланглик.

Йўлдош Остонага нажот истаб тикилар экан, айри ҳовлилардан кимдир чиқишини кутди. Ҳозир қўшни Кўчар бобо ёки Ойнурол тоға чиқадию Йўлдошга кўзи тушиб, қўлидан милтиқни олади... Кутди. Йўқ. Қор бостан дала-дашт, қирлар, қум-тепалар — бутун Остона жимжит. Гўё олис йиллардан буён Йўлдош, юраги кўксига сиғмай ураётган Йўлдошнинг келинини биқиниб, ҳар ким ўз уйида яширинча кутаётгандек.

Буёғига журъатли бир қадам, фатво керак. Сўнг гумбурлаган ўқ овози... галаён... Фатво сукутда, журъат милтиқда эди... Уйга яқинлашар экан, қўли толиб, оёқлари қалтиради.

Кўча чироғи ҳали ҳам ёниқ. Кимдир дарвозага келиб-кетган: қорда изи қолибди.

У Хайри тунайдиган хона деразасига яқинлашар экан, тўхтади. Парда тортилган дераза ойнасидан ичкари кўринмайди. Девор ошиб ўтишнинг иложи йўқ, ит акиллаб ҳовлини бошига кўтарди. Яхшиси, Хайрининг чиқишини пойлайди...

Парда қимирлагандек бўлди. Йўлдош ўзини четга олди.

Шу тонда Хайрининг хотинидан бўлак бутун хонадон аҳли ғарқ уйқуда эди.

— Хотинингни дард тутса тутибди-да, сен саҳройиларга ким қўйибди дўхтирни, уйингда туғ! — қўшниси Ойнуролнинг бемаврруд уйғотгани малол келиб, нечга саксовул қалаётган аёл шу тахлит минғирларди. — Висир-висир ортдан гапиришни биласанлар. Ҳа, Хайрибойга ишинг тушмайди-я, тушмайди! Машинаси керак, ёрдами керак...

Хонада илиқ ҳовур таралди. Хайри керишиб, оёқларини чўзди. У тунда кайф бўлиб қайтган, боши томонда бўш коса думалаб ётарди.

Аёл қайта ўринга кирмади. Уйқуси қочиб, тўшакнинг бир бурчида чўнқайди, соғлом, бақувват эрига тикилиб ўй сурди. Ишқилиб, кўз тегмасин, эрини Хайрибой деганларича бор. Остонанинг чинакам эгаси у. Унга тегиб, бир этак боланинг онасию хуш давронларининг соҳибаси бўламан деб ҳеч ўйламаган. Хайри уддабурон, олғир, қўлини қайга чўзса, етади. Бир ҳисобда остоналикдан ёмонлик кўришмадию нечундир кўп ўтган сайин эри сингари уларни хушламайдиган, кўзи кўзига тушса, нафрати қўзийдиган бўлди. Юмуши у ёқда турсин, гап-сўзи малол келади остоналикнинг. Баъзида кенг феъллиги тутиб, ҳа энди улар ҳам худонинг бандаси-да, дейди. Юрса-юрибди-да! Хизмати тайин, мол-жонларини аяшмайди. Қўрғондек ҳовлининг лой-сувида, ҳашарида катта-кичик остоналикнинг улуши бор. Барибир, Хайридек азаматга камда бу!

— Туф-туф, кўз тегмасин, — дея аёл эрининг елкасини силади. Нечундир шу тонда ташқарида бойлоғлиқ ит безовта хурди. У эринибгина дераза пардасини суриб, кўчага қаради. Ҳадиксираб деразага яқинлашаётган Йўлдошга кўзи тушди-ю пардани тортди.

— Туринг, туринг отаси! — деб ҳовлиқиб қичқирди. — Йўлдош милтиқ кўтариб келди, ҳаммамизни отади!

Хайри алланималар деб ғудранди. Хотинининг гапи қулоғига киргунча, аёл «Отади, ҳаммамизни отади!» деб елкасидан силкийверди.

Хайри даҳлиз деворига осиғлиқ ўқланган милтиқни олар экан, ғазабини босолмай «Ярамас, бехосият!» деб сўкинди. Доғда қолмаслик учун оёқ яланг, бош яланг супага чиқди.

Юрак ҳовучлаб эргашган хотинини имлаб уйга киритди. Парвондан томга кўтарилди-да, эмаклаб Йўлдошни кузатди. Бола деразадан ўн қадамча нарида, деворга ёпишганича миқ этмай турар, қўлида милтиқ... Кўзларини ишқалаб, тағин кузатди. Ўша! Ёпирай?! Энди уни қайтариш мушкул, муросага тушунмайди у, яхшиликни билмайди. Тўнғиз, тўнғизнинг боласи!

— Ўзингдан кўр, бола! — Хайри тишларини ғижирлатди. — Шум қадаминг бошингни еди! Йўлдошни нишонга олаётиб нафасини ютди.

* * *

...Ўқ овози очиқда ётган итларни безовта қилди. Улар югургилаб ташқарига отилдилар. Биринчи қор, биринчи қор ўқ овозидан остоналиклар ҳайратга тушмади. Уйғоқ қариялар «Кимдир алданган дайди кийикни отди» деб сукут сақлашди.

Йўлдош гард қўнмаган оппоқ қорда эски милтиқни қучоқлаб йиқилди. Шу тонгда қонун гувоҳлиги бўлганида кимдир марҳумнинг эгнида чопон, оёғида кирза этик деб қайд этар, чўнтагидан эса бўш патрон топарди.

Кўчага биринчи бўлиб хотинини тўлғоқ тутган Ойнурол, сўнг Хайри кийиниб чиқди. Кўз-кўзга тушганида, Хайри:

— Кўрмайсизми қўшни, Йўлдош ўзини отиб қўйди, — дея ачинган бўлди. — Эсипаст Мурод милтиқни болага ишонган. Жавоб беради ҳали.

Ойнурол тил тишлади. Тескари бурилиб, ғазабию кўз ёшларини яширди. «Агар хотиним ўғил туғса, отини Йўлдош қўяман!»

Шу билан Остонанинг Йўлдош учун тутган азасию ичган қасами тугади.

## ХОТИМА

Йўлдошнинг вафотидан сўнг Хайри Остонада қўли очиқ, сахий, етимпарвар деган ном олди. Ўшанда жамики таъзияга йиғилганларни лол қолдириб, боланинг жасадини лаҳадга ўзи қўйди, йиғлади. Барча расм-русумларни вақтида ота-она адо этди.

Дарвоқе, Мурод чол Йўлдошнинг таъзиясига келмади. Орада Хайри бир марта чолнинг ҳузурига бориб қайтди...

Йиллар ўтиб, Хайрининг ўз-ўзидан кўпайгани — қиз узатиб, ўғил уйлантиргани, невара кўргани тилдан-тилга кўчди. Айтишларича, у бир етим болани уйига олиб келиб тарбиялаган эмиш. Сўраганларга «Боланинг ота-онаси урушда ҳалок бўлган» деб маълум қилган. Остоналиклар бу яқин

орада уруш бўлганини билишмайди. Яна ким билсин. Хайридек дунё кўрган — эл кезган, юрт сўраган одам ёлғон гапирмас, дунё кенг, уруғ-аймоқ кўп, дунёнинг бир четида уруш бўлса бўлгандир. Хайридан «Болани икки-уч йил асраб, тағин юртига жўнатаман» деб эшитганлар бор. Ростдир, ёлғондир, ишқилиб Остонада шундай гап тарқалди.

Кимнинг боласи экан у, қай юртдан? Буниси ёлғиз Хайригаю худога аён...

СЎНГГИ ХАБАР: йиллар, замонлар ўзгариб, Остона Хайрининг номи билан — Хайриобод деб атала бошланди. Эски Остонада Хайрининг бринждан ясалган ҳайкали очилди.

1989 йил — май. Москва.
«Ёшлик», 1990 йил, 6—7-сонлар.

---

*Ражаббой РАУПОВ*

## ОСМОННИНГ ЭГАСИ

*Қисса*

*Вақт етиб, рост кун Сени худодай қаришлайди.*
(Раҳматли отам Рауф Ашурбек ўғли ўгитларидан)

— ЖО-ОН акажон, бугун Эркина деманг... Энди Эркиной демайсиз-а? — Эркин ўн еттига тўлиб-тўлмаган йигитча. У қаршисида қумга ёнбошлаган гўлабир, қоп-қора, шоп мўйлов янтоқ чопувчиларга бош — Ҳотам Танбалга шу тахлит ялинар, Ҳотам эса унинг кўзларига тик боққанича жим турар эди.

— Жоон акажон...

— Яна, тағин бир қайтар! — Ҳотам Эркиннинг «жон» сўзини чўзиб овозига қиз боладек майин тус бериб айтганидан роҳатланар, бардошини синар, қани, яна нима каромати бор бунинг, деб ажабланар эди.

Эркин «жоон акажон...» деб Ҳотамнинг буйруғини тағин бир марта бажарди.

«Сўз қурсин-а, сўз, — дея Ҳотам кулимсиради. — ажаб сўзларимиз бор-да! Масалан Ҳамид, биргина «а» ҳарфини қўшсанг — Ҳамида. Ёки Салим, «а» ҳарфини қўшсанг — Салима...»

Ҳотам керза этигини ечиб, шимининг пойчаларини тиззасидан юқорига тортди. Ҳар кун тушликдан сўнг одат шу, ишора шу — Эркин Ҳотамнинг бу имосини сўзсиз англайди.

Танбал этигини еча бошласа, Эркин кўйлаги енгини билагигача шимара бошлайди. Сўнг Ҳотам йигитчанинг қорамтир, нозик билагидан кўз узмай, тикилиб турадида шивирлайди:

— Эркина, Эркиной...

Шунда «Эркина» енг шимариб, Ҳотамнинг узатилган оёгини уқалашга тушади.

Ҳотам Танбал чалқанча ётиб, тиниқ, кўм-кўк осмонга тикилганча ўй суради. Кўпинча Танбалнинг ўйлари телбатескари — чалкаш, тутуруқсиз кечади. Мана, ҳозир ҳам у иссиқ қумга чўзилганича, ўй суриб ётибди. Тепасида осмон — улкан, оёқ учида Эркин — «Эркиной», кичкина Эркин. «Нега осмон олис — қўл етмас! Нега киши чўзилганида роҳат қилади, яйрайди? Осмонни бўлакларга бўлиш мумкинми? Нега баъзи эркаклар хотинмижоз?» — Бир ҳафтадирки, у шу тахлит фикрлайди. Бугун саволларига яна савол қўшилди. «Сотқинлар кимнинг боласи, қўрқоқлар-чи, ўз ақли қолиб, бировнинг гапи билан юрадиганлар-чи? Уларни ҳам аёл — она туғадими, туғса тўлғоқ тутармикин?.. Аввалига бир саволдек туюлган хаёлнинг чеки кўринмади. СОТҚИН ва ҚЎРҚОҚдан сўнг СЎЗ — қусур, СЎЗ — қусур қўшилаверди, қўшилаверди... Охири уни уйқу элтди, кўзи юмилиб, осмонни, оёғи учида гимирлаётган Эркин — «Эркиной»ни кўрмади, саволлар хотирдан чиқди. Кўп ўтмай атроф — янтоқзор, қипқизил барханларнинг панасида Эркинга ўзича жазо ўйлаб топган Ҳотамнинг «хурруш» этган овози эшитилди.

Эркин унинг ухлаганига ишонгач, оёгидан аста қўлини олади. Чеккароқда мунгайиб Танбалнинг уйгонишини кутади.

Танбал қуш уйқу эди. Уч-тўрт дақиқа ўтар-ўтмас чўчиб уйгонар, ёнида «Эркиной»ни кўриб жилмаяр, тезда жилмайган тусини қумга кўмиб, бошқа одамга — шафқатсиз, золим Ҳотам Танбал қиёфасига кирар. Эркиннинг орини қўзгаш, кўзида газаб шамолини кўриш учун ўзини қийнаб бўлса-да, шундай сўзлар топар ва айтар эди. Масалан, мана бундай:

— Эркиной, Эркина, онангни менга берасанми, а?.. Гапир...

Эркиндан садо чиқмас, у бошини эгиб, қумни чуқалаб ўтирар, Танбал эса бу орада унинг ҳолига сассиз йиглар, томогига тиқилган тошдай аламни ютиб, туйқус:

— Тур, дафтар, қалам топ! — деб бақирар эди.

У уч юз қадамлар нарида, ташландиқ — эски қўра атрофида ҳамқурлари дам олиб ётишган чодир томон кетганида, Ҳотам Танбал Эркиннинг қайтаражак жавобини хаёлида шу тахлит ёзар эди: — «Онангни менга берасанми, а? Гапир!» — бу, менинг гапим. Эркиннинг жавоби эса бундай:



«Онамни сизга берсам, отам сизни хотин қиладими?» — дафтарга шундай деб ёз, қайта-қайта ўқи, ёд ол, дейман. Сўнг менга қайтарасан!»

Эркин шу кетишича қайтиб Танбалнинг ёнига келмайди. Чодирга қайтиб борганида жўралари уни пойлашган шекилли, бир-бирига «оёгим, оёгим» деб қочирим қилишади. Шу тахлит вақт ўтгани сезилмайди, қуёш тафти сал сусайган, болалар тамадди қилишга тушадилар. Эркин уларнинг хушламаганини сезади, ўзи бир четда сувга нон ботириб ейди...

БУГУН Танбалнинг уйқуси одатдагидан хийла узоқ чўзилди. У туш кўрган, тушида юпун болалиги, очарчилик, қари онаси, сингиллари... ва яна отасининг ҳарбийдан юборган суратини қўйнига яшириб, пана-панада сурат билан суҳбатлашганлари кириб, безовта бўлди. У уйгониб ҳам анчагача ўзига келолмади. Танбал ўша воқеани ҳали-ҳануз унутолмайди. Машъум очарчилик йиллари онаси қарамогидаги ёлгиз қўчқорни сотиб келишни Ҳотамга ишонди. Қўчқор икки ҳафта ҳам бозордан «қайтди». Учинчи гал онаси Ҳотамга ҳамроҳ бўлди, биргалашиб қўчқорни бозорга етаклашди. Йўл ярмлаганида у онасини гафлатда қолдириб, уйига қочиб кетди. ...Уйида онаси бир сўз демади, уришмади ҳам. Тушунди: ўгли қўчқорни сотишга қўли қиймаган. Шу воқеани хотирлаб, муҳтожлик, очлик голиб чиқиб, суюкли қўчқорига ўзгалар эга бўлганига ачиниб ҳўнгиллаб йиглашини, кўзи Эркинга тушиб, кўнгли баттар хира тортди. Йўқса, қўчқор ҳам гапми, нари борса, у бир мол, баҳоси беш-ўн сўм қогоз пул, сўйса, ўн-ўн беш кило гўшт. Ҳа, Ҳотам унга мол деб эмас, хонадоннинг аъзоси, ўзи тенги бола санаб, онасию сингилларидан яширикча юрагидаги согинч, армонларини тўкиб — суҳбатлашган. Қўчқор бўйнидан қучоқлаб йиглаган... Қора қўчқор Ҳотамнинг согинчларини олиб, армонларини эшитиб бозорда сотилди.

«Мана бу бола, мана бу бола... дориламон замоннинг боласи... кунпа-кундузи жўраларини...» — у алам билан кўзини очса, қаршисида Эркин! Яна Эркин, яна...

— Йўқол, кет, кўзимга кўринма!

Қочса, Танбал гўё тугиб бўгизлаб қумга кўмадигандек. У уч-тўрт қадам тисарилиб, дийдираб тураверди. Танбал икки қўли билан чаккасини маҳкам сиққанича бошини кўтармади. Бир пайт панжаларини бўшатиб қаради. Эркин — «Эркиной» ҳали ҳам турган жойида дийдираб, кўзи тўла қўрқув, юраки ёрилгудек жавдираб турибди.

— Совқотяпсанми-а, Эркиной, саратонда-я? — кесатди у. — Чопонимни киясанми, ма, ол! Танбал ёнбошидаги буклаган чопонини қўлга олди-да, уни синчиклаб кузатди. Бу

орада «Эркиной» бош силкиб, Танбалнинг саволига жавоб қилди: «Совқотяпман».

Танбал қишин-ёзин чопонини ташламас, ўзи билан олиб юрар эди. Чопон гўё унга қурол — ҳамроҳ, ҳам кўрпа, ҳам ёстиқ.

— Тилинг борми?

— Совқотяпман...

— Э энагар Эркин, — Танбал гулдираб кулди, — ёлгонни ҳам бошлайсан-да, а, ундан кўра, қўрқаяпман десанг-чи!

«Эркиной» яна бош силкиб, Танбалнинг гапини тасдиқлади: «Қўрқаяпман».

— Яқинроқ кел.

«Эркиной» қўрқа-писа Танбалга яқинлашди.

— Тиз чўк, ҳа, шундай, қани айт-чи, чиндан ҳам, қўрқаяпсанми, ё совқотяпсанми?

Эркин титроғини босолмай:

— Совқотяпман, — деди.

Танбал кўзини чирт юмди, очди, қуёшга қаради ва:

— Кет, Эркин, кет, кет!! — деб бақирди.

Эркин — «Эркиной» эса қотиб туравергач, ўзи ундан узоқлашиб кетди.

* * *

АЛАМ — аччиқнинг боши бор, бунга Эркин сабаб бўлди. Ўша куни тун маҳали раис чўпон отарлари томон кетаётиб, ҳашарчиларнинг чодирига тушиб ўтди. Ҳашарчилар — ўрта мактабни тугатган йигирма чоғли бола, яқинда хизматдан қайтган Малик (у қишлоқ хўжалик техникумида ўқимоқчи) ва Ҳотам Танбал бошлиқ бригада. Болаларнинг барида ҳам бир бор шаҳар кўриш, ўқишни давом эттириш орзуси аниқ. Олий даргоҳга ҳужжат топшириш учун эса шахснинг яшаш жойини тасдиқловчи бир парча қоғоз зарур. Таомил шундай. Раис буни тушунади. Шунинг учун ҳам ҳар йили қишлоқ Шўроси билан келишиб, болаларни чўлга — яйтоққа сафарбар этади. Улуш белгилайди, уларга бир одамни бош тайинлаб жўнатади. Марҳамат, улушини бажарганга ҳужжат тайёр... Одатдагидек, бу гал ҳам текин хизматкорларга Ҳотам Танбал бош бўлди. У буни истамаса-да, чўлга боради. Чунки у раиста, колхозга қарам — колхозчи, унинг бундан бўлак касб-кори йўқ...

Ҳотам Танбал... У ҳам бир пайтлар бола бўлган, орзу-умидлари кўл етмас, учқур эди. Аммо... Орзусининг кетидан қувмади эмас, қувди, лекин етолмади, орзуси орзулигича тепада осилиб қолди — қўли етмади.

Танбалнинг бир армони шундан...



У ҳам бир пайтлар (гарчи тўрт синф илми бўлса-да) мактаб кўрган, муаллим кўрган. Мактабни тугатолмади; кўзи калталик қилди, қари онасию сингилларини деди; рўзғор деган гор оғиз очиб, топганини ютиб турди. Ҳалигача шу-шу!

Танбал (у пайтлар лақаб олмаган эди) зорланмади, юрагини бировга ёрмади, ҳалқумидагини аўрлаб бўлса-да ютди. Заҳарми у, заққумми у — ютди, ютаверди. Ҳалигача шу-шу!

Унинг бир эмас, минг армони шундан...

Баъзида у ўйлаб-ўйлаб, ўқисам, катта одам бўлармидим деб ўкинади... Сўнг қўл силтайди, ўқиб осмоннинг эгаси бўлармидим, қўл-оёғим бут, кўзим кўр эмас, шукр, ерда юрибман-ку, деб ўзини овутади. Бу ўй, бу ғалаёнларнинг босилганига ҳам анча бўлиб қолди. Танбал илгаригидек жўшмайди, қийналмайди. Рўзғори бут, ўзи кўрмаганни икки ўғли кўрар, тўнгичи шаҳарда муаллим бўлмоқчи...

Ҳар йили саратонда учирма болаларга қўшилиб бир ҳафта яйтоқ чопишга чиқади-ю, олисларда қолган хира армони қайта жунбушга келади, қийнайди. Болаларга ўзича куйинади, вақтни совурмаслиги, буларнинг қўлига кетмон даста эмас, қалам тутқазиш керак, деган ўйга боради, лекин буни ҳеч кимга айтолмайди, айтган билан биров қулоқ осармиди. Қўлидан келгани — болаларни ўз ихтиёрига қўйиб, қийин-қистовга олмайди. Жазирамада бошни қайнатиб, яйтоқ чопинглар демайди, неки ҳаракат, инсоф бўлса, болаларнинг ўзидан.

Раис келмасидан бир кун олдин у шомда болаларга.

— Эртага яйтоқ чопмайсанлар! — деб буйруқ берди. Барини қуёш чиқмасидан илгарироқ уйғотиб, қўл-бетини ювдиртирди-да:

— Юртни ювиқсиз кўриш мумкинмас, тарқалинглар, — деди. — Сенлар эрта-индин учиб кетадиган полапонларсан. Менинг даврамда бир ўйнанглар, тўйиб-тўйиб юртларингни кўринг, таниб қолинглар. Ҳозир қуёш чиқади, шошилинглар, ораларингда рассом бўламан, деганинг борми, қайсинг шеър ёзасан?

— Юрт, қайси юртни кўрамиз? — олдинига болалар Танбални мазах қилиб кулишди, устма-уст савол ёғдиришди. Бириси аямади:

— Яхшиси ухлайлик, шу яйтоқзору қумтепалар юрт бўлса, тушимизда ҳам кўраверамиз...

Тағин бири:

— Анови, Эркин ҳикоя ёзади, Шароф рассом бўлмоқчи шуларни бошлаб боринг, юртини кўришсин, таниб қолишсин, — деди.

— Басе, каллаварамлар! — дея Танбал тутоқди. —

Кўриб турганларинг юрт бўлмай — нима, онангнинг ковушими?! Юртнинг тили бўлса, айтсин, мен юртман деб, қичқирсин сен тирранчаларга ўхшаб! Шунда ҳам сенлар бу жойларнинг тилига тушунмайсан, қадрига етмайсанлар... Қани, марш!

* * *

БОЛАЛАР қуйи нурига тўйган барханлардан ошиб, саксовуллар панасига яширингач, Танбал чодир ёнида ўй суриб, ёлғиз қолди. Мўйлови сабза уриб қолган йигитчаларга унинг ҳаваси келди. Улар ҳали ёш, бола, ўйин-кулги бўлса бас... Улар ҳали кўп нарсанинг фарқига боришмайди. Мана ҳозир ҳам Танбалнинг ниятини тушунишмади, кулишди. Кунлар ўтаверади, ҳа Танбал билган, кўрган кунлар ўтаверади. Тезроқ улғайсам дейсан улғаясан, улғайганингни эса сезмайсан. Назарингда ҳеч ким, ҳеч нима ўзгармагандай: ўша ер, сув, дарахтлар, кўча, қўни-қўшни... Биров ўлади, кимдир туғилади. Яна мана бундай хавотир, йўқ хавотирга монанд ҳаракат, гап-сўз: «Ун қиммат бўлармиш, ош тузини ғамлаб қўйиш зарур, кир совуннинг тори камайди...» Кунлар эса ўтаверади, ҳа, Танбал билган, кўрган кунлар... Кимдир сени алдайди, сен кимнидир алдайсан, бари бир пулга қиммат. Ютасанми, ютқазасанми бунинг фарқи йўқ. Шундаймикин-а?.. Агар ақлингни йиғиб, ёлғиз ўтирсанг, атрофингда қуртдек сочилган кимсалар, уларнинг тинимсиз ғимирлашини, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронни тепадан кимдир — улкан бир одам кўриб, кузатиб турганга ўхшайди.

Пастда эса оломон, навбат, тақсимот, ғийбат... Танбал навбатни билмайди. У анча бўлди, харид учун навбатга турмаган. Баъзида ўғли таътилга келганида пул керак бўлади, кассирга учрайди, у палон куни келинг дейди, йўқса, беш-олти кишидан сўнг навбатга туради. Бундай пайтда доим Танбалга малол келади, уялади, орланади. То гали етгунча оғирлигини гоҳ ўнг, гоҳ сўл оёғига ташлаб қисиниб, оладиган ҳаққини-ю, ўзини койиб, кассир белги қўйган қоғозга имзо чекади. Пулни санамай чўнтагига солади, идорадан чиқибоқ қўлини ювади. Ростми, ёлғонми пулни ҳаром деб эшитгани бор. Сўнг уйига боради-да, костюмини қозиққа илиб, хотинимни ё ўғли бўлсин, ана чўнтагимда пул бор, ол дейди...

Пул ҳақидаги ўйидан хижолат тортиб ўрнидан турди, гўё болалардан бирови Танбалнинг қулоғига «Юрт қолиб, пулга ўтдингизми?» дегандек бўлди.

— Э, йўқ, — деди Танбал ўз-ўзига, мен навбат, тақсимот ҳақида ўйладим. Булар, бари сенларнинг пешонангга ёзилган. Мен... — у, «баридан йироқ, четдаман» дегиси келди-ю айтолмади. Навбат, тақсимот ҳақидаги ўйи, билган, эшитгани гўё кенг гардиш — ҳалқа бўлиб, Танбалнинг атрофини ўради. Танбал ҳалқага тушди.

...Қуёш чиқиб, болаларнинг олди чодир томон қайта бошлаганда, Танбал самоварга саксовул қалади. У ҳамон ўй-хаёллари таъсирида чўғ тушганича оловга термулиб ўтирар экан, ҳалигина ҳис қилгани — ҳалқа калитини топгандек бўлди. Калит — қорними, нафсми — шунга ўхшаш қиёфага кирди-ю гира-шира кўз кўрсатди. Ҳаял ўтмай у калит Танбалнинг фикр-ўйини банд этди.

— Қорин, қорин! — дея шивирлаб ўрнидан турди-да, атрофга қаради: кенг саҳро, олисда афсонавий Ҳазор нур* тепалиги, ундан нариси яна чўл — Қизилқум, бағри хисобсиз бойлик билан тўлган Қизилқум...

Зум ўтмай Танбалнинг гардини ўраган ҳалқани бузиб, отлар, найза, қилич, қалқон билан қуролланган ёв лашкарлари ўтди. Сўнг яна отлар дупури, оқ байроқ, қизил байроқлилар, сўнгида киноларда кўргани бомба портлади, ёнидаги бархан титилиб сочилди: қуёшда олтин заррачаларидек товланиб Танбалнинг бошидан қуюлди. У қум остида кўпчиб ётганича:

— Қорин, қорин! — дея шивирлайверди. — Қорин деб бу юртга лашкар тортганнинг саноғи йўқ... Келган кетар экан, охийри кетади, хароб бўлсин, хор бўлсин, мен кўмилган шу юрт, шу тупроқ қолади! Болаларга айтаман буни. Мен бир суякман-да, дейман, майли, тепишсин, итга ташлашсин, барибир қоламан...

Шукрки, қоринни танадан ажратиб ерга алоҳида кўмишмайди. Агар таомил шундай бўлганида, қорин ерни ҳам ер эди. Эшитгани рост бўлса, дастлаб, мурданинг ичи емирилиб заҳарга айланади, сўнг ана шу заҳар танани емиради. Бутун бошли одамдан бир ҳовуч суяк қолади.

— Эҳ, суяк, суякжон, сен менсан, сен ёлғизликка монанд яна юртга — Қизилқумга яшайсан... Дўстинг ташлаб кетса, ёлғиз қоласанми — қоласан. Иноғингнинг суймаса, сотса, ёлғиз қоласанми — қоласан. Ахир суяк Ватан бўмай — нима, этмиди, тирноқмиди? Қоладигани суяк экан-да!..

Танбал хўрсинди. У кўмилган тупроқнинг тили бўлса, айтсин, шундай эмасми, ё Танбал адашдими, — у бир чаласавод-да. Йўқ, ер гапирмайди, у Танбалга қасдма-қасд бардошли, гунг. Вақт етиб, болалар буни ўз кўзлари билан кўришади, қудуқ қазишса, ердан Танбалнинг суяги чиқади. Майли, ҳозирча қаноат тут, нарёғига Танбалнинг кучи етишмайди...

* Ҳазор нур — қадимий қалъа.

Умиди сўнганмас, лекин умид кимдан? Танбал шунисига гаранг, лол...

Кимдир «кўмилган» Танбалнинг елкасидан туртди ва:

— Эй, бригадир. — деди — юрт конец — тугади!

Суяклари сирқираб ўрнидан турди, қараса, ёнида аскарча кўйлагининг ёқаси киндигигача очиқ Малик, болалар тиржайиб туришибди.

...Эртасига раис янтоқ ғарамларини кўздан кечирар экан, қовоқ уюб Танбал бошлиқ болаларни йиғди-да, танбеҳ берди:

— Инсоф борми ўзи сенда-а, Ҳотам? Бу найрангбозларни уйинга бошлаб келдингми?

Танбал одатича бўйнини қашиб жим тураверди, индамади.

— Гапирсанг-чи — тилинг борми, оғзингда?

— Чопаямиз, шу... кўкламда қўй ейилган эканми, сира баракаси йўқ...

— Ҳамма жой янтоқ, раис бова, тезроқ чопайлик, кетайлик, десам, булар... — кутилмаганда Эркин тўдани ёриб олдинга чиқди, сирни ошкор қилди.

Танбал ялт этиб Эркинга қаради-ю қизарди, тагин бўйнини қашиди, ерга тикилди.

— Эшитдингми, бу боланинг гапини, — раис Эркинни кўрсатди. — Ўле, шу кунингдан! Онангни... сени!

— Онамни сўкманг, раис! — Танбал бўйнидан қўлини олди, қаддини ростлади. — Сизга янтоқ керак бўлса чопамиз, чопаман! Аммо сўкишингизни қайтиб олинг, уятга қоласиз...

Болалар бирин-кетин тарқалишди. Эркин эса раис томонга силжиб Танбални зимдан кузатиб турди.

— Кимнинг боласи бу?

— Билмайман, ўзидан сўранг раис. — Танбал қовоғини уюб, ҳансираб бурнидан нафас олар, кўз олди қоронғилашиб, қўлидаги таёғини қумга қаттиқроқ санчар, таёқ қумга ботган сари унинг қадди ҳам эгилиб борар эди. — Ешимни, болаларни ҳам менсимадиз. Майли, онангиз ҳали ҳаёт, сўкишингизни қайтиб бўйнингизга оддим...

* * *

Оқшом Танбал болаларга қўшилиб овқатланмади. Томоғидан овқат ўтмади. Бир тишлам нонни оғзига солиб, ҳасса ўрнида тутадиган таёқни қўлига олиб, чодирдан олислаб кетди. Юриб-юриб, бир бархан тепасига чиқди-ю, чўнқайиб ўтирди. Қўлидаги таёғини ой нурига тутиб томоша қилди. «Шу таёқча қадрим йўғ-е, — деб кўнгли бузилди, ҳассани синдирмоқчи бўлиб тиззасига тиради, букди. — Шуни бутун тутаман, эгмайман десам, хўрлашади, ҳақорат устига ҳақо-

рат! Синдирсам, эзикланади, ярим мот, ярим жонининг, яримта нонининг қадри баланд. Тик турсанг — ўласан, эгилсанг — ўқ устингдан учади. Эҳ, бутунликка ҳам ишонмадим, эгри йўл тўгри йўлга олиб чиқади, дегани шумикан ёки?.. У ниятидан қайтди — таёқни синдирмади, қумга тиккасига санчди. Ёнбош тушиб унга термулиб ётди-да: «Омон бўлсам, сени бутун тутаман, эгмайман, — деди, — қўлимдан қўймайман ҳам сени...»

Ой нурида барханлар зарҳал тусга беланди. Сокинлик. Осмоннинг туб-тубида юлдузлар порлади. Шу чексиз маконнинг бир бурчида — чодирда Эркин тенгқурлари билан ётибди. У бугун тенгсиз жасорат кўрсатди... Танбал икки қўллаб таёққа суянди. Унинг таёқ тутган муштларигина кўмилмади, панжаларини бўшатган эди, ҳасса бир қарич қумдан чиқиб қозиққа ўхшаб қолди. «Мен сени қўйвормайман, — деб яна у «қозиққа» қўл чўзди, — суйидиган, суянадиганим сенсан, мен сенинг ўглингман! Ҳеч ким бир пулга олмаган Танбал ўглингнинг қасами шу, сўзи шу!..»

Кўп ўтмай Танбалнинг ҳўнграб йиглагани, ўз-ўзи билан сўзлашгани эшитилди.

— Муштдай бола жигарларини сотди-да, сотди! Янтоқ деб, бир парча қогоз деб сотди. Отангга балли-е, Эркин...

Дарвоқе, у кимнинг боласи?

Болалар ухлаган маҳал чодирга қайтди...

ЭРТАЛАБ болалар юмушга тарқалаётганида Танбал Эркинни имлаб чақирди.

— Шер, сен кимнинг ўглисан?

Эркин бир оз ўйланиб тургач, отасининг отини айтди. Қайта сўради, у яна ўша номни такрорлади. Танбал ёқасини жуфтлаб, боладан нарироққа кетди. Ер чизиб хаёл сурди, ортига қайтди, зимдан Эркинга тикилди.

Танбал боланинг ота-онаси, ҳатто бобосини яқиндан танир, у ҳақда кўп эшитган. Узунқулоқ гаплар рост бўлса, чолни Урмон полвоннинг бесоқоли эди дейишади... Қурбонни Урмон полвон ҳақида Айний* китоб ёзганмиш... «Э, кароматингдан ўргилай, бу болада нима айб, — Танбал Эркиндан кўзини олди. — Бечора дейинми сени, шўрлик дейинми? Қонингда гуноҳ оқади сенинг... Энди мен кетай... Сен беморсан, болам...»

Кун бўйи юраги гашланиб, Эркин ҳақида ўйлади. Болаларни ўз ихтиёрига ташлаб, уларга яқинлашмади. Гўё Эркинни хавф-хатар кутмоқда-ю. Танбал бундан гофил, ҳам чорасиз. Ўйлаган сари боланинг бобоси ҳақида эшитганлари бот-бот ёдига тушиб, ўзини лоҳас, бемор ҳис қилди. Бир зум

бўлсин, кўз ўнгидан қишлоқ қариялари таърифлаган қўрбошининг елкасига олиоқ сочиқ ташлаб эгилиб, Ўрмон полвоннинг қўлига сув қуяётган Эркинга монанд қорача, жиккаккина бола кетмади. Туйқус чодирдан чиқди-ю, ўз-ўзига:

— Қон тортади, деганн шу-да! — деди. Бироз туриб:

— Йўқ, ҳовлиқма Танбал, — деб шивирлади, — бу гапни биров эшитмасин, ор бор, номус бор, боланинг пешонасига доғ бу гапинг!

...Минг ўйласин, андишага борсин, барибир, тинчимади. Туриб-туриб «Синайман уни» деган хулосага келди. Кечга томон (кўпинча салқинда ишлашарди), болалар янтоқ чопаётган тепаликка яқин борди-ю, Эркинни чақириб олди. Кўздан йироқ бархан пanaсига етганда Танбал тўхтади. Ўзини мажбурлаб бўлса-да ортидан эргашган Эркинга қарамасликка, бир хаёли аҳмоқона қилиғидан воз кечишга, болани ортига қайтаришга рой қилди-ю, яна феъли айнидн. «Яхшиси, кечаги айби учун жўраларига урдираман, ўзлари боплаб таъзирини беришсин. Йўқ, — Танбал сўнгги важидан ҳам кечди. — Бобосидан ўтган касали рост бўлса, бу билан тузалмайди, қайтага болаларга баттар ўчакишади, кин сақлайди, бўлар-бўлмасга сотади...» — У жаҳл билан тупурди-да:

— Эркина, Эркиной, — деб болани имлади. Уни атайлаб қиз боланинг номи билан чақириб, орини қўзғамоқчи, — бу билан кечадан бери ором бермаётган ўй-хаёлларию, Эркиннинг қавми ҳақидаги оғиздан-оғизга кўчиб юрган маломатнинг рост-ёлғонлигини болада синаб кўрмоқчи, билмоқчи бўлди. Унга жавобан Эркин бир сўз демади, аввалига «ҳи-ҳи»лаб жилмайди, сўнг ҳадиксираб яқинлашди.

«Э, кароматингдан, тавба қилдим, гуноҳга ботмай тағин, — Танбал ўзидан-да жирканиб яна қумга тупурди, — ҳеч қиси йўқ, — деб далда берди ўзига, — ўзим даволайман буни, тузатаман...»

— Этигимни торт! — у қумга ёнбошлаб, ўнг оёғини Эркинга узатди. Эркин тиз чўкиб, Танбалнинг этигига қўл чўзди. «Башарасига тепсам» кўзини чирт юмиб, ижирганди Танбал. Кўзини очганида этиги Эркиннинг қўлида турар эди. У шу қўйича бошини қумга қўйди-да, иккинчи оёғини узатди. «Э, кароматингдан, — деб ранжиди, — дунё дунё бўлсанг, сиринни пинҳон тутма-да, мен англаб кетай, агар мен одам бўлсам, сен ҳам кимлигингни бил-да!.. Мана бу бола, мана бу Эркин ким бўлди? Уни синашга ҳаққим борми менинг? Йўқ! Ҳа!»

Уни «Ҳа!» йўлдан оздирди. Шимини тиззасига довур тортди-да:

— Оёғимни уқала, Эркиной, оёғимни уқала, — деди.

* С. Айний. «Қуллар».



Кўзини юмиб ётди. Қайноқ қум аъзойи танини қиздирди. Бармоқлари мушт бўлиб тугилди. Шу ер — Танбал чўзилган, Эркин эса унинг узатилган оёғини уқалаб ўтирган ер иккисига ҳам тенг, бир хилда қадрдонми? Ер деб бош қўйгани сароб ё бир рўёмасмикин? Йигирма чоғли боладан нега ёлғиз Эркин Танбалнинг оёғини уқалайди? Эркин... Эркин... Сен кимнинг боласисан?..

* * *

ТУНДА у чодирга яқин қўйилган йиғма карапотида босинқираб уйғонди. Тушида Танбални ечинтириб, қора кигизга ўраншган, тақир супада думалатиб, тепиб-тепиб очишсаки, танасида ёпишган узуқ-юлуқ намат парчалари тушмасмиш. Оёқ остига ёйилган кигиз эса илма-тешик...

Танбал баданига чиндан ҳам кигиз нимталари илашгандек, жон ҳолатда кўкраги, оёқларини сийпалаб кўрди. Кўнгли бир қадар таскин топиб, қайта-қайта «шукр» деб жойига чўкди. Бош учига қўйиб ётган таёғига қўл чўзди. Қайта ухлаёлмади. Наридан бери юриб, туши ҳақида ўйлади. «Хосиятсиз туш кўрдим, қилмишимга яраша жазо бу туш... Танбал, сен худомидингки, Эркинни синасинг, отаси бўлак, онаси бўлак сен унга бор йўғи, бир ҳафта, ошиб борса ўн кун бошқон...

Юриб-юриб шундай важ топди: «Раис сўкмасин эди. Шу тирранчаларни деб раис онамни... Э, барига энағар Эркин сабаб бўлди. Тусига... шу бир парча қоғозни, сабр қил оласан, шаҳарга ҳам борарсан...»

Пешинга яқин Танбал Эркиндан яна бир қусур топди. «Овози ипакдай, аёлтахлит». Ўйлаб-ўйлаб, бунинг чорасини ўзича топган бўлди. Тушликдан сўнг болаларга Эркинни улкан саксовулни қучоқлатиб боғлатди-да буюрди:

— Эркиннинг гуноҳини биласанлар-а, чақимчилик айб эмас — гуноҳ, оғир гуноҳ! Ҳар қайсинг қудуқдан икки челакдан сув торт. Бошидан қуямиз, гуноҳи ювилсин...

Сув тўла биринчи челакни Танбал қўлига олатуриб, Эркинни огоҳлантирди:

— Сен қўрқма, Эркиной, мен ва жўраларинг бир бўлиб, сени даволаймиз. Шамоллаб очилсанг, овозинг йўғонлашади, мана булар тахлит дўриллаб гапирасан. Шунда сени Эркиной эмас, Эркин деб чақираман.

Бошидан қирқ челак сув қуйилгач, Эркинни саксовулдан ечишди. Танбал уни офтобда турмасин учун бир ўзини чодирга қамади, чиқмасин деб тайинлаб икки тенгқурини соқчиликка қўйди. Эшикда туриб, муолажа йўригини тушунтирди!

— Эркиной, совқотиб аксирсанг — букир, уялма, зўриқ-

қанингни ҳеч ким эшитмайди. Томоғ пардаиг йиртилса, овозинг гулдираб чиқади. Сал қулоғингта ғўр тушади, зарари йўқ, за то эркакка ўхшайсан...

* * *

ТАНБАЛнинг одатлари бор бўлсин «за то» деб сўзлашни у оғнаси Мўмин Ноқимдан ўрганган. Сал бўлмаса унутаёзди. Сафга аскар бола Малик қўшилди-ю, у яна «за то»ни ёдига солди. Ҳотам номига қўшиб Танбал дейишса-да, у жуда нозик феъл. Қишлоғида шаҳар кўрган, палончиман деса, кишининг ҳавасини қўзғайдиган ҳамтенглари йўқ эмас. Шундайлардан бири оғнаси — Мўмин Ноқим. Аслида у билан оғначилиги йўғу — тенгқур, қишлоқда бирга ўсишган. Унинг тўлиқ исми шарифи — Мўмин Ноқим Ҳусанқул ўғли. Бирда район пахта режасини бажарганида ҳаваскор қаламкаш билан ҳамкорликда шеър битиб, остига М. Н. Ҳусанқул ўғли деб имзо чеккан. У талай касб-корга ўралашди, охирида бахти чопдими, ё қурғурнинг ўзи зўрми, район рўзномасида муҳаррир ўринбосари лавозимига минди. Сал оқсаб юриши — бир оёғининг калталигини айтмаганда, ўзи суқсурдай йигит. Оқсоқлигига аввало ўзи, сўнг нафси сабаб бўлган. Болалигида тут еймаи деб дарахтдан йиқилган... Майли, шўхлиги ўз йўлига, олифталигини денг, улғайди ҳамки, шу-шу! Кўк барра теридан тикилган қулоқчинини қошига довур бостириб, қаддини тик тутиб юрсами, Мўминга тенг келадигани йўқ. Тополмайсиз. Масъул идораларда, мажлису йиғинларда ўзини тутишга чоғлайди-ю, лекин оёқ оқсаса қийин экан, қад ўлгур ҳадеганда ройишга бўйсунмайди. Оёқ бостанида, елка бешикдек тебраниб, Мўминни узоқдан элга ошкор этади, танитади. Майли, гап бунда ҳам эмас, бўйинг пакана бўлсин, оёғинг чўлоқ — кичкина аманинг бўлса бас экан, ҳеч ким Мўмин Ноқимни чўлоқсан деб бетига солмайди. Орқаваротдан бир-ярим шундай гап эшитгану, лекин эшитмаганга олган. Рост-да, гапи бўлса, қўрқмаса, юзига айтсин. Шундай деймизу, барибир, тўғри гап отангга ҳам ёқмайди. Тўғри, гапни айтмаган маъқул. Мўмин Ноқим бу ҳақда кўп ўйлаган, ўйлаб-ўйлаб шундай хулосага келган. Беайб парвардигор, дегашлар. Мўмин Ноқим ҳам ўзига яраша хислатли одам-у, баъзида бошлиғига тақлид қилади. Бошлиқ бировни кўр деса кўр дейди, кал деса, кал. Ўзининг эса кимлигини унутади. Шундан уни Лаққа, Лаққа балиқ ҳам дейишади. Ҳотам Танбал унинг сузганини кўрмаган, лекин айтишларича, Мўмин сувга тикасига сакраганда, унга бас келиш мушкул. У сувда кўп ўйин кўрсатган, томоша берган, териси силлиқ, — сирпанчиқ, қўлга турмайди, қочади. Бир балиқ бўлса, Мўминчалик бў-



лар. Одамлар қизиқ-да, сувда тинчгина сузиб юрган балиқни ҳам қўйишмайди-я? Йўқса, Лаққа балиқ билан Танбалнинг оғнаси Мўмин Ноқим ўртасида қанча фарқ бор?

Булар бари ўтиб кетаверсин. Мўмин Ноқимнинг айтса, айтгулик фазилати кўп: бири — бошлиги хушламаган кишини ўзининг душмани деб билади. Йигит шундай бўлиши керак. Гапига кирадиган жўраларига шундай ўгит берган. Танбал буни ўз қулоқлари билан эшитган: «Ҳае бўлсин, ҳашак бўлсин, бошлиқми — бошлиқ. Бетга қарама, юзга сапчима, гапини гап де, бажар, бошингни эг...» Ҳеч ким Мўмин Ноқимга бу ўгитларни ўргатмаган, киройи донолигидан ўзи уққан. Мўминнинг донишлиги шунда. Шундан уни бошлиги ҳеч қошидан ечмайди, қўйвормайди, ёнидан бир қадам бўлсин, силжитмайди. Йўқса, теваракда одам камми, мўмину муслимликда Мўмин Ноқим танҳо.

Бошлиқ ҳам бегонамас, ҳамқишлоқ отаси қазо қилганида қишлоқчилик, урф-одат — барча қатори Ҳотам Танбал ҳам таъзияга борди. Кўрсаки, дарвозахонада азадорлар қабатида Мўмин Ноқим ва яна бир сариққина бола (бошлиқ унда ўзининг «иқтидори»ни кўради) тўн кийиб, бел боғлаб турнибди. Танбалнинг кулгиси қистади, лабини тишлади, зимдан уларга қараб ўтди, ўзича таъба қилди: «Ҳеч кимни худо шу кўйга солмасин...» Одатда, марҳумнинг энг яқинлари бел боғлаб тўн кийишади, аза тутишади. Мўмин Ноқиму сариққина бола марҳумга на ўғил, на қавму қариндош? Танбалнинг боши қотди. Мулла тиловатини тугатди ҳамки, сезмай мум тишлаб ўтираверди, охири кимдир уни туртди...

Чиқаётиб у оғнасидан ҳол сўраган бўлиб, қулоғига:

— Қутлайман, отанг ўлибди, — дея шивирлади. «Азадор» сариққина бола кўришмоқчи бўлиб, қўл чўзган эди, Танбал кўрмаганга олди. Ким билсин, қўли ҳалолми, ҳаромми? Шу пайтда Мўмин Ноқимнинг йўлини тутибдими, унга ишониш мушкул...

Йўл бўйи «Ўялмайди булар, буларнинг ҳазар қилгулик нуқси бор, — дея ранжиди. — Дунёни бузса, шулар бузади, қачонки, бошимга осмонни ташласа, шулар ташлайди. Катталиқ шу бўлса, кечдим, ўн марта, юз марта кечдим!» Танбал уйига етгунча оғнаси Мўмин Ноқимга кек сақлаб, шаънига аччиқ сўзлар ёғдирди. Алами босилмади. Хотинига кўк чой буюра туриб:

— Мўмин Ноқимнинг отаси нечта? — деб сўради.

Аввалига хотини тушунмади, гапи жавобсиз қолди.

— Кармисан, сендан сўраяпман?

— Мен қайдан билай, қадрдон оғнангиз — сиз биласиз!

— Оғна дема-е, сатқаи оғна кетсин! Мен ҳам билмаин-

ман, боним гаранг. — Танбал хаёлга толди: «Бундайларнинг отаси кўп, энаси номаълум. Ҳозир қилгулик булар, барининг зоти паст...»

Шунақа, Танбалнинг одатлари бор бўлсин. Ҳотам номига тиркаб Танбал дейишса-да, у жуда нозик таъб...

* * *

Эртасига Танбал кутган мўъжиза юз бермади: Эркин шамолламади. Ташқари иссиқ, чодир ичи салқин. Эркин тўшакка ўраниб ухлаган, шу ётганича болалар кечликка қайтган маҳал оздликка чиққан эди.

...Танбал Эркинга, Эркин Танбалга ўчакишмади, — у нима деса, бола бажарар, натижа эса бир хил, кутганининг тескариси бўлиб чиқарди.

— Нима бало, умуртқанг йўқми сенинг, одаммисан, ганир кимсан?! Танбал қумда ялангоёқ турганича ўшқирди. — Урсанг-чи, мени, сўксанг-чи ярамас, ахир бунча хўрламасанг мени?!

Эркин Танбалнинг бир пой этигини чангаллаганча мўлтираб турар, Танбални тушунмас, қочишу сўкишни хаёлига келтирмас эди. У боланинг қўлидан этигини юлқиб олди-да, кўзига тарсаки тортди. Эркин қумга ағанаб, заиф ингради.

— Овозинг бор экан-ку, номард, сен ҳам йиғларкансан, одам экансан-ку! Йиғла, қаттиқроқ йиғла, жўраларинг эшитсин!

Инграган овоз тинди.

Танбал уни шу кўйи қолдириб, ортига қарамай кетди. Чоғроқ саксовул соясида ёнбошлаб нафас ростлади. Тўйиб тамаки тортгиси келди. Чекмасди у. Бир пайтлар ҳаваста — бировларга тақлидан чеккан. Гоҳида ўша кунларни хотирлаб «рост-ёлғон кунларим» деб мийиғида кулади. Нима бу — ёшликми, ҳавасми ё бир ўзга кунга ташналик, ўзни тайёрлашмиди? Ўйлаб қараса, ҳеч нимани ҳатто чекишни ҳам уддасидан чиқмаган. «Пошуд, ношудман, — Танбал аламидан қуриган какра шохчасини чайнаб тупурди, — эҳ, умрни ёлғонга беладим. Ношудман! Шу кунгача рост-ёлғоннинг фарқига бормай, умрим сув қуйгандек жимжит, бехавотир, секин кечди. Мени ҳеч ким сўрамади, мен ҳеч кимни сўрамадим. Ҳеч кимга дахлом йўқ менинг! Аслида-чи?.. Вақт етиб, рост кун сени худодай қаршиларкан. Тили йўқ гўдакдек, нима қилишингни билмайсан, ҳайратдан ёқа жуфтлайсан, шундан бошқага ярамайсан. Ношудман, ношуд!..»

Қизиқ, чўлга чиқмасидан сал илгарироқ у аёлига ғалати гап қилган: «Хотин, кимнидир ургим, бўғтим келади». Хотини эса кулиб: «Мана, менда ўша урадиган, бўғадиганингиз»,



деди. Танбал туриб-туриб «Сен тушунмайсан» дея минғирлаб қўйди. Тўғри-да, ўзи тушуниб, тубига етмаган ҳолни хотини қайдан билсин, тушунсин? Инсоннинг феъли ғалати. Бирида у ҳафтанинг етти кунида ҳам ичиб, кайф бўлиб юрадиган ғўчқор уста Мустафонинг: «Рухсат берсанглар, космосга учардим», деб Москвага хат ёзганидан дохил бўлиб, устидан кулган эди. Мана энди ўзи... кимнидир калтаклагиси, бўғгиси келиб, хотинига дардиҳол қилиб турибди. Биров ишонармиди бу гапга? Ишонса нима — осмон узилиб ерга тушармиди?

Сўнгги кун у хотинига «Жимлик жонимга тегди!» — деб бақирди. — Гунг титиб, молга қарагандан бошқа ишинг йўқ, тилинг борми сенинг? Сен ҳам бундай хотинга ўхшаб жаврасанг-чи? Ёки рўзғоринг бут, оғзингдан ёғ оқизаяпманми?! Бу гал у «Дами ўткир бир мулла топиб, ўзингизни ўқитинг, отаси, — деди. — Сизга жин-пин йўлиққан...»

«Кошки эди... Бошқаларга йўлиққан жин мени кўрмайди ҳам... Танбал ҳафсаласи пир бўлиб далага отланди. Оқшом «Эртага чўлга кетар экапман» деб кириб келди.

«Сен менинг кўзимни очдинг, Эркин, барибир, кўрман-да, кўр! Қўлим қисқа менинг..., болам. Йўқ, сен болам эмассан. Бегонасан, менгада бегона, юрт деб сиғинганим шу чўл, тупроққа бегонасан!»

Томоғи қақраб ютинди. Тирсагини қумдан кўтарди. Яқин атрофда сув йўқ, чодирга боришга эринди. Бугун оддий сув ҳам Танбалдан йироқ. Кераклиси ҳамиша ҳам ёнингда муҳайё бўлавермас экан. Керакли ҳар бир хаста қўл чўзасан, у эса... «Керак ҳам гапми, — Танбал бор аламини йиғиб яна Эркинга сочди, — раҳбар бўлади бу бола, онпам Мўмин Нозимдек, йўқ, ундан ўткирроқ, дами кескир раҳбар бўлади бу бола!..»

Энсаси дўриллаб кўзини юмди. Пешонасини билагига тираб, қумга чўзилди...

* * *

Кенг, узун хона. Деворда дунёнинг сиёсий харитаси, яна кимнингдир сурати осиғлиқ. Тўрда савлатли ёзув столи, стол устида тарвуз палласидек қора муҳр. Эркин ўнг қўли билан муҳр дастасини маҳкам сиққанича, оғирлигини курси суянчиғига ташлаб, таъзим билан бош эгганларга кўзлари ёниб қарайди. Ниҳоят, Эркин ўрнидан турди. Таъзимдагилар кичрайди — митти ҳамқишлоқлари, тенгқур синфдошларига айланди. Эркиннинг боши шифтга тегай деди, белида камар, камарида узун ғилофли қилич осиғлиқ. Хона бўйлаб наридан-бери юрганида пол «тақ-тақ» этиб овоз чиқаради. Тўйқус

йиғилганларга қаради-да, ўртада тўхтади. Кутилмаганда у қиличини қинидан суғурди, хона бўйлаб сочилган митти ҳамюртларини бир-бир имлаб чақира бошлади. Миттилар чувиллашиб бир бурчакка сиқилишди. Юрак ютиб ҳеч ким Эркинга яқин йўламади.

— Барингни чопаман, қираман! — у ғазаб билан санчиди-да, тўлага қилич солди. Хонани дод-фарёд, қаргиш қоплади. Миттиларнинг фарёди ҳадеганда тинмади. Хонада овоз билан қўшилиб қон оқди.

Эркин тагин қилич ялангочлади.

— Тўхта, тўхта нонисоф! — қилич дамини Танбалнинг овози тўсди.

— Уф, чарчадим, булар бунча кўп, буларни қириб тугатолмайсан!!! — Эркин овоз келган томонга қайрилди, қилич учини полга тираб, қад ростлади. Омон қолган сўнгги митти Эркиннинг ойчини қучди. У оғир қиличини миттининг устига ташлаб, полга ётқизиб қўйди.

— Мени танимаяпсанми, Эркин? — овоз эгаси ўзини таништди. — Мен Ҳотам Танбалман! Қаргишга қолдинг, сен касофат, аждарларингнинг қонини ичдинг!

Эркин совуқ жилмайди-да, эгилиб қиличини олди, полда типирчилаб ётган сўнгги миттининг юрагига санчиб, Ҳотам чолни имлади.

— Чопмоқчимисан? — чол ҳайиқмай Эркин томон интилди-ю, ойғи полдан узилмади, қараса, тўпиғигача қонга ботган.

Кўз очиб юмгунча Эркиннинг қонли қиличи Ҳотам чолнинг боши узра пайдо бўлди.

— Майли, чоп, чоп Эркин, қондошларинг битган тупроқда мен яшаймикан — мурод ҳосил бўлсин?!

Эркин қаҳрли тиржайди.

— Шошма, — Танбал қўлини кўтарди, — сўнгги сўзимни айтай. Сен кимнинг ўғлисан? Ўшанда раис сўраганида ҳам билмаган эдим. Ҳозиргача билмайман.

Эркин деворга осиглиқ суратга ишора қилди.

Кимнинг сурати бу, Ҳотам Танбал билмасди. Сўнг у боши узра кўтарилган қиличга термулиб сўради:

— Сен бу қилични қаердан олдинг?

Жавоб ўрнига Эркиннинг қаҳқаҳаси қулоқни қоматга келтирди. Туйқус Ҳотам чолнинг кўз ўнгидан колхоз томошахонасида кўрганлари — эски кийим-кечагу занглаган қиличлар, мис қўнғироқчалар, бешик, жувоз кундалари ўтди.

— Йўқ, мени ўлдирма Эркин, қама, яхшиси, хонангни томошахонага айлантир-да, қама! Дуо қиламан. Бандалар... Худонинг тирик бандалари ҳали кўп, узоқ-яқиндан мени



кўрмаган, билмаганлар келиб кўришади. Унда сен баланд курсига ўтирасан, мартабанг улуғ, қиличинг ўткир бўлгай! Улар — келганлар мени сенинг яқин қавминг, оғанг, бобонг деб эмас, сўнгги саҳройи деб томоша қилишади. Сайлашиб, қанд улашади, мен эса қанд емайман, Эркин, емайман! Фақат панжараларни кўл сиққулик қилиб буюр, уста янглишмасин... Мен...

— Бас! — Эркин тиккасига қилич солди. Ҳотам чол тенг иккига бўлиниб, танаси икки ён деворга тиркалиб қолди. Нечундир қон оқмади.

— Қон чиқмади-ку, ёмон, ёмон бу, охири ёмон бўлади... — Чолнинг синиқ, бўлинган овозидан Эркиннинг қилич тутган қўли бўшашди.

— Ҳой ким бор?! — бақирди Эркин.

— Мен, мен, мен...

— Уф, чарчадим, ўлиб битмайди булар, булар бунча кўп...

Эркин бор сабру тоқатини тўплаб, қиличга кўл узатди. Шу асно қулоқларига синиқ бир хўрсиниш эшитилди, сўнг қулоқлари битди. Ҳотам чолнинг нима деганини эшитмади...

Танбал терга ботиб уйғонди. Чўчиб атрофига қаради. Ойқ учида кетмон дастадек чинор илон бошини тик тутиб турибди.

— Рост, ҳақрост, — деб ютинди Танбал, — тушим алдамайди мени, раҳбар бўлади бу бола! Ёлгон, бўлса, сен айт! — илон бурилиб қумга шўнғиб кетди.

* * *

Каловланиб ўрнидан турди. Чодирни мўлжаллаб олиб кетди. Кун оғиб, болалар енгил тамадди қилиб, энди ишга киришишган пайт эди. У чодир ёнида бир пас ўй суриб турди-да, сўнг гарангсиб ятоқ гарамлари бўйлаб юрди. Эркинни топди.

— Ортимдан юр, — деб йўл бошлади. Йўл бўйи ёнида ҳеч ким йўқдек, ўз-ўзига сўзлаб борди:

— Энди этигимни ечтирмайман. Сени Эркинбой деб қийнамайман. Ҳар кимга ўзи инсоф берсин. Ҳар кимки ўзини одам санаса, у инсофнинг боласи. Сен кимнинг боласисан-а, Эркин? Тунов куни раис шуйтиб сўровди, мен билмайман, раис, ўзидан сўранг, дедим. Сен раҳбар бўласан Эркин, шошмаганг, илондан сўра...

Танбал хушини йиғиб, нойма-ной гапларини тўхтатгунча, Эркиннинг ранги бўзарди. Танбал ҳар куни Танбалга ўхшамас, бир қадар мулойим, шафқатли кўринса-да, барибир, ни-

маси биландир қўрқинчли, гўё Эркинни номаълум, мақсадсиз манзил томон етаклаб, ҳайратини оширмоқда эди. Кетаётиб, саксовул шохидан синдирди-да, Эркиннинг қўлига тутқазди:

— Бугун мени боплаб калтакла, бир роҳат қилай.

Таниш манзилгоҳга етишганда тўхтанди. Танбал эски жойига чўкди. Ўтиришгандан ўтиришди. Танбал жим. Эркин жим. Бир пайт Танбал сўз бошлади:

— Энди нима қиламиз-а, Эркин?

Эркин елка қисди, индамади.

— Эса, мен ёдирган гапни такрорла:

— ...

— Эсингдан кўтарилдими? Мана бундай: «Онангни менга берасанми-а? Гапир», — бу менинг гапим. Қани, энди сен жавобингни айт, ҳа!

— ...

У Танбал ёдирган жавоб — ўз сўзи ўрнига қимтиниб:

— Анави, Малик янтоқ чопмайди, тўн тепамиз деб болаларни қийнайди, — деди.

— Нима? — Танбал гўё қудуққа тушиб кетди. Чўкаётиб, боши тош деворларга урилиб, чатнади — ўтирган жойида мувозанатини йўқотди, қулоқлари шангиллаб битди, очилди... Эркинга сездирмаслик учун атай пешонасини сиқди. Бироз ўзига келгач, ҳолатини ўзгартирмай:

— Яна кимлар янтоқ чопмайди, дангасалар борми? — деб сўради.

— Сулаймон, Баҳром, Усмон, Султон...

— Бас, бас! — Танбал икки қўлини бошидан юқорига кўтарди — таслим бўлди. Эркин эса ҳамон ўша, мунгайган қиёфада исм санар, исм сотар, исм ер эди.

«Ғаффор, Зоҳир, Олим, Ўктам...» — Танбалнинг дод солиб қочгиси келди, қаршисида қимтиниб, ер чизиб ўтирган Эркиннинг оғзидан чиқажак сўзлар — ўтли ҳалқа бўйнига тушди, сиқди. Туролмади. Назарида, юраги шишиб, кўкси оғирлашди, оғзидан ҳаво симирди. Йиқилмаслик учун қўлларини ёнига тираб, илк дафъа Эркинга ҳадик билан кўз ташлади. «Бу болани енгиш қийин, бу бола эмас, махлуқ, худонинг юборган махлуқи, бу мени ўлдиради!» — ютиниб бошини ортига ташлади-да:

— Эркин, Эркинжон, — деди кучаниб, — яқинроқ кел.

Эркин Танбалнинг ёнига сурилиб, буйруқ кутди. Индамагач, секин этигига қўл узатди, болдирини ушлади.

«Ё кароматингдан! — Танбал сергак тортиб, бошини кўтарди. — Яна қандай ҳақорат, кир сўз қолди мен айтмаган?! Калтак кор қилмаса, гап кор қилмаса — ким бўлди бу мараз??? Тўхта, охирги бор синай, қани...»

Танбал ғижиниб жилмайди. Эркин янада яқинроқ сурилди.

— Эркиной, Эркина, — шивирлади Танбал. — Бетингни тут, бир ўпай...

Эркин — «Эркиной» аввал юзини, сўнг елкасини буриб, Танбалга қиялаб қаради.

«Бир лозиму рўмол кам», — деб ўйлади танбал Эркиннинг ноз билан товланишига минг бор тавба қилиб.

— Кел, уялма...

Эркин тагин бир бурилиб, бетини тутган эди, ўнг кўзи Танбалнинг тупугига беланди.

— Кет-е!.. — у шайтонга ҳай бериб, ўрнидан турди. — Тавба қилдим, тавба қилдим, онасида гуноҳ йўқ, онасида гуноҳ йўқ... Қаршисида ғариб, мунгайиб ўтирган Эркин зимдан нафратини қўзгар, жимликда ўтаётган ҳар лаҳза ҳали иккига ҳам номаълум фалокатдан мутлақо йироқ, нари борса, Танбалнинг кундалик машғулоти — этик ечиш-у «Онангни менга берасанми-а?»ни тагин ёздиришидан дарак берар эди.

Кутилмаганда самолёт учиб ўтди. Танбал тепага қараб қолди. У ҳалигача бирор бир шаҳарга учмаган. Ким билсин, балки самолёт Москвага йўл олгандир? Ичида кимлар бор экан, улар не хаёл, не мақсадда учишяпти экан? Қуёшдек қайнаган шу қумтепаларда Ҳотам Танбал деган янтоқчи, саҳройи ўзбек борлигини билишармикин? Қаршисида мум тишлаб, тўрт боғич янтоқ деб жўраларини сотган Эркин ўтирганини кўришдимикин?

Танбал қўлини белига тираганича, осмонга узоқ тикилди. Осмон баланд, тиниқ, кимсасиз. Танбалнинг жунбушга келган армонларидек йироқ — қўл етмас эди. Ўшанда уста Мустафо ҳақ — у осмоннинг баландлигини, учса орзу-умидлари рўёбга чиқишини билган эканда. Танбал унинг устидан кулиб чакки қилган. «Йошудлик ҳам эви билан-да!» — унинг бўйини огриб кўзини осмондан узди. Эркинга қарамади, унга кўзи тушса, гўё юрагига ўт бўлиб кирган армонларидан айрилиб қоладигандек, йироқ бўлса-да, рўё бўлса-да, ҳозир шу соғинчу армонларга суянгиси, ишонгиси келди.

«Нечундир бўғиляпман, сиқиляпман, менга нима бўлди ўзи? Ё чиндан ҳам хотиним айтган жин йўлиқдими-а?» — Туйқус Эркинни илгадию важоҳат билан тепасига бостириб борди. У қўрқиб тисарилди.

— Қочма, қочма Эркин, сен жинсан, одам бўлсанг айт, осмоннинг эгаси ким?! — Танбал Эркинни билагидан тортиб ўзига қаратдида, — айт, айт! — деб қистовга олди.

— Билмайман.

— Айт!
— Билмайман.
— Билмайсан, билмайсан сен! — у икки қўллаб Эркинни бўғди. Боланинг ориқ, кучсиз панжалари Танбалнинг билагига тирмашди. Икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас, бехол, жонсиз тана қумга агнаб тушди. Танбал шунгача ҳам не ҳол юз берганини билмай, Эркиннинг оқарган юзига тикилиб турди-да, сўнг телбавор бўкирди, жасадни таталади.
Қуёш ботиб келар, баланд барханларнинг сояси бир-биридан ошиб, узун қора йўл ҳосил қилган. Танбал Эркиндан бир қадам нарида ҳайкалдек қотиб турар эди.
— Ниятимга етдим, — ниҳоят, руҳсиз пичирлаб тилга кирди у, — уралиганим, бўгалиганим сен экансан-да бадбахт... — Танбал Эркиннинг жасадини қўлига кўтарди-да ботаётган қуёш томон юрди.
— Ма, ол, гуноҳкор бандангни, ўзинг билан олиб кет, куйдир, тафтингда эрит... — у чўкиртакка қоқилиб йиқилди, нешонаси мурданинг очиқ қорнига тегиб, санчиб тушди. Яна телбакор қичқирди. Кийимларини юлиб отди, этигини ечди, оппоқ сури шитонда қумга ботиб-ботиб қочди. Узоққа кетолмади, қайтди. Туйқус Эркиннинг устига қум торта бошлади. Кўмди. «Қабр» остидан Эркиннинг бармоқлари чиқиб қолди, сезмади. Ҳансираб атрофни кузатар экан, кимса кўрмагач, бир зум нафас ростлаган бўлиб беихтиёр дўппайган қумга тикилди. Хаёлига қуюндек ўралашган узуқ-юлуқ тиловат сўзларини бошламай туриб, Эркиннинг бармоқларига кўзи тушди-ю эти жимирлаб кетди. Назарида бутун танаси бўйлаб, этсиз, нозик панжалар ўрмалаб ойқларини қайта бошдан уқалай бошлади.
— Йўқ, Эркин йўқ, мени тинч қўй энди! — у бора солиб, боя юлиб отган кийимлари орасидан белбогини тонди-да, пичогини қинидан сугурди. Почасини кўтариб қоп-қора жун бостан ойтини қирди. Ўткир тиг жун аралаш терисини кесиб ойти қип-қизил қонга беланди.
— Уф, — у пичоқни қумга санчиб-санчиб,* гўё қайраган бўлди, — менкимас, бегона... бу! Ўтмас, Танбалдек кунда! Билмапман, кўрман, қизилнинг пичоқлари ҳам ўтмас бўлибди! — пичоқни улоқтирдида, Эркиннинг очиқ бармоқларидан ушлаб тортди, жасадни қум остидан сугуриб олди.
— Нимангни ишрай, кўммайман сени, сени бармоқларинг ўлдирди, мана шу ойқларимни уқалаган бармоқларинг, тилинг ўлдирди... ўлдирди! — қумга мук тушиб, ўкраб йиглади. Атрофни ўраб жимгина кузатиб турган болалар — Эркиннинг тенгқурларидан бехабар йиглайверди...
Эртаси чошгоҳ маҳал раис, ортидан болаларни-ю қури-



ган яптоқ гарамларини ташишга юк машиналари етиб келди.
Ҳамма жим. Болалар ташқарида. Танбал якка ўзи чодирда — Эркиннинг мурдаси ёнида.
Раис болалардан воқеа тафсилотини сўради. Синфдошлар бири қўйиб, бири олиб Танбал Эркинга ойтини уқалатгани, саксовулга боглаб бошидан сув қуйдиргани, якка ўзини чодирга қамагани-ю, кийиб ўлдиргани ҳақида йиглаб гапирдилар. У сигарет чекиб болаларни асабий тинглар экан, ёнида бирин-кетин тўпланган шофёрларга қарата:
— Нима қиламиз, Эркинни олиб чиқиб, чодирга ўт қўямизми? — дея мурожаат қилди.
— Урамиз, урамиз! — жавраишди болалар.
— Боғлангилар! — дея буюрди раис.
Болалар эгилган Танбални ташқарига судраб чиқишди. Икки кун илгари Эркинни богланган саксовулга тиркаб арқонлашди.
— Бир, икки, уч! Бошладик! — бирин-кетин Танбалнинг юз-кўзи аралаш мушт, тепки тушa бошлади.
Танбалдан сўнг болаларнинг «шеф»и — яқинда хизматдан қайтган Малик тунда «бригадир» ётадиган йигма каравот остидан тайқни топди-да, барини нари суриб:
— Сенлар ҳали салага! — деди, — Урип мана бунақа бўлади, ўрганинглар...
Ҳотам Танбал кўкси бўйлаб шариллаб оққан қонни, Маликнинг қўлидаги қадрдон тайғи — ҳассани кўра олди, холос. У бир зум ўзига келиб, қон чапланиган киприкларини зўрга очиб осмонга қаради. Осмон баланд, тиниқ, назарида бир улкан кўз чўзилиб, уни тепага чорлар. Танбал эса унинг қиёфасини илгамас, илгаёлмас эди...
Яптоқ гарамлари ортда қолди. Иккала жасадни ёнма-ён юклаган машина қишлоқ сари йўл олди.

ХОТИМА

Бу воқеа ҳали-ҳануз хотирда. Ҳар йил ёзда болалар яптоқ чопишга келадилар, яптоқ чопадилар. Болалар яптоқни, яптоқ болаларнида тарк этмади. Марҳум Эркиннинг тенгқурлари бугун ота!
Катталар Танбални қотил, Эркинни фаришта билиб эслашади. Ким билсин, бу воқеани яна қачонгача эслашаркин?
Ёзда, қишда — бутун йил бўйи Қизилқум осмонида самолётлар учиб ўтади. Қизилга яқин Саврак* аҳли — катталар

* Саврак — қишлоқнинг номи.

ҳам, болалар ҳам бунга эътиборсиз, бахтиёр — ким келади, ким кетади — барибир, улар аллақачон самолётларга кўникишган...

Чўпонларнинг гувоҳлик беришича, Танбал кўз юмган жойда бир овоз ҳукмрон. Улар буни ўз қулоқлари билан эшитганмиш. Кимнинг овози бу, қаердан келади — ҳеч ким билмайди.

...Ойлар ўтди, йиллар ўтди. Ўз сўзи, уй-ёдига эга йигитларнинг соч-соқолига оқ тушди. Чўлда, қишлоқда бўлсин, айтувлик янгилик йўқ. Илгарилари ҳар бир қишлоқ, элнинг Қизилда ўз қудуғи, отари, яйлови бўларди. Кутилмаганда бир донишй (халқ уни зуранон дейди) чиқди-ю, чўлдаги мавжуд тартиб-қоидалар, чегарани бузди. Осмондек, ҳаводек муаллақ, эгасиз чўл ястаниб ётади. Кенг... Келинг, келаверинг! Ишонмасангиз, ўз кўзингиз билан келиб кўринг. Ахир юз бора эшитгандан бир бора кўрган афзал, дейишади-ку. Келинг... Харитадан Ҳотам Танбал деган янтоқчи, саҳройи ўзбек яшаган юрт — Қизилқумни топинг-да, келинг... Уйингиз бўлмаса — Танбалнинг уйи — уйингиз, Танбалнинг юрти — юртингиз.

«Тилим-чи, тилим нима бўлади?» — деб қайғурманг, Танбал тирик бўлганда, Сизни бус-бутун ҳатто тилингиз билан қабул қилар, фақат унга ишора, луғатингиздан бир ҳарф ўргатсангиз бас, марҳум бағри кенг, Сизбоп одам эди. Афсус, насибага сиғмади. Келинг...

* * *

— Ҳотам Танбал қандай одам эди? — бугунидир, эртадир кимнингдир бўғзида шу савол. Айтишларича, уни жанозасиз* кўмишган. Ҳар икки марҳумнинг дафнида тик туриб раҳнамолик қилган раиснинг буйруғи шундай бўлган. У кофир кетди. Саврақдаги мусулмон қабристонида бир «кофир» ётибди.

— Ҳотам Танбал қандай одам эди?

Бугуннинг овози:

— ...

Эртанинг овози:

— ...

ИЗОҲ: Танбал ўлими олдидан хизматдан қайтган навқирон Маликнинг келбатига тикилиб (бу — ўша, янтоқ фаслида кўнглидан кечгани) «бештагина аскарим бўлса, шуларга бош бўлсаму Қизилни девор билан ўрасам, аскарларимдан бирини мағриб, бирини машриқ томон чегарага қўйсам... яна Қизилнинг осмони ҳам ўзимники бўлса-ю, ким учса, мендан сўраб учса» — деб орзу қилган эди. Марҳумнинг сўнгги

* Одатга кўра ўз жонига қасд қилган мусулмон жанозасиз дафн этилади.

тилагини унутиб вақтида қаламга олмаганим учун унинг руҳи олдидан узр сўрайман.

*1989 йил, март. Москва.*
*«Ешлик», 1994 йил, 1-сон.*

---

*Ражаббой РАУПОВ*

# ЭРКИНЛИК

*ҳикоя*

Чайла. Унда ака-ука Файзулла, Сайфулла ва кичкинтой яшайди. Қирқ қадам нарида — сийрак саксовуллар орасида сим тўр билан ўралган пастак қўра. Қўрада катта-кичик, ориқ-семиз бешта қорамол. Ёзда буларга олтинчи бўлиб етим, хўжайинларидан ўсмасак деб ном олган, қоқсуяк Қора бузоқ шерик бўлди. Уни туғишганларнинг тўнғичи, Файзулланинг уйидан келтиришди. «Ойғида юрсин-семирсин» деб, арқон боғланмади. Кундузлари у темир қозиққа узун қантарилган боғлиқ молларга йўламай узоқларда ўтлар, «Янгиер»ни икки-га бўлиб оққан ариқдан сув ичар ва якка ҳордиқ чиқарар эди. Кечалари эса истар-истамас қўра ёнида тунарди.

Янгиер — қишлоқдан олтмиш чақирим юқорида — Жилвонning охири. Қизилқумнинг бошланиши. Аждодларимиз бу ерни Остона деб номлашган. Остонадан юқорига қадам боссангиз — Қизилқум.

Қора бузоқнинг улғайиши Остонада кечди.

У чўлга келган кундан то сўнгги кунгача ҳам шерикларига, шериклари эса унга кўникиша олмади. У ювош, беғам, ташвишсиз авлодларидан қўрқарди. Уларнинг итоаттўй юраклари, тез семираётган баданлари ва бўйинларидаги арқон қўрқинчли эди. У кўпинча қўрқинчни унутиш, вужудига сингдирмаслик учун тўрт оёғини ерга маҳкам тираб силкинарди. Назарида, унинг бутун танаси йўғон арқон билан маҳкам боғланган-у, силкинганда иплар чок-чокидан узилгандек, кўзлари чарақлаб очиларди. Енгил тортиб бутун танаси билан нафас олар — ҳаво уники эди, Остона уники эди. Шунда кўзига беихтиёр узоқ-узоқдан туман орасида кичкина сим тўрли қўра, боғлиқ ҳамжинслари, улар бўғилаётгандек — ҳаво етишмай танаси кичрайиб ола-чипор, қизил ранглари оқариб кўринар эди. Уларнинг фарёди ҳаводан эмас, ердан оловдек қиздириб оқар, туёқлари орқали бутун вужудига

тарқалар, сўнг қулоғига бориб етарди. У йиқилмаслик учун яна силкинар, ҳавони қоқ иккига бўлиб югурар, то чарчагунча, фарёдлар, арқонлар, симтўрлар тер бўлиб баданидан оқмагунча тўхтамасди.

Ҳамжинслари буни сезишмасди. Уларга Қора бузоқнинг биринчи кундан кенгликка сиғмагани, бирга кўрада ётмагани ва кун сайин улардан узоқлашиб бораётгани ёқмасди.

У ҳар эрта авлодларидан бир соат олдин оёғида тонгни қаршилар, ана шу бир соат — унинг улғайиши, ўзгариши, кўрадагилар ҳолини тушуниши эди. Бегам шериклар эса уни тушунмасдилар.

Остонада ёлғиз яшаш оғир, мумкин эмас эди. Ҳар икки чўлнинг одам оёғи етиб, қувилган, озор чеккан жониворлари, кўпинча йиртқичлари тез-тез атрофда изғишар, улар Остонани чегарадек қўриқлашарди. Бўри, шоқоллар Остонадан қуйидаги одамларга, хонаки молларга зиён етказмас, улар юқорини қўриқлашар, юқори эса уларнинг ватани эди.

Юқорида Қизилқумнинг овлоқ жойларида жониворларнинг турфа хили, ёввойи эчки, кўчқор, буқа, оғгача яшар, кўпаяр, совуқда, жазирамада қирилар ва яна овланар ҳам эди. Йилда буларнинг тўдасига пода ва сурувлардан якка-ярим «қочоқ»лар қўшилар, улар тезда эл бўлиб бирлашардилар. Бенойи табиат — Қизилқум жониворларга ўз бағридан жой ажратган, улар йиллар оша шу жойларда бехатар, эркин яшаб насл қолдириб келади.

Шу сабаб йиртқичлар Остонадан юқорига одам зотини осойиликча, озорсизча ўтказмасди.

Қуйида ҳам молу жон, одам, от, сигир, чайла атрофида бир жуфт ит ҳам яшарди. Улар кундузи саксовул соясида ухлар, кечалари ака-укалар ва уларнинг молларига содиқ пойлоқчи.

Шунга қарамай, Остонада Қора бузоқ якка эди. Ҳар кун турли вақтда бир сор бургут Остонани пастлаб, вазмин айланар, буни ҳаммадан олдин Қора бузоқ кўрар эди. Нима қилсин, у доим безовта. Безовталиги сабаб, Остонага сиғмайди. Туғишганларига бегона. Назарида, тез кунда шериклари тилсиз — гунг, кар бўлиб қолади-ю, улар орқали тушунган, эшитган, кўрган дунёси номаълум, маъносиз қоп-қора бир бўшлиққа айланади. Сўнг уни ҳам ўз комига тортади.

Қочиш керак, қочиш керак, улардан узоқлашиш керак. Шундай ўй унинг уйқусини олди. Беҳаловат, айни пайтда ҳаловатли сергаклик, сиғиллик вужудини қамради. Атрофга бефарқ бош кўтариб, тепада осмон борлигини кўрмаган шерикларига ишонмай қўйди. Шу кундан унинг суянчиги безовталик, ишонгани ўзи бўлди.

У ана шу ҳис билан бургутни кўрди, таниди ва унинг бошқа

қувилардан фарқини ҳам сезди. У кишлоқда ҳам қушларни кўп кўрган, ҳатто доим гўнг титиб, ўзини қуёнига тоблайдиган чумчуқ, майналарни ҳам биларди. Аммо, бургут бошқача. Ундан қўрқади, қўрқиб туриб ҳавас қилади. У ҳақда ўйлайди. Бари бир ўйлари нотугал, чунки у осмонда — бургут, ўзи эса ерда — Қора бузоқ эди. Истаса, у ҳам яккаланмас, елгизлан-мас, қўрага кирса — тамом, ниятига эришади.

Ўша куни — ниятни зор кутди. Кутди. Кўрдики, орадаги фарқ симтўр ва арқон, ҳали бунга чидаш мумкин эди. Ўзини, ҳамжинсларини тушуниб — тушунмаган бир пайтда таъқиб, «қув-қув» бошланди. Чунки у семирган, чўзилган: Қора бузоқ эмас буқача бўлиб қолганди. У энди хўжайинлариники эди. Курар кузга молга ўхшаб қолган эди. Буни ўзи ҳам сезар, қўрадагилар ҳам англаган эдилар. «Ойтида юрсин. Семир-син», ниҳоясига етди. Энди у арқонланиб, қозиққа ўрганишни, кейин етаклашга кўникишни шарт.

Аззонда у ва шериклари уйқудалигида кичкинтой акалари-дан буйруқ олди:

— Тутиб богла. Кечаси қўрага қама!

Шубҳасиз, у бу сўзларни эшитмади. Кичкинтойнинг қули-да узун, пишиқ, ўт ранги урган арқонни кўрдию ундан узоқлашди. Ҳаво сиқа бошлади. Остона торайиб, чўлнинг ҳар бурчида тузоқ экилгандек бирдан пишлади. Ҳар қалай, унга шундай туюлди. Кўзи, мияси, танаси ва мақсади — ҳаммаси-ни ойтига юкладию қочди. Чарчамади. Тузоқларни босиб — янчиб учди.

Арқон тутган кичкинтой қулида бир даста кўк ўт билан орқада қолди. Қора бузоқ тўхтаб ортига қараган эди: хў-жайинининг «ма, ма» деган чорловчи овози эшитилди.

— Бари бир тутаман! — деди кичкинтой. У эшитмади, лекин шу лаҳзадан вужудида кучли бир оғриқ сезиб, жил-дийланди. Хўжайинлар билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, улар ҳазилни ёмон кўришларини англади.

Кечқурун уни ака-укалар бирлашиб, эрмакка — чарчов чиқаришга қувлашди. Тутолмадилар.

— Шу ҳам ишми? — деди ўртанчаси.

— Бошқа кун йўқми? — деди кичкинтой.

Учовлашиб чайлага киришди. Тонгтача Қора бузоқ уну-тилди.

Эртага уни яна тутолмадилар. Кечқурун тўпланишганда:

— Тариқ пояга сув оч! — деди тўнғичи кичкинтойга. — Ер қонсин...

Бир кундан сўнг Қора бузоқни тариқ пояга ҳайдаб келиш-ди. Икки ака икки ён томонда турди. Кичкинтой бузоқни қочирмай лой ерга бошлади. Қора бузоқ четдагиларга ҳуркиб

қаради, секин тариқ поига қадам қўйди. Аста-секин юриб, ернинг ўртасида тўхтади. Тиззасигача лойга ботди.

Ўраб кела бошлашди.

— Ботди! — деб қичқирди кичкинтой.

— Ушлаймиз! — деди ўртанчаси. Каттаси гапирмади.

Қора бузоқ хўжайинларини кутди. Улар яқинлашгач, жойидан сакраб қўзғалди-ю, ботиб-ботиб, олдинга интилди. Бўйнини чамалаб ташланган арқон думига сирғалиб тушди, лойқага ботди. Бузоқ арқонни ортида — жуда ҳам узоқда ҳис қилди-ю, енгил тортди. Жаҳд билан қочди.

Ака-укалар ернинг ўртасида сўкинганча қолдилар.

— Эртага иншни баҳридан ўтамиз, — катта ака шундай деб, укаларидан уялганча ортига қайтди.

Эртагача сабрлари чидамади. Овқатланиб, ҳордиқ чиқаргач, қоронғида ўтган жойида босиб олмоқчи бўлдилар.

Қора бузоқ узоққа кетмай, ўз жойида — шериклари ёнига келиб илк бор ҳаяжонда, қўрқувда ётарди. Бу кеча у хато қилганини тушунди. Энди унга сим тўр ортида ҳам жой йўқ, ҳамжинслари, хўжайинлар, ҳатто Остона ҳам бегона эди. Безовталаниб осмонга қаради. Негадир бургутни кўргиси келди. Осмон қоп-қоронғи эди. Ўрнидан турди. Эҳтиёткор қадам товушларини эшитди. Таниш овоз. Шерикларини безовталаб, ҳуркитиб яна қочди.

Итлар акиллади.

— Қоронғида юрамизми саниллаб? Юринг-э, кетдик! — Учаласига баравар алам қилди, жаҳли чиқди. Лекин, бузоқни тутиш ниятлари яна ҳам қатъийлашди.

Қора бузоқ тунда қўрадагилар ёнига қайтмади. Эрталаб ҳамжинслари қантарилмай узоқда якка ўтлаб юрди. Олисдан ўзини бир эрта бўлса-да, эркин ҳис қилди. Шериклари эса қўрадан унга алам билан тикилар, ноиниқ бир безовталик уларнинг ҳам тинчини бузган эди...

— Теримчилар кетсин. От билан қуваміз, қочиб гўрга кетармиди. Шунга келишдилар.

Кичкинтой қоронғи тушмай отни эгарлади. Бузоқни тутишга катта акасидан рухсат сўради. Акаси унга ишонмай отнинг эгарини ечиб, қайтадан зич тортиб боғлади ва:

— Эгарга маҳкам ўтир, — деб уқтирди. — Ҳалқани бўйнига илдир-у, карсонга ўра. Отни судролмайди.

У акасининг гапини маъқуллаб отни Қора бузоқ томонга елдирди. Бузоқ уларни узоқдан — қирдан кўрдию саксовуллар орасига бориб турди. Ихчам, кийик оёқ Қора бузоқ отга панд бериб, нафаси тиқилиб калта-калта югуриб, қоча бошлади. Кичкинтой занқ билан қувлар, ҳалқа ни кўпинча саксовул шохасига илиниб, уринтирар эди.



Буни анча пайтдан бери кўриб, кузатиб ўтирган акалар мурод ҳосил бўлмаслигини тушунишди. Қора бузоқ айёрлик қилаётган эди. Уни ҳай-ҳайлашиб, саксовуллардан яланглик-ка чиқаришди. Кичкинтойнинг хомлигидан от терга ботди, бузоқ ҳолдан тойди.

У тушиб, катта акаси отга минди. От истар-истамас мажбуран чопар, Қора бузоқ бундан иложи борича фойдаланишга тиришарди. У қанча тез югурмасин от зумда етиб олар, шунда бузоқ икки тиззаси билан ерга мук тушарди-ю, бошини ерга қўяр, арқон устидан сирғалиб ўтиб кетар эди.

Ҳолдан тойгач, отнинг оёқлари остида йиқилмаслик учун тўгон ариқни мўлжалга олиб қочди. Энди уни ушлаш осон эди. От иама-из қувиб борди. Ариққа етганда бузоқ бирдан тўхтади, ҳатламоқчи бўлиб, икки оёғини кўтардию, тезлик билан ён томонга огди, чўккалаб қолди. Буни кутмаган от ариқдан ҳатладию пастликка, қамишзор ичига тушиб депсинди. Файзулла отнинг бўйнидан сирғалиб, тўрт-беш қадам олдинга йиқилди. От тез ўзини ўнглаб олди. Файзулла ўрнидан туролмай, тиззасини икки қўллаб маҳкам сиққанча қизариб бўғиқ хохолади. Унинг тиззаси, ўнг кафти зирқираб оғримоқда эди. Сир бой бермай отга минди. Қоронғи тушиб қолган эди. Бузоққа қарамай отни чайла томонга бурди.

Эртасига кичкинтой акаларига янгилик хабар қилди: «Дашта колхознинг қорамоллари тушибди». Буни эшитиб каттаси кулимсиради, унинг миясига ғалати бир фикр келган эди. Укаларига айтганда, уч огайни гулдираб кулишди. Кичкинтойга иш, қизиғи эрмак топилганди. Бугуноқ молбоқарга учрашиб, уни қовун билан сийлади. Қайтишда Қора бузоққа тенг қизил ғунажинни етаклади. Уни саксовулга боғлаб олдига майса териб ташлади. Шомда қизиқ томоша бошланиши, муҳими — Қора бузоқ тутилиши керак эди. У бунга қизғин тайёргарлик кўрди: қизил ғунажинни калта бойлади, ҳалқа арқонни қайта кўздан кечирди. Шом тушишини кутди. Лекин кўёи ботмай, Қора бузоқни ғунажин ёнига чорлади.

Дастлаб, Қора бузоқ атрофга, кейин ғунажинга ишонқирамай қаради. Сўнг яқин келиб искади... Кичкинтой шошиб, бузоқларга яқинлашдию ҳалқани отди. Қора бузоқ қочишга улгурди, арқон боғлиқ ғунажиннинг шохига илинди.

Кулги кўтарилди. Кичкинтой қизариб буқачанинг кетидан бемақсад қувлаб кетди. Тезда чарчаб чайлага қайтди. Акалари уялтиришмади.

— Ҳеч ёққа кетмайди. У энди боғлиқ.

— Парво қилма, ушлаймиз. Ғунажин омон бўлса бас.

Кичкинтой акаларининг гапига ишонмади.

Қора бузоқ қизил гунажинга ҳам алданмади...

Иккинчи кун у гунажинга бормай қўйди.

— Отаман! — катта ака қатъий қарорга келди.

— Кушна-кундузи-я, уят, — деб ўртанчаси қўшоғиз милтиқни акасининг қўлидан олди.

— Нима, ўғринчи молми бу?

— Гапга қоламиз, ака. Таъна қилишади, ўз молини овлабди деб.

Кичкинтой гапга қўшилмади. Негадир у Қора бузоққа ачинаётган эди.

Улар иnига тарқалдилар. Шу кун Қора бузоқ ҳақида гап-сўз, таъқиб, «қув-қув» ҳам бўлмади. Лекин, Қора бузоқ ҳар кунгидан ҳам қўрқди. Сукунат сингиб бўлмас, қочиб бўлмас симтўр бўлиб уни тўрт томондан ўраб олганди. У қочишга жой тополмай вужудида қаттиқ оғриқ сезди. Шу куни у ўтламади. Эринчоқлик билан сув ичди-да, шерикларига яқин келиб, узала тушиб ётди. У ҳамжинсларини кузатиб ётар экан, гапламгиси, уни тушунишларини истарди.

Боғлиқ шериклари қуртиллашиб, ўт чайнаб, унинг биринчи марта яқинлашишидан чўчиб, насибаларига шерик бўлишидан қизғанмоқда эдилар.

У узоқ ётди. Негадир уларнинг кавш қайтаришларини кўриб қайт қилгиси келди. Кўзини юмди. Сўнг, ҳамжинслари билан гаплашмаслик кераклигини англади. Чунки улар гапиролмасдилар. Улар боғлиқликларини сезишмасди.

Тушда Файзулла укаларидан вақтлироқ чайлага қайтди. Чой қўйди. Милтиқни ўқлаб чопонига ўради-да, қўрага яқинроқ янтоқ остига яшириб қайтди. Кечқурун овқатдан кейин молларига қараб қўйиш баҳонасида ташқарига чиқди. Чўл сутдек ойдин эди. Яширган жойидан милтиқни олиб, қўрага яқинлашди. Молларни битта-битта санади. Бу унинг биринчи марта мол санаши эди. Қўра атрофида кўринмаётган бузоқнинг йўқлигига ажабланмади. У ётган жойни ўзича чамалаб, ўн-ўн беш қадам юрди. Атрофга синчиклаб қаради. Шошилмади. Юрди. У жаҳл билан ҳазил ўртасидаги йўлдан борар, буни ўзи ҳам сезиб кулиб қўйди: «Ҳали ҳеч ким ўз молини отмаган. Қора бузоқ қул эмасни, қочиб кетса. У меники». У шундай ўйлаб бузоқни ҳали ҳам шериклари ёнига қайтмаганига ажабланди.

Қора бузоқ ростдан ҳам ётоққа қайтмаган, беш юз қадам нарида — Остонада иккиланиб, омонат тунаган эди. У қадам товушларини анча олисдан сезди. Сергакланиб ўша томонга қаради. Хавотирланди. Қўрқди. Ортиқ кутмай ариқдан ҳатлади, пастликка Қизилқум пойига тушиб кетди.

Файзулла шатир-шутур овоздан унинг яна қочганини сезди. Таққа тўхтаб милтиқни тахминан отди. Ўқ тегмаслигини у олдиндан билган эди. Ортига қайтди.

Қора бузоққа аталган ўқ отилган эди. У Остонадан қочаётиб буни ўз қулоқлари билан эшитди...

Тонг отар-отмас қўрадаги моллар тинмай «мо-мо»лашга тушди. Кейин итлар акиллади. Уни биринчи бўлиб шериклари сотишга ошиқди. Безовта товушлар хўжайинларини одатдагидан вақтлироқ уйғотди. Улар чала-ярим кийиниб, кичкинтой эса майкачан, ташқарига отилдилар. Итлар ҳамон акиллар, қўра ёнидан айланишар, иккинчиси ариққача бориб, қайтарди.

Улар молларни кўришди. Хотиржамлик. Ҳаммаси соғ. Итлар, от жойида.

— Ман итни орқасидан ариққача борай-чи? — деб каттаси кетди. Улар акасининг кетидан боришди. Ариққа етганда уччаласи ҳам тўхташди. Қора бузоқ йўқ эди. Ҳаммалари ариқ бўйида бузоқнинг омонат ётган жойига ҳайрон тикилишиб қолдилар.

— Бузоқ йўқ-ку, ака? — кичкинтой акаларига аллақачон маълум бўлган гапни такрорлади.

— Қочган, — бамайлихотир жавоб қайтаришди улар.

— Йўғ-е! Қидирамиз, қаёққа қочади, ҳаммаёқ чўл бўлса?

Акаси қўли билан Остонадан юқорини, Қизилқумни кўрсатди. Кичкинтой ҳеч нимани тушунмай ўша томонга қаради.

— Ввоййи тўлага қўшилади. Кимдир отади барибир? — Файзулла афсусланиб бош чайқади. — Отолмадик.

Хўжайинлар шу гапни айтиб турганда, Қора бузоқ отилишни, таъқибни хаёлига келтирмай, ўзининг узоқ аждодларига яқинлашиб борар эди.

— Кетдик.

Улар хижолатли жимгина қадам босдилар. Кичкинтой жилмади. У ҳамон иккиланар, ишонмас эди. Хаёл билан, беихтиёр қумда бузоқнинг тасвирини чизди. Сўнгра пошнаси билан атрофини катакка олди — қамаб қўйди.

Қўрадаги моллар «мо-мо»лашга тушди. Қўйи чиқиб елкаларини қиздира бошлади. Шунда у эрталабки бирдан-бир юмуши молларнинг бўйнига арқон боғлаб, серўт жойга қантаришни кераклигини ўйлади. Истар-истамас қадам қўйди.

Моллар яна маъради. Улар кичкинтойга биринчи марта «кеч қолдинг» деб норозилик эълон қилишаётган эди. У пошилмади.

Кечга томон шамол эсди. Кичкинтой Қора Бузоқни қўмсаб, ариқ бўйига борди. Шамол унинг ердаги тасвирини қум девор ясаб ўраган, ҳар жой-ҳар жойда тўлқинли қизил қум бостириб кирган эди.

# БУГУННИНГ ЭРТАСИ

## *Ҳикоя*

*Қаддингни тикласанг — минорга етар...*

Усмон ҚЎЧҚОР

Чол болалар бир пайтлар эрмакка ўт қўйиб ёндирган қари ковак тут панасида узоқ туриб қолди. Кун пешиндан оққан; атрофда ўзидан бошқа тирик зоғ ҳам кўринмасди.

Иссиқнинг тафтиданми, ҳаяжонининг зўриданми бошдан-оёқ тер қуйилиб, уст-боши жиққа ҳўл бўлди. Тер кириб ачиштираётган кўзларини юмиб-очиб, ҳансираб, ютиниб нафас олар экан, бир нималар деб ғўлдирар — тинчланолмас, ҳадеб атрофга ҳадиксираб қараган-қараган эди.

Бу ҳол узоқ давом этди.

Ниҳоят, унинг мадори қуриди, пойлаш, ҳадиксираш жонига тегди.

— Ўт қўяман, ёндираман! — деб қаддини кўтарди у. Узун, беўхшов кекса гавдасига ярашмаган бир ҳолда — гоҳ эгилиб, гоҳ эмаклаб сим тўр билан ўралган қабристон ичкарисига кирди. Кирди-ю, нафас ростлаб бўйнини ичкарига тортиб ортига, ўнг-сўлига алангламди: жимжит, кимса кўринмайди. «Худога шукур, — деб пичирлади чол, — ҳеч ким кўрмади мени». Бир оз тинчланди, шошилмай қабрларни кузата бошлади... Невараси Муродни олиб қишлоқдан кетганидан бери қабристон бутунлай ўзгарибди. Илгари кўй-эчкилар ёйилиб юрадиган қаровсиз қабристонга зўрга кирди. Кун чиқардан дарвоза ҳам қурилибди, ҳаммшу чангалдан тозалаб, уч-тўрт қабрга мармар лавҳа ўрнатишибди. Айрим қабрлар темир панжара билан ўралган, унда марҳумнинг туғилган, қазо қилган йилию исми-шарифи ёзилган.

Янгилик чолни шаштидан туширмаса-да, бироз чалғитди, қизиқсиниб мармар лавҳали қабрлар кимникилигини ўзича тахминлай бошлади. (У эски ўзбек ёзувидан бошқа ҳарфда ўқий олмасди) Яқинроқ бориб, «Мана бу Теша бобонинг гўри, четдагиги уста Ғаффорники, ўртасидагиси Салим аравакашнинг гўри, — деди ҳавас билан. — Ўғиллари худо солган чиқибди, оталарини унутишмабди». Чол шу туринича хомуш тортиб қолди. Уста Ғаффор, Салим аравакаш ҳам тенгқури эди. Умри қисқа экани, эрта кетишди улар. Чўкка тушиб ўтирар экан, кўзи бехос офтобда ялтираб турган бошқа бир қабрга — мармарда кичкина думалоқ сурати худди тирикдек



ис этган Аҳмад полвоннинг қабрига тушди. Шунча жойдан излаб келгани, кутгани, унга кераги шу — Аҳмад полвоннинг қабри эди. Қишлоқда бирга ўсиб, бирга улғайган, полвон деган номга лойиқ иккиси — Аҳмад билан Малик эди. Кейинчалик улар бир-бирига рақиб, тўғриси Малик чол Аҳмад полвонни ўзига душман деб билди...

Чолнинг кўзлари полвоннинг қабр тошидаги аксига қадалиб қолди. Беихтиёр қўллари чўнтагидан гугурт излади, топди. Гугуртни кафтида маҳкам сиққанча уч-тўрт қадам ортига тисарилди. Гўё Аҳмад полвон унинг ниятини сезгандек, қабрдан садо чиққандек бўлди: «Ҳали ҳам унутмадингми, тентак, полвон деган мард бўлади...» Бу орада қабристон четидаги тош йўлдан йўловчи машина шалдираб, дудутлаб овоз бериб ўтди. Чол эшитмади, кўрмади ҳам.

«Сен, ундай дема Аҳмад, — у гўё қаршисида тирик тургандай Аҳмад полвон билан овоз чиқариб айтишга бошлади. — Номусга чидолмадим, мардлигимдан қишлоқдан чиқиб кетдим. Сенгача мени ҳеч ким... Ахир ўзинг айт, мен сендан зўр эдим-ку?! Фалокат босиб Теша бобонинг йиғинида сендан бир йиқилдим. Сенга ёлғон, худога рост, шу куни ким билан бўлса-да олишиб, сўнг полвонликка вафо қилиб уйда ўтирмоқчи, неварам Муродга фатво бермоқчи эдим. Бўлмади! Сен бунга имкон бермадинг. Мен... мен... билсанг, Аҳмад, ҳалигача олишнинг* қулиман! Қани, мард бўлсанг, чиқ, гўрингдан! Иккимиз бирга олишиб, бирга ўламиз, йў-ўқ, — чол ўкраб йиғлаб юборди, — чиқмайсан, чиқолмайсан, мен эса сени йиқитолмайман!..»

Чол лабини тишлаб бош чайқади. Кўз ўнгида саҳрода мунгайиб қолган невараси Мурод жонланди. «Майли, мен-ку чидайман, — у ёшли кўзларини енги билан сидириб, илтижо қила бошлади, — неварам... неварам Мурод қўрқоқ бўлиб қолди. Алам-алам, шунга алам!» — дея чол шаҳд ўрнидан турди-да, полвоннинг қабри тепасига важоҳат билан бостириб борди. Борди-ю, бирдан боши тошга теккандек тўхтади, қотиб қолди, саросималаниб бўшашди. Хас-хашакдан тозаланиб, атрофи пишиқ ғишт билан ўралган Аҳмад полвоннинг қабрини на ўтда ёндириб, на сувда чўктириб бўларди. Қўққисдан қулоғи шанғиллади. Чол тиззалади, қулоқларини бекитди, кўзини юмди... Қанча фурсат ўтди, билмайди, ўзига келиб, кўзини очса, пешонасини қабристоннинг шўр тупроғига босиб ётибди. Ётган жойида «Йўқ, барибир йиқитаман сени, — деб ғижинди чол, — бунақада ўлиб қоламан, Аҳмад! Кўзим очиқлигида сиғмасам, тириклик ҳаром менга!..»

* Олиш — кураш.

У аста бошини кўтариб, қаддини ростлади-да, алам билан деди:

— Гўрингдан чиқариб, тирилтириб бўлса ҳам бир марта йиқитаман сени! Йўқса, бечора Муродга қийин...

Чол гижимланган гугурт қутисини сиққанича турди-турди-да:

— Кечир мени Аҳмад, — деди. — Эшитгансан-ку, ахир, йиқилган кураşдан тўймас, деб. Мен ҳали курашдан тўймадим!

... У қабристондан чиқиб, ҳозиргина пойлаб ўтган жойи — куйган қари тут панасида кунни кеч қилди. Қишлоқдан кетганидан буён ҳеч кимга кўриниш бермасди. Қишлоқда бир-икки қуни-қўшнини айтмаганда, тайин қариндош-уруғи ҳам йўқ. Қўшнилар йилда бир марта — баҳорда чўлни сайр-томоша қилгани, барра гўшти еб, яйрагани боришганда, чол билан невараси Муродни ҳам кўриб қайтишади. Улар чолнинг кўнгли учун «Етар энди, сизсиз қишлоқ ҳувиллаб қолди, йиғиштиринг тўрва-халтани» дейишганида, у индамайди, бошини эгиб ерга қарайди. Ичида уларга ўзича жавоб қайтаради: «Полвонлик ҳам ҳар кимнинг қўлидан келмайди, деясанларда-а? Қараб туринглар, ҳали, Малик полвоннинг невараси Мурод полвоннинг олдига тушадигани бўлмайди...»

Чол шу туришича кеч кириб, йўлдан одамларнинг оёғи тингунча кутди. Эҳтиёт шарт, деб ўйлаб, қоронғида туртиниб-сурсиниб бўлсада, йўлдан эмас, шира боссан пахта эгатлари бўйлаб юриб, ҳовлисига етди. Яқинлашганда юраги увишди, кундузи кўчадан юриб келиб дарвозасидан киролмагани, товуш чиқариб, уйида эркак яшашини англатолмагани ўртади. Қўшниларнинг чироғи ўчмагунча эгатга яшириниб ётаверди. Намдан бели зирқираб ўрнидан турди-да, сас чиқармай пахса девордан ошиб, ўзини ичкарига олди. Бехос гуп этган овоздан тўхтади. Девордан бир бўлак кесак кўчиб, ортидан анча жойгача думалаб бориб, увалаиб кетди. Ҳеч ким эшитмадимикан, деб бир пас кутди-да, қўшнининг ити вовиллаб тингач, пана билиб айвон остига яширинди. Шу лаҳза уни кимдир кўриб қоладигандек, «онажоним-ей» деб пешонасини айвон устунига босди: «Сен мени қўрқоқ қилиб туққанмидинг?! Йўқ, бир бўлди-да, мен ҳам тирик жонман-да. Ахир, қўрқоқ деб пешонамга ёзмагандир...» Кун бўйи тентираб, кутиб яшириниб кунни кеч қилгани-ю Аҳмад полвоннинг қабри тепасидан мулзам бўлиб қайтгани бир, шу topda уйининг калитини тополмагани бир бўлди. «Шу етишмай турувди», деб чол хуноб бўлди. — Ўз уйимга ўзим бегона. Энди бир ками эшигимни бузиб киришим қолди. Э-э, Малик, Малик!»

— чарчоқ тинкасини қуритди. Ўтиришга жой излади. Егинсочидан асраб, айвон остига бекитган ёғоч каравоти жойида йўқ. Чамаси қўшнилардан биров керакли қилиб олиб кетган. Чол гаранг — сукут сақлади. Бемаҳалда ортга қайтишнинг иложи йўқ. Нима бўлганда ҳам уч-тўрт соат мизгиб азонлаб йўлга чиқади.

Қоронғида пайпаслаб айвон бурчида ётган яримта кигизни топиб ерга тўшади. Белбоғини ечиб, терлаи қотган дўпписини олди. Қўлини боши остига қўйиб, кигизга чўзилди. Чўзилди-ю «шукур» деб хўрсинди. «Оҳ» демади, чидади. Сўнг юрагини кемириб тобора авжига минаётган оғриқни «ҳим» деб инграб ўтказди-да, «шукур эмиш», деб кулди. «Нимангга шукур қиласан?! Э-э, Малик, Малик. Қариганда бир қўрқоқликнинг заҳрини ютдинг-да. Эсингдан чиқмасин бу!.. Ўшанда Аҳмад полвондан қўрққанинг рост, йиқилганинг рост. Лекин, нега, нечун қўрқдинг — билмайсан. Ҳалигача сўроғинг бору жавобинг йўқ, билмайсан. Билганинг шуки, сен энди Малик полвон эмас, қўрқоқсан! Сенинг касрингга қолган невараиг Мурод қўрқоқ!» Ён қўшнининг уйида чақалоқ йиғлади, чироқ ёнди. Чол иргиб турди-да тиззасини қучиб, чақалоқ йиғисига хомуш қулоқ тутди. «Ўғилмикан, қизмикан?» Ким бўлса-да қўрқоқ бўлмасин. Қўрқоқлик мен билан келиб мен билан кетсин...»

Чол туриб-туриб ўзининг забун ҳолига, икки кўшни ўртасида қаровсиз қолиб нурай бошлаган ҳовлисига тикилиб хўрлиги келди. Томоғи қуриб зўрға ютинди. Пешанасини қўшқўллаб чангаллаб, «Эгасиз уйнинг ҳоли шу-да! Эгасиз уйнинг эгаси кўп бўлади, — деб ўкинди. — Тўрт томондан талашади...»

Уни ҳеч ким қишлоқдан ҳайдамади, ўзи кетди. Бир пайтлар ўз уйига ўзи эга, невараси Мурод, ўғли, келини билан тинчгина яшаб юришган эди. Нима бўлди-ю, тинч хонадоннинг ороми бузилди. Қишлоқ аҳли «Малик полвоннинг уйига кўз тегди» дейишади. Чол эса бу гапга бош силкийди, «Йўқ, — дейди. — Ҳаммасига сабабчи ўзим. Қўрқдим, қўрқоқлик қилдим, бир марта ён бердим, йиқилдим. Бало-қазонинг боши шундан бошланди...» Кампирининг йили ўтмай тўсатдан ўғли фалокатга учради. Яхши ҳамки, ундан бир тирноқ — Мурод қолди... Ўғлининг йили ўтгач келинига жавоб берди. Аслида-ку, жавоб бериш нияти йўқ эди. Лекин Мурод бобоси билан қолди. Келинига ризолик берган кун Мурод уйга боши эгик қайтди.

Чол буни келини кетганига йўйди.

Эрталаб суриштириб билса, Мурод олдида Аҳмад полвоннинг неварасидан йиқилибди. Иккиси тенг, бунинг устига

жўра эдилар. Лекин Мурод йиқилибди. Аввалига чол бунга эътибор қилмади. Чунки у Муродга ишонар, келаси йил бешинчи синфга борадиган невараси бўйчан, чаққон ҳамқурларига нисбатан дадил, олиш деса, ҳар қандай юмушни унутадиган бола эди...

Чолнинг сўнгги кунлардаги эрмаги, машғулоти Мурод эди. Ҳар эрта кўз очиши билан унга узоқ умр, сиҳат тилар, ўтган барча аламларни унутиб, чидаб Мурод борлигига шукур қилар эди. «Мен энди пишган олман, бугун борман, эрта йўқ. Бир уйда бир эркак Мурод бор. Отасининг изини босиб, мени унутмаса бўлгани...»

Тушгача у уйнинг барча юмушларига улгурар, томорқа чопиш-у, овқатгача ўзи пиширар, кечга яқин чолнинг кун бўйи кутгани — болалар тўпланишиб қум устида олиш бошланар эди. Чол тун бўйи ўша кунларни кўзида ёш, алам билан эслади. Суянгани Муроднинг ҳамқурлари ҳатто ўзидан бир-икки ёш кичик болалар ҳам кетма-кет йиқита бошлади.

«Менда қасдинг борми Мурод?!» — деди бир куни чол бақириб. Мурод индамади. Индаймади.

...Ҳафта ўтди, ой ўтди. «Болажоним, сенга нима бўлди?» — деб сўради яна у. Мурод тағин гапирмади, ерга боқ эгди. Шу куни — бобою невара ўртасида савол-жавоб якун топган куни чол тун бўйи ўйлаб бир тўхтамга келди. «Муродни Қизилга олиб кетаман, мактаб дегани ўша ерда ҳам топилади. Чўпон болалари билан олиштириб, олиштириб, суягини қотириб қишлоққа қайтаман. Муроднинг кўзи қўрққан, у мени йиқилганимни кўрган-да қўрққан! То кўзидан қўрқув кетмагунча юраги жўшмайди, уйғонмайди...»

Кутса, ниятини пайсалга солса, уйида яна фалокат бошланаётгандай, ҳафта ўтмай лаш-лушини йиғиштирди. Мурод билан кенгашмади. Ундан рози-розилик ҳам сўрамади. Шундай қилса Муродга осон бўлади, деб ўйлади.

Таниш отарга жойлашдилар. Бош чўпон мурувват кўрсатиб, алоҳида қора уй — ўтов берди. Беминнат хизматкор (чол юмуш учун ҳақ талаб қилмади) чўпонлар учун ҳаводек зарур эди. Борган кунидан бошлаб Малик чол ким нима иш буюрса, бажариб юраверди. Лекин кўнглига тугиб борган нияти — Муродни ҳам унутмади. Неварасининг номига атаб отарга бешта қўй қўшди...

Акмига, худди биров Муроднинг қўл-оёғини боғлаб қўйгандек, невараси чўпон болаларидан йиқилгани йиқилган. Кечалари ичида «Эй худо!» — деб нола қилади Малик полвон. — Бизга нима бўлди ўзи. Сенга нима бўлди Мурод?!» Буёққа — қишлоққа қайтишидан бир кун олдин чолнинг сабри тугади.



Олиш бошланишидан ярим соат олдин неварасидан яширинча икки болани чақирди-да, уларга худога ёлворгандек ёлворди. «Болаларим, биз эртага қишлоққа қайтамиз. Бугун жўраларинг Муродга бир марта йиқилиб беринглар, у уйга хурсанд қайтсин. Мен бир кўрайин шуни. Сенларга пул улашаман. Ол, олинглар...»

Болалар пулни олишди. Малик чол улардан илгарироқ бориб бархан тепасида ўтириб кураш бошланишини кутар экан, юраги гаш бўлди. «Умримда қилмаган ишни қилдим, — деб тил тишлади чол. — Олинда пул асқотадими, билмайманми шуни? Биров билса, эшитса, ўз бу кунингдан, Малик демайдими?! Эй, соб* бўлибман. Асли... Ўшанда Аҳмад полвон йиқитганида ўлимимга фатво бериб кетган экан-у мен нонуд тушунмай ҳалигача яшаб юрибман...» Чолнинг ўйи охирламай туриб пастда қий-чув кўтарилди. Қаради. Боя ўзидан пул олган бола Муродни елкасидан ошириб қумга урди.

Мурод анчагача ўрнидан туролмай, чўзилиб ётди. Чол иккинчи боланинг олишини кутмади. Бархан ортига ўтиб кетди...

Ўтовга қайтганида вақт алламаҳал бўлган, невараси бир четда мунғайиб ўтирар, бобосига кўзи тушиши билан ирғиб ўрнидан турди. Чол пойгакда тўхтади-да:

— Қўрқдингми Мурод? — деб сўради. Мурод индамади. У ғазабини босиб:

— Шу кунгача сенга қўл кўтармадим, энди сени ураман Мурод, — деди. Мурод бу гал ҳам индамади, жим ерга боқди.

— Қара менга!

Мурод ердан кўзини узиб, бобосига қаради-ю, югуриб бориб унинг оёғини қучди, ўкраб йиғлаб юборди:

— Уринг, бобо, уринг мени!

Чол оёғи остида арслон боласи ётгандек, эгилди, Муродни елкасидан тутиб турғазди, бағрига босди...

Шу кеча бобою неваранинг кўзи юмилмади.

Шу кеч бобо ҳаммасига мен гуноҳкорман, деб Аҳмад полвондан йиқилганини хотирлади... Мурод, Мурод эса бобоси йиқилган ўша кундан бошлаб, жўралари уни галма-гал йиқита бошлаганини эслади...

«Йўқ, Мурод кетмайди, мен ўзим қишлоққа бориб қайтаман, — ўйлади у. — Ўргансин, кўзи қотсин, деб уни Қизилга олиб келиб янглишибман, хато қилибман. Олишни ўзгадан ўрганмайди, киши. Ҳали оёғим ерда экан, Муроднинг пири менман...» Чол мизғиб-мизғимай, саҳарлаб шу ният билан йўлга чиқди.

* Соб — хароб бўлибман, тугабман.

* * *

Эртасига у барча юмушларига қўл силкиб, Муродни олиб на унга аталган тўқлини** етаклаб, чўпонларнинг кўзидан йироққа — икки қир ошганда тўхтади.

Мурод бобосининг авзойидан қўрқди. У ҳар кунгидек, хотиржам кўринса-да, бугун нечундир бошқача эди. Чол чурқ этмас, Муродга қарамасди ҳам. Ниҳоят, у Муродга яримлатиб елкалаттан қўлбола меншнинг оғзини очди-да, ўтириб:

— Қўлимга сув қуй, — деди. Қўлини ювгач, белбоғига артди, сўнг тўқлини йиқитди, тўрт оёғини чилвир билан сиқиб боғлади. Суяк дастали катта пичоқни қинидан чиқариб, Муродга тутди:

— Кес бошини!

Кутилмаганда Муроднинг ранги оқарди, оғиз очолмай бобосига илтижо билан тикилди. Чол шундай бўлишини олдиндан билгандек, индамади. Муродга айтган гапини гўё унутди-да:

— Ёнимга кел, қараб тур, — деди. Мурод бобосига яқин борди. Чол:

— Пичоқни мана шундай ушлайди, — деб кўрсатиб, чап қўли билан қўйнинг бошини босди-да, ўнг қўли билан бўғзига пичоқ тортди. Қип-қизил қайноқ қон отилиб, то сўнгги томчиси қумга сингиб кетмагунча чол Муродга «Қара, қара деяпман сенга!» деб такрорлаб турди. Муроднинг кўзи қондан узилмади. Сўнгида кўзлари хира тортиб қолган тўқлисига қараб йиғлади, лекин кўз ёшини бобоси кўрмади.

Икковлашиб тўқлини саксовул шохига осишди, хиёл ўтмай чол тўқлининг терисини шилиб, қорнини ёрди, тозалади.

Мурод бобосининг нега бунчалик олисга келиб тўқли сўйганига фаҳми етмади. Шу билан ҳаммаси тугади, гўштни кўтариб қайтамиз, деб ўйлади у, бироқ енгил тортди. Чол яна қўлини ювди-да, тўқли билан Мурод турган жойдан йигирма-ўттиз қадам нарига бориб, қумга ёнбошлади. Неварасининг кўзига тикилиб турди.

Мурод бобосининг кўзидан кўзини узолмади.

Бир фурсат ўтиб, чол аста — имиллаб ўрнидан турди, пичоғини қўлига олиб, уни илк бор кўраётгандек, қуёшга тоблаб томоша қилди. Сўнг Мурод билан боя ўзи ёнбошлаган жойга келиб, пичоқни қумга тиккасига санчди, қайтиб келиб, жойига ёнбошлади, тағин Муроднинг кўзига тикилди.

Атроф жимжит. Барханлар қуёш тафтидан қизиб борарди.

---

* Бир яшар қўй.

Муродни қўрқув босди.

— Яқинроқ кел, Мурод, — деди чол ҳамон сокин овозда.

— Кўрдингми, боя мен тўқлини қандай сўйдим? — Мурод бош силкиди.

— Энди, пичоқни ол-да, келиб мени бошимни кес.

Мурод турган жойида тахта бўлиб қотди.

— Қани, бўл тез!.. Қўрқаяпсанми?! Унда... унда... - Чол оёқларини йиғиштириб ўтирди.

Мурод ҳамон индамас — миқ этмай турарди.

«Нега бунинг ғазаби ўлган, — чол ўтирган жойида титрай бошлади. — Нега бу, лоақал пичоқни олиб қочмайди, нега йиғламайди, нега жар солмайди?! Иссиқ йўқ бунинг, юрагида ўти йўқ!..» — Чол ҳаммасини — саксовул шохига илинган тўқлини, оғзи очиқ қолиб, суви секин қумга сирқиётган мешни, бобою невараликни ҳам, қон кўриб, кўзи қотсин деб, бошлаган машқини ҳам унутди-да, кела солиб пичоққа ташланди.

Мурод ҳам бобоси тезлигида етиб келиб, унинг қўлига тармашди. Бобосининг пичоқ тутган қўлини шундай сиқдики, чолнинг қўли зирқираб, пичоқни ташлаб юборди. Пичоқ қумга тушган заҳоти чол эгилди. Муроднинг ўнг қўлтиғи остидан қўлини ўтказиб ўзига тортди.

— Қани, бошладик, Мурод полвон! — деб ҳайқирди чол. Унча-мунча сасни ютиб юборадиган барханлар — Қизилқум чолнинг бақириғини ютмади, ютолмади. «Ҳа-а, ҳа-а Мурод! Бошингдан айланай сени, аяма! Оҳ, оёғим, ўлдирдинг-ку! Мен аҳмоқ, мен нопуд, аввалдан шундай бошланим керак эди. Олишни бировдан ўрганмайди, ялиниб олишмайди киши, қўрқиб олишмайди!» — деган гаплари олис-олисларга тарадди.

* * *

... Тушликда катта қозонда тўқли гўшти қайнади. Шўрвани чолнинг ўзи сузди. Чўпонлар, болалар ҳайрон. Малик полвон эса жим... Муроднинг кўзлари чақнайди, бу фақат бобосига аён. Тушликдан сўнг чўпонлар тарқамай туриб, чол ҳаммага мурожаат этди:

— Биродарлар, биз энди қишлоққа қайтадиган бўлиб турибмиз. Нон-тузларингни кўп едик, қуллуқ. Чўпонота номидан бир фотиҳа беринглар, омон-эсон уйимизга етиб олайлик.

— Э, шундайми, йўлошимиди ҳали бу? — чўпонлар кутилмаган янгиликдан шошиб қолишди. Улар чолнинг қишлоққа қайтишини хоҳлашмасди, мана куз бошланди, ҳадемай қиш, битта бўлса-да, чўпонга одам керак...

Чолнинг аҳдини билиб, кетишга розилик беришди. У

қайтишга оқ йўл олиб, сўнг каттаю кичик — барчани ҳайратга солиб, овоза қилди:

— Неварам Муродга атаганим бор. Болаларга олиш бераман, қани полвонлар оталаринг борида бир кучларингни кўрайлик!

Чолнинг тани болалар учун ҳақиқий тўй-байрам бўлди. Улар шундоққина ўтов ёнида саф тортишди. Катталар — болаларнинг оталари ҳам қизиқсиниб давра қуриб ўтиришди. Ўртада ҳакам — Малик полвон.

— Муродга талабгор борми? — сўради чол. — Йиқитганга бир қўй!

Биринчи бўлиб, икки кун олдин чолдан пул олиб, барибир Муродни елкасидан ошириб урган бола майдонга чиқди. Илгари неварасининг олишини кузатиб, юрак ҳовучлаб турадиган Малик полвоннинг кўнгли нечундир бутун тўқ эди. У ҳаяжонланмади, титрамади, қаддини тик тутиб, иккисини куращга чорлади.

Кўз очиб-юмгунча бола Муроднинг оёқлари остида чўзилди. Сўнг иккинчи, учинчи талабгор чиқди, тамом — қайтиб Мурод билан олишадигани топилмади. Биринчи бўлиб чўпонлар — болаларнинг отаси чапак чалишди:

— Нима бало, сеҳрингиз борми, Малик бобо? Бизнинг ўғилларни мулзам қилдингиз-ку?!

Чол мамнун жилмайди-да, даврадан икки болани чақириб, қулоғига шивирлади. Болалар қизариб ерга қарашди. «Шукур, — деди ичида Малик полвон, — булар ҳам ерга қараркан-ку, эгиларкан-ку? Отангга балле-е, Мурод, энди ўлсам армоним йўқ!»

— Майли, пулларинг бўлмаса кечдим, — деди эшиттириб Малик полвон, — лекин, унутманглар полвонлар, сенлар Мурoддан қарздорсанлар!

* * *

... Эрталаб, биринчи бўлиб қўни-қўшни, сўнг бутун қишлоқ «Малик полвон уйига қайтибди» деган хушхабарни эшитди. Гўё чол олис сафардан қайтгандек, кечгача уйидан одам аримайди... Ҳафта охирламай қишлоққа хунук хабар тарқалди: «Малик полвон қазо қилибди...»

Чолни ювиб-тараб, охирги манзили — Аҳмад полвон ётган мозорга дафн этишди.

Маъракалар ўтгунча қўшнилар «Мурод ёлғиз, қўрқмасин» деб галма-гал бола билан бирга тунашди.

Еттинчи куни тун маҳали Мурод қўшнидан бобосининг ёғоч каравотини сўради. Қўшни Муроддан узр сўраб, каравотни олган жойига — айвон остига келтириб қўйди. Мурод ерда



ётиглиқ кигизни силкиб, каравотга тўшади-да, худди бобосидек ётиш учун ўзига жой ҳозирлади. Сўнг қўшни кетмай туриб, белбоғини ечди, сўри остидаги мих илгакка илди, ариқдан икки челак сув олиб келди. Лой қорди.

— Лойни нима қиласан, Мурод? — деб сўради унинг ҳаракатларини кузатиб, ҳайрон турган қўшниси.

Мурод қаддини ростлади.

— Ҳу-ув, ана, деворни кўрапсизми? — деди у. — Катта бир бўлак кўчиб тушибди. Шуни ғишт териб, шуваб қўймоқчиман.

---

*Ражаббой РАУПОВ*

## ЎНГ ҚЎЛ

### *Ҳикоя*

*Қозоқ шоири*
*Ғабиддин Қуллаҳмат ўғлига*

Уч кундирки у атрофида парвона бўлиб, жон ҳовучлаб ўтирган яқинларини кўрмайди, тан-сўз қулоғига кирмайди. Тош қотган қабоқларини узоқ силаб очмоқчи бўлади, шу заҳоти яна кўз олдини бармоқ изи тушган сарғиш қоғоз тўсади. Қоғоз гоҳ кичрайиб, гоҳ катталиб тумандек чўкиб кўкси, ич-кўзини қоплайдию кўз кўрмас қўллар аввал, икки чаккаси сўнг юрагига бигиз санчади. Шунда у «Э, воҳ, жигарим-ей!» деб, нола чекади.

Ерғлик санчилаётган кўзларини тўсмоқчи бўлиб, чап қўли билан пайпаслаб матоҳ излайди. Хотини узатган қора жун рўмолни юзига босадию тинчийди...

Гирдини олиб ўтирган яқинлари шу фурсатни кутгандек — у тинчиши билан хотинини қолдириб, ўзларини эшикка уришади. Хотини — Роҳатой бети рўмол билан тўсилган эридан кўз узмай қараб туради-турадию пиқ-пиқ йиғлайди. Ҳар лаҳза дўхтир бола эрининг ҳолидан хабардор. У «Қишлоққа олиб кетайлик, касалхонада ётса, хавф арийди» деб қистайди — эри кўнмайди...

«Э, воҳ, жигаримей!» — эрининг фарёди Роҳатойнинг қулоқларига қўрғошиндек қуйилган, чиқиб кетмайди. Яқин орада унинг ҳеч кими ўлмаган, оғриқнинг зўридан алаҳсираяпти, дейинса, уч кундирки у фақат шу бир гапни такрорлаб, «жигарим»лаб ётибди...

Нохуш хабар тез тарқалади. Онасини воқеадан хабардор қилиб, Гужумлига — отаси ўтовига олиб кетгани келган тўнғич ўғли қишлоқдан чиқмай туриб, шов-шув тарқалди: «Асад ферма ўзини отибди», «Асад ферма ўзини осибди», «Асад ферма...»

Кейин маълум бўлдики, ферма ўзини отмаган, осмаган экан...

Ҳафта олдин у Гужумлида от сўйиб, чўпонлар билан бўлишди — улушини уйга жўнатди. Худди шу куни аллолаб Роҳатойнинг ўнг кўзи пир-пир учиб, юрагига чироқ ёқса ёримади. Тунга яқин уйга гўшт ташлаб кетишди. У от гўштини қазибош қилиб тилиб, зиралаб хумга босди, бугун-эрта қайтадиган эрини кутди. Сўнг, юмушни бошидан ошиб ётса-да, қўли ишга бормади, интиқ бўлиб кенжа келинининг даладан қайтишини кутди.

Бир пайт кўзи гўшт ўраб келинган оқ сури дастурхонга тушди. Уни яқиндагина ўз қўли билан тиккан, эри йилида уч-тўртта сурнани бошига ётади... Сўри панжарасига ташлаб қўйилган қон юқи сурнага қараб турар экан, бехос кўз ости териси учишдан тўхтади. Бундан унинг баттар юраги ғашлан-ди, учишдан тўхтаган кўз ости терисини силаб-силаб: «Нима бало, кўзим қонсирабдими, — деди овоз чиқариб. — Ишқи-либ, яхшиликка етказсинда...»

Алланечук титраб ўрнидан турди, сув иситиб, сурнани тоғорага солди, қайта-қайта ювса-да, қон доғи кетмади... Охири, оч қизилга бўялган матоҳни дорга ёйди ва офтоб-жойга қўйилган сўрига тин олиб ўтирди. Эт, қон кўраверib, кўзи қотган Роҳатойнинг бугун нечундир дорга ёйилган сур-нага кўзи тушиши билан аъзойи танига титроқ кирди. Ўтир-ган жойидан туриб, нари кетолмади, кўзини дордан узолма-ди, сурнани дордан юлқаб олиб ташламоқчи бўлди-ю ҳоли етмади — бўғин-бўғинидан бўшашди. Аксига олиб, ҳовли ўртасидаги кекса тут шохига бойўғли келиб қўнди... Уни «кишт-кишт»лаб, қарғаб шохдан учиргунича кўнглидан кўп нохуш ўйлар кечди. Кўксига «туф-туф»лаб исириқ ахтар-ди...

Саксовул чўғига сепилган исириқни ҳовлидан айлантириб, супа ўртасига қўйди. Барибир, тинчимади. Тутун бурқсиб, бутун ҳовлини исириқ ҳиди босдию нечундир ўн қадам нарида осилган қон юқи сурнага етмади, сурнани айланиб ўтиб, юқорига ўрлади. Шунда Роҳатой ғайри бир куч билан жойи-дан турди-да, исириқни чўғи билан сурнага сепди. Суви сир-қиётган сурнага чўғ ёпишиб, бир пасда илма-тешик бўлиб тутади. У ҳовлиқиб ёнида турган сув тўла челакни сурнага отди.

Роҳатой дор остида михлангандек қотиб турар экан, бир маҳал ўзига келиб, сурпага қарадию йиғлаб юборди. Сури дастурхон худди ўққа учгандек илма-тешик бўлиб, илвираб турарди...

— Э, воҳ, жигаримей! — эри юзига ташланган қора жун рўмолни сидириб ташлаб, тағин шла чекди. Оҳи чодирга қўшиб, Роҳатойни ҳам ютиб юборадигандек учиб ўрнидан турди-да ўғилларини чақирди. Улар эшикдан кириб-кирмай Роҳатой ўтовдан қочиб чиқди...

Асад ферма ўтган жойида — тўшакда аза очган, буни ҳеч ким — на тепасида турган аёли, на икки ўғли, яқинлари билмас англамас эдилар... Дарвоқе, ферманинг узоқ йиллар йигит ёшида «душман» деб, отилган Қудрат исмли укаси бўлган... Унда Асад ферма эмас, колхозда ҳосилкот эди. Укаси Қудрат эса...

Бир оқшом Асадни идорага йўқлатиб, қўлига чақирув қоғози тутқазишди. Саҳарлаб у шаҳарга отланди. Йўқлашган жойни сўраб-суриштириб топганида, шубҳасиз, ҳеч нимага тушунмади. Уни бегона кишилар саволга тутди — укаси Қудрат ҳақида сўрашди. У истар-истамай, ажабланиб жавоб берди: «Укам, Қудрат тўйларда достон айтиб, қўшиқлар битиб юрадиган бўз йигит. Ўтган йили Самарқандга сабоққа кетди. Шоир бўламан, дейди...»

«Мана, сизга қоғоз, — деди тўрда ўтирган чарм камзулли киши Асаднинг кўзига бир қараб олиб, — шу гапингизни ёзинг».

«Менинг хат-саводим йўқ, биродар, — деди Асад ийманиб, — агар пахтадан сўрасангиз, бинойидек айтаман... Укам Қудрат бир келганида, ака, сизга хат ўргатай, деб кўп қистади, кўнмадим, сен ўзингни бил, мени сенга оғирлигим тушмайди, дедим...»

«Яхши, унда бояги айтган гапингизни шошилмай қайтаринг, ўртоқ Қуттиев ёзади, сиз қўл қўясиз».

Асад укаси ҳақида айтган гапини такрорлади, кўзойнак таққан, ориқ, узун бўйли котиб Қуттиев қоғозга туширди, охирида у имзо ўрнига бармоғини босди...

Хайрлашаётганида Асад баланд овоз билан гумбурлатиб:

— Бу йил пахта ҳар йилгидан мўл бўлади! — деди. Ўтирганлар унинг гапини жилмайишиб эшитишди-да:

— Яхши, яхши, ўртоқ ҳосилот, ишонг! — дейишди. Тамом — бўлган гап шу. Сўнг у қишлоққа етганича хўп ўй сурди: «Кимсан — ҳосилотман, уруғ-аймоғимни суриштиришади-да! Қудрат — ёлғизгина иним, саёқ юрмасин, акасидек эл-юртга нафи тегсин, дейишади-да! Колхозда ким кўп —

одам кўп, улар билан бировнинг иши йўқ, борсаими, йўқсанми, деб ҳеч ким сўрамайди...»

Асад шаҳарга бориб қайтган куннинг эртасига онаси Ҳожар биби ғалати тушлар кўриб тилидан Қудрат тушмади. У ҳар кеча қизи Маликани қийин-қистовга олиб, кенжатойига хатлар ёздирди... Кўн ўтмай Асаднинг шаҳарга боргани изсиз кетмади — сир ошкор бўлди: ҳосилотнинг укаси «халқ душмани» экан...

* * *

Ўша кун-тун қиёматгача Асаднинг ёдидан чиқмайди. Дарвозаси ёнидаги якка михда гижинглаб турадиган оти ўз-ўзидан йўқолди. Йўқса, ҳосилотнинг оти, деб ёнига одам тугул, ит ҳам йўлолмасди. Асаднинг оғзи боғланди, тили калимага келмади — отни ким олди, деб ҳеч кимдан сўрамади, оғиз очмади. Қамчинни этиги соғисига суқиб, кўчага чиқдию ярим йўлдан қайтди: Асадга кўзи тушган кунинкунни, таниш-билиш — ҳамма ёвдан қочгандек ўзини панага тортди, танимаганга олди. Ўзига яқин олиб юргани — узоқдан қорасини кўрса, қули кўксидан тушмайдиган мирообга дуч келганида у: «Йўлдан қоч, отим ҳуркади» деб, отини йўрттириб кетди.

Асад шундан кейин ўзини йўл чеккасига олди, шундоқ ёнгинасида гулга кирган ғўзаларга қараб ўй сурди, эгилиб бир туп ғўзанинг гулини санади — ҳисобдан адашди, қайта санаётганида ортидан овоз эшитилди: «Тегма давлатнинг ғўзасига! Белинг оғримаганда — ичинг ачимайди, унсур!..» — Асад бурилиб ортига қараган эди, бригадирни кўрди. Мулзам бўлиб ўрнидан турди гапиролмади.

Бригадир шашт билан яқинлашиб, Асаднинг этиги соғисига суқилган қамчинни тортиб олди. Сўнг сувсираб тўкилган ғўза гулларини сиқимига йиғди-да, Асаднинг кўзи остига тутди:

— Бу нима, нега тўкдинг?!

Асад соқов одамдек довдираб елка қисди. Бригадир қамчин дастаси билан йўлни кўрсатди. Асаднинг боши айланиб, кўзи тинди. Депсиниб йўлга чиқар экан, бригадирнинг «Халқ», «Унсур», «Пахта», «Душман» деган сўзлари бошидан дўлдек ёғилди...

Қадди букилиб зўрға ўзини уйга олди, дарвозага занжир солди. Онаси, хотини, болалари уйдаю, лекин, барибир, ҳовли сув қуйгандек жим-жит. Ана, эшик ёнида синглиси Маликанинг кетмони кўринди: сезди — уни даладан ҳайдаб юборишган...

Кўчанинг даҳшати уйга қамалди. У шомгача меҳмонхонада қамалиб ўтди, ташқарига чиқмади. Қўққи боғмай эшик очилди. Унинг хаёллари тузиди: «Мени олиб кетгани келишган» деб қўрқиб жойидан турди. Йўқ, онаси экан, остонада Қудратнинг суратини кўксига боссанича Ҳожар биби турар, туриқидан уйга кириш нияти йўқ.

Она-бола бир-бирларига қараб турдилар, биринчи бўлиб, Асад кўзини олиб қочди, бош эгди.

— Баракалла, — деди онаси шикаста овозда, — баракалла, иниг Қудрат душман эканми, сен шунга ишондингми? — Она ўғлининг қоғоздаги аксига бир қараб, суратни қайта кўксига босди. — Йўқ, мен ишонмайман, ишонмайман...

Асад шундоқ рўпарасида — остонада кўриб турар, нечундир сўзлари аранг қулоғига кирар, гўё камнир жуда олисдан туриб гапирар, овозини элас-элас илғар эди. Бир маҳал у бошини кўтарди, онаси йўқ — аллақачон кетган, Асад яна хаёл, қўрқув, мутелиги билан ёлғиз қолди...

Кўчада одам оёғи тийилганда раиснинг чопари эшик қоқди. Дарвозани хотини очди...

Йўқлов қисқа бўлди, кутилмаганда у раиснинг хонасидан тоғдек юпанч туйиб, кўзи ёшланиб чиқди. Бошига қора кун тушганида битта бўлсада мададкор топилди...

«Уй-жойни ер ютмайди. Қизилга кетасан, биров сўраса — бола-чақаси билан чўлга сургун қилдим, дейман...» — Раиснинг гапи то уйига етгунича, кейинчалик ҳам Асадга қанот бўлди. Шу кеч тоғ бўлиб суянгани — раиснинг сўзларини онасининг қулоғига шивирлаб айтди, ҳовлиқиб хотин, бола-чақасини кўчишга чорлади. Кўчада арава тайёр турар эди.

Она йўл тадоригига тушган ўғли, келини, қизи Маликани кузатиб, уй бурчига жимгина ўтирди.

Бир сидра кўч-кўронни аравага юклашди. Вақт ўтиб борар, арава йўлга шай, ҳамон Ҳожар биби жойидан қўзғалмай сукут сақлаб турар эди. Асад остона ҳатлаб онаси турган уйга кирмади, тўғриси, киришга юраги бетламади. Очиқ деразa ёнига келиб, ўнғайсизланиб томоқ қирди — йўталди. Шунда:

— Йўл олинглар, мен рози, — деди онаси. Асад шуни кутиб тургандек кўчага отилди. Арава қўзғалганида Малика ўзини пастга отди, қочиб уйга кириб кетди.

Асад аравани тўхтатмади. Ортига қарамади. Ҳовлидан онаси билан синглисининг дод солиб йиғлагани эшитилди...

«Э, воҳ, жигаримей!» — Асад тамоман ҳолдан тойди, овози бўғилиб, кўзида ёш қотди. Энди у тўшакда тахта мисол ётар, аъзойи тани совиб, пешонасига муз боСтандек ичидан қалтироқ тутди. Устига қўш кўрпа ёпишди. Утов гўё қоп-қора бўшлиққа айланди. Асадни зулмат ютиб, чоҳга гарқ бўла бошлади. Бош-туби йўқ зулматга чўккандан чўкиб бораверди, ўтов ёнида тик турган ўгиллари, яқинлар тепада осилиб қолди. Юраги оғзига келиб чўкаяпти, чўкаяпти... Бир маҳал синглиси Малика Асадга қўл чўзгандек бўлди...

Ўшанда... Малика ўзини аравадан ташлаб, қочиб ҳовлига кирганида онаси ўқлоғига таяниб супага чиқди. Маликани кўриб, ўқловни улоқтирди, қучоқ очиб қизини бағрига босди, суянди. Ҳувиллаган ҳовлида онаю қиз узоқ йиғлашди.

Шу кеч ҳеч ким бу ҳовлидан хабар олмади, бунда бир тирик зоғ бор-йўқлигини унутишди...

Ҳожар биби ўғли Қудратнинг догида куйиб-куйиб кўз юмди.

Малика қари қиз бўлди, чўкди...

* * *

Омончилик йиллар келди. Асаднинг ғами ариди, унга кун боқди: оддий чўпонликдан бош чўпон, сўнгроқ фермага мудир бўлди. Гап-сўз, қўрқув, хавотир ортда қолди — унутилди. Энди у илгариги бир пайтлар «душманнинг акаси» деб Қизилқумга қўчирилган ва узоқ йиллар елка сиқиб, бош кўтармай юрган Асад эмас — Асад ферма, қўш мукофотлару ёрлиқлар эгаси. Хуллас, у Қизилни уйим деб билди, қўним топди, қадр топди. Хотин, бола-чақаси яна қишлоққа қайтди, тўнғич ўғлини қабатига олди — одам қилди. Кенжаси уйда онасининг ёнида, чўл билан қишлоқни боғлаб турган чопар, чаққон йигит...

Онаси раҳматли бўлганидан сўнг анчага довур тушига кирмади. Асад буни ўзича тушунди: «Малика уйда ўтириб қолди, узатилмади. Онамнинг руҳи ранжиган, у мендан хафа...»

Ҳар гал синглисига кўзи тушса, онасини эслайди, эслайдию кампир тушига кирмаганига суюнади. Ахир осонми, барибир, она-да. Баъзан ўша ювуқсиз кун — онаси билан тузукроқ хайрлашмай ўзини деб, чўлга қочган кун ёдига тушади, эсламайман дейдию яна... «Душманнинг акаси» деган ном узоқ вақт Асадга тинчлик бермади. Қизилқумда юрса-турса-да хавотир қийнади. Олисдан бир отлиқ ё пиёда кўринса, Асад албатта «Мени олиб кетгани келишяпти» деб

ўйлар, гўё ҳар бир бархан, буталар ортидан укаси Қудрат бош кўтариб, уни пойлаётгандек, уни олиб кетгани келишаётган кишиларга қарата: «Ана шу менинг акам бўлади, ушланглар уни!» деб жар солаётгандек бўлар эди. Кун сайин Қудрат Асаднинг тутқич бермас душманига айланди.

...Орадан икки йил ўтар-ўтмас онаси қазо қилди. Асадга хабар етгач, «борсамми, бормасамми» деб, бир кеча-кундуз ўйлади... Овозсиз, йиғисиз кириб борганида, жасадни уйда бир оқшом сақлаб, Асад келмагач, кўмишибди.

Ўшанда... қариндош-уруғ, қўни-қўшни Асадни бегонадек қаршилашди. Синглиси Малика акасининг бир четда мунгайиб, жим турганини кўриб, ҳовлидаги қари тутни қучоқлаб бўзлади. Оғир кунда елка тутмаган жигардан ўксиб йиглади... Уни ҳеч ким йиғидан тўхтатолмади, юпатолмади. «Тегманглар унга, — деди қўшни чол, — бу муштипар йиғидан бўлак не кўрди, бугун унинг отаси ҳам, онаси ҳам йиғи... Бугун тўйиб-тўйиб йиғласин, эртага дийдаси қотади, бад уни уриб ҳам йиғлатолмайсан...»

Онасининг қирқи ўтиб, кунлари аввал бошдагидек маромига тушди. Ҳаммаси босилган издек ортда қолди. Умр сув янглиг оқди. Асад ўша-ўша... Бир оқшом у ўз ташвишларини ўйлаб ётиққа бош қўйган эди, кўзи илинар-илинмас чўчиб уйғонди. Онаси қазосидан кўп йиллар ўтиб, шу оқшом илк дафъа тушига кирган, қўрққан эди. Тириклигида мулойим, озорсиз онаси бехос тушига кирдию Асаднинг ороми бузилди. Шу тундан бошлаб онаси ҳар кеча Асад билан қасдма-қасд: кемтик тишлари орасида бир варақ қоғоз, икки қўли Асаднинг ёқасида. «Қани менинг Қудратим, Қудрат, Қудрат?!» — деб силтайди, оғзидан қоғоз тушмайди. Асад бўғилади, жон талвасасида онасининг кўзларига ёлвориб жовдирайди. Бехос кампирнинг қорачиғи оппоқ тонга айланади, сўнг тош каттайиб кўз соққасини қоплайди, бўртиб чиқади... Асад кўзлар ўрнида тош кўрган маҳал ёқасини ушлок қўллар бўшатади, онаси йироқлашиб, қаршисида укаси Қудрат пайдо бўлади. У ҳамон илгаригидай — бўз йигит, катта-катта кўзлари учқун сочиб, ёниб турарди. Икки кафтида онасининг кўзлари: «Акажон, — деб у қўлини Асад томон чўзади, — мана, онамнинг кўзлари, олинг, мен буларни ўзим билан олиб кетган эдим...»

Ҳар тун-кун — уйғу-тушида шу воқеа такрор. Буткул малоҳатни йўқотди у. Ҳаётини Қизилқумсиз тасаввур этолмаган Асадни бир кечада чўл олис-олисларга улоқтирди, бағридан қувди. У ўзини саҳрога бегона: чўпонликка ёт сезди...

Ҳалигача шукр дейди, ўшанда у босинқираб уйғонганида (овозидан ўғли ҳам чўчиб уйғонган эди) тўнғичини отиб қўйишга оз қолган. Ким билсин, қаршисида шарпадек чўнқайган ўғли кўзига Қудрат бўлиб кўриндими, ҳар қалай «шарпа» қаддини кўтармай ўзини Асаднинг оёғига ташлади, милтиқни қўлидан олди... Асад ўзига келгач, сув сўради. Ўғли сопол косада сув тутди.

Шу кеча у ўғлини ёнидан жилдирмай, қўлидан ушлаб, тонг оттирди.

Туши ҳақида ҳеч кимга оғиз очмади...

Пешинда ўтовнинг бари анжомларини чиқариб, шамоллатди. Хаёлини бир зум бўлсин, кўрган туши тарк этмади...

Кунни бир амаллаб чўпон-чўлиқнинг юмушига аралашиб ўтказар, қуёш ботиши олдидан юрагига ваҳм тушиб, онаси, Қудрат таъқиб этаётгандек, кенг саҳро торайиб, ўзини қўйишга жой тополмай сиқила бошлар, назарида Қизилқум — оёқ бостан ер, ўтов, анжомлар уни ютиб юборишга шай турар, «Кетаман, кетаман!» деб шивирлар, қаёққа кетишини билмас эди.

Ҳафта ўтмай қишлоққа кетди ҳам. Ранги синиқиб, бир ҳолга тушиб қолган эрини кўриб, аввалига хотини қўрқди. Асад сир бой бермагач, бевақт ташрифни «чарчаган»га йўйган аёли эрига парвона бўлди, оромига қўйди...

У очиқ деразадан ҳовлига тикилиб туриб, бир пайтлар онаси яшаган кўҳна уйга кўзи тушди, қайтадан юрагини ваҳм босди. Бу уйда ҳеч ким яшамас, синглиси Малика қиз жиянлари билан алоҳида уйда яшар, Асаднинг янги тикланган иморати етти пуштига етиб ортарди.

Асад деразани ёпиб, хаёлини бошқа нарсаларга чалғитмоқчи бўлса-да, барибир, кўҳна уйдан онасини етаклаб Қудрат чиқиб келаётгандек бўлаверди. Ҳовлиқиб хотинини чақирди.

Аёли ёнига келганида унга тайинли бир гап айтолмади, «қўрқаяпман» дейишга уялди. Роҳатой тепасида жим тураверган, «Ўтир, зерикаяпман» деди. Хотини жилмайиб чиқиб кетди. Уни ортидан кузатиб туриб, беихтиёр уй ҳақида ўйлади. Бир хона ва даҳлиздан иборат пастак томни шу кунгача бузмаганига ҳайрон бўлди. Ниҳоят, шу кунгача тортган азобларига чора топгандек, шошиб, оёғига этигини суқди. Кўчадан икки-уч бекорчини топиб келиб, боягина юрагига имконсиз қўрқув ва ғашлик солган ёдгорлик уйни бузишга буйруқ берди...

Оқшом ҳашарчиларга қўшилиб арақ ичди, алламаҳалгача

кетишга рухсат бермади, гарчи улардан маънили гап чиқмаса-да, вақт ўтишини ғанимат билди — овунди...

Тонг отар-отмас ўтовдагидек дод солиб уйғонди. Роҳатой буни ўзича тушунди: арақни қарғаб-қарғаб эрига муздек сув ичирди.

Шу уйғонганича, Асаднинг қайта кўзи юмулмади. Эрталаб нонушта қилмай тўнгич неварасини ёнига олиб, тўғри онаси дафн этилган мозорга борди. Билганича тиловат бошлаб, кампирни ёд этди. Қайтишда кунпа-кундузи, гўё ортидан бир шарпа эргашиб келаверди — қўрқди, неварасининг қўлидан тутиб «Э, яшшш, Толиббек» дея, йўл бўйи шу бир гапни такрорлаб келди...

* * *

Асад учун энди дунё — чўлу қишлоқ бирдек дўзахга айланди. Кўп ўтмай уйқусизлик касалига мубтало бўлди.

Ўтовдан бир чақирим нарида кўп тала-тўп жанг кўрган, ҳозирда хароба тепаликдан иборат «Ҳазор пур» қўрғони бор эди. Илгарилари Асад қачонки, ҳориб, асаби бузилса, кўҳна қўрғон пойига келиб, соатлаб сукутга толиб ўтирар, тиниқиб, кучига-куч қўшилиб қайтар эди. У таскин ва ором истаб яна қадим «Ҳазор пур»га қатнади. Уни анчадан бери кузатиб, индамай юрган кекса чўпон шундай маслаҳат солди: «Иним, Асадбой, сизни оромиз бузилган. Пиримиз Чўпонотани ёдлаб, ўтган шаҳидлар руҳига қон чиқазинг, шояд енгил тортсангиз...» У сукут сақлаб, чолнинг сўзларини эшитдию бир сўз демади. Ичида: «Кошки эди шундай бўлса, — деб суюнди, — битта эмас, ўнта қўй сўярдим... Майли, шаҳидлар ёди учун бир жонлиқ сўйганим бўлсин...»

Шундай кунларнинг бирида фермага ёнилғи ташувчи ҳамқишлоғи Асадга хушхабар келтирди. У қўйин чўнтагидан букланган газета чиқариб:

— Буни қаранг, ферма бобо, — деб Асадга узатди. Газетада Қудратнинг суратию шеърлари босилган эди. Бу, Асад учун янгилик эмас, укасини аллақачон оқлашган, шундай бўлса-да, Қудрат акаси учун яқин ўтмиш ортида нимаси биландир ноаниқ, ҳамон сирли, бир қадар хавотирли туюлар, ака-ука ўртасидаги олис масофа — девор бузиб ташланмаган эди. «Нималар бўлаяпти ўзи, — у истар-истамай газетага қўл чўзди, — нега отилдию нега оқланди? Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам Қудрат, Қудрат! Гуноҳим нима менинг?!»

Асад газетани шоферга қайтарди:

— Ўқи.

Умрида шеър ўқимаган ҳамқишлоқ Қудратнинг сўзларини тутила-тутила акасига етказди:

— Огам, мен сенга ишонмайман,
Сен мендан тондинг!
Синглим, мен сенга ишонмайман,
Сен мендан тондинг!
Севгим, мен сенга ишонмайман,
Сен мендан тондинг!
Ватан...

— Бас, ўқима! — Асад газетани юлқаб олганича кўксига босди, бархан томон югуриб кетди. Тепаликка етар-етмас ўзини ташлади, пешонасини қумга босиб йиғлади. Назарида овози бутун чўл, еру-кўкни тутдию ва шундай акс-садо берди:

— Душман, душман, душман!

* * *

Қирқимнинг якуни учун ғолиб фермани мукофотлагани келишган совхоз раҳбарлари зиёфат устида Қудратдан гап очишди. Бириси: «Сиз, Асадбой чакана одам эмас, катта кишисиз, — деди. Сўзингиз тошни ёради, ишшоиларни тақиб бир шаҳарга боринг, Қудратни суриштиринг, айби нима унинг? Ахир йигирма уч ёшида... ақл бовар қилмайди, увол...»

Асад кутилмаган таклифдан гангиб қолди. Сўнг обдон ўйлаб «Майли, суриштирсам-суриштирай, мендан нима кетди, зора шаҳар баҳона сал тинчисам...» — деган тўхтамга келди.

Сўнгги таскинга суяниб шаҳарга йўл олди.

Ошнаси тўғри айтган экан, уни куттиришмади — йўқлаб борган эшигига сўзи ўтди. Ҳашам меҳмонхонадан жой олиб, бир ҳафта кутди. Сўнг уни чақириб, илтимосига биноан укасининг айбномаси билан таништиришди. Дастлаб, қўлига ўша — тушларига кириб чиққан, то ҳануз тинчини бузган қоғозга монанд бир варақ тутқазишди. У «ўқиёлмайман» дегач, ярим саҳифага етар етмас айбномани ўқиб эшиттиришди.

Айбномада шундай ёзилган эди: «Мен — ким Асад Комил ўғли, иним Қудрат Комил ўғли ҳақида тубандагиларни маълум қиламан. Иним Қудрат меҳнатга бўйин товламай, колхозни менсимай сабоқни ихтиёр этди. Меҳнаткаш оммани йўлдан оздирувчи, шўро ҳукуматини камситувчи ашъорлар битиб, кунни тун деб ўйлайдир... Гарчи, Қудрат туғишганим бўлса-да, унинг унсурларча боаган қаламидан чўчийдирман, зеро бу иллат бошқаларга юқмасун деб:

Асад Комил ўғли. Имзо ўрнида бармоқ босдим. Котиб — Қуттиев».

Айбнома ўқиб эшиттирилгач, у қулоқларига ишонмай турди. Айбномани иккинчи бор ўқиб эшиттиришди. Асад кўзларини юмди, сўнг бу ёғи нима бўлганини эслолмайди...

Кўзини очса, ўзининг ўтовида — Қизилқумда ётибди. Ёнида ҳеч ким йўқ. У ҳамишаги ўрнида — пастак ёғоч каравотида ечинмай чўзилган, эгнида шаҳарга кийиб борган костюм-шим, кўкраги тўла нишон...

Ўрнидан туриб, биринчи қилган иши — шимини ечди, хотини тикиб берган қопдек сури иштонда оёқ яланг юриб ташқарига чиқди. Сув тўлдирилган темир охурлар ёнига келиб, костюмини ечди, баридан осилтириб қудуққа ташлади. Цемент ҳовузчадан юз қўлини чайди. Ўтовдан болта, пичоқ олиб чиқди. Ой сайин келиб-кетиб турадиган меҳмонларга атаб, алоҳида қўрада доим уч-тўрт бош ахта қўчқор боқар, бир ҳисобда унинг кунига яраган — ном қозонишга шу жониворларнинг ҳам ҳиссаси катта эди. У шошилмай бориб, «Ҳазор нур»га қон чиқазаман» деб кўнглига туккани қора қўчқорни орқа оёғидан тутиб, қўрадан судраб олиб чиқди. Йиқитди. Уч оёғини чилвир билан боғлаб, бўғзига пичоқ тортди. Қон отилар-отилмас оғзини босди — қон шимирди. Сўнг оғзи, иягидан қон оқиб, ярми қумга кўмилган кунда ёнига келди. Чўкка тушиб кундани қучоқлади, пешонасини босди:

— Иним, Қудратжон! — деб силкинди. — Сени сотган қўлим сотқин, оғзим қон! Сени сотган ерим сотқин, бағрим қон!

Ниҳоят, у бошини кўтарди, қаддини ростлади, тишларини зич сиқиб айбномага бармоқ бостан ўнг қўлини кундага қўйди. Чопти. Йиқилди...

Уч кундирки, у атрофида парвона бўлиб, жон ҳовучлаб ўтирган яқинларини кўрмайди, гап-сўз қулоғига кирмайди. Тош қотган қабоқларини узоқ силаб очмоқчи бўлади, шу заҳоти яна кўз олдини бармоқ изи тушган сарғиш қоғоз тўсади. Қоғоз гоҳ кичрайиб, гоҳ каттариб тумандек чўкиб, кўкси, юз-кўзини қоплайдию кўз кўрмас қўллар, аввал, икки чаккаси, сўнг юрагига бигиз санчади. Шунда у «Э, воҳ, жигаримей!» — деб нола чекади, дод дейди...

Тушдан сўнг Асад сал ўзига келгандай бўлди. Ранг-рўйи тиниқиб, кўзлари равшан тортди. Ёндагиларга хотиржам боқди. Бир пиёла сут ичди, сўнг тўнғич ўғли билан ёлғиз қолдиришларини сўради.

Яқинлари чиқиб кетгач, ўғлининг қулоғига нимадир деб пичирлади. Ўғли бош эгди...

Асадни қўлтиғидан суяб ташқарига олиб чиқишганида Роҳатойнинг бошига офтоб чиққандай суюнди. Уч кеча-кундуз эри билан тортган азобига рози бўлди.

Эри кундага яқин жойга курси қўйишларини сўради. Курсига жойлашиб ўтиргач, биродарларига «холи қолдиринглар мени» деди. Елкасига тўн ёпиб, ёлгиз қолдиришди. Асад чуқур тин олиб, теваракка разм солди: кўз илғайдиган масофада ҳеч ким йўқ. Сокин. Уфққа туташган илон изи йўллар...

У кундага қарама-қарши ўтирибди. Яқин-яқин йилларгача шу йўлларни ҳадик, хавотир, қўрқув билан кузатган ва ҳар лаҳза қўлларига кишан солиб олиб кетишларини кутган... Панжадан юқорилатиб чопилган, румол билан тангилган ўнг қўлига бир қарадию жирканиб бошини чап ён бошига осилтирди. Кўзи бир қўра қўйга тушди. Ютиниб туфлади. «Қудратдан, онамдан топиб, бекиниб топганим шу — бир қўра қўй!..» — у алам билан кўзларини юмди. Шу пайт ахта қўчқорлардан бири чўзиб маъради. «Ма-а, ма-а» деган овоза она қўйларнинг марашини жўр бўлди, назарида оламни қўй овози тутди.

Кўзини очганида ит ҳурди, шу заҳоти қўйларнинг саси ўчди.

Баҳорда уни худди шу жойда бир мухбир саволга тутган «Нега бу ерга қўйлар тез-тез мараб келишади?»

«Она қўйлар боласини излаб келади-да. Сиз турган жойда қўзи сўйилади».

«Э, унда қийин-ку...»

«Бунинг йўли осон, ука... Она қўйни қулоғидан буриб, пешонасига бир мушт урасиз, тамом — боласини унутиб, ортига кетаверади».

Сал ўтмай яна мараган овоз эшитилди. Асад «Ҳозир, ҳозир, деб, шивирлаб ўрнидан турди, — ҳозир, мени есанг... тўйсан. Ҳозир».

У қаёққа юришини билмай бир пас гарангсиб турди, бехос ҳаммасини унитгиси, дод солиб қичқиргиси келди. Шу тонда кимдир кучли қўллари билан Асаднинг пешонасига мушт солсаю сўнг... у ҳаммасини унутса...

Асад икки-уч қадам олдинга юрди-да пешонасини кундага урди... қулаб тушди...

* * *

Марҳумни қишлоққа олиб кетиш узоққа чўзилди. Ўтовдан Асаднинг беваси билан ўғлининг тортишгани эшитилди:

— Вой, шўрим, отанг беватан, бемазор — келиндими, суяги чўли биёбонда қолиб кетса?

— Отамнинг васиятини бузмайман...*

1988 йил, май. Москва.

---

*Ражаббой РАУПОВ*

## У С Т У Н

*Шу номли романдан боб*

Минг тўққиз юз тўқсон бешинчи йилнинг 31 март куни. Ушбу кун Туркистон саройида мустақил республикамиз ернуносларининг касб байрамлари нишонланди. Маъданшунос Миролим Аҳмедов билан худди шу жойда учрашишга келишган эдик. Фурсат яқинлашган сари улкан сарой олди гавжумлашиб, бутун Тошкент, вилоятлардан вакиллар, фахрийлар тўпланди. Шунгача мен Ўзбекистон геологларининг бир жойда йиғилганини кўрмаган эдим. Демак, биз қалам аҳли мамлакатимизнинг иқтисодий томирлари ҳисобланмиш конлар очувчи, заминимизнинг турли томонларига тарқалиб, заҳмат чекиб ишлайдиган бутун бошли «армия» ҳақида кам биларканмиз.

Уйга чўмиб нари-бери юрарканман, бехос тепамдан шундай бир овоз мени таъқиб эта бошлади:

САМИМИЯТ ИНСОННИ ЮКСАЛТИРАДИ!

Овоз мингларча оломон ғовурини назар-писанд қилмай бошим узра гоҳ баландлаб, гоҳ настлаб, қулоғимга аниқ урилади. (Мен бу ҳақида кўп ўйладим...) «Самимият инсонни юксалтиради!» — кейинчалик (ушбу асарни ёзиш жараёнида ҳам) менга таниш овоз бошим узра жаранглаб турди.

...Ушанда кутганим — Миролим ака билан учрашиб, таклифларини қабул қилдим, хуллас, мен академик Ҳабиб Абдуллаев ҳақида ёзишни ният қилдим.

Аллома ҳақида куйлаб хотиралар, илмий мақолалар, ёдномаю очерклар ёзилган. Шунга қарамай дастлаб менга ўзбекнинг жонкуяр-жонфидо фарзанди, садоқатли шаъни ўғлони Ҳабиб Абдуллаев шахси, фаолиятини, умуман, олимнинг миллий кадрлар тайёрлашдаги хизматларини англаш учун икки йил керак бўлди. Ўтган фурсат Ҳабиб Абдуллаев шахси мен учун қўл етмас осмон, чиқиб бўлмас чўққи каби юксала

---

* «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 йил 12 август.

борди. Ҳайратланарлиси — бир вужудда туплаган гайрат, орзулар, ақлу фаросат, ўктамлик, ўзига ишонч, миллий гурур, миллатига содиқлик, бутун иймон, бу, ҳар қандай қалам аҳли вакилининг ақлини шошириб қўядиган шахс (образ) эди. Буюк истеъдод сиймосини бадиий тафаккурдан ўтказиш осон эмас. Шундай эса-да, мен ниятимга ишондим, ниятимга суяндим. Инсоф билан айтганда, Ҳабиб Абдуллаев фаолиятининг залворли юкини кўтариш, бу юкни эсон-омон манзилга етказиш борган сари мушкуллашди. Иккиланишлар голиб келиб, ёзиш ниятимдан воз кечсаммикин, деган ўйларга ҳам бордим. Шукрлар бўлсинким, бундай алдамчи ҳислар тезда босилиб, сўнгги лаҳзалар мен учун ўзининг мўъжизакор эшикларини очди, гўё сеҳрли бир куч — имкон мени ҳамиша меҳрибонлик, рагбат, далда қанотида олиб юрди...

Хўш, бунгача-чи?

Бунгача, ушбу муқаддимани ёзаётиб эслаганим — аралаш, тушкун бир ҳолда эдим. Назаримда менинг инон-ихтиёрим, имконим тугилгандек эди. Қалам аҳли руҳиятида баъзан шундай ҳоллар ҳам учрайдики, у хафа бўлади, хурсанд бўлади, гоҳида у ёлгизлик, чорасизлик гирдобига шўнгийди. Муҳими, вақт етиб, ҳаммаси ўтади, Сиз секин-аста ўз мувозанатингизни тиклай бошлайсиз, демакки, сиз ўйлаясиз, жиддийроқ, юқоридан пастга тушиб ўйлаясиз. Ўйларингиз ростга — ҳақиқатга яқин кўчяпти... Шундай дамларнинг бирида Ёзувчилар уюшмасидаги хизмат хонамга нотаниш бир одам кириб келди. У жуда сокин, мулойим, ораста, нуроний киши эди. Танишдик. Бу, ўша юқорида эслаганим, маъданшунос Миролим Аҳмедов. У:

— Мен Ҳабиб Муҳаммедовичнинг шогирди, ҳамюрти бўламан, — деб ташриф сабабини изоҳлади. — Илгари ҳам касбдошларингиз билан учрашиб, домламиз ҳақидаги материалларни йигишда кўмаклашганман, натижа эса... Мени тўгри тушунинг, ука, вақт ўтаяпти, биз — Ҳабиб Абдуллаевнинг шогирдлари у киши ҳақида бадиий асар ўқишни истаймиз, биздан кейинги авлод домланинг кимлигини билсин, геологияда мактаб яратган, халқимизнинг обрўли олимини фарзандларимиз танисин. Менимча, Ҳабиб домланинг ҳаёти ибрат — китоб бўларли даражада қизиқ ҳам мураккаб...

Унинг сўзларини ҳайрат ила тинглаб турибман:

— Мен геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг раиси Тўлқин Шоёқубов ҳамда Тошкент геология-қидирув ишлари бирлашмасининг бошлиги Саид Аҳмедов номидан вакил бўлиб келдим. Улар сендан жавоб кутади. Мана, қўлимда ёзувчиларнинг номлари ёзилган рўйхат, унда сиз-

ниг номингиз ҳам бор, — дея Миролим ака қоғоз узатди. Кўнлари билан учрашдим, таклиф маъқул, лекин, вақт, турли ташвишлар уларни банд қилиб қўйган. Сиз ёшсиз-ку, йўқ, демассиз. Хоҳласангиз, сизга ернуносликиз илмидан сабоқ беришга ҳам тайёрман...

«Сиз ёшсиз-ку, йўқ, демассиз?» — ана шу бир оғиз сўз мени аниқ қарорга келишимга туртки бўлди.

Шу ўринда Миролим ака ҳақида икки оғиз сўз айтгим келди. Оила, иш, тирикчилик синови, бу, ҳар бир оиланинг — ҳар бир эркагу аёлнинг елкасидаги азалий ташвиш. Ана шу зил-замбил юкдан ортиб, ўзгалар ташвишида куюниб юрган Миролим акани ҳалегача тушуниш қийин, чунки сабр-қаноат, яхшиликка суянган киши тоқатли бўлади, у бировга хиёнат қилмайди, ҳалоллик, тенглик каби шиорга айланган сўзлар уларнинг ҳаёт мазмунини ташкил этади.

Хуллас, ўшлик икки ҳамюртга қиёс излайман: бириси — Ҳабиб Абдуллаев, академик, минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йилда вафот этган, иккинчиси — Миролим Аҳмедов, маъданшунос, олтмиш икки ёшда, ҳаёт. Икки ўртада мансабу манфаат отлиг восита йўқ, сезганим — фахр, садоқат, меҳр... Ҳамюртлик туйғусини очиқ-ошкор эътироф этиш (агар кимдир шунга лойиқ бўлса) фахрланиш ўрнига, бу сўздан доимо эҳтиёт бўлишга интилганмиз. Миролим ака мени кун ора бир ҳамюрти билан таништиришдан чарчамасди. Атоқли олим, драматург Иззат Султон менга ёзилажак асар учун қимматли маслаҳатларини таклиф қилганларида, ана ўша — мададкор Миролим ака ёнимда эди. Сўнг гўзал Аравон қишлоғи билан танишиш, машҳур Сулаймон тоғи манзараларини кузатиш...

Илк дафъа учрашганимизда Миролим аканинг, сизга ернуносликиз илмидан сабоқ бераман, деган гаплари шунчаки сўзмас — жиддий экан. Маъданшунослар гуруҳига қўшилиб, мамлакатимиз тоғларида яшадим... ва англадимки, тоғларда сир-синоат, ган кўп экан. Оллоҳ қудратини ҳис этиш учун тоғларга боқиш керак, ҳеч бўлмаганда тоғда бир кеча тунаш лозим... Ўшанда кўнглимдан рост ва ёлғон, манфаат ва нафс, садоқат ва хиёнат каби қиёслар кечди. Туғилгандан то умр поёнига қадар Оллоҳга бандалик, Ватанга фарзандлик умиди ила яшаганлар ичра чин фарзанд киму, тирикчилик аталмиш чалғитувчи, баҳоаталаб давронга қул бўлиб, қул бўлиб ўтган ким?

Вақт, виждон бизга шундай синов йўлласа, билингки, бу синов эмас — имкон, дардимизга малҳам бўлгувчи, майишган елкаларимизни юкдан халос этгувчи чора. Ният қилдимки,

ҳар кимга ҳам шундай чора насиб этсин. Юртимизнинг Ҳабиб Абдуллаевдек фарзандлари бор экан, улар бизга ҳамиша покланишга имкон берадилар, йулсизга йўл, чорасизга чора бўлиб қайта дунёга келадилар.

Сўзим охирида шундай иқрорим бор: асарни бошлаш жараёни осон кечмади. Мушкулли кунларнинг бирида мени геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг раиси Тўлқин ака Шойқубов йўқладилар. Гап дангалига кўчди.

— Ука, — дедилар Тўлқин ака жўшиб, — биламан, сиз геолог эмассиз, тоғу тошдан, кондан йироқ одамсиз, лекин сиз ёзувчиларда туйғу, тасаввур кучли. Сиз инсон ҳақида, ўз миллати, диёнати учун жонини аямаган инсон ҳақида ёзинг. Домла ўз даврининг хизматини қилиб, даврдан ўзган инсон. Домла ўз даврига хизмат қилиб, ўзбекнинг шаъни учун курашган инсон. Ҳаммамиз яхши биламиз, ўтган мустабид даврда шахс амалда тан олинмас, шахсий ғалабалар, ютуқлар, кашфиётлар иложи борича умумлаштириларди. Лекин ўша пайтларда ҳам Ҳабиб Абдуллаев Шахс эди, ўз сўзи, эътиқодида мустаҳкам, мустақил, айтиш мумкинки, ўз миллатининг қалъаси, устуни эди... Ёзинг...

Бор гап шу. Менга шундай имкону журъат бахш этган улуғ ҳамюртларим даъвати, ёдномалар, хотираларига суяниб қоғоз қораладим. Сиз азиз ўқувчиларга тақдим этаётганим ушбу боб эзгу ниятимнинг бир парчаси, холос.

*Муаллиф* (1996 йил ноябр).

I

...Республикада «иккинчи»лар яккаҳокимлиги мустаҳкамланиб, СССР аталмиш қудратли империянинг «демократия»га слимланган бесҳор — «байналмилал» усуллари синовдан ўтаётган пайт эди. Бошқарув тизимининг ҳуқуқ-имкони тўлалигича компирқа ихтиёрига ўтгач, Ўзбекистоннинг асосий иши пахта етиштиришдек доимий топшириқни бажаришга йўналтирилди. 1960 йилда озиқ-овқат экинлари етиштириш деярли урушдан олдинги даражага тушиб, аҳоли оч қола бошлади. Деҳқонларнинг шахсий томорқа хўжаликларини чеклаш тадбирлари ўйлаб топилди. Бир она-бола сигир ва беш қўйдан ортиқчаси аҳолидан тортиб олинди. Хуллас, халқнинг орзу-умиди, тараққиёт ва турмуш тарзи, оддийгина кун кўриш илинжи билан ўрин алмашди. Пахта сўзи ўзининг луғавий маъносидан чекиниб, сиёсат қуроли — тушовга айланди.

ПАХТА — СИЁСАТ — МАРКАЗ! — Республиканинг меҳнаткаш деб таърифланган катта-кичик аҳолиси ана шу формула — юк тўла аравани тинимсиз тортишга мажбур эди.

Ҳаёт шу тарзда давом этар, бир қарашда бу, мамлакатнинг ички ишидек — оддий, таҳликасиз. гўё пахта, ер, сув сиёсати бундан ўзгача бўлиши мумкин эмасдек эди. Ҳар лаҳза тарихга кўчиб:

адабиёт ва санъат

совет халқларининг бунёдкорлиги ва халқлар дўстлиги мавзусини куйлар;

статистика

совет турмуш тарзидаги ақлни шоширадиган афзалликни қайд этар;

Комфирқа қурултой қарорлари —

қоғозларда эса Совет халқларининг тенглиги акс этарди...

Юқорида эслаганимиз, «иккинчи» Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг иккинчи котиби Ефим Николаевич Мельников республикага социалистик тенглик, биродарлик ғояларини сингдириш, ўзбек халқига оғаларча ёрдам ва раҳбарлик қилиш учун жўнатилган «арбоб» эди. Айни кунларда Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев билан Иккинчи котиб Мельников орасидаги пинҳон кечган узоқ йиллик тўқнашув яна ошкор тус олди. Иккинчи билан «олиш ниимаган» ҳар қандай лавозим эгаси қамалиб ё ўлиб қутиларди. Давомли жанжал натижасидан хабардор Марказқўм аъзолари сукут сақлар, кимсан — Мельников, чекланмаган сиёсий ҳокимиятга эга Иккинчи, Абдуллаевдек маҳаллий кадр билан бу қадар узоқ курашмаган, Ўзбекистонда ким бўлишидан қатъий назар у ҳар қандай зўрни букишга, иродасини синдиришга қодир эди.

* * *

Мана саккиз йилдирки, у коммунистик жазо халтасидаги синалган айбларни бирма-бир ишга солиб, Абдуллаевга чоҳ қазийди...

Куни кеча у айни туш пайтида Ҳабиб Муҳамедовични ҳузурига чақирди. У ҳеч маҳал тушлик вақти бировни қабулига чақирмас, чақирса-да, ҳаловатли тушлик нашъасини тотгунича яқинига йўлатмасди. Унинг «иккинчи» лавозимини эгаллаганидан бери ерлик қадим подшоҳлар урфига тақлидан ўргангани — хос хонаю сархил мевалар, кўкатлар, газаклар, сара миллий таомлар тўла ҳашамли дастурхон эди. Тез фурсатда якка ҳокимлик жиловини қўлига олгач, ишончли ҳам-

суҳбат даврасида ўзбек дастурхонига бўлган иқрорини шундай ошкор этди:

«...урсангда, сўксангда, барибир, сени аяйди. Яна, ўртадан ҳеч гап ўтмагандек, дастурхонига таклиф этади. Гинаси йўқ бу халқнинг! Бунча сабрли бўлмаса бу халқ! Мени, сен — дўстим Борис Адамовични дастурхончи юввошларга йўллаган ўртоқ Никита Сергеевичга раҳмат. Боря, ол, азизим, шунинг учун ичайлик, омад учун! Агар худо кўрсатмасин, бошқа жойга, айтайлик, Кавказга тушиб қолганимизда, бу қадар яйролмасдик, Боря, яйролмасдик. Кўз тегмасин, сен билан менга осон, истасам, ҳар лаҳза нойимда эгилган сон-саноқсиз — жуда кўп тилсиз, гунг-соқов бонлар, мен фақат уларни сўкиб, ҳақоратлаб, камситиб чарчамайман! Улар эса жим, — Мельников навбатдаги қадаҳни симириб, лабини кўрсаткич бармоги билан артди-да, гапида давом этди. — Баъзан қўрқиб кетаман, ўтирган ўрним, кўрганларим — бари рўёдек, тушдек, улар — ўзбеклар — саҳнада худди мутс, қўрқоқ қул ролини ўйнаётгандек туюлади. Худо ҳаққи, Боря... бир кун туйқус уйғонаман-да, шунда саҳна мени тарк этганини кўраман, қаршимда қул эмас, ҳақиқий ўзбеклар пайдо бўлади. Улар — Темур авлодлари мендан ҳақ-ҳуқуқ, эрк талаб қилишади. Нечундир титрайман, олдинги журъатим йўқ, суянган курсим, партия қудратини сезмайман, улар менга ёрдамга келмайди, аксинча, қочади...»

«Бас, сен режиссёр эмас, сиёсий раҳбарсан, ақлингни йиғиб ол Ефим! — Мельниковнинг яқин дўсти (КГБнинг раиси) Борис Кузнецов ҳамюртини кескин огоҳлантириб, вақтида ҳушёрликка чақирди. — Сенга бундай романтик тус ярашмайди. Биз реалистлармиз! Билиб қўй, боя сен хато гапирдинг, сенга осон бўлса бордиру, аммо менга осон эмас...»

Абдуллаев унинг машҳур овқатхўрлик одатини билса-да, барибир, чақирилган муддатда қабулхонасига етиб борди. Ким билсин, балки аразни унутиб, иш юзасидан чақиргандир, ҳар қалай унга ишониш қийин...

Ёрдамчининг:

— Ефим Николаевич бандлар, ичкарида муҳим масалани муҳокама этишаяпти, — деганига ишонмади. Йигитнинг кўзларига ёлғон сўзлаяпсан, дегандек тикилиб турди. У хижолатли кулимсираб:

— Сиз жиндек кутиб тураркансиз, чой ичасизми ёки қаҳва буюрайми? — дея илтифот кўрсатди.

Абдуллаев унга миннатдорчилик билдириб: ҳеч нима ичмаслигини айтди.

Ўн, ўн беш дақиқа ўтди ҳамки, ҳеч кимдан садо чиқмади. Ўриндиққа қулай ўрнашиб олган Абдуллаев ўзини анча босиб олиб, ўйлай бошлади. «Орамиздан нима ўтган эди ўзи. Ефим билан нимани талашаяпман? Мен танлаган фан — геологияни, у эгаллаган мансаб — иккинчи котибликни на Ефим ва на мен ўйлаб топганмиз. Менинг ўзбеклигим, Ефимнинг руслиги — миллат-да, ихтиёрдан ташқари. Сиёсат талаби билан, у вақтинчалик Ўзбекистонда ишлаётган экан, мени камситишга ҳаққи борми?.. Ўртамиздаги фарқни у мансаб ёки илмда эмас, қарамликда деб тушунади.

Умумий давлатимиз ҳисобланмиш Совет Иттифоқининг барча қонун-ҳужжатларида ёзилган эрк, адолат сўзини қачонки, ўрнида ишлатсанг, шу кундан сен ёвсан — душман! Ҳамма бало шундаки, бу сўзларни фақат ўқиш учун ёзганларнинг мақсади ошкор бўлиб бормоқда. Ефим иккимиз талашган «мерос» — аслида шу! Миллий туйғу, орият, тил — улар яшаётган қасрларини аллақачон ушбу туйғулар устида тиклаганлар. Афсуски, буни дунё билса-да, бизникилар билмайди, билишни истамайди. Елкасига ботиб бораётган қаср тошларини силкитиб ташлаёлмайди, қаршилик кўрсатишига ожиз... Фитрат соғинган журъат, Қодирийнинг иймони қани. Чўлпон куйлаган Ватан қани?.. Э, воҳ, бизлар йўригини йўқотган халқмиз. Темурдан сўнг биз йўриқсиз, бошсиз бўлиб қолдик... Дарвоқе, Иброҳим домла Темур ҳақида рисола ёзмоқчи эди...» — у шошиб ўрнидан турар экан, осиғлик девор соатга, сўнг ўзининг қўл соатига қараб олди-да:

— Ортиқ кутолмайман! — деди ёрдамчига. — Бизнинг одатга кўра, сўзига турмаган, аҳдига вафосиз, енгил кишиларни уч ҳарф билан «сийлайдилар». Сийловимни хўжаинга албатта етказ. Ҳабиб Муҳамедович сизни... — Абдуллаевнинг юз-кўзлари қизариб, жигаррани тус олди-да, рақибини ўзбекчалаб сўкди.

Ёрдамчи унинг уч ҳарфли ўзбекча «сийловини» ичида бир неча бор такрорлаб, бош чайқаб қўйди.

Бу даргоҳда ҳали ҳеч ким Мельниковни сўкиш у ёқда турсин, кўзига тик қарамаган, ҳамиша иззатини жойига қўйиб, чўчиб туришган.

Ўшанда Ефим Николаевич уни атай қабул қилмаган, махсус ошпазлари пиширган бедана кабобини лаззатланиб чайнар экан, осиёлик қайсар помидорни куттириб хуморидан чиқмоқчи, нари борса, икки ҳафтага чўзиладиган жангни поёнига етказиб, сўнг мутлоқ ғалаба нашидасини сурмоқчи эди.

* * *

...Ҳабиб Абдуллаев кечаги сохта таклиф тафсилотини унутиб, бир неча филолог олимларни чақириб, янги «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг босилажак биринчи сонини муҳокама этарди. Президентнинг хизмат хонасида тўпланган тилчи ва адабиётшунослар ўз журналларига эга бўлишларидан мамнун кўринсалар-да, айни пайтда уларни ҳаяжон ва хавотир қамраган, ишнинг оқибати нима билан тугашини ҳеч ким билмас эди. Чунки ҳар янги нашрнинг Москва рухсатисиз чиқмаслиги қундай равшан. Абдуллаев темир тартибни четлаб ўтиб, бутун масъулиятни ўз бўйнига олди, янги журнал ташкил этишга буйруқ берди.

У журнал таҳрир ҳайъати ёзилган рўйхатни кўздан кечирди-да, Ойбекка узатиб:

— Сизларга ишонаман, — деди. — Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ, дадил бўлинглар! Абдуллаев шу курсига ўтирган экан, фанимиз учун зарур нашрга бировдан рухсат сўрамайди. Биз ҳукуматга қарши яширин варақа эмас, ўзбек тили ва адабиёти тарихи, назариясига бағишланган илмий журнал чиқармоқчимиз. Қоғоз, босмахона, жамики харажатлар академия зиммасида, сизлардан талаб қиладиганим — аҳиллик, ҳалол хизмат...

Телефон жиринглаб, Абдуллаевнинг сўзи бўлинди: у вазминлик билан дастагин кўтариб қулоғига тутди:

— Абдуллаевман, — у бир неча сония жим турди-да, — Ефим Николаевич, сиз билан мушук-сичқон ўйнашга тоби-тоқатим йўқ, — деди. — Кеча Марказқўм аъзоси сифатида хонангизга тўппа-тўғри киришга ҳаққим бор эди, лекин кирмадим. Эшитаяпсизми, кирмадим, — Абдуллаев тағин сукут сақлади, чамаси у суҳбатдошини тинглаётган эди.

— Яхши, бораман, лекин, бу гал кутиш имконини сизга қолдираман, жиддий масала устида кенгашаяпмиз, тугасин, йўлга чиқаман, — у дастагни қўйиб қаршисидагиларга бир қараб олди-да, индамай дераза олдига келди. Шу алфозда кўчага тикилиб, сўнг хотиржам хонани айланди. Ўз-ўзига гапиргандек сокин:

— Ҳамиша, ҳаммавақт сотқин, қўрқоқларга дуч келаман, — деди. — Улар кўпинча панадан тош отишади. Аммо, бугунгисига тан бермай иложим йўқ, жуда тезкор «ишлабди». Қачонки, эзгу ишга қўл урмай, купандаси ўзимиздан чиқади... Агар, билсанглар эди, ана шу ўзимизникилар учун мен ҳар нарсага тайёрман, ҳатто...

Уни ҳайрат билан тинглаётган Ойбек:

— Бас, етар, айтманг, айтманг! — дея бехос ўтирган



курсисини орқага суриб қаддини ростлади. Ойбек шошилинч турар экан, бу билан у гўё дўсти Ҳабибнинг оғзидан чиқибоқ чанг соладиган ўлимнинг олдини тўсмоқчи бўлди. Даврадагилар бир Абдуллаевга, бир Ойбекка қараб, икки ўзбек олимнинг бир-бирига нақадар мос, фидойилигидан ҳайратга тушиб, кўнгилларида ғурур туйишди. Ҳали Ҳабиб домла тирик экан, ҳали Ойбек мунофиқликка қарши бутун заковати, қалби ила курашишига шай экан, ўзбекнинг араваси лойга ботмайди.

...Абдуллаев йиғилганларга жавоб бериб, Ойбекни олиб қолди. Хонани сукут қамради. Улар ҳамон тик туришар, сўзсиз сўзлашар, ҳаётда, фанда, сабру тоқатда ўхшашлик — қисматдошлик иккисини мустаҳкам ришталар билан боғлаган эди. Абдуллаев оҳиста келиб, дўстининг елкасига қўлини қўйди:

— Ойбек ака, — деди ҳорғин овозда, — Мельников билан жангимиз поёнига етган кўринади. У мен билан шунчаки пўписа эмас, чинакамига жанг бошлаган. Мельниковлар шунчалик эгасига содиқки, на муросани, на андишани билишади. У ҳеч кимни тан олмайди, улуғ миллатчилик қон-қонига сингиб кетган.

Ойбек биродарининг сўзини бўлмай тинглаб турарди.

— Баъзан қоним қайнаб, ўша малла байталнинг оғзини жиловлаб, миниб хуморидан чиққим келади. Устига қоплаб пахта юкласам, дейман.

Ойбек гулдираб кулди.

— Рост, кулманг, унга худди шундай — тўнори усул кор қилмаса, бошқаси нишонд эмас. Сиз ёзувчисиз-да, у билан тўқнашган кезларингиз сўкишмагансиз, сенсираб ҳовуридан туширмагансиз. У ҳар гал мендан баланд кела бошласа, дарров сенлашга ўтаман, пастга тушади.

Ойбек сукуту кулгиси билан дўстининг чарчаган асабларини бир зумга бўлса-да, чалғитди. Абдуллаев бироз енгил тин олиб, ҳамроҳини ўтиришга таклиф этди. Қарама-қарши ўтиришлар. Бу гал Ойбек сўзлади:

— Ҳабибулла, шу кунгача қисматда борини кўрдик, энди, қолганига ҳам тайёрмиз. Бой жуда мантиқли айтдингиз, Мельниковлар эгасига содиқ, қолаверса, тарбияси, кўрсатмаси шундай. Мен уни аллақачон тушунганман, ахир у сизни, мени нишонга олмай кимни нишонга олсин?! Бу, унинг вазифаси, еб турган нони-ку, ахир. Айтишингиз мумкин, индамай мутелик қоришиб юравераммизми, деб, йўқ, сизнинг ишларингиз, босаётган ҳар қадамингиз — жавоб, чора!

Ҳа, чора, биз даъвосини излаётган дардга бундан ортиқ малҳам йўқ...

— Қойилман сизга, адиб, қойилман, — Абдуллаевнинг чеҳраси очилиб ҳазиллашди. — сиз ёзувчиларда инсофу диёнат кучли-да, ашаддий душманимни бир пасда дўстга айлантирдингиз...

Ойбек ҳазилга ҳазил билан жавоб берди:

— Шиоримиз шундай: «Яшасин дўстлик, биродарлик!»

— Э, ҳа, ана энди сиёсий жиҳатдан пишибсиз! Ёзувчилар уюшмаси раислигига муносиб номзод яна ўзингизсиз. Борганимда «тегирмончи»га айтайми? — Мельников ўзбек зиёлиларини сиёсат тегирмонидан ўтказа бошлагач, Абдуллаев томонидан «тегирмончи» номини олган, ҳозир шунга шаъма қилаётган эди.

Ойбек дўстининг ҳазилидан таъсирланиб, аввал, икки қўлини «таслим» дегандек баланд кўтарди-да, сўнг «қуллуқ, раисликдан тўйганман» маъносида қўлларини кўксига босди, хиёл бошини эгди.

Улар хонадан хуш кайфиятда чиқдилар.

* * *

Мельниковнинг чақируви дўстларни вақтинчалик ажратса-да, йўлда Ҳабиб Абдуллаев хаёлан Ойбек билан бирга бўлди. У Марказқўм биноси томон нари кетар, Ойбек академия президентининг хонасида эмас, ташқарида — баландда туриб бутун Тошкент бўйлаб ҳайқирарди:

— «Сизнинг ишларингиз, босаётган қадамингиз — жавоб, чора! Ҳа, чора, биз даъвосини излаётган дардга бундан ортиқ малҳам йўқ!»

«Шошқалоқлик қилдим, негадир у билан ҳазилашгим келди, Ойбекни тинглаш керак эди... Биз даъвосини излаётган дард, — Абдуллаев Ойбекнинг сўзларини бот-бот такрорлар, уни таниб, ёнидан салом бериб ўтаётганларни кўрмас, эшитмас эди. — Топиб айтди, озодликнинг бугунги номи — дард!»

У Марказқўм биноси ёнидан ўтиб кетди.

«Ҳамманинг саркарда бўлиши шартмас, деди. Уларни қурол билан енгиш мушкул, деди. — у ҳамон дўстининг айтмоқчи бўлган гапларини хаёлан такрорлаб борар эди.

«Сен, ҳақсан, дўстим! Биз ҳар соҳанинг очқич нуқталарини эгаллашимиз зарур. Шошилиш керак. Ўтаётган куннинг ҳисоб-китоби бизнинг зиммамизда. Қани эди, сен айтган дард

муждасини башорат қилгувчи топилса... агар, у жон сўраса, жонимни берардим...»

* * *

Мельников рақибини сукут билан қаршилади. У ҳар галги Мельников бўлса-да, бутун жанг услубини ўзгартиришга қарор қилди. Узоқ йиллик тортишув ҳамонки Абдуллаев фойдасига ҳал булаётган экан, у энди бўлак усул танлашга мажбур. Ҳомийлар қўлладими ёки хорижга чиққан номобрусими, нима бўлганда ҳам вақтинча юртидан қадами узилмай турибди. Тезроқ қадамини узиш керак, қулатиш керак Абдуллаевни. у жуда хавфли. Уни ўз ҳолига қўйиш, вақтни бой бериш янада хавфлироқ. У ҳар сохани миллати манфаатига бўйсундиришга қодир. Биз чақираётган мутахассисларни ёқтирмайди, у ёқда — Москвада унинг ўзига маъқул одамлари бор, керагида таклиф қилади, режаси амалга ошгунча ишлатади, сўнг қарабсизки, ҳурмат билан чақирилган «меҳмон» — нафақахўр, ўрнида эса Ҳабибнинг шогирди — ўзбеклар...

Ҳа, жуда пухта ўйланган режа бу! Илм аҳлига бош бўлиб, атрофига катта гуруҳ тўплаган. Ҳар қанча бекитмасин, орасида бизга хизмат қиладиганлар топилади. Уларга илм нонини эмас, Абдуллаевнинг гўштини едираман. Ойбекдек алломасига топилган қушанда Ҳабибга топилмайдими?! Топилади... Бундайларни кўпайтириш керак, рағбатлантириш керак. Улар бизнинг қўл-оёқ, қулоғимиз, эгарланган отимиз бўлиши керак. Мана, қўлга тушди, — у ўзидек сукутга чўмган Абдуллаевга зимдан қараб, — учқур жийрончамизнинг хизмати бу! — деди. — Баракалла! Мельников, дўрсан, ўзининг нонини ўзига ушатгинда, раҳматни сен эшит, Мельников, сен! Бу сенинг ички шиоринг, партиявий услубинг бўлсин!..»

Дилдан тилга кўчмаган фикрлар жанги давом этар, ҳар икки «жангчи» ўзининг сўз қуролига ишониб, бир-бирини аёвсиз савалларди.

«Ефим деган зот жуда ҳаддидан ошди-да, у мени индамай сиғмоқчи, сукутидан шайтоннинг нафаси келадия! Ўртамизда миллат аталмиш хазина бор экан, биз ҳеч қачон келишолмаймиз. Мельников ўзини қонуний хазинабон деб билади. Мен эсам тону тарозини тенг бўлишини истайман. Республика ўз раҳбари, Конституциясига эга, номи Ўзбекистон бўлсаю, яна иккинчилар етагида қадам боссак. «Юқорининг талаби», «Катта оғамиз» ибораси ёзилмаган қонун шаклида онгимизга сингиб борянти. Республикалар бўйлаб тарқалган

Иккинчилар Москва сиёсий шартларининг ҳосиласи-ку, ахир. Тарихан шундай — Мельников сулиган мафкуранинг мақсади зўравонлик! Улар зўравонлик қилмачини қўлдан ташламас экан, бизга кун йўқ, имкону журъатимиз қамалда. Қўрқув салтанати ҳукмрон юртнинг фарзандлари эса ўзлигини унутади, чатиштирилган янги авлод шаклида пайдо бўлиб, азалий одатлардан воз кечади, яшаш, фикрлаш тарзи ўзгаради.

Миллатлар тақдири устида ўтказилаётган синовнинг охири қатарли. Ҳеч замонда бир миллат иккинчи бир миллатга ўз номи, қиёфасини ихтиёрий бериб қўймаган. Ном, шаклшамоил, тил — бу, ҳар бир халққа Оллоҳ томонидан берилган инъом...»

— Қулоғим сизда, Ефим Николаевич, — ниҳоят жимликни биринчи бўлиб Абдуллаев бузди. Сукутимиз жуда узоққа чўзилди, тинчликми?

Мельников Абдуллаевнинг саволларига бепарводек секин ўрнидан турди-да, хона бўйлаб беш-олти қадам юрди ва қайтиб жойига ўтирар экан, қатор телефонлардан бирининг дастагини кўтариб, тезда жойига қўйди.

— Ўртоқ Абдуллаев, — деди туйқус, — қачонгача ўзбошимчалик қиласиз?! Президентлик лавозими сизга яширин фаолият билан шуғулланиш кафолатини бермайди. Фан тараққиёти ниқоби остида миллатчилик, гуруҳбозликни авж олдиришга йўл бермаймиз. Бизда ҳамма нарса очиқ, масалаҳат тарзида, кенгашиб, сўраб ҳал этилади. Сиз тилмисей, адабиётми, аллақандай тарихга бағишланган хуфёна журналлар, илмгоҳлар очиш пайидасиз! Республикада маданий инқилоб эсаб, совет ҳукуматини қулатмоқчимисиз?

Буюк Ленин тилини Иттифоқ халқлари ўз она тилиси ўрнида қабул қилишаётган бир пайтда, Сиз, қай журъат билан байналмилал Ленинча сиёсат йўлини тўсмоқчи бўласиз, жавоб беринг!

— Ўртоқ Мельников, — деди Абдуллаев босиқлик билан, — хайриятки, ҳимоянгизда Ленин, байналмилал, КПСС деган сўзлар бор. Тасаввур қилинг, агар бу сўзлар бўлмаганида ҳолингиз нима кечарди, менимча, Ўзбекистонни харитадан ҳам тополмай ўтиб кетардингиз...

— Нималар деб валдираяпсиз, академик, бас қилинг!

— Сўзимни бўлманг, Ефим Николаевич! Наҳотки, сиздек арбоб, муддаосини шу тарзда етказса? Юқорида санаганим — сизнинг суянчиқ сўзларингиз, яна талай ҳимоя воситаларингиз бор. Мен нима қилай? Келинг, бир зум пастга тушиб, сиз иккинчиликни, мен президентликни унутиб гаплашайлик. Розимисиз? — Абдуллаев суҳбатдошига самимий тикилиб турди.



Мельников тунг қиёфада жим турарди.

— Нимам ёқмаяпти сизга? «Яширин фаолият», «миллатчилик», «гуруҳбозлик», «хуфёна илмгоҳлар...», ахир, бу айблар бир кишига кўплик қилмайдими? Ушбу сиёсий калтакларнинг ҳар бири мендек юзлаб «айбдор»ларга бас келади-я! Шафқат қилинг, ўртоқ Мельников, «айбим»ни тан оламан. «Айбим» — юртимни севаман, шу тупроқ, шу номга қоришиқ виждоним ҳамиша пок бўлсин деяман.

Сизга етказишган тил, тарихга келсак, ўзбек тили, адабиёти биз учун «аллақандай» эмас, муқаддас тил...

— Етар, — деди Мельников чап қўлини кўтариб, — сизни кўп тингладим, эрк бердим ва ишондимки, сиз ўзгармайсиз. Мафкурангиз бузуқ, ёт одамсиз, бутунлай ёт!

— «Ўртоқ мусулмонлар! Шуни билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз! Сиз кичиксиз ва, тушунарлики, бизга бўйсунишингиз керак!» Биласизми кимнинг сўзлари бу? — Абдуллаев иккинчига синчковлик билан тикилди: Мельниковнинг қиёфасида ички гурур, севинч ифодалари пайдо бўлди.

— Туркистон халқ комиссарлари советида махсус топшириқлар бўйича нозир, ўлка Шўролар ҳукуматининг аъзоси Успенский қурултой минбарида шундай нутқ сўзлаган*. Орадан қирқ икки йил ўтибдики, сиз — Мельников билан Успенский ўртасида фарқ сезмаяпман.

— Тарихни титкилаш менинг зиммамга кирмайди, — Мельников авлодлари жасоратидан мамнун жилмайди. — Сиздек «аукко» олимларнинг иши бу! Ўртадаги фарққа келсак, сиз, сизга ўхшаган авлодлари босмачи ўтган, аламзадаларгина ўзгармаган. Совет Иттифоқи фуқароси бўлишдек шарафли номга нолойиқсиз! Кимнинг кимлиги энди айнидир? Барига жавоб берасиз, вақт етди.

Мельников Абдуллаевни жиноят устида ушлагандек ўзини ғолиб ҳис этди. «Гапир, яна қандай сўзинг қолди» дегандек, писанд кутди.

Абдуллаев сездики, Мельников соатлаб асабларини қақшатишга тайёр. Бу унинг суюмли иши. Аммо, вақт ўтаяпти. Жазоласа жазоламайдими? Кун ора гуноҳкор, жиноятчисан, деб эговлаш унга ҳузур бағишлайди. Тўплаган далилларидан кўнгли тўлмаяпти, йўқса, у чўзиб ўтирмасди. Хўш, нима қилиш керак, этак силкиб чиқиб кетса, нафсоният йўл бермайди, айтишиб ўтириш эса жонига тегди. Касофат, режалаштирган ишларининг белига тепди-я! Майли, кўнгил гап

* К. Я. Успенскийнинг Туркистон ўлкаси Шўроларининг 1918 йил январда бўлиб ўтган IV қурултойида сўзлаган нутқидан.

бўлиб кетгандан, у билан айтишган маъқул. Эҳ, социализм, интизом турлари бор-да, йўқса, у билан муштлашган маъқул...

Мельников лаҳзалик сукутни ўзича баҳолади:

— Сиз ўйлайсизки, ўртоқ Абдуллаев, унвону аъзоликлар, мукофотлар мени асрайди, деб. Янглишасиз, сизгача ҳам кўп машҳурлари ўтган. Улар ўз ойқларидан осилди. Чунки улар Совет Иттифоқининг душмани эди. Сиздек раҳбарлик ўринларини эгаллагач, мақсадлари тезда ошкор бўлди. Икромов, Хўжаев... яхши биласиз-а, уларни?

— Ҳа, албатта. Улар ҳақида ўз фикримга эгаман. Улар даврининг қурбони бўлишди. Афсуски, бугун уларнинг ўрнини босадиганлар кам...

— Нега энди? — Мельников кинояли тиржайди. — Сизчи, сиз? Илмий ишларим билан Москвани забт этдим, деб ўйлайдиган Абдуллаевчи? Ахир сиз ўзингизни уларнинг гоявий меросхўри деб ҳисоблайсизку, шундай эмасми?.. Сизларга ишониш қийин, сизлар ўзгарамисиз, ҳар эгри қадам ортида ким тургани бизга аён... Майли, бугунча етар, ўйлайманки, мен сиз билан баҳслашмадим, бу жой — мен ўтирган курси, — Мельников столни чертиб қўйди, — институт кафедраси эмас. Мен баҳслашмайман, танбеҳ бераман, огоҳлантираман... шунда ҳам хушингизни йиғмасангиз...

— Отаман, осаман, хуллас, жазолайман, шундайми, тўғри англабманми, Ефим Николаевич? — тортишув чўзилган сари Абдуллаевнинг юраги гашланди, лекин гапирмаслигининг иложи йўқ эди. Назарида на тергов, на баҳсга ўхшамаган фурсат ўтган сари маъносини йўқотиб борарди. Очиқ-ошкор нўноқ қуршидан чоғланган Мельников, албатта, вақт кутяпти, лекин у кутган фурсат ҳали етмаганга ўхшайди.

— Дуруст, ўртоқ Абдуллаев! — Мельников ҳамон баланддан келиб мийиғида кулиб ўтирарди. — Ўттиз еттинчи йилларда судда ҳамюртларингиз гуноҳларини тан олишгач, ўзлари ўзларига жазо сўрашган. Боя мен сизни бекорга уларнинг гоявий меросхўри деб айтмадим. Сизда ган кўп!

Абдуллаев истаса «тегирмончи» сийсий «маъруза»сини давом эттиришдан чарчамасди. «Соқовнинг охирини тингла» деган гап бор. Аммо Мельниковни охиригача тинглаш огир. Бирор чорасини топиб, бугунги «панд»ни тугатмаса, охири жанжалга айланиши ҳеч гап эмас. Шундай чора топсинки, у бутунлай гангиб қолсин.

— Ефим Николаевич, — деди Абдуллаев қадрдон дўстига мурожаат этаётгандек сенсираб. — Агар, йўқ демасанг, менда таклиф бор...



Абдуллаевнинг гап оҳанги уни чиндан ҳам ажаблантирди. Кўзларини катта очганича академикка қараб қолди. Абдуллаев чўнтагидан ёнғоқдек ялтироқ тош чиқариб, Мельников томон чўзди-да:

— Биласанми, бу нима? — деб сўради.

Мельников олтин ранг тошга тикилиб беихтиёр ўрнидан туриб кетди. «Олтин-ку!» — дафъатан хаёлидан шу сўз кечди.

«У мени пора билан аврамоқчи, агар чиндан ҳам олтин бўлса, арзийди, қойил, топган чораси икки-уч кунлик муросага арзийди... Ахир, калтабин Файзуллаев ҳам Совет ҳукуматига ёқиш учун отамерос олтинларини кўшкўллаб топширмаганмиди? Фақат, фарқи шундаки, у ошкор — расмий тарзда топширган эди. У сиёсатчи эди, хушёр эди...»

Мельников ўзини босиб Абдуллаевнинг чўзилган қўлидан кўзларини олди. Қайта жойига ўтирар экан, ялтироқ нарсани секингина столи устига қўйишини кутди.

Абдуллаев гўё ҳеч нима сезмагандек пирит минералини чўнтагига солди-да:

— Менда таклиф бор, — дея Мельниковнинг кўзларига қараб тураверди, гапирмади.

Мельников безовталаниб, нима дейишини билмай ичида сўкиниб қўйди: «Нима демоқчисан, галварс, гапирсангчи тезроқ!»

Абдуллаев муддаосига эришди: шу тонда Мельников нима ҳақда ўйлаганини — чўнтагидаги оддий пирит минералини олтин чамалаб, тезроқ ўзиники бўлишини бетоқат кутаётганидан завқланди. «Ана энди ўзингга ўхшадинг Мельников! Москва олисда қолиб кетди. Партия олисда қолиб кетди... Катта огам Мельниковнинг кўзлари эса менинг чўнтагимда!»

— Агар, йўқ демасанг, Ефим Николаевич, эртага сени тоққа олиб чиқаман.

Мельников Абдуллаевнинг муддаосини тушуниб-тушунмай жим тураверди.

— Шунда иккимизга ҳам осон кечади. Ахир сен меҳмонсан, — Абдуллаев Мельниковни Саратовда туғилганига шаъма қилиб, уни буткул довдиратиб қўймоқчи эди.

— Мен меҳмон бўлсам, ўзлари-чи, ўзлари Ўшда туғилганлар шекилли? — Мельников эътироз билдирди.

— Тўғри, Ефим Николаевич, Ўшда туғилганман, аммо жуда қувлигинг бор-да! — Абдуллаев кулди. — Сен чегара тортгандан бери мен «қирғиз» бўлиб қолдим. Кел, бу ҳақда тортишмайлик, эртага мен билан борасанми?

Мельников гап нима ҳақида кетаётганини ўзича тахмин қилди.

«Иккимиз ҳам Ўзбекистонга меҳмонмиз, мен билан тортишиб нима қиласан, яхшиси, у ёқда, тоғда чўнтакларингни олтинга тўлғазиб хурсанд қиламан, демоқчи. Унга ишонса бўладими ё менга тузоқ қўймоқчими? Аммо, таклифи чаккимас, ўйлаб кўриш керак. Ҳар эҳтимолга қарши, ортимдан қўриқчиларим боради. У бундан хабарсиз мени тўрга туширмоқчи бўлса, ўзининг гирибонидан оламан. Агар муросаси чин бўлса, унда Абдуллаевдан фойдаланиш керак...»

— Ефим Николаевич, нега жимсан? — Абдуллаев туйқус ҳужумга ўтди. — Эшиталсанми, шунда иккимизга ҳам осон кечади. Биламан, сен ҳали-вери паштингдан тушмайсан, яхшиси, ўзбекнинг кенг даласига чиқайликда, мен билан хоҳлаганингча сўкиш, кучинг етса муштлаш!

«Ҳали шундайми? Сен мени билмас экансан, Абдуллаев!» — Мельников икки жағини маҳкам босди, чакка томирлари бўртиб чиқди.

— Абдуллаев, — деди у қатъий, — бугунги ҳазилингни ёпиб қўй, эшигдан чиқмасин, бу сенга жуда қимматга тушади! Энди эса бўшсан!

Абдуллаев эшик томон йўналар экан, Мельников:

— Тўхта, — деди. — Дўстинг Ойбекка салом айт! — у Абдуллаевга монанд жумбоқли гапириб рақибини танг ҳолда чиқариб юбормоқчи бўлди. Қолаверса, ҳали унинг отилмаган «ўқ»лари бисёр. Мельников ҳеч кимдан енгилмаган, Абдуллаевнинг ҳовлиқишига йўл бермайди, жанг қандай бўлишини у билиб қўйсин.

— Ҳа, айтгандай, — у яна хотиржам сўз қотди, — эртага бўш хонанга янги оила кўчиб ўтади. Ўйлайманки, бизнинг қароримиз сиздек ватанпарвар олимни маломатдан асраб қолади. Уй-жой танқислиги даврида, кимсан — Абдуллаев етти квадрат метр ортиқ уйда яшаса, яхшимас. Бунинг устига сиз раҳбар, коммунистсиз. Гарчи, сиз партияни ўйламасангиз-да, партия сизнинг шаънингизни ўйлайди. Майли, бу гал ҳам сизни аяймиз.

Абдуллаев бурилган жойида тўхтаб қолди. «Нечун у Ойбекни тилга олди? Демак, Мельниковнинг қора рўйхатида Ойбек ҳам бор экан-да! Тушунарли, ҳазилим жон-жонидан ўтиб кетди. Ниҳоят, олтин кучини кўрсатди! Энди у қутиради, дуч келган жойдан қопади».

Мельников рақибини аллақачон «отган» ҳисоблаб, полга гурсиллаб қулашини кутар ва сўнгги ўқларини жанг охиригача моҳирона асраб олганидан мамнун эди. У кўзларини ярим юмиб, ўзини курси суянчигига ташлади. Ишорали телефонга



қўл узатиб, дастагни қулоғига тутди: симнинг нариги томонидан хизматга шай турган ишончли овоз эшитилгач, дастагни жойига қўйди.

У Абдуллаевга айёрона кўз ташлаб, рақиби ҳолини кузатди. Абдуллаев Мельников кутганидек йиқилмади, аксинча, жиддий тортиб, қаҳрли тикилганича секин ортга қайтди.

Мельниковнинг ороми бузилди. У аллақандай қоғозларни титкилар экан, келбатли Абдуллаев тепасида пайдо бўлди. «Яна нима дер экан, наҳотки бу тош терар йиқилишни ҳеч ўйламаса...»

— Янги оилани жойлаштириш масаласи бир гап бўлар, Ефим Николаевич, — Абдуллаев ўйчан, сокин гапирди. — Аммо сен менинг ҳимоямга чўзилган қўлларингни йиғиштириб, чўнтагингга солиб ол! Бундай арзимас ишга партияни сукма! Биласан, биз ўзбеклар бағри кенг кишилармиз. Шуни унутмаки, бугун Ўзбекистонда сен тенги авлоднинг болалари, неваралари яшайди. Биз уларга сен келмасингдан олдинроқ — қирқ биринчи йилдаёқ уйимиздан жой берганмиз, боққанмиз уларни. Вагонларда оч-юпун келган Россия болаларини шахсан ўзим кутиб, ўзим жойлаштирганман. Сени қараю, сен бўлсанг, етти квадрат, янги оила, деб мени қўрқитмоқчи бўласан. Билиб қўй, Ефим Николаевич, мен қўрқув ёшидан ўтганман, ёлғиз Оллоҳдан қўрқаман! — Абдуллаев кетмоқчи бўлиб, кескин бурилдию яна бехос тўхтади, секин она Мельниковга қаради:

— Ойбекка «салом» етказишдан аввал сенга унинг болалигини эслатмоқчиман.

Мельников ҳамон тош қотиб, ажабланганича қовоғини уйиб ўтирарди.

— Оқ подшо миршаби Ойбекнинг бобосига танбеҳ бериб «Болани савалаб туринг, болангиз ёмон, оқ подшо олий ҳазратлари давлати соясидаги Туркистон мамлакатининг катта-кичик фуқаролари мўминқобил бўлмоғи лозим, ўргатинг буни болага»*, дейди. Эшитдинг-а, Ефим Николаевич, аксига Ойбек ҳам, мен ҳам мўмин-қобил бўлолмадик. Афсус, бугун сен қанчалик истама биз етагингга юрмаймиз, юролмаймиз. Хайр!

* * *

Марказқўм биноси ертўласида жойлашган қўриқчилар Мельниковдан махсус топшириқ олишгач, бажаришга киришишди. Мельников эса бу пайтда хонани тутунга тўлдириб чекар, Абдуллаевга тегишли ҳужжатлар тўпламини қайта

* Ойбек. «Болалик» қиссасидан.

ўрганишга чоғланмоқда эди. У пўлат сандиқ ёнида тик турганича ўйга чўмди. «Қўрқув ёнидан ўтганман» дейдия! — захархандa кулди. — Қўрқув ён танламайди, Абдуллаев! Қўрқасан, қўрқмасанг — қўрқитамиз. Суянганинг олтин бўлса, менга бериб қутиласан. Биламан, сенинг қуйма олтинларинг кўп. Ахир, шунча йилдан бери бекорга тоғу тош кезмагандирсан?! Ҳар қайси шогирдингга биттадан буюрсанг, чўнтагинг олтинга тўлади. Сен бўлсанг, бир донасини мендан қизғандинг-а, зиқна! Сенинг нописанд юришларинг, тилингнинг бурролиги — ҳаммаси олтиннинг кучи! Қўрамиз ҳали, йиқилганингни ўзинг қуш қўллаб ингьом қиласан».

Мельников темир сандиқда сақланаётган Абдуллаевга тегишли ҳужжатларни олди. Якка тартибда йиғилган шикоятлар, аризалар, академия президентлигига тайёрланган шахсий делосидан кўчирмалар билан тўлдирилган тахлам Мельниковни сира ҳам қаноатлантирмасди. Ҳозирданоқ эътиборли, сўзи тош босадиган миллий кадрларнинг хулосаларини олиш зарур, деган тўхтамга келган эди у. Абдуллаевни калтак билан уриш эмас, автомат билан отиш керак, шундагина у йиқилади. Вақт ғанимат, бир дақиқани ҳам бой бермаслик шарт. У оддий одам эмас, табиати тобеликка ёт, уни мансаб билан алдаш қийин, қолаверса, Ўзбекистонда Абдуллаев эришмаган амал қолмаган...

Мельников тик турганча телефон рақамларини терди:

— Мельниковман. Тарбиячи айл билан гаплашдингларми, ёздими? Яхши, кутаман, ҳозироқ етказинглар! — у телефон дастагини қўяр экан, хазина топгандек суюнди. Кафтларини бир-бирига ишқаб «Кўрамиз!» — дея хуштак чалиб қўйди. — Майли, ҳозирча, сен билан Ойбек қайсарлигингча қолавер, менга юввош ҳамюртларинг бўлса бас. Улар бир эмас, сон мингта. Ўшаларнинг ўзи сендек қайсарларнинг оёқ-қўлини боғлаб, оёқларим остига ташлайди... Эҳ, дўстим Боря, сенга айтмабмидим, бу, қўймижозларни уриш-сўкиш шартмас, қаттиқроқ йўталсанг кифоя деб. Дунёда буларчалик бир-бирини осон, арзонга сотадиган топилмайди. Булар ана шунақа — антиқа нав! Агар, олимлар қўрқув устида тажриба ўтказишни режалаштирса, тап-тайёр лаборатория Ўзбекистон! Афсуски, биз бундан етарлича фойдаланмаяпмиз...

Мельников жойига ўтирар экан, Абадуллаевнинг таржимаи ҳолини овоз чиқариб ўқий бошлади:

— Минг тўққиз юз ўн иккинчи йилда Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон қишлоғида туғилган. Ўш-Аравон туман комсомол қўмитасида ишлаган. Йигирма олти-ўттизинчи йилларда етти йиллик мактабни тўрт йилда тугатиб, Ўрта Осиё



Давлат Университетининг тайёрлов курсида ўқиган. Курсни тамомлагач, Ўрта Осиё индустрия* институтининг геология-қидирув факультетига ўқишга кириб, ўттиз бешинчи йили институтни имтиёзли диплом билан тугатади ва «Ўрта Осиё геология тресті»нинг геология-қидирув дала гуруҳига раҳбар этиб тайинланади. Шу йили Орджоникидзе номидаги Москва геология-қидирув институтининг фойдали қазилмалар кафедрасига аспирантурага юборилади. Ўттиз тўққизинчи йили «Лангар вольфрам кони геологияси ва генезиси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, институт аспирантураси бошлиғи ва кафедра ассистенти лавозимларида ишлади, — Мельников сигарет тутатиб, ўқишда давом этди. — Минг тўққиз юз қирқинчи-қирқ бешинчи йиллардан Ўрта Осиё Политехника институтининг директори, Ўзбекистон Марказий Қўмитаси саноат бўлимининг мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, Давлат режа қўмитаси раиси, Вице-президент, Вазирлар кенгаши раиси муовини, хуллас, академик, эллик олтинчи йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти... — Мельников чуқур нафас олиб, оғриниб ўрнидан турди.

У Ҳабиб Абдуллаев таржимаи ҳолига доир талай муҳим сапаларни ўқимади, ўқишга тоқати етмади. Кетма-кет бостириб келаётган масъул муваффақиятлар залворига дош беролмади. Оғринди.

«Наҳотки, бари рост бўлса, — деб ўйлар эди у. — Худди республикани елкасида тутиб тургандга ўхшайдия! Наҳотки, биринчиликка интилмаган бўлса? Наҳотки уни биров ўз соҳасидан чалғитмаган? Йўл дегани ҳам шунчалик текис, равон бўладими? Ахир бизда бундай бўлиши мумкин эмас, наҳотки, у бизнинг назаримиздан четда ўсди. Йўқ, мумкин эмас, Абдуллаевнинг андозаси бизга кетмайди! Уни ёйиш мумкин эмас, бунақада Абдуллаевлар СССРни олиб қўяди! СССР эса битта, ягона, у бизники — русларники бўлиши керак!»

— Йўқ, қоғозлар сўйлаётган ёлғонга ишонмайман, мумкин эмас, мен учун Абдуллаев йўқ! — Мельников столда ётган Абдуллаевнинг таржимаи ҳоли устидан чизиқ тортди.

* * *

Абдуллаев қабулхонадан чиқаётиб енгил нафас олди. Мельников билан бугунгидек очиқчасига тўқнашмаган эди. Назарида, иккиси ҳам муросасиз тортишишди. Мельников

* Ҳозирги А. Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника Университети.

Абдуллаев ҳақидаги барча гумону далилларини ана бир бор синовдан ўтказди. Энди иккиланмайди у.

Абдуллаев кенг йўлка бўйлаб зина томон кетар экан, қаршисидан чиққан таниш қиёфаларга бепарво — уларнинг мулойим, тавозели саломларига бош силкиб қўя коларди. Унинг бутун хаёли ҳамон Мельников билан банд эди: «Нима бўлганда ҳам муддао аниқ. Майдонга тушдимми — қайтмайман! Шу тоnда иноичли маслакдошлар керак. Лекин уларни қаердан топай? Ёнимда турадиганларнинг бари менинг ҳимоямга муҳтож кишилар. Наҳотки пешонамга ёлғизлик ҳамроҳ?!»

Абдуллаев бир зум тўхтаб теварагидаги залворли эшикларга, баланд шифтга қаради. «Алам қилади, — дея фиғон чекарди унинг қалби, — алам қилади! Теграмдаги мана шу замин сеники бўлсаю меники деймасанг, эгалик қилолмасанг, сасинг чиқса оғзингга уришса, қачонгача чидаш мумкин?! Халқнинг бўйнига ип солиб Мельниковлар қўлига тутқазишган. Юрт бўйлаб сочилган жафокаш жигарларим йил бўйи қаддини букиб пахта ўстиради, пахта теради. Дунёда пахтадан бўлак нарсалар ҳақида ўйламайди ҳам. Уларни пахтага бойлаб қўйишган. Ҳа, онгига қизил тамға босилган кишилардан жасорат кутиш ярамайди. Улар эркинликдан узоқ, қулоғига бу сўзлар чалинса душманини кўргандек қочади... Нега шундай бўлди? Ҳаммасига ўзимиз сабабчи эмасмизми?»

Берк эшиклар ўртача очилиб Абдуллаев томон мўралашди. У беихтиёр қаршисидаги қия очиқ эшикка яқин юриб «Ҳа-ҳа, ҳаммасига ўзимиз сабабчи, — деган хулосага келди. — Агар биқиниб ўтирган ана шу қуллукчилар фақат ўз нафсини ўйламаганида, атрофига теранроқ боққанида эди биз шу кўйга тушмасдик», — у эшик тутқичини маҳкам тутганича гўё Абдуллаевдан хабарсиздек хона деразасига қапишиб қолган икки таниш ходимга тикилиб:

— Уялманглар, биродарлар, уялманглар! — деди. — Эшикларни каттароқ очиб, Абдуллаевга бемалол қарайверинглар! Шу тоnда қўлларингда биттадан тош етишмаяпти-я? Баракалла!

— И, нега ундай дейсиз, Ҳабиб Муҳамедович, салом,— дея ўгирилишди улар.

— Ваалайкум ассалом! — Абдуллаев саломга астойдил алик олиб, ходимлардан бирига тикилиб қолди:

— Йигит деган ҳам шунчалик домласидан қўрқадими? — Ахир сенгинани қўлингдан ушлаб шу жойга ўтқазиб қўйган ким?



— Домла... мен...

— Тўхта, яқинлашма! — Абдуллаев дудуқланиб қадам ботган йигитни жойида қотириб қўйди-да: — Сен, албатта, ўсасан, Суннатбек, ўсасан! — деди. — Кўзингни кўр, қулоғингни кар қилиб, юзингга мой суриб, жилмайиб туравергин, марра сеники... Эртага «катта» одам бўласан! — Абдуллаев эшикни ёпиб йўлида давом этди. Шу пайт ёнидан таниш раҳбарлардан Фотима Бобоева шошилиб ўтиб кетди. Абдуллаев у билан сўрашмоқчи эди. Ҳар ҳолда Марказқўм котиби, қолаверса қўшниси, бунинг устига у аёл киши. Ҳурматини жойига қўйиш керак. Нега Фотимахон бу қадар шошилинч, худди устига том қулаётгандек қочди?

Абдуллаев зиналардан хаёлчан туша бошлади. Охирги зинани босиб-босмай икки ёнида фуқаро кийимидаги йигитлар пайдо бўлди. Улар Абдуллаевнинг қўлтиғидан безор тутиб:

— Домла, бир дақиқага, — дейишди. Йигитлар гўё Абдуллаевнинг қулоғига шивирлагандек айтишди бу гапни. Уларга кўзи тушган ҳар бир киши Абдуллаевни эъзозлаб олиб боришаётганига шубҳа қилмасди. Улар Абдуллаевни на тўхтагани, на ортга қайтгани қўйишарди. Ўн-ўн беш метр нарида Марказқўм биносига кириб-чиқаётганларнинг ташриф қоғозларини текшириб турган милиционерлар ўзларини кўрмаганга олишди.

«Ўлмаган қул — шу кунларга ҳам етди, — деб ўйлади Абдуллаев. — Ойбек болалигида кўрган миршабларга камина ҳам дуч келди. Қизиқ, менинг ҳисобимча унга ҳали уч-тўрт ой бор эди-ку?! Бу қадар тезкорлик, қойил, Мельников вақтдан унумли фойдаланди...»

Милиционерлар кириш эшигини ёпишди. Кириш-чиқиш тўхтади. Йигитлар Абдуллаевни бўш турган кийим илгичлар томон етаклашди. Бурчакка етишгач:

— Чўнтагингиздагини чиқаринг! — деб буйруқ беришди. Абдуллаев бир лаҳза ҳайрон қотди. Чўнтагида нима бўлиши мумкин, ҳеч нарса йўқ эди-ку? Ёки улар қуроли бор деб гумонсираяптими?

— Домла, ўзингизни гўлликка солманг, акс ҳолда... тиллаш чиқаринг! — муддао тилга кўчгач, юз берган воқеа жиддийлигини йўқотди.

— Э, ҳа, — дея Абдуллаев гулдираб кулди. — Галварс, ширитни олтин деб ўйлабди, сўраса берардим-ку, сикларни овора қипти-да, нодон! — у ширит минералини чўнтагидан чиқариб, йигитлардан бирига узатди. Улар ширитни қўлга киритишгач, дарҳол қоғоз, ручка чиқаришди. «Анаёлар рўйха-

ти» деб ёзилган қоғозга кўзи тушгач, на жиддий, на ҳазилга монанд бу уйин Абдуллаевни ўйлатиб қўйди.

— Марҳамат, имзо чекинг!

Абдуллаев ҳамон нима қилишини билмасди.

— Домла, вақтингизни олманг, бизни кузатишлари мумкин.

Абдуллаев шарт ручкани олди. Қоғозга «Пирит минерали, бир дона, оғирлиги тахминан ўн беш грамм» деб ёзди, остига имзо чекди-да йигитларни силтаб қўлини бўшатди, эшик томон кетди...

* * *

— Нима бу? — Мельников ёрдамчиси қолдирган қоғозларни титкилай туриб сўради.

— Адабиёт институтидан юборишибди, Ефим Николаевич!

— Падарингга лаънат Юра, қачон тўғри сўзлашни ўрганасан? Минг марта айтганман, адабиёт институти эмас — Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти, деб. «Тил-нил», «ва на»сини айтмасанг ҳам улуғ Пушкинни айтмасликка ҳаққинг йўқ! Уқдингми?!

— Ҳа-ҳа, уқдим, Ефим Николаевич!

Мельников Юрага кетавер, ишорасини қилгач, қоғозларга шўнғиди. Ҳафта олдин у Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти, ёзувчилар уюшмаси ҳамда Марказқўм фан бўлими раҳбарларига республикада янги ташкил этилаётган туман, қишлоқ, кўча, мактаблар учун байналмилал ном топишни буюрган эди. Кўрсатмасига мувофиқ атамалар рўйхатининг лойиҳаси тайёр бўлибди. У рўйхатда қайд этилган номларни бирма-бир ўқий бошлади:

— Ленин, Ульянов, Ильич, Октябрь, Ленинградская, Россия, Правда, Пролетар, Куйбишев, Фрунзе, Киров, Свердлов, Луначарский, Суворов, Солдатская, Некрасов, Лопатин, Федченко, Макаренко, Крупская, Волгоградская, Сапёрная, Кафанова, Курск, Коммунистическая, Харьков, Иваново, Смоленск, Кастрома, Калинин, Воронеж... А, ҳа, — Мельников рўйхатни шу тахлит ўқиб чиқди-да, охирида «Кемерово», «Саратов», «Тамбов» сўзларини ёзиб қўйди:

— Бор-йўғи саксонтами, ярамаслар, барибир, маҳаллийчиликка боришади-да! Нима, байналмилал сўзлар қуриганми? — у зудлик билан Марказқўм мафкура котиби Фотима Бобоевани чақирди.

Бобоева жилмайиб, таваккал билан кириб келса-да, Мельников ковогини очмади.

— Мафкура ишлари ўлда-жўлда, ўртоқ Бобиева! — у рўйхатни Бобиева томон суриб қўйди. — Сизнинг ўрнингизда ҳам мен ишлаяпман. Ўзбекистоннинг битта шаҳрига ҳам етмайди бу номлар. Олинг, кўздан ошириб, менга мурожаат этинг. Биз сизга ишонган эдик... — Мельников атай жим бўлиб қолди. Одатда бундай жимлик кўп нарсаларни ҳал этишга қодир. У бунчалигини яхши биларди. Агар у хоҳласа, шу тонда Бобиева на фақат Ўзбекистонга, дунёга ўт қўйишга тайёр.

Мельников зимдан Бобиевага қаради. У тоқатсизланиб, буйруққа шай турарди.

— Ҳамма жойни эски удум, ном босиб кетди. — Мельников бир қадар сокин гапирди. — Сиз билан биз миллий масалани жуда нозик тушунишимиз керак. Бу масалада хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Мен сизга оддийгина тушунтирай. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси. Сиз билан биз яшаётган республиканинг тўлиқ номи шундайми?

— Ҳа, албатта!

— Совет ҳукумати инсониятни бахтли қилиш учун, айниқса, сизларни деб озмунча қон тўкканми? Шундай экан, бугун биз уларнинг хотирасини, ғояларини қадрлашга, улуғлашга қарздормиз. Икки-уч кўчанинг бирига эмас, ҳар кўчани иккига бўлиб, ярмига уларнинг номини берсак, арзимайдими?

— Нега энди иккига бўлиб, Ефим Николаевич, бутунича бериш керак! Мен шундай фикрдаман.

Мельников унинг сўзини эшитмагандек давом этди:

— Бу билан Ўзбекистонни ер ютмас, пешонасига шарафли ёрлиқ осган кўчалар, шу кўчаларда яшаётган халқ фахрланмайдими бундан? Айниқса, ёш авлод. Чорсу-порсу, олмазор-полмазор деган ном қайдаю, Москва, Ульянов, Пролетар деган ном қайда! Фарқини сезяпсизми? Халқнинг қаддини кўтариш керак. Бу сизнинг — мафкуранинг иши! Сиз билан биз ёш авлодни шакллантиришда ҳисса қўшсак, аввало, партиямиз программасида қайд этилган улуғ вазифани бажарган бўламиз. Аслида содиқлик дегани шу!

— Ефим Николаевич, мен ҳаммасига тайёрман! Сиз бугун зиммамдаги улуғ вазифани яна бир карра эслатдингиз, миннатдорман. Сиз сиёсий билимлар қомусисиз, бизга сиздек йўлбошчи керак. Бусиз мумкин эмас, Ефим Николаевич. Биз сиз билан бирга...

— Умуман, мен сизларни тушунмаяпман, — Мельников муддаосини айтиш учун фурсат етилганини англади. — Айниқса, сиз сусткашликка йўл қўяпсиз. Абдуллаев масала-

сида-ку бир қадам ҳам олдинга силжимадингиз. Икки-учта ариза йиғиш билан иш битмайди...

— Уар, Ефим Николаевич, қараб турганим йўқ, — Бобоева сал жонланди. — Ҳатто, кўшничиликни ҳам йиғиштирдим. Кирди-чиқди йўқ. Мен у билан жиддий шуғулланаяпман. Кеча муҳим фактни қўлга киритдим. Илмга чанқоқ ёнгина рус йигитига Абдуллаев ўзбек тилида ариза ёздирипти. Қийнапти! Мен бундай миллатчи билан ҳеч қачон келишолмайман!

Мельниковнинг кўзлари чақнаб «Шундайми, яхши» дея жилмайиб қўйди-да, дафъатан хаёлига келгандай:

— Ҳа, айтгандай, Фотима Бобоева, — деди, — биз, ҳаммамиз Абдуллаев ҳақида ўз хулосамизни ёздик, биринчи бўлиб мен ёздим. Мана, — у столида ётган бир папкага қўл тегизиб давом этди, — бу ерда ўртоқларнинг сўзлари тўпланган. Бу ишда ҳам сиз ортда қолдингиз, — Мельников дўстларча кулиб қоғоз узатди:

— Абдуллаев билан келишолмаймиз. Билганларингизни ёзинг, боя айтган фактлар билан тўлдириб, имзо чекинг...

— Уйда ёзсамчи, Ефим Николаевич, ишончлироқ, чиройли чиқади.

— Уйга вазифа эмас, бу хоним, қолаверса, мен сиздан ишни олаётганим йўқ, хатосини текширсам. Ёзаверинг! Уйга бошқа топшириқлар бор...

Бобоева Абдуллаев ҳақида «билганлари»ни ёза бошлагач, Мельников қониқиш ҳосил қилиб, ўзини анча енгил сезди. Турди. Қўлини белига қўйиб, Бобоева атрофидан айлана бошлади. Айни дамда у совет фани — адабиёти ва санъатининг улуғвор вазифалари ҳақида ўйлаб, шу йўналишда Бобоева зиммасига вазифалар юкламоқчи эди. Умуман, Бобоева ёмон кадр эмас, у Мельниковнинг ҳар қандай топшириғини бажаришга шай туради. Мана, ҳозир ҳам Абдуллаев масаласида биринчилардан бўлиб ишга киришди. Мельниковга қолсаку, биринчи котиблик ўрнини Фотимахонга бағишлаган бўларди, афсус, тепадагилар сиёсатни рўкач қилиб йўл беришмайди-да! Аслида-ку биринчилик Фотимахонга муносиб...

— Марҳамат, Ефим Николаевич, — Бобоева қоғозни узатди. — Ўқинг-чи, тағин тўлдиришга ҳаракат қиламан.

Мельников қоғозни олар экан:

— Хатоси йўқми, ўртоқ Бобоева, қани қизил сиёҳ билан текшириб кўрайлик-чи, зора беш чиқса! — деб шарақлаб кулди. Бобоева шер овлаган қуёндек мамнун жўр бўлди.

— Эндиги асосий масала, — Мельников Бобоева имзола-



ган қоғозни папкага жойлаб давом этди, — бу, мафкура. Мен Ўзбекистонга сиёсий жиҳатдан масъул бўлсам, сиз, Бобоева мафкура бўйича жавобгарсиз. Пахта, чорва, пилла — Мельников қўл силтади, — булар, бари бўладиган нарсалар. Қолаверса, бу матоҳларнинг ўз кишилари бор! Такрор айтаман, сиз билан менинг ишим пахта эмас, пилла эмас — сиёсат ва мафкура! Кўряпсизми, Бобоева партия ва ҳукуматимиз сизга қандай юксак лавозимни раво кўришган. Ишончни оқлаш керак. Маҳаллийчилик, миллатчиликка қарши шафқатсиз курашинг! Ҳар лаҳза ҳушёр бўлинг. Ёшлар, айниқса, илм аҳли ўртасида пиш ураётган миллий ғурурни юлиб ташанг! КПСС тарихи, жамиятшунослик каби мўътабар фанларимиз дастурига қатъий амал қилинг. Бизда ягона давлат, ягона миллат ва ягона манфаат ҳукмрон! Мамлакатимиз ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Унутманг, жамиятимиз тараққиёти халқ манфаатларига бўйсундирилган. Капитализмдаги каби мулкдорлар манфаатига бўйсундирилган жамиятдан фарқимиз ҳам шунда.

— Тўғри айтасиз Ефим Николаевич! — Бобоева жим ўтиришни ўзига ноқулай деб билди. Қолаверса, у социализм руҳида камол топган ўзбек қизи номига муносиблигини шу топда намойн этмаса, қачон намойн этади.

— Гоят муҳим вазифани давом эттиришга тўғри келади, — Мельников қўлига ручка олди. — Сиз, Бобоева, шу ишга масъулсиз. Мен академия тепасида турган миллатчи олимларига ишонмайман. Узоқни кўролмайди улар, тарих ва маданиятдан йироқда улар. Совет адабиёти Коммунистик партия томонидан белгилаб берилган улуғвор вазифа — инсон камолотини ўзида гармоник мужассамлантирган янги одамни тарбиялаш вазифасини ҳал этишда муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Ушбу тарихий вазифани бажаришда ижтимоий фанларнинг салмоғи катта. Ҳозирданоқ номзодлик, докторлик диссертациялари мавзусини қайта ёзиб Абдуллаевга топширинг. Улар биз берган йўналишдан чиқмасин. Масалан, — Мельников бир зум тараддудланиб, сигарет тутатди. Бобоева дафтарчасини очиб, унинг оғзига тикилиб турди.

— Масалан, «Рус-ўзбек маданий алоқалари», «Рус-ўзбек адабий алоқалари», «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамияти» ёки «Буржуа жадид адабиёти ва унинг реакцион моҳияти», — каби муҳим мавзулар етарлича ишланмаган. Масалан, жадид адабиёти ўзбек миллий буржуазиясининг мафкуравий жарчиси сифатида майдонга келганлиги ҳақида ҳамон жиммиз.

— Тўғри, жадидлар ватан хоинлари эди, — Бобоева

жўниб кетди. — Улар инглиз, америка империалистларининг агентлари сифатида иш кўрдилар...

— Бор экансиз-ку, Бобоева! — Мельников қайта сигарет ёқди, — баракалла! Шу тахлит давом этамиз. Улар, яъни жадидлар Туркия ва Эрон каби қолоқ феодал давлатлари билан тил бириктириб, империалистик давлатлар ҳимоясига суяндилар. Ўрта Осиёни Россиядан ажратиш учун, ўзбек меҳнаткашларининг дўсти, оғадлик йўлидаги курашида ҳамкори бўлган рус пролетариатидан жудо қилиш учун тиришдилар. Шундай эмасми?

Бобоева ўрнидан туриб давом этди:

— Жадидлар пантуркизм, панисломизм каби ашаддий реакцион назарияга суяниб, гоҳ турк давлати, гоҳ ислом давлати тузмоқчи бўлдилар. Уларнинг мақсади Ўрта Осиёни йиртқич империалист давлатлар мустамлакасига айлантириш эди.

Мельников:

— Октябрь революциясидан сўнг жадидлар очиқ-ойдин контрреволюция лагерига ўтиб кетдилар. Улар Англия, Америка ва Туркиядан ёрдам олиб, босмачилик ҳаракатини уюштирдилар. Қўлларига қурол олиб, ёш советлар республикасига қарши курашдилар.

Бобоева:

— Партиямиз раҳбарлиги остида, улуғ рус ишчилар синфининг беғараз ёрдами*...

— Стоп! — Мельников қўлини кўтарди. — Етади. Давомини аспирантлар ёзсин. Шу руҳда ёзиладиган ҳар бир талантни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашни сизга топшираман!

— Яна. — Бобоева Мельниковнинг охирги сўзини ёзиб бўлиб, кўзига термулди.

— Менга раҳмингиз келсин, хоним, ахир, икки кишининг юки оғирлик қилади менга, чарчадим, — Мельников бўшашиб нафас олди.

— Йўқ, йўқ, — Бобоева эркаланиб эътироз билдирди. — Сиз, Ефим Николаевич икки киши учун эмас, бутун Ўзбекистон учун ишлаяпсиз. Ҳа, ҳа, ишонаверинг, бутун Ўзбекистон учун**...

* * *

Назарида кўчалар шовқини тинди: атрофни сукут қоплаб, елкаларига совуқ — этни жунжиктирадиган оғирлик чўкди.

* Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1966. 297—299-бетлар.
** «Фан ва турмуш», 1997 йил 1—4-сонлари.



Бундай лаҳзаларда Абдуллаев ҳеч қаерга сиғмас, ёлғизлик, дилхушлик онларини парчалаб, жисмини чирмаган пўлат боғичларни узиб ташлагиси келарди.

У бир муддат ҳавода муаллақ қотди; гўё атрофини оламон қуршаган очиқ майдонда қўл-оёғини, бутун танасини занжирбанд этишган кучлар таъсирида мажолсиздек туриб қолди.

«Йўқ-йўқ, йўқ, Мельниковлар келиб-кетаверади! — Абдуллаев кескин бош чайқади. — Аммо, бизнинг карвонимиз эсон-омон манзилга етиши шарт...» У шу дамда ўзи бошқараётган фан карвонининг келажаги ҳақида ўйлар экан, бу йўлнинг қийинчиликлари ҳали-бери тугамаслигини биларди. Хаёллар билан аста илгарилар экан, Фанлар академиясига яқинлашганида кўзи шофёри Ҳамдам акага тушди. Анча йиллардан бери бир-бирига қадрдон, ҳар қандай вазиятда кайфиятини сўзсиз англайдиган Ҳамдам ака бугун ҳам унинг истиқболига пешвоз чиқиб, ишорасини кутиб турарди. Абдуллаев ҳеч қачон бировнинг заҳрини бировдан олмас, оғир дамларда ўзини тута билар у қаршисида сезгир, бироздари янглиг садоқат изҳор этиб турган шофёри билан ҳазиллашишга журъат топди:

— Инсоф борми ўзи сизда, а, Ҳамдам ака? — деди у шофёрнинг кўзига тик боқиб. Домланинг жиддий гап оҳангидан Ҳамдам ака довдираб қолди. Тили калимага келмай зарур бир топшириқни эсидан чиқаргану, гўё шу топда домла танбеҳ қилаётгандек хижолат тортди, кўзлари жовдираб беихтиёр елкасини қисиб, панжаларини ёйди. Унинг ҳолидан завқланган Абдуллаев:

— Э, қойил, яна бу одам ўзини билмаганга оладия, — дея машинага ўтирди.

Ҳамдам ака машина рулини тутиб, домлага хижолатли қаради.

— Бир ҳафтадан бери бозорга йўлатмайсиз, нима, пасдингиз бормиди менда, қани, кетдик!

Шофёр шундагина «гуноҳ»ини англади. Кўпинча домланинг ҳазилу чинини англаш қийин. Нима бўлганда ҳам бугун домланинг руҳиятида ҳаловатсиз бир ўзгариш — тогдек ноҳушлик сездию, гапиришга ботина олмади. Ҳар қалай бехос бозорни қўмсаб қолиши бежиз эмас. Вақти-вақти билан харид қилиш, бозор баҳона турли танишларини бир дам бўлсин унутиш, айрим унинг одатига айланган эди. Тошкент бозорлари унга кутилмаган завқ-шавқ бағишлар, олис-яқин қишлоқлардан йиғилган турфа одамлар, турфа ранг, сўз, ширин мевалар шаҳри — бозорни тез-тез қўмсаб турарди. Деҳқонлар

билан дилдан хушчақчақ савдолашиб, суҳбатлашиб, олма, анор, нок, сабзавотлару барра кўкатларни танлаб-танлаб харид қилганида у ҳар қандай чарчоғини унутиб, севимли қишлоғидан хурсанд қайтгани каби яйраб остонасидан кириб борар — ушбу машғулоти ўзига бениҳоя ёқар эди.

— Домла, сиз қадам қўйган бозор кўзимга файзли кўринади, — шофёр самимий сўз қотди. — Харидингизни четдан кузатган кишининг ҳаваси ортади. Баъзан сизга тақлидан бозор қилмоқчи бўламан, ҳеч бир чиқмайди денг.

— Буруниги замонлар бўлгонидами, — Абдуллаев атай «г» ҳарфини «ғ» атаб мутойибага ўтди, — сизни жанобу шофёримиз лутф қилдилар, лутф, деб сийлаган бўлардим.

— Домла, мен рост айтдим, инонинг, — шофёр хижолат тортди.

Абдуллаев унинг самимиятини тўғри қабул қилиб, мавзуни яна бозорга бурди:

— Билсангиз, бизнинг бозорларимизда ўзгача файз яшайди. Бозор фақат тирикчилик воситасигина эмас, унда ҳикматлар илми яширин. Катта шаҳарларнинг бозорлари атроф-муҳитга таъсир ўтказиб, гўёки бир мактабдек ўз ўқувчисини, уқувчисини тарбиялайди. Ҳеч бир киши бозорга шунчаки қадам босмайди. Бозорнинг бекорчихўжа ўғрисигача, очиқ тўқигача, ишбилармону сотувчисигача аниқ режа, ҳисоб-китобга эга. Шарқ бозорларининг таърифини Қодирий домла билан Ойбекдан ўтказиб таърифлай оладиган ёзувчи йўқ.

— Умрингиз узоқ бўлсин, домлажон, мен бир оми кишиман, — шофёр домланинг суҳбатга мойиллигидан вақти чоғ бўлиб, уни бирөз бўлсин чалғитмоқчи, қалби тубига чўккан оғриқни унуттиришга чоғланди. — Тўғри, бозорда ҳикмат кўп, деб эшитганмиз, шунинг учунми «отанг бозор, онанг бозор» деб айтишган-да.

— Бозор таҳрирсиз, безаксиз бир саҳна, — деди домла янада руҳланиб. — Мен унда арзонни ҳам, қимматни ҳам, қадрлию қадрсизни ҳам кўраман. Бозорда ҳамён билан бирга ақл, инсоф, умуман, тирикчиликнинг қўлидан тутган барча воситалар баравар от суради.

— Домла, ўрни келди, бир гапни айтай, — Ҳамдам ака нешойнадан Абдуллаевнинг чеҳрасига қараб олди, — аммо, хафа бўлманг, сизни аяганимдан..., — у «айтсамми, айтмасамми» дея бир зум иккиланиб қолди.

— Феълимни яхши биласиз, дангалига кўчинг!

— Сиз, баъзиларга ўхшаб, «халқ-халқ» деб гапирмайсизу, лекин оддий кишиларнинг юмуши сабаб ўзингизга галва

сотиб оласиз. Нима, ўшалар кунингизга ярармиди? Тешик қулоқ ҳаммада бор: эшитамиз, ҳамкасбларингиз сиздан кир излаб, айбномалар тўқишаётган бир дамда, сиз фан номзодлари ўзимиздан чиқсин, олимларнинг маоши кўпайсин деб...

— Аҳмоқ бўлиб юрибсиз, денг, шундайми? — Абдуллаев ўриндиқда қайта ўрнашгандек бутун гавдаси билан қимирлаб қўйди.

— Узр, домла, ундай демоқчимасман, сиз шу халқнинг фарзандлари учун жон куйдираётганингизни, худо кўрсатмасин тухматларга қолаётганингизни билишармиди? Оддийгинаси, бозорга борянмиз, бирон икки кило олмасини текинга берармиди? Ҳамма қўлингизга қарайди. Улар сизни эмас, қайтанга айтган нархига олиб, сиз уларни хурсанд қиласиз.

Домла бир нуқтага тикилгандек ўйчан бўлиб қолди. Машина тутқичини маҳкам сиқиб кескин рад этишга оғиз жуфтладию, негадир ўзини тийди, сукутини бузмади. Дақиқалар шу тахлит ўта бошлади. Домланинг сукути шофёрига ҳам кўчиб, юрак ҳовучлаб, бутун диққатини йўлга қаратди. «Аҳмоқ бўлмасам, катталарнинг ишига бурнимни суқармидим» дея ичида ўзини койиган бўлди у.

— Аслида-ку, гапингиз хафа бўлгулик, Ҳамдам ака, — Абдуллаев ўзига ўзи айтаётгандек босиқ гапирди. — Лекин сизни тушунаман... Билсангиз, мен ўзимнинг кимлигимни асло унутмайман. Шуни билингки, агар ҳамма ўзини ўйласа, эртаю кеч ўзини деб иш қилса, дунё дунёлигидан кечади. Оллоҳ бандасини синовлар, имтиҳонлар гирдобига ташлаган. Буни сезадиган, сезмайдиган, амал қиладиган, амал қилмайдиган бандалари бор. Оллоҳ берган умр давомида сизу мен ҳам синов гирдобидамиз... Тасаввур қилинг, мен ул зотники бўла туриб, нечун ўзимни ўйлайин? Инсон боласи бир-бирини тушунмас, тушунишга ҳаракат қилмас экан, у одилликни, инсофни қўлдан бой беради, адашади. Атрофга қаранг, турфа одамлар. Уларнинг нияти, истагидан қатъий назар Оллоҳнинг бандаси, деган улуғ ҳамда тенг рутбаси бор.

Сиз айтган деҳқонга келсак, у менга олмани текинга бермасин, аввало, уйида тинч тўқ бўлсин, одамдек яшасин. Ана шунда мен уларда ўзимни кўраман. Мендан хато излаган ҳамкасбу баъзи раҳбарларга муносабатим, уларни тушунишга ҳаракат қиламан. Тарихда шундай лаҳзалар, бўладики, миллатнинг тақдирини ёруғлик ёки бутунлай залолат томонга буриб юбориши мумкин. Шундай лаҳзаларнинг бошқарувчила-

ри бўлади, улар элнинг тақдири учун масъул, воситачи кабидирлар. Тақдир менга ҳам шу юмушдан зиғирдеккина улуш берган...

Абдуллаев чуқур тин олди. Лабларини қимтиб ана бир нуқтага тикилди. Шу тахлит бироз юрилгач:

— Хушламайдиган кишингизни бир лаҳза яхши кўринг, уни тушунишга ҳаракат қилинг, кечиринг, — деди. — Тўрт кунлик дунёнинг қусурларини сизу мен ўйлаб топганим йўқ. Қўрқоқлик, сотқинлик, барча ҳийлаю найранглар тирикчилик йўлидаги синовлардир. Тўғри, ҳеч бир мард йўққи, ушбу қусрларни қадрдон дўсти истиқболига пешвоз чиққандек хуш қаршилай олмайди. Ўзингдек инсонлар томонидан отилаётган бунингдек тошлар, албатта, юракни жароҳатлайди. Чидаш керак!

Мен ҳар эрта Оллоҳдан сўрайдиганимни сўраб, охирида ўзимдан синилмай, дея ният қиламан. Дастлаб сўз очганингизда жаҳлим чиққан эди. Йўқ, сиз ўртага фикр ташлаб, тўғри қилдингиз. Ҳозир ўйласам, бизнинг суҳбат икки киши ўртасидаги хуфиёна шивирлашиш эмас, кенг аудиторияни, айниқса, ёш олимларни, талабаларни жалб этадиган мавзу экан.

— Худога шукр! — Боядан бери домлани жон дили билан тинглаб, суҳбатни узмаслик учун машинани атай секинлатиб, олисроқ йўлдан бозор томон кетаётган Ҳамдам аканинг чеҳраси ёришди. — Рости, сиз айтгандек сўзларни мен мана бундай, — у машинасининг олд қутисидан Ойбекнинг «Навоий» романини чиқариб кўрсатди, — китоблардан ўқиб, ҳа, энди бу кўҳна тарих-да, деб қўярдим. Янглишган эканман.

Шу лаҳза Абдуллаевнинг чеҳрасида қувонч порлади. Китобни қўлига олиб ғурур билан боқиб:

— Навоий ҳазратлари халқимизнинг фахри, Ойбек ака эса улуғ донишмандимиз! — деди. — Қани, энди айтингчи, романни ўқиган бўлсангиз, бундай халқни, миллатни севмаслик мумкинми? Беш юз йиллик тарихни қаршингизга кўзгу мисол тутган ёзувчига тан берасизми ёки йўқми?! Ўтмишга боқсам, юртимизнинг ҳар бир хаси кўзимга тўтиё янглиғ кўринади. Бу юртни камситишларига тоқат қилолмайман, — Абдуллаев романни дуч келган жойидан очди-да, қуйидаги сатрларни жимгина ўқишга тушди: «Афтидан юввош кўринган бир мўйсафид йиғи-сиғи билан Султонмуродга шикоят қилди: «Подшоҳ мусулмон, вазирлар мусулмон. Лекин бунчалик жабрни кофир ҳам ўз элига раво кўрмайди. Юртдан инсоф-адолат кўтарилган! Шариат хор! Хонавайрон бўл-

дик!..» Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб, узоқ юрди. Ҳақорат, ғазаб, алам билан айтилган узуқ-юлуқ гаплардан бу ғалаённинг асли сабабини уқиб ола билди: подшоҳ ва бир кун вазирлар Ҳиротни тарк этиши билан закот ишларини идора қилувчи Хўжа Абдулло, Хўжа Қутбиддин, Низомиддин Бахтиёр ва ҳоказо маъмурлар, ўз билгиларича, халққа янги солиқ солдилар...

Замон олимларининг саромади бўлишгагина интилган Султонмурод шу вақтгача халқ тирикчилигидан узоқ яшар, унинг дардларига бегона эди. Унинг бутун фикри илмий назариялар самосида, қалин китобларнинг чанглари орасида, олимона мунозараларнинг суз майдонида парвоз қиларди. Халқ ким, у нима билан тирикчилик қилади, нима ўйлайди, дарди нимада, ўз мушкулотларини қандай ҳал этади — мана бунинг сингари масалаларни асло ўйлаб кўрмаган эди...».*

«Ҳа, ҳазрат Навоий даврида ҳам олимлар кўп, ҳаётини илмга бағишлаган Султонмуроддек йигитлар оз эмас эди. — Абдуллаев китобдан кўз узмай беихтиёр ўйлай бошлади. — Замон олимларидан ўзган Навоийнинг устунлиги шундаки, у бутун бошли миллатнинг дарди, қайғуси, манфаати деб яшади, демакки, миллатнинг тоғдек хизматига бел боғлади, шоирман, деб ўзини четга олмади. Навоий буюк шахс, даҳо у! Шукрлар бўлсинким, ҳар соҳада буюк тимсолларни ўзимиздан яратиб насл-насабимизни фахрга тўлдириб, баланд толе билан сийлади...»

Шофёр Чорсу бозорига етиб, машинани енгилгина тўхтатиб кутиб турарди. Домла ҳамон китобдан бош кўтармас, роман воқеалари уни ўз домига олган, у Навоий замони билан нафас олар эди. Бу дам ўзга бир машинанинг тасодифий сигнали Абдуллаевни ўзига келтирди, китобдан бош кўтариб атрофга қаради: таниш манзара — югурик оломон, бақириқ-чақириқ, катта-кичик кунда шундаларга кўзи тушиб, беихтиёр жилмайди, китобни эгасига узатиб, машинадан тушди.

Серновқин бозор ҳар иккисини ўз бағрига олди.

...Сараланган сархил мевалару барра кўкатлар тоза сабзавотлар билан тўлган халталарни қўлтиқлаган Абдуллаев билан Ҳамдам аканинг вақти хуш, айниқса, ғуборлари тарқаган домланинг руҳи тетик, харидан кўнгли тўқ эди. Ҳамдам ака эса ҳар галгидек ҳайрон: «Бозордан ҳам шунчалик завқ оладими киши? Агар қўйиб берса, домла бутун давлатини бозорчиларга улашишга тайёр-а?»

— Ҳаммасини қўйинг, гурунчни зўридан олдик-да! —

* Ойбекнинг «Навоий» романидан. 64-бет.

кетаётиб хурсанд гап қотди Абдуллаев. — Боя эшитдингиз, якшанба куни тушликка ош, ҳамшаҳарларни таклиф қилдим. Уйда гуруч бор эди, ўзларидан олдим, ишончлироқ чиқади-да!

— Ҳа, энди гуруч Ўзганникида, домла! — Ҳамдам ака топиб гапирди.

— Баракалла, мен билан бозор қилавериб, гуручни ҳам фарқлаб қолдингиз, — Абдуллаев маънодор кулимсиради.

— Энди навбат одам танишга, демоқчисизда-а, домла?

— Бу учун ўзингизни қийнаманг, доим камина билан биргасиз.

— Э, қойил! — шофёр яйраб кулди, — Сиз билан ҳазиллашиш осон эмас. Лекин шуни аниқ биламанки, бозорда харидорсиз турган ҳар қандай молни ўзганники, деб Сизга яхшигина пуллаш мумкин.

— Яна янглишдингиз, тақсир, бизнинг юртда ёмонлик ўсмайди, жамики зўр одамлар, ҳатто, бозорларни безаган ушбу неъматларгача илдизи Ўзга туташ, — Абдуллаев мутойиба йўғрилган шавқини гурурга тўлиб айтди.

Хуш-хурсанд уй томон кетишар экан, бир соат олдинги дилхиралик тумандек тарқаган, гўё кўчаларга ўзгача файз таралгандек қараб тўймас, қараган сари вужуди сеҳрли бир куч билан тўлиб, Абдуллаевни курашга чорларди. Бундан унинг ўзи ҳам ҳайрон: «Қизиқ, — ўйлар эди домла, — инсон табиати ўзгаришга мойил, йўқса, у қотиб қоларди, муаммолар ечимини тополмасди. Уни яратган Зот жамики мушкулотлар калитини оддий ҳодисалар, ҳаракатлар ичра яширган. Буни ҳамиша ҳам фарқлайвермаймиз. Хурсандлик, хафалик каби икки ҳол тавсифи учун, уларнинг сабаб ва моҳиятини тушунтириш учун ўнлаб олимларнинг умри мушоҳадаси керак. Фандан фан ясайвермай ўзимизни тадқиқ этсак тўғри бўлмасмикан? Баъзилар «қардошлик алоқалари»мисей ёким «дининг реакцион моҳияти» каби замонасоз мавзу талашиб олимлик даъво қилишади. Ижтимоий соҳалар қачонки инсон моҳиятига чуқур кириб борсагина ҳақиқий фан саналади».

Машина бекатга яқин ўрнатилган қизил чироққа тўхтади. Шу асно Абдуллаевнинг кўзи чоғроқ халта кўтарган кампирни судраётган милиционерга тушди, Онахон халтасини маҳкам сиққанича унинг чангалидан қутилишга интилар, атрофда гала оломон уларни бефарқ кузатиб туришарди. Кампир нимаси биландир Абдуллаевнинг онаси Ибохон аяга ўхшар эди. У туйқус титраб:

— Машинани четга олинг! — деди.

Абдуллаев шашт билан «Волга»дан тушди-да, шошилмай бир-бир босиб уларга яқинлашди, қари аёлни аямай турткилаётган йигитга қаҳрли тикилганича:

— Нима гап? — деди.

Пешонасига ўроқ-болға, беш юлдуз қундирилган фуражкасини қийшайтириброқ кийган кеккайган йигит:

— Кўрмайсизми, буни, — деди нописандлик билан, — ҳайдаган билан, чора кўрган билан уруғи камаймайди буларнинг! Ўзини гўлликка солиб, қонундан неш чиқаман дейди!

— Тўрт қўлингни! — кутилмаганда буйруқдек янграган овоз йигитни довдиратиб қўйди. Аммо у паст тушгиси келмай атрофидаги оломонга бўйнини чўзиб бир қараш қилди-да:

- Чайқовчи, спекулянтнинг ёнини олиб, чакки қиласиз, гражданин! — деди. Абдуллаев унинг ўта қуруқ, расмий муомаласидан энсаси қотса-да, эшитмагандек шофёри томонга қайрилиб қаради. Зумда ёнида Ҳамдам ака пайдо бўлди.

— Онахонни машинага олинг, — Абдуллаев кампирга меҳрла боқди. Саросима ичра қолган кампир не қиларини билмай дам Абдуллаевга, дам совет милициясининг навқирон вакилига термулар, кутилмаганда пайдо бўлган — шу дамгача учратмаган мурувватли кишилар қаршисида кимга ишонишини билмай мубҳам қотиб қолган эди.

— Бардам бўлинг, ая! — Абдуллаев кампирга далда берди. Шофёр унинг қўлидан халтасини олиб, қўлтиғидан суяди.

— Йигит! — Абдуллаев унинг қаҳрли кўзларига, тунг башарасига тикилди. — Қонунни ҳимоя қилиб тўғри қиласан, аммо сен жиноят билан жиноятчини фарқига бормас экансан. Онанг тенги аёлга кўрсатган ҳунаринг, сенинг кимлигингни айтиб турибди. Афсус, минг афсус, ҳайф сенга шундай имкон! — Абдуллаев нафрат билан ортига ўгирилар экан:

— Ўзингдан чиққан балонинг балочалари булар! — деди.

Машина оҳиста илгарилар экан, Абдуллаев олд ўриндиқда ўтирган, ўзига ҳамон ҳадиксираброқ қараб турган аёлнинг елкасига қўлини қўйиб:

— Она, нима гап ўзи, қаерлардан сўраймиз? — дея мурожаат этди.

Кампир ўз даҳмазасини ортга суриб, шу дамгача минмаган ҳашамли машина эгасининг кимлигига қизиқди:

— Болам, ўзинг кимсан, раисмисан? — кампирнинг билган, таниган амалдорлари ичра энг каттаси «Раис» ва «Райком» эди.. — Йўқ, раис десам, раисга ухшамайроқ турибсан...

Кампирнинг самимият тўла қалби, ўтказган ва ўтказаётган тирикчилиги юзу кўзларида, сўзларида намоён бўлди. Унинг оҳори тукилган кийимлари, меҳнатда тобланиб қорайган ранги, ҳар фаслда ўзгариб турадиган юмушларининг турфа ташвишини бутун қишлоқ аёлларининг тимсоли эди гўё.

Абдуллаев унинг содда, пок қалбини тинглар экан, кампирни қучиб, юкларидан ўпиб, бутун дунёнинг ҳаловатию имконларини бағишлагиси келар эди. «Ҳа, оналар бахтга лойиқ, фақат бахтга лойиқ! Қариган, меҳрибон, фарзандлинабирали аёлларнинг тимсоли йўқ» — дея у ичдан энтикиб қўйди.

— Биттагина ўғлим бор, — кампир оловдек меҳр, иззат қуриновида яйраб, ўзини хотиржам тутди. — Худойимга шукрки, ўзидан кўпайди, еттита невара бор, тўрттаси мактабга қатнайди. Ҳарна ўғлимга кумак, деб озроқ кунгабоқар экканман. Шуни денг, озрогини қопонда тоблаб, бозорга чиқувдим. Чайқовчисан деб ҳалиги мелиса бола роса таъзиримни берди. На бозорга қўяди, на бекатга. Болам, қани айтинг-чи, ўз томорқамда битган ҳосилни сотсам, чайқовчи бўламанми? Барака топкур гапимни ҳеч тингламайди-тингламайди. Ишқилиб мани англамади, тушунмади.

— Куйинманг она, у бизнинг тилни тушунмайди, унинг ота-онаси эгнидаги тўқими, у шунга ишонади!

— Йўғ-е, болам, у ўзимизнинг йигитлардан ўзбек, — кампир унинг ичдан куйиниб айтган сўзларига соддаларча эътироз билдирди. Абдуллаев эса шу чоғда бу оққўнгил аёлнинг мушкулини осон қилиб, тезроқ қувонтиргиси, умри тирикчилик ташвишларига қоришиб, ҳалол яшаган қарияни заҳматдан буткул қутилишини истар эди.

— Буни қаранг-а, биз излаб тополмаган нарсани, сиз шундоқ қўлимизга тутқаздингиз, раҳмат, — Абдуллаев узоқ ахтариб тополмаган матоҳини бехос учратгандек қувнаб аёлга миннатдорчилик изҳор этди.

— Пистанинг харидори ўзимман, ҳаммасини оламан!

— Йўғ-е, болам, мени уялтирма, андишанг кўнглимни тоғ этди, мени суядинг, сени худо суясин, — кампирнинг дийдаси юмшаб кўзи ёшланди. — Сенга писта сотиб, ўлибманми, шундайича олавер, болаларингга совғоти, бағишладим...

Ўзбек хонадонининг қалби дарё, меҳрибон онаси самимия-

ти қаршисида буткул лол қолган эди у. Суҳбатни давом эттирса, нечундир, кўнгли тўлиб, вужуди алланечук бўшашаётгандек ҳис қилди ўзини. Имкони топилсаю кампирни уйида онасидек асраса, унга меҳр, ҳимоя уланса. Йўқ, у ўз уйини, ёлғиз ўғлию невараларини ҳеч кимга, ҳеч нарсага алишмайди. Ҳар қандай ҳаловатдан кечиб ўзини уларга бағишлашга тайёр у.

— Онажон, мен шу жойда қоламан, — Абдуллаев машинани тўхтатди. Шофёрга кампирни қишлоғига етказиб, иккиси бозордан харид қилган барча нарсаларни онахоннинг уйига киритиб беришини тайинлади ва ўн сўмликдан бир неча дона чиқазиб:

— Пистанинг пули, онага бериб қўйинг, — дея ортига ўгрилди. Икки қадам босмай тўхтади ва кампирни таажжубга кўмиб, унга жилмайиб, меҳр билан боқди, қўлини сал кўтариб, «Хайр» деди. Машина жилгач, уларнинг ортидан қараб қолди.

## МУНДАРИЖА

*Ражаббой Раупов.* Муқаддима . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3
*Ражаббой Раупов.* Бухоро: афсона ва ҳақиқат . . . . . . . . . 5
*Ражаббой Раупов.* Юракдаги Бухоро . . . . . . . . . . . . . . . . 12
*Ражаббой Раупов.* Эътироф . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 19
*Ражаббой Раупов.* Зиёрат . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 23
*Ражаббой Раупов.* Сайид Олимхоннинг қўрқинчли туши (ҳикоя) . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 30
*Ражаббой Раупов.* Иймон минораси (ҳикоя) . . . . . . . . . 35
*Амина Қодирова.* 1920 йил шеъри . . . . . . . . . . . . . . . . . 46
*Ражаб Қиличев.* «Биздар босмачилар эмасмиз» . . . . . . . 47
*Ҳамидулла Болтабоев.* Талабни қондирмаган инқилоб . . 58
*Илҳом Ганиев. Карим Мустанов.* Шарқшунос, дипломат ва «жаҳолат навкари» . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 73
Фахр битиклари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 78
*Нусратулло Жумахўжа.* Хўжаи Жаҳон . . . . . . . . . . . 83
*Муҳаммад Салом.* Адолат гувоҳлиги . . . . . . . . . . . . . . 89
*Ражаббой Раупов.* Муносабат . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 93
*Ражаббой Раупов. Ҳалим Вафиев.* Маънавият улкиндир . 96
*Ражаббой Раупов.* Савоб умидворлиги . . . . . . . . . . . . 100
*Ражаббой Раупов.* Шофиркон ва шофирконликлар . . . 104
*Ражаббой Раупов.* Остона (қисса) . . . . . . . . . . . . . . . 107
*Ражаббой Раупов.* Осмоннинг эгаси (қисса) . . . . . . . 153
*Ражаббой Раупов.* Эркинлик (ҳикоя) . . . . . . . . . . . . . 175
*Ражаббой Раупов.* Бугуннинг эртаси (ҳикоя) . . . . . . . . 182
*Ражаббой Раупов.* Ўнг қўл (ҳикоя) . . . . . . . . . . . . . . . 191
*Ражаббой Раупов.* Устун (шу номли романдан боб) . . . . 203

# ЮРАКДАГИ БУХОРО

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998

Муҳаррир *Д. Исмоилова*
Бадиий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаҳҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 28.01.98 й. Босишга рухсат этилди 18.03.98 й. Бичими 84x108$^1/_{32}$. Бодони гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 12,6. Нашриёт ҳисоб табоғи 14.2. Адади 10000 нусха. Буюртма 2101. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Тошкент, 700083, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Ю 64

Юракдаги Бухоро: Юрт тарихидан сабоқлар: Ижтимоий ҳаётдан лавҳалар, суратлар, хотиралар: Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланади. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Р. Раупов). — Т.: «Шарқ», 1998. — 240 б.

ББК 65.9(5У-2)+63.3(5У-2)